



# МАСИҲИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ АСОСЛАРИ

РОБЕРТ СПРАУЛ

РОБЕРТ СПРАУЛ

МАСИХИЙЛИК  
ТАЪЛИМОТИ  
АСОСЛАРИ

## МУҚАДДИМА

Ҳар бир масиҳий — илоҳиётчидир. Биз доим Худони ва Унинг таълимотини ўрганиб борамиз. Ҳар бир масиҳийни ҳам том маънода профессионал еки академик илоҳиётчи деб айта олмаймиз, бироқ бу тўғрими еки йўқми, бундан қатъий назар, биз ҳаммамиз илоҳиётчимиз. Балки бу доим ҳам тўғри эмасдир. Бутрус ўзининг иккинчи мактубида бидъатчиларни Худонинг халқига катта зарар келтираётгани ва Раббийни ҳақоратлашаётгани ҳақида огоҳлантиради. Улар биз учун ҳам хавфли, чунки илоҳиёт одамлар ҳаётининг барча жабҳаларига тааллуқлидир.

Муқаддас Китобнинг таъкидлашича, инсон қалби қандай бўлса, одамнинг ўзи ҳам шундай бўлади. Бир қарашда бу фикр ғалати туюлади. Балки бу ерда бирор жумбоқ мавжуддир? Балки қалб эмас, онг назарда тугилгандир? Одатда фикрларимиз онгимизга асосланади, ҳис-туйғуларимиз эса қалбга. Шундай экан, «*Одам қалбининг фикрлари*» деган сўзлар қандай маънони билдиради? Ахир, фикрлар, бизнингча, қалбда эмас, бошда пайдо бўлади-ку! Бизни қамраб олган ўй-фикрлар бутун ҳаётимизни шакллантиради-ку! Биз ўз ўй-фикрларимиз маҳсулимиз. Ва агар бизнинг ўй-фикрларимиз ахлоқсиз бўлса, бу албатта ўз ҳаётимизга таъсирини ўтказади.

Инсон ишонч Рамзини яхшилаб едлашни ва дин назариясидан «беш» баҳо олишини, бироқ ўзи нопок ва уятсиз ҳаёт кечиришини биз жуда яхши биламиз. Биз тўғри назарияни ед олишимиз ва нотўғри ҳаёт кечиришимиз мумкин. Такводор ҳаёт кечириш учун дин ҳақидаги назарияни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Лекин барибир диенатли ҳаёт кечириш учун дин назариясини билиш керак. Агар шундай бўлмаса, ҳақиқат нималигини *билмай туриб*, қандай қилиб ҳар қандай ҳақиқатни *амалга оширамиз?*

Ҳеч бир имонли диний назариясиз қаноат ҳосил қилмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир имонли — дин назариясининг пешвоси. Демак, масала дин назариясида эмас экан.

Бу таълимотнинг мавжудлиги ўз-ўзидан зарур бўлган факт. Ҳамма гап диний таълимотнинг *тўғри еки нотўғрилигида*. Биз қандай дин ақидаларини қабул қиляпмиз — ҳақиқийми еки сохтами?

Ушбу китоб расмий дин таълимоти ҳақидаги дарслик эмас. Бу китоб оддий масиҳийларга мўлжалланган бўлиб, Масиҳийлик ақидасига киришнинг асосий назариялари ҳақида. Муқаддас Китоб таълимотини тушуниш учун авваллам бор кўникма хосил қилиш керак. Шунинг учун ушбу китоб ўқувчига энг муҳим ва асосий бўлган, ҳар бир инсонга мўлжалланган Муқаддас Китобдаги кўникмаларни ўргатади.

Ҳар бир кўникма қисқа, лўнда ва консепт шаклида берилган. Ҳар бир бобнинг охирида эътиборингизга Муқаддас Китобга асосланган изоҳлар берилган бўлиб, улар таълимотни схематик баен билан тўлдиради ва жонлантиради. Барча таълимотлар содда, шу билан бирга, асосли баен этилган. Содда бўлганда ҳам сийқалашиб кетмаган. Бир неча бетда мен Худонинг ҳар бир таълимоти моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдим. Аслида бу йўналишдаги изланиш камида бир неча жилд китобга жой бўлиши мумкин.

Ушбу китоб билан танишиб чиққач, сиз Худо таълимоти соҳасидаги мутахассис бўлмайсиз. Фақат Худо таълимотига асосланган асосий кўникмалар ҳақида тушунча хосил қиласиз. Ишончим комилки, бу китобни ўқиб чиққанингиздан кейин сизда Худо Каломини чуқурроқ ва батафсил ўрганишга қизиқиш пайдо бўлади. Бу эса бутун умрга чўзиладиган машғулотдир.

Мазкур китобни яратиш фикрини бергани учун Tyndale нашриетининг ходими Уэнделл Холига, қўлёзма чоп этилишида кўрсатган ердами учун Донне Макга ва нашрда ўз ерданини аямагани учун Дейвид Фриландларга миннатдорчилигимни билдираман. Муҳаррирлик қилгани учун ўғлим Р. Ч. га ҳам ташаккур билдираман.

*Орландо  
Июль 1992 йил*

## КИРИШ

XX асрнинг 80-йилларида Америкадаги Гэллап институти америкаликлар ҳаётига диннинг таъсирини ўрганиш бўйича катта тадқиқот ишларини олиб борди. Мазкур тадқиқот натижалари асосида турли жураналлар маълум хулосалар чиқариб, журналхонларга янада табиийроқ хулосалар тўғрисида хабар берди. Аммо маълумотларнинг катта қисми кенг ёйилмади. Шундан кейин Жорис Гэллап йиғилган маълумотларни *Christianity Today* (Бугунги масиҳийлик) журнаliga тақдим қилди. Журнал тахририяти ҳам, ўз навбатида, бир неча илоҳиётчиларни мавжуд маълумотларни ва уларнинг аҳамиятини ўрганишга таклиф қилди. Мен ҳам журнал ихтиёридаги мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда иштирок этишга мушарраф бўлдим.

Тадқиқотларимизнинг натижалари ҳайратда қолдирадиган бўлиб чиқди. Энг яхши нуқталари деб қуйидагиларни айтиш мумкин: 1) олтмиш миллиондан ортиқ америкалик ўзини, имонли одам, деб ҳисоблайди; 2) жуда кўп америкалик, Муқаддас Китоб — Худонинг Каломидир, деб ишонади.

Аммо юқорида тасдиқланган маълумотларга қарамай, шуниси тамомила шубҳасизки, америкаликлар, ҳатто *Инжилга* ишонувчилар ҳам, Муқаддас Ёзув мазмун-мундарижаси борасида нодонларча қолгани ачинарлидир. Бунинг устига, улар масиҳийлик ва классик масиҳийлик илоҳиёти тарихидан ҳеч қандай маълумотга эга эмас эканлар. Лекин энг хавотирли жиҳати шу бўлса керак: Муқаддас Китобга ишонамиз, деган кўплаб одамлар, Америка жамиятининг қурилишига ва қадриятига асло таъсир кўрсатмайди ёки ниҳоятда оз таъсир кўрсатадилар. Масалан, яқинда интим муносабатлар ахлоқи ва аборт тўғрисида тадқиқот ўтказилганда, шу нарса маълум бўлдики, бу масалаларда масиҳийлар ва имонга келмаган-

лар ўртасида деярли ҳеч қандай фарқ йўқ экан. Бошқача айтганда, қуйидагича хулоса келиб чиқади: масихийча «имон» Америка жамиятининг ҳам, Америка маданиятининг ҳам ҳаётида асло намоён бўла олмайди. Албатта, мавжуд маълумотларнинг аниқлигига шубҳа қилиш ҳам мумкин.

Аммо нима бўлганда ҳам, шундай бўлиши мумкинми? Шу лаҳзада ҳаёлимизга ўша жавоблардан бири келади. Балки «мен масихийман», деганлардан кўпчилиги алданаётгандир ёки хато гапираётгандир? Аммо ҳеч бўлмаганда, бу одамларнинг ярми ҳақиқатан юқоридан туғилган бўлса, бизнинг давримизда Америка мисли кўрилмаган даражада руҳий уйғонишни бошидан кечирди, деб айтишимиз керак. Бу уйғониш машҳур Буюк уйғонишга қараганда, бир қадар кенг миқёслидир.

Агар шундай уйғониш ҳақиқатан юз берган бўлса, ундай ҳолда нима учун биз яшаётган жамиятга унинг таъсири тўғрисида гувоҳликлар оз? Чамаси, миқёсига кўра ақл бовар қилмайдиган уйғониш ҳеч қандай ўзгариш пайдо қилмайди, шекилли. Бундай уйғониш бутун масихийлик тарихида ҳали юз бермаган ажойиб ўзгаришларга олиб келиши керак эди. Демак, бу уйғониш — мутлақ уйдирма, сохталикдан бошқа нарса эмас. Чинакам Муқаддас Китоб ишончи шу тариқа «уйғонмасдан» қолиб кетди, шекилли.

Мазкур аномалияга (одатдаги ҳолдан оғиш — *тарж. изоҳ*) бошқа — янада кўтаринки руҳдаги қарашларни таклиф қилиш мумкин. Биз жамиятга уйғонишнинг таъсирини кузата олмаймиз, чунки бу ҳақда гапиришга жуда эрта. Юқоридан туғилган миллионлаб одамлар ханузгача руҳий гўдаклик ҳолатида қолиб кетяптилар. Улар руҳий етукликка эришганларида, биз албатта атрофимиздаги имонга келмаганлар оламига уларнинг таъсири самарасини кўраемиз.

Ҳозирги жамиятнинг қадриятлари тизими шаклланишига ўсмирлар кучли таъсир кўрсатади, бу гапимга қўшилаверинг. Бироқ ўсмирларнинг таъсири билан ёши катта,

айниқса, ҳокимият тепасида турган ёки обрўли одамлар бу оламга таъсирини қиёслаш мумкин эмас. Гўдаклар эса жамиятнинг маданий қадриятлари шаклланишида ҳеч қандай роль ўйнамайдилар. Улар очлик ҳиссини бошдан кечирганларидагина, «бер»деб талаб қилган йигиси эшитилади. Оила аъзолари ёки жамоатчилик вакиллари маслаҳат сўраб гўдакка келмайдилар, чунки улар ривожланишнинг бу босқичига етиб келмадилар, ҳали ҳаётий тажриба орттирмадилар. Оилада ёки жамиятда ҳамма эътироф этган раҳнамо бўлиш учун етукликка ва доноликка эришиш керак.

Умид қиламизки, руҳий гўдаклик ҳолатидаги имонлилар руҳан ўсиб, етук масиҳийлар бўладилар. Улар ўзларининг оилаларига, жамиятга, бутун мамлакатга ва атрофини ўраб турган оламга жиддий таъсир кўрсатишга лаёқатлидирлар. Аммо унғача ҳали узоқ. Эҳтимол, ҳеч қачон бўлмаслиги мумкин. Ҳақиқий руҳий жонланиш ва янгиланиш юз бериши учун баъзи қаршиликларни бартараф қилиш лозим. Масиҳийлар буни тушунишлари жуда муҳим.

Қуйида масиҳийлар руҳий етукликка етиша олмаслигига оид ўнта сабабнинг қисқача тафсилоти берилади. Мен бу сабабларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида санаб ўтаман ва уларга таъриф бераман.

### **1-сабаб: Муқаддас Китобдаги, болалардай ишонинг, деган даъватни нотўғри тушуниш**

Баъзи масиҳийлар давраларида: «Болаларча соддалик билан ишонинг», деган Муқаддас Китобдаги даъват руҳий идеал даражасигача етказилди. Бу эса ишончнинг Муқаддас Китобдаги маъносини тамомила бузиб кўрсади. Янги Аҳд ҳақиқатан болаларча содда ишонччи яхши фазилат деб айтади. Исо шундай деган эди: «Сизларга чинини айттайин: ким Худонинг Шоҳлигини бола каби қабул қилмаса, унга ҳеч киролмайди» (Мк. 10:15).

Аммо бу нима дегани? Исо «болалардай» деб айтган ифодани қиёслаш деб айтиш мумкин. Бу қиёслаш табиий. Болалар ота-оналарига, ота-оналарининг сўзларига ишон-

ганлари сингари, биз ҳам Худога, Унинг сўзларига ишонишимиз керак. Боланинг ҳаёти ота-онасининг ғамхўрликларига ишониш лаёқатига боғлиқ. Агар бола қизиқиб, оловни ушлаб кўрмоқчи бўлса, ота ёки она дарров бунга таъсир кўрсатиб, бундай экспериментларни таъқиқлайди. Бундай вазиятда иссиқлик энергиясининг хусусиятларини тушунтириб ўтиришга имкон йўқ. Акс ҳолда бундай изоҳу тушунтиришлар ёш болага тушунарсиз бўлиб қолган бўлар эди.

Лекин бола улғайган сари, аста-секин ота-оналарининг ўғитларига ишонмай қўяди, уларнинг йўл-йўриқларига итоат этмайди. Кўп ўтмай, ўсмир тақиқларнинг сабабини тушунтириб беришни талаб қилади. Кейин эса очиқчасига итоатсизликка ўтиши мумкин.

Худо Шоҳлигида бундай итоатсизликка ўрин йўқ. Худонинг болалари Самовий Ота олдида болаларга хос иззат-хурматни доимо сақлашлари, айна пайтда Унга мутлақо ишонишлари керак. Айнан шундай муносабат сўзсиз ишончни англатади. Худо тўлиқ ишончга лойиқ. Аслида Унга ишонмаслик — бефаросатлик ва аҳмоқликдир. Худо ишончга сазовор. Етук масиҳий ҳеч қачон болалардай ишончни йўқотмайди.

Бироқ *болаларча содда ва инфантил, яъни ноетук* ишонч ўртасида катта фарқ бор. Кўпчилик бу тушунчаларни адаштиради. Ноетук ишонч Худонинг ич-ичини билишга интирмайди. Бундай ишонч парҳез сутдан воз кечишни истамай, Инжилнинг қаттиқ таомини рад қилади. Шу боис ноетук масиҳийлар ўзларига қаратилган ўғитларни тинглашлари тавсия этилади:

Вақт нуқтаи назаридан сизлар аллақачон муаллим бўлишингиз керак эди. Аммо сизларга яна Худо каломининг илк асосларини ўргатишга эҳтиёж бор. Сизларга қаттиқ озиқ эмас, сут керак. Сут билан овқатланадиган ҳар бир киши эса ҳали чақалоқ, солиҳлик каломида ғўру тажрибасиздир. Қаттиқ озиқ эса камолотга етганларга, яъни туйғулари яхши ва ёмонни фарқ этиш малакасига эга бўлганларга хосдир.

*Ибр. 5:12-14*

Янги Аҳд бизни руҳий етукликка интилишимиз учун даъват қилади. Ҳаворий Палус айтади: «Мен бола бўлганимда, бола каби гапирар, бола каби фикр қилар, бола каби муҳокама қилар эдим. Вояга етгач, болаликни қолдирдим» (1 Кор. 13:11). Биз нимада гўдак бўлиб қолишимизни ва нимада етукликка интилишимиз кераклигини ҳам кўрсатади: «Биродарлар, ўй-фикрда болалардек бўлманглар. Аксинча, ёмонликка нисбатан чақалоқ бўлиб, фикрлашда эса баркамол бўлинглар» (1 Кор. 14:20).

## **2-сабаб: Илоҳиётга шубҳа билан қараш олдидаги кўрқув**

Масихийлик субмаданиятида илоҳиётга тамомила ишончсизлик кўрсатилади. Кўпинча илоҳиётга нисбатан бўлган бу ёқтирмаслик илоҳиётчиларнинг ўзларига нисбатан бўлган ёқтирмаслигидан келиб чиқади.

Машҳур инглиз воизи Ж. В. Лэнгмид Кэссерли *Apologetic & Evangelism* китобининг бир бобини тўлиғича илоҳиётга сотқинларча муносабатда бўлаётган олимларга бағишлади<sup>1</sup>. Кэссерлининг кўрсатишича, масихийларнинг илоҳиётга нисбатан, ўсиб бораётган ишончсизлиги Муқаддас Китобга ва Муқаддас Китобни илмий жиҳатдан танқид қилиш билан шуғулланадиган ҳозирги замон олимлар томонидан масихийлик тарихига нисбатан кескин ишончсизлик сабабидан пайдо бўлмоқда. Айнан илоҳиётчилар: «Раббий ўлган», деб эълон қилдилар. Айнан семинариялар ва масихийлик коллежлари профессорлари Муқаддас Ёзувнинг аслиятига ва ишончсизлигига ҳаммадан кўп шубҳа билдирмоқдалар. XX аср бошларида голландиялик илоҳиётчи Абрахам Кайпер: «Муқаддас Китоб танқиди вандализмга (яъни маданий ёдгорликларни ва бойликларни ваҳшийларча хароб этиш — *изоҳ тарж.*) айланиб кетди», деб ёзган эди.

Асло шубҳа йўқки, Америкадаги кўплаб диний семинариялар ишончсизлик кўрғонига айланган. Болалар «масихийлик» коллежларидан тамомила шубҳа ва ишонч-

сизлик билан қайтиб келганларида, ота-оналар кўпинча эсанкираб, довдираб қоладилар. Болалар шубҳа ва ишончсизликни ўзларининг профессорларидан юктирадилар. Натижада оддий имонлилар кўпинча илоҳиётга сотқинларча муносабатда бўлаётган олимларга қуйидагича таъсир кўрсатадилар: «Агар бу фанни ўрганиш шундай оқибатга олиб келадиган бўлса, ҳечам керак эмас».

Аҳмоқона илоҳиёт ҳам мавжудлиги тўғрисида ҳеч ким тортишгани йўқ. Шубҳасиз, талаба илоҳиёт фани билан боғлиқ бўлган жиддий изланишлар жараёнида албатта Муқаддас Китоб ҳақиқатига шубҳа остидан қарайдиганларга тўқнаш келади. Шунинг учун ушбу усул билан имонсиз илоҳиётчилар қандай қилиб бўлса-да, масиҳий илоҳиётга ишонмаётганларини ўзларида оқлашга ҳаракат қиладилар ва буни намоён этадилар.

Бироқ илоҳиётга ишончсизлик билан қараш нима учун ҳозирги масиҳий ўқув юртларида бунчалик кенг тарқалиб кетганлигига таажжубланишнинг кераги йўқ. Исонинг ердаги ҳаётида Унинг энг асосий душманлари дин пешволари, руҳонийлар бўлганлигини бир эслаб кўринг-а. Илоҳиётчилар Исо даврида Унинг илоҳиётига нафрат билан қарардилар. Ва агар биз ишончсиз, ёлгон илоҳиётга учраб қолмаслик учун ўзимизни илоҳий ва диний таълимотдан умуман олиб қочсак, биз маънавий қашшоқликка йўл қўйган бўламиз. Унда биз ўзга авлоднинг сотқини бўлиб қоламиз. Илоҳиётни рад этиш — Худони англашнинг рад этиш демакдир. Масиҳийнинг бундай қарорга келишига ҳаққи йўқ.

### **3-сабаб: Халос бўлиш учун Масиҳни Худойим деб айтиш зарур эмас, деган гапни нотўғри тасаввур қилиш**

Бундай тасаввур — бу қадимий антионизм (тўғри деб ҳисобланган икки ҳол ўртасидаги зиддият — *изоҳ тарж.*) бидъатининг замонавий шакли. Бу нуқтаи назарга қўшилганларнинг ўйлашича, кунларнинг бирида сиз, Исога юз бураман, деган қарорга келдингиз ва гуноҳкордай Унга

ибодат қилдингиз. Исони ўзингизнинг Нажоткорингиз деб тан олдингиз, ана энди Уни Раббий сифатида қабул қилмаслигингиз ва Унга итоат этмаслигингиз мумкин. Бидъатчилар тарафдорларининг фикрича, масиҳий ҳеч қандай қонун билан боғланмаган.

Масиҳий устозлар орасида Масиҳни, ўз Нажоткорини Раббий деб очиқчасига тан олмасликка даъват этувчилар умуман йўқ, ёки жуда кам. Қайтанга улар тана бўйича масиҳийлар деб аталганларни тобора маънавий юксак ва итоатли бўлишга ишонтирадилар. Аммо улар халос бўлиш учун албатта Масиҳни Раббимиз деб тан олишимиз кераклигини негадир тушунтирмайдилар. Бундан ташқари, улар, нажот топиш учун бунга эҳтиёж йўқ, деб таъкидлайдилар. Айнан шулар каби одамлар «тана бўйича» масиҳийларни дунёга келтирадилар.

Шунга ўхшаш антиномизмларни Американинг Инжил жамоатларида тарқалиши мисли кўрилмаган даражага етди. Ушбу мавзуга оид музокаралар ҳозирги вақтда нажот топиш учун Масиҳга бўйсуниб кераклигини инкор этмоқдалар.

Яқинда бир қавмбоши ўзининг жамоатига келадиган бир ёш йигит ҳақида сўзлаб берди. Бу йигит жамоатга келишдан ташқари наркотик моддаларини қабул қилар ва турли аёллар билан зино қилар экан. Қавмбоши уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилибди, йигит бўлса қуйидагича жавоб қайтарибди: «Ҳаммаси жойида. Мен тана бўйича масиҳийман, холос».

Муқаддас Китобга асосан масиҳий бўлиш — бу Масиҳнинг издоши бўлиш демакдир. Бироқ шогирд — бу «ўқувчи». У Масиҳ мактабига борган. Ўқувчи, бир сўз билан айтганда, ўқишга, таълим олишга ва Худонинг амрларини бажаришга даъват қилинади.

#### **4-сабаб: Янги роҳиблик**

Роҳиблик ҳаракати жамият тарихида бу дунёдан кетишни мадҳ этарди. Монастирга йўл олаётган одамлар ахлоқсиз жамиятнинг зарарли таъсиридан ўзларини олиб

қочишарди. Монастирлар маънавий покликка интилаётган одамлар учун самовий макон эди.

Монастирларга кетишни аҳд қилганларнинг кўпчилиги у ерда ибодат қилиб, Худога хизмат қилиш билан ҳаёт кечирмоқчи эдилар. Бошқалар учун эса монастир якка яшашга қулай имконият эди. Замонавий рохиблик классик рохибликдан ўзининг илоҳий тадқиқотларга берилувчан эмаслиги билан фарқ қиларди.

Мен янги масиҳийлик ҳақида сўз юритганимда, баъзи бир Инжилга ишонувчиларни бу дунёдан «кетиш» гоёларини назарда тутганман. Бундай одамларнинг нафақат тутган йўли ҳақида, балки уларнинг ҳаёт тарзи ҳақида ҳам айтяпман. Дунёдан бу тарзда воз кечиш оддий ҳаётий югур-югурлардан воз кечиш эмас, балки ундан ҳам юксакроғи назарда тутилган. Бу имонлилар ҳар қандай масиҳий учун Масиҳ гувоҳлигини намоён этиб турган дунё билан ҳеч қандай алоқа қилишни истамайдилар. Бундай масиҳийлар ўзларининг эътиқодига гувоҳ сифатида биродарларининг тор доираси билан кифояланадилар. Улар «Инжилга ишонувчилар» тоифасига киритилмаган одамлар билан атайлаб алоқа боғлашдан воз кечадилар.

Айнан шу туфайли менинг масиҳийлик ҳаётимнинг иккинчи йилини эслашимга тўғри келди. Ўша пайтда мен коллежнинг иккинчи босқич талабаси эдим. Кунларнинг бирида ғарбий фалсафа дарсида бирдан ҳаяжонланиб кетганимни ҳис қилдим. Профессор муқаддас Августин қаламига мансуб эссе тўғрисида лекция ўқирди. Лектор шундай усталик билан Раббийнинг характерини тушуниш учун мутлақ янгича ёндашиш йўли орқали менда катта қизиқиш уйғотди. Мен барча ёш масиҳийлар каби ўз имонимни мустаҳкамлашга интилардим. Августин ва унга ўхшаш ижодкорларнинг асарларидан ўзим учун зарур бўлган ёрдамни олиш имконияти туғилганини мен англаб етдим.

Мен Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш ўрнига ўз мутахассислигимни ўзгартириб, диққатимни фалсафага қаратишга қарор қилдим. Шундан кейин инжилшунос би-

родарларим ҳар томондан мени таъқиб қила бошлашди. Менинг «муртадлигимдан» дўстларим даҳшатга тушишди. Яхши ниятлар билан улар доимо Муқаддас Китобдан бир парчани менга сабоқ бўлсин деб келтиришарди: «Эҳтиёт бўлинглар, ҳеч ким фалсафа ва қуруқ сафсаталар билан сизларни аврамасин...» (Кол. 2:8).

Дўстларимнинг бундай ҳатти-ҳаракатларидан мен хафа бўлдим. Мен Худо ҳақидаги ўз тушунчаларимни торайтириш учун эмас, балки кенгайтириш ниятида фалсафага мурожаат қилган эдим. Тўғри, менинг ҳозирги мутахассислигим Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш бўлмаса ҳам, бироқ мен ушбу Китобнинг ҳақиқат эканлигига шубҳам йўқ эди. Қолаверса, мен фалсафа билан шуғулланиб Муқаддас Китобни мутолаа қилишни ташлаб қўйганим йўқ. Мени бир нарса ажаблантирарди: қандай қилиб ҳеч нима билмаган нарсага «қизиқиб» кетиш мумкин экан? Номасиҳий фалсафа билан шуғулланиш мени янада Муқаддас Ёзувларга эътиқод ва катта ҳурмат билан қарашга мажбур қилди. Шу билан бирга, фалсафа масиҳийлар учун жуда зарур бўлган апологетика — маддоҳлик (бирор шахс, маслак, таълимот ва ижтимоий тузумларни мақташ — *изоҳ тарж.*) масалаларини тушунишимга ёрдам берди. Биз атрофдаги оламни мажусийларга эҳсон қилиб қолдиришимиз мумкинлиги олдин ҳеч қачон менинг хаёлимга ҳам келмаган экан.

Тор доирада биродарлар билан яккаланиб олиш нафақат маданиятни шакллантирувчи онг ва ғоялар соҳасидаги нодонликка, балки илоҳиёт соҳасида ҳеч нарсани билмасликка олиб келар экан. Яккаланиш имон, эътиқод кучли эканлигидан далолат бермасдан, қайтанга уларнинг йўқлигини акс эттириб берарди.

Бундай яккаланиб олишнинг охири ҳалокат билан тугайди. Дунёдан узоқлашиб кетар эканмиз, биз мағлубият кетидан мағлубиятга учрайверамиз. Америка маданиятининг дунё бўйлаб оммавийлашиб кетаётганлигини кўриб, дўппини четга суриб бош қашлаймиз. Яна бу қандай содир бўлди экан, деб ҳайрон ҳам қоламиз.

## 5-сабаб: Баҳслашув олдидаги қўрқув

Шубҳасиз, илоҳиёт турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Илоҳиётни ўрганиш жараёнида мунозарали саволларнинг пайдо бўлиши оддий ҳол. Биз ҳаммамиз бирдамликка ва тинчликка интиламиз. Муқаддас Китоб ҳар қандай баҳс-мунозараларни, зиддиятларни, тортишувларни ва ўзгаларнинг фикрига қаноат қилмаслигимизни қоралашини ҳам жуда яхши тушунамиз. Биз беозорликда, мўминликда, сабр-қаноатда ва сахийликда изҳор бўладиган Муқаддас Рух мевасини намоён қилишимиз керак.

Қолаверса, биз шундай ўйламиз: баҳс-мунозаралардан, зиддиятлардан ўзимизни тийсак ва ўз ҳаётимизда Рух мевасини намоён қилсак, демак, биз илоҳиётни ўрганишдан умуман воз кечишимиз керак бўлади. Америкаликлар кўйидаги мисраларни айтишни яхши кўришади: «Ҳеч қачон дин ва сиёсатни муҳокама қилманг». Бу аксиоманинг (фанда исботсиз қабул қилинадиган ҳақиқат — *изоҳ тарж.*) тасдиқ даражасига кўтарилиш сабаби шундан иборатки, диний ва сиёсий масалаларни муҳокама қилиш ойдинлик киритиш ўрнига, баҳсни янада қизитиб, оловлатиб юборади. Илоҳиёт борасидаги тортишувлардан келиб чиққан турли гина-қудратдан, сеҳр-жодуларга берилишдан, оммавий қувғинлардан ва ҳаттоки халқлар ўртасидаги урушлардан жуда чарчадик.

Аммо барибир илоҳиётни ўрганиш жараёни ҳақиқатдан ҳам турли баҳс-мунозаралар билан бирга ўтади. Бу ҳақда Жон Стотт *Christ the Controversialist*<sup>2</sup> номли китобида очиқ-ойдин айтиб ўтган. Унинг фикрича, Муқаддас Китобни мутолаа қилаётган ҳар бир ўқувчига шу нарса маълум бўлсинки, Исо Масиҳнинг ҳаёти турли мунозара ва баҳсларга тўла. Ҳаворийлар, уларга қадар бўлган пайғамбарлар сингари бирор кун ҳам қизгин баҳс-мунозараларсиз, муҳокамаларсиз яшашмаган экан. Павлунинг гапларига қараганда, у ҳар куни бозор майдонида баҳс-мунозаралар уюштирарди. Баҳс-мунозаралардан воз

кечиш учун, Исо Масихдан воз кечиш керак экан-да. Биз тортишув ва музокараларсиз тинчликни сақлаб қолишимиз мумкин. Лекин бу тана ва қуллик бўйича тинчлик бўлади. Бундай тинч дунёда ҳақиқат таҳқирланади.

Биз *манфур* мунозаралардан қочишга даъват қилинганмиз. Лекин биз *диёнатли* баҳслар олиб боришга даъват этилганмиз. Масиҳийча музокараларнинг ижобий аспекти шундан иборатки, масиҳийлар ҳақиқатнинг ноёблигини, бебаҳолигини тушунганларидан илоҳий мавзуларда бир-бирлари билан баҳслашадилар. Айниқса, илоҳий ҳақиқат доимийлик миқёсида бўлганлиги учун ҳам баҳслар қизигандан қизиб кетарди.

Манфур мунозаралар тортишаётган томонларнинг илоҳиётни яхши билганларидан юзага келмасди. Аксинча, уларнинг илоҳиёт соҳасидаги билимлари жуда саёз эди. Чамаси, улар принципал масалалар ва имонлиларни бир-биридан ажратиб юбормаслиги керак бўлган муҳим фурсат ўртасидаги фарқни англашолмаяпти. Биз куйидагича принципга асосланамиз: «Заиф, юзаки билимлар жуда хавфли». Айнан билими саёз илоҳиётчи-талабалар жанжалкашлиги ва майдагаплиги билан ажралиб туради. Айнан чаласавод илоҳиётчилар ашаддий жанжалкаш бўлиб етишадилар. Одам қанчалик илоҳиётни чуқур ўрганса, қайси масалаларда жавоб қилишни ёки кўнгилчан бўлишни, қайси масалаларда эса ўз нуқтаи назарини исботлашга уриниш кераклигини шунчалик яхши тушунади.

### **6-сабаб: Асримизнинг иррационал руҳи**

Менинг ўйлашимча, биз ҳозирда олдингига қараганда бениҳоят интеллектга қарши кайфиятлар кучайиб кетган масиҳийлик тарихи даврида яшайпмиз. Мен академик, технологик ва илм соҳасига нисбатан бўлган душманларча муносабатларни назарда тутганим йўқ. Интеллектга нисбатан душманларча муносабат деганимда, мен *онгга қарши йўналтирилган* муносабатларни кўзда тутаман.

Биз ҳар қандай оқилона ва асосли нарсаларга қарши чиқиш даврида яшаяпмиз. Экзистенциал (илм-фанга бўлган ишончни йўқотиш, ҳаётнинг маънисиз эканлигини исботлаш, халқ онгини захарлашнинг қабих усулларида бири — *изоҳ тарж.*) фалсафанинг таъсири ҳамма жойда намоён бўляпти. Биз ҳис-туйғуларга бериладиган кишиларнинг миллатига айланиб қолганмиз. Бу ҳатто тилда ҳам акс этган. Менинг талабаларим кўпинча ёзма имтиҳон ишларида қуйидагича ёзадилар: «Мен бунинг нотўғрилигини ҳис қиляпман...» ёки «Менинг ҳис қилишимча, бу шундай эмас...». Мен *ҳис қилишимча* сўзларини ўчириб ташлайман. Унинг ўрнига *ўйлашимча* феълени ёзиб қўяман. Ҳис-туйғулар ва ўй-фикрлар ўртасида жуда катта фарқ мавжуд.

Масихийларнинг эътиқодида онг, юрак сингари, биринчи ўринда туради. Бундай баёнот яққол парадокс (яъни умум томонидан қабул қилинган фикрдан кескин фарқ қиладиган ёки тўғри, соғлом фикрга қарама-қарши бўлган ўзига хос бир фикр — *изоҳ тарж.*) бўлиб кўринадди. Қандай қилиб икки ҳар хил тушунчалар биринчи ўринни бўлишиб олиши мумкин? Шубҳасиз, биринчи ўринда иккисидан фақат биттаси туриши мумкин. Икки ҳар хил тушунчаларнинг биринчилиги ҳақида гапирганимда, мен тамомила ҳар хил икки соҳадаги биринчиликни назарда тутяпман.

Қалб *зарурат* юзасидан биринчиликда туради. Агар мен ақлим билан тўғри таълимни қабул қилсаму юрагимда Масихга нисбатан севги бўлмаса, мен Худонинг Шоҳлигига кира олмайман. Худо олдидаги пок юрак тўғри илоҳиётга қараганда ниҳоятда муҳимроқдир.

Лекин менинг юрагим пок бўлиши учун *тартиб юзасидан* онг биринчи ўринда бўлиши керак. Менинг юрагимда калламга келадиган ҳеч нарса йўқ. Мен қандай қилиб Худони ёки Исони яхши кўраман, агар У тўғрида ҳеч нарсани билмасам? Ҳақиқатдан ҳам, мен Худонинг характерини қанчалик яхши билсам, Уни шунчалик кўп яхши кўра оламан.

Худо Ўзини китоб орқали очиб беради. Китоб сўзлардан иборат. Китобда тушунишнинг имконияти бор маънолар мужассам. Албатта, ақл бовар қилмайдиган сиру асрорлар ҳам мавжуд. Лекин Худо ҳақиқатининг мақсади шундан иборатки, онгимиз билан тушунганимиз юрагимизни забт этишга қодир. Илоҳиётга манфур муносабатда бўлиш — Худонинг Каломига нафратли, жирканч муносабатда бўлиш демакдир.

### **7-сабаб: Дунёнинг васвасалари**

Жон Бенъяннинг «Пилигримнинг самовий юртга саёҳати» асаридаги масиҳий жаноб Дунё Донишмандининг<sup>3</sup> маслаҳатига қулоқ тутиб, илк бор ҳақ йўлдан ёмон йўлга кирди. Жаноб Дунё Донишманд Сохта Илоҳиётчи деб номланган бўлса-да, аммо унинг «доно» маслаҳати айнан сохта илоҳиётга асосланган эди.

Дунё ташвишлари бизни васвасага солишини биз тушунамиз. Васваса бизни ҳис-туйғулар уммониغا, кайф-сафога дучор этиб, бизлардан манфаатпараст, мазахўр ва шунга ўхшашларни яратади. Дунёнинг энг катта васвасаларидан бири бу — ҳозирда Америка жамиятида оммалашган ҳақиқатга бўлган қарашларнинг бўлинишидир.

Аллан Блум ўзининг *The Closing of the Amerikan Mind*<sup>4</sup> номли китобида таъкидлашича, ҳозирги илм соҳасида релятивизм (объектив дунёни билиш мумкин эканлигини инкор этадиган ва барча билимларни нисбий, шартли, субъектив билимлар деб ҳисоблайдиган сохта, идеалистик таълимот — *изоҳ тарж.*) назарияси қабул қилинмоқда. Америкаликлар онг ёрдамида англаш мумкин бўлган объектив ҳақиқатни излашни тўхтатиб қўйишди. Релятивизм мутлақо беқиёсдир. Ҳақиқат — бу нисбий тушунча деб таъкидлаш беҳуда. Бундай фикр ҳақиқат бўла олмайди. Нисбий ҳақиқат тушунчасининг ўзи нисбий ва ҳақиқий қимматга эга эмас.

Аристократ табақаларида кенг тарқалган интеллектуалга қарши кайфиятлар масиҳийлар доирасига ҳам кириб

борди. Ва айтиш мумкинки, у имонлиларни ҳам қамраб олди. Инжил масиҳийлари катта хурсандчилик билан зид, қарама-қарши фикрларни, мантиқсиз ва бир-бирини рад этадиган илоҳиёт назарияларини бажонидил қабул қиляптилар.

Шуни таъкидлаш керакки, Инжил масиҳийлари бунга ва бунга ўхшаш ҳолатни релятивизм ёки субъективизм (дунёнинг инсон онгига боғли бўлмаган ҳолда, объектив реаллигини инкор этувчи идеалистик оқим — *изоҳ тарж.*) деб аташмайди. Бу фалсафани диний терминлар билан юзаки беркитиб илоҳийлаштириб юборишди. Кўп-лаб гносеологик (илмий билиш манбалари, имкониятлари ва воситалари ҳақидаги таълимот — *изоҳ тарж.*) иллатларни «Рухнинг йўлбошчилиги» билан тушунтиришади. Муқаддас Ёзувлар қатъиян тақиқланган нарсаларни одамлар «Рухнинг етакчилигида» бажаришади. Муқаддас Китоб тақиқлаган нарсаларни улар бекор қилишади, чунки уларнинг тасаввурига асосланган ҳақиқат — нисбий тушунча. Иррационал зиддиятларни қабул қилиш Худонинг «олий мантиқ илми» изоҳи билан оқланади.

Агар биз Муқаддас Китобни онг ва мантиқ қонунларига асосланиб тушунишга ҳаракат қилсак, шу зоҳотиёқ бизни Аристотель фалсафасининг издошчилари деб айтишади. Бунга сабаб рационализм (тафаккурни ҳиссий идрокдан ажратиб қўядиган ва ақлни билимнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий оқим — *изоҳ тарж.*) фалсафасининг кўпинча масиҳийликка душманларча муносабатда бўлишидир. Узоқдан бўлса ҳам рационализмни эслатадиган ҳамма нарсадан биз қочишимиз керак. Масиҳийликнинг асосида ҳақиқат бор, бу ҳақиқатни онг ўз кучи билан очиб бериш имкони йўқ. Бизнинг ўйлашимизча, идрокнинг ўзи шубҳа ва гумон мавзуси бўлиши мумкин.

Масиҳийлик — рационализм эмас. Аммо у мақсадга мувофиқ таълимот. У ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатга эга. Лекин у рационализмдан кичик эмас, аксинча, катта.

Худонинг Каломини очик-ойдин тушунишга интилиш — бу айб эмас, балки фазилат. Худонинг Каломи иррационал эмас. Одамлар уни ўз ақл-идроклари ёрдамида англашлари учун мўлжалланган.

### **8-сабаб: Муқаддас Китобни ўрганиш ўрнига ибодат**

Муқаддас Китобни ибодат билан ўқиш масиҳийнинг маънавий ўсишига тўсқинлик қилиши мумкинми? Агар бу ҳолат Муқаддас Китобни жиддий ўрганиш ўрнига бўлса, мен қатъий равишда «ҳа» деб жавоб бераман.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Муқаддас Китобни ибодат билан ўқиш ва уни жиддий тадқиқ қилиш ўртасида унчалик катта фарқ йўқ. Муқаддас Китобни жиддий ўрганиш тадқиқотчидан ўзини тўлиқ Худога бағишлашни талаб этади. Клайв Льюис шундай деган эди:

Куйидаги китоб эксперимент тариқасида ёзилган. Унинг таржимаси нафақат илоҳиётни ўрганувчилар учун, балки китобхонларнинг кенг оммасига мўлжалланган. Агар бу китоб ўқувчиларда қизиқиш уйғотиб муваффақият қозонса, яна бошқа машҳур масиҳий китобларнинг таржимаси сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинади. Қайсидир нуқтаи назардан бу китоб ушбу соҳада биринчилардан эмас. *Theologia Germanica, Imitation, Scale of Perfection* ва Юлиани Норвичскаянинг *Ваҳий* таржималари нашрдан чиққан. Гарчи таржималарнинг ҳаммаси ҳам илмий асар бўлмаса-да, уларга юқори баҳо берилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу китоблар илоҳиётни ўрганиш учун эмас, балки ибодат билан ўқиш учун мўлжалланган. Жамоатларга келадиган оддий одамлар ҳозирги кунда нафақат билимга, балки панд-насихатларга жуда муҳтожлар. Айниқса, ҳозирда билимга талаб кучли. Ундан ташқари, бу икки хил китобларнинг ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас. Менимча, ибодат китобларига қараганда илоҳий китоблар эътиқодни мустаҳкамлашда кўпроқ ёрдам беради. Ўйлашимча, кўпчилик менинг фикрларимни қўллаб-қувватлайди. Кимки мук тушиб тинмасдан ибодат қилганда, ёки ибодат ила китоб ўқиганда,

«ҳеч нарса содир бўлмаяпти» деб ўйласа, умид қиламанки, кўлларида қалам билан ёки тишларида трубка билан ил-оҳиётни тушуниш қийин бўлган сатрларини англашга ури-наётган бўлса, бирдан юраги жўш уриб қўшиқ айтаётгани-ни сезади<sup>5</sup>.

Ҳар куни ибодат билан ўқиб туриш учун кўплаб қўл-ланмалар мавжуд. Муқаддас Китобни кунига ўн беш ёки ўттиз дақиқа ўқийдиганлар камчиликни ташкил қилади. Лекин Муқаддас Китобни умуман мутолаа қилмагандан кўра, кунига ўн беш дақиқадан ўқиган маъкул.

Муаммо шундан иборатки, Муқаддас Ёувларни ку-нига ўқишга ўн беш дақиқа ажратиб, биз Худонинг туб моҳиятини ўлчай олиш қобилиятига эгамиз, деб ўйлай-миз. Бунчалик кам вақт ажратиб, оз предметларни ўрга-ниш мумкин. Худонинг Каломини чуқур ўрганиш учун жиддий ва шиддат билан ҳаракат қилиш керак. Ибодат билан ўқиш эса — Муқаддас Китобни тадқиқ қилишга жуда катта қўшимча ёрдам бўлади. Бироқ биринчисини иккинчиси билан алмаштириш керак эмас. Ушбу китобда ҳар бир бобнинг охирида мутолаа қилиш учун Муқаддас Китобдан парчалар келтирилган. Бобларда парчаларга берилган шарҳлар эса жиддий тадқиқот бошлашга омил бўла олади.

### **9-сабаб: Дангасалик**

Карл Бартнининг фикрича, тубанликка тушган одамзод-нинг энг кўп тарқалган ва асосий гуноҳлари деб манман-ликни, ёлгонни ва ялқовликни кўрсатиш лозим. Жойла-шиш тартиби бўйича Барт ҳақ эди, деб мен айтолмайман. Лекин санаб ўтилган гуноҳлар ҳақиқатдан ҳам жуда жид-дий ва Муқаддас Китобда улар ҳақида кўп гапирилган.

Агар биз ўз гуноҳкор табиатимизга кўра ҳақиқатдан ҳам дангасаликка мойиллик сезсак, биз хушёр тортиши-миз ва бу иллат билан кураш олиб боришимиз лозим. Юқоридан туғилиш тез ва тамомила бизни ялқовликдан

кутқаради, деб асло ишонмаслик керак. Биз бирданига ёки дарҳол бекорчиликдан худди манманлик ва ёлгончилик каби қутула олмаймиз.

Масихий кўп ва гайрат билан ишлаши лозим. Бизнинг покланишимиз — бу нафақат Худонинг ҳузур-ҳаловати-га эришишимиз, балки кўп ҳаракат қилишимизни талаб этадиган жараён. Худо бизнинг ишларимизга ёрдамлашишга ваъда берган, лекин Унинг ёрдами бизни саботли меҳнат қилиш мажбуриятидан озод қилмайди. «...яна кўпроқ кўркув ва титроқ билан топган нажотингизни бут қилишга тиришинглар. Зотан Худонинг Ўзи сизларнинг вужудингизда амал қилади, У Ўз мурод-мақсадини адо этишингиз учун сизларда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради» (Флп. 2:12-13).

Ўз хизматимиз билан биз мукофотга сазовор бўлмаймиз ёки бизни маъзур кўришмайди. Аксинча, бизнинг меҳнатимиз оқланишимиз кетидан юради. Бу оқланишни биз текинга, эътиқодимиз учун оламиз. Дангаса масихийлар ҳеч қачон маънавий етукликка эриша олмайдилар, чунки Худонинг Каломини ўрганишга ўзларини бағишлашни истамайдилар.

Илоҳий хатолар — бу гуноҳдир, деб мен кўпинча ўз талабаларимни ҳайрон қолдираман. Улар хато учун ҳукм қилинмайди, деб ўзларини оқлашга ҳаракат қилишадди. Муқаддас Рух Ўз ваъдасини бажармагани учун биз Муқаддас Китобни нотўғри талқин қилмаймиз. Балки биз ўз вазифаларимизни бажармаганимиз учун нотўғри талқин қиламиз, деб жавоб берардим мен уларга. Биз Худони бутун вужудимиз билан севмаймиз. Раббий ишларини жон куйдириб тадқиқ қилиш мажбуриятларимизни назарга илмаймиз.

### **10-сабаб: Итоатсизлик**

Маънавий камолотга етишишга ҳалақит бераётган сабаблардан бири итоатсизлик эканлигини алоҳида кўрсатиш жуда ҳам тўғри бўлмаса керак. Чунки барча сабаб-

ларда итоатсизликнинг мавжудлиги назарда тутилади. Итоатсизлик юқорида таъкидлаб ўтилган ҳамма сабабларга хулоса тариқасида рўйхатга киритилган.

Биз сиз билан масиҳийлар нима учун илоҳиётни ўрганишдан бош тортишаётганларининг қатор сабабларини кўриб чиқдик. Шу билан бир қаторда Худонинг Каломини ўрганишга одамларни ундаётган ижобий жиҳатлар ҳам мавжуд. Илоҳий ҳақиқатни янада чуқурроқ билишда бизнинг йўлимизга ғов бўлаётган тўсиқларни енгиб ўтишга интилишимиз жуда муҳим.

### *Илоҳиёт қалбни озиқлантиради*

Инсон тирик Худони англашда қалби иштиёққа тўлиши учун, биринчи навбатда унинг идроки, Худо қандай экан, Унинг хоҳиш-истаги нималардан иборат экан, деб билишга интилади. Одамнинг юрагида ҳозир идрокига келадиган ҳеч нарса йўқ. Инсон қалби ҳис этмаган ўткир илоҳиёт билимдони бўлиши мумкин. Бироқ илоҳиёт қалбни забт этган бўлса-чи, демак, идрок илоҳиётни ўзлаштириб олган.

Масиҳийлик таълимини онг билан идрок этиш — маънавий ўсишнинг мажбурий шартидир. Аммо эътиқодда ўсиш учун бунинг ўзи камлик қилади. Асосий шарт — бу самарали натижага эришиш шarti. Масалан, кислород — ёниш жараёни учун зарур шарт. Лекин фақат кислороднинг мавжудлиги оловнинг келиб чиқишига сабаб бўлмайди. Шунисига ҳам шукур, агар кислород автоматик равишда ёниб кетадиган бўлса, бу ёруғ оламнинг кули алангадан аллақачон кўкка совурилган бўларди. Шунинг учун ҳам кислород олов учун зарур бўлган шартлардан бири, лекин унинг мавжудлиги — бу оловнинг ёниши дегани эмас. Шундай қилиб, кислороднинг мавжудлиги шарт, лекин ёниш учун унинг ўзи камлик қилгани сингари, бизнинг юракларимиз алангаланиши учун масиҳийлик ақидаларини билиш шarti етарли эмас. Муқаддас Рухнинг роҳатбахш таъсирисиз билимнинг ўзи, гарчи

у тўғри ва ақлли билим бўлса-да, бизни мурдадек қотириб қўяверади.

***Таълим соҳасида Худо бизни гайратли бўлишимизни амр этади***

Илоҳиётни ўрганишга ундовчи иккинчи ижобий жиҳат шундан иборатки, Худонинг Ўзи тадқиқ объекти бўлишига қарамай, бизни масиҳийча таълимотда ўсишимизга даъват этади. Келинлар, ҳақиқатга интилиш учун Павлуснинг сўзларига кулоқ тутайлик ва «...болаликни қолдирайлик» (қаранг: 1 Кор. 13:11). Биз ёмонликка нисбатан чақалоқ бўлишимиз, ўз эътиқодимизни тубига етишда эса баркамол бўлишимиз керак (қаранг: 1 Кор. 14:20). Биз олган билимимиз билан мақтанишни эмас, балки хузур-ҳаловатда юксалишни истаймиз. Масиҳийлик таълимотидаги пухта олинган билим — Масиҳда балоғатга етиш негизидир.

Худони англаб ўсиш — улкан бахт ва шарафдир. Бундан биз фақат хурсанд бўлишимиз керак. Бу нафақат шараф, балки бурч ҳамдир. Худо бизни Масиҳ билан тўлиб-тошишимизни амр қилади. Эски Аҳдда Исроилга берилган Худонинг амрини ўқинг:

Эй, Исроил, кулоқ сол, Эгамиз Худойимиздир, Эгамиз ягонадир. Худойингиз — Эгамизни бутун қалбингиз билан, бутун жонингиз билан, кучингиз борича севинлар. Бугун мен сизларга берган амрларни юрагингизда сақланг. Буларни болаларингизга ҳам ўргатинлар, уйда ўтирганда ҳам, йўлда юрганда ҳам, ётганингизда, турганингизда ҳам шулар ҳақида гапиринлар. Буларни кўлингизга белги қилиб боғлаб, пешонангизга нишон қилиб олинлар. Эшигингиз тепасига, дарвозаларингизга ёзиб қўйинлар.

*Амрлар 6:4-9*

Бу муқаддас амрнинг мақсади — Худонинг берган буйруқларини ва Унинг ҳақиқатини ўрганиш бизнинг

бурчимиздир. Буни шошма-шошарлик билан ёки тасодифан бажариб бўлмайди. Худонинг Каломини англаш учун илоҳиётни чуқур ўрганиш лозим.

Шуни эслатиб қўйишим лозимки, илоҳиётни жуда яхши билиш мумкин, фақат биз билимларга асосланиб яшамаслигимиз эмас. Бошқа томондан, тўғри таълимотга эга бўлмай туриб тақводорона ҳаёт кечиришнинг иложи йўқ. Шу маънода илоҳиётни абстракт фандай муҳокама қилиш нотўғри. Бу ҳаёт-мамот масаласи, абадий ҳаёт ва мамот. Ушбу китоб илоҳиёт доирасидаги ҳаёт-мамот масаласида йўл кўрсатувчи қўлланмадир.

БИРИНЧИ  
ҚИСМ



ҲАҚИҚАТ



## 1-боб

### Илоҳий ҳақиқат

Масиҳий ҳақида билган ҳамма нарсаларимизни бизга Худо очиб берган. *Очмоқ* — бу «чойшабни олиб қўймоқ» деганидир. Демак, бу олдин чойшаб билан беркитиб қўйилган нарсаларнинг очилганидир.

Ўғлим ҳали кичкина экан, биз ҳар йили унинг туғилган кунини нишонлар эдик. Одатий ҳолга айланиб қолган совғани қўлига бериш усулини қўлламай, биз унга беркитиб қўйилган совғалар ичидан ўзига ёққанини танлаб олишни таклиф қилардик. Мен совғаларни ҳар хил жойларга беркитиб қўярдим, масалан, сандиққа, креслони орқасига ёки кароват тагига. Кейин мен ўғлимдан сўрардим: «Хўш, сен нимани олмоқчисан? Менинг чўнтагимдагиними ёки хонтахтанинг тагидагиними?» Энг қизиги кейин юз берарди. Хонанинг ўртасига биз учта стул қўяр эдик. Стулнинг устида чойшаб билан ёпиб қўйилган совғалар турарди. Битта стул устида кичкина совғача беркитилган, иккинчисининг устида каттароғи, учинчисида эса қўлтиқтаёқ беркитилган эди. Ўғлим етти ёшлигида йиқилиб тушиб, оёғини синдириб олганида шу қўлтиқтаёқдан фойдаланганди.

Тасаввур қилинг-а, ўғлим қаторасига уч йил қўлтиқтаёқ қўйилган стул устидаги «совға» ни танларди! (Табиийки, бу одат ўғлим чойшаб очилганидан кейин қўлтиқтаёқни ўзига ёққан совғага алмаштириб олиш билан тугарди). Тўртинчи йили у ҳақиқий совғаси бор стулни танлашга аҳд қилди. Бу сафар стулнинг устига совғаларни қўйиб бўлгач, мен чойшаб ёпаётганимда қўлтиқтаёқнинг учини сал кўринтириб қўйдим. Ёнидаги стулда энг катта совға беркитилган эди. Озгина очиқ қолган қўлтиқтаёққа қўзи тушгач, ўғлим оқилона ҳаракат қилди. У бу стулни айла-

ниб ўтиб, бошқа стулнинг устида беркитилган совгани танлади.

Ҳаммасидан қизиғи шу эдики, совға қайси стулда беркитиб қўйилганини топиш эди. Бу вазиятда жуда ақлли бўлиш талаб этилмайди, фақат озгина ўйлаб кўриш керак, холос. Лекин чойшабнинг тагида нималар беркитиб қўйилганини билишнинг, шубҳасиз, имкони йўқ.

Бизни Худони билишимиз ҳам худди шундай. Худо ҳақидаги беҳуда гаплар — бу бефаросатларнинг қисмати. Агар ҳақиқатдан Уни билишни хоҳласак, унда биз У Ўзи ҳақида айтган гапларига ишонишимиз керак.

Муқаддас Китобнинг таъкидлашича, Худо Ўзини турли йўллар билан зоҳир қилади. У Ўз шухратини табиатда ва табиат орқали кўрсатади. Олдинги пайтларда У Ўзини тушлар ва хаёллар орқали намоён қиларди. Тарихга назар ташлаб биз Унинг фикрлаш қобилиятига эга эканлигини кўришимиз мумкин. У Ўзи илҳомлантирган Ёзувларнинг саҳифаларида Ўзлигини намоён этган. Худо Ўзини намоён қилишининг энг юқори чўққиси — бу Исо Масих. Дунёга Исо Масих инсон образида келди. Илоҳиётчилар бўлса бу ҳодисани Унинг «гавдаланиши» деб аташади.

Муаллиф Ибронийларга Мактубда шундай ёзади:

Худо қадимда бир неча марта ва турли тарзда пайғамбарлар орқали ота-боболаримизга гапирган эди. Охирги кунларда эса У бизга Ўз Ўғли орқали гапирди. Худо коинотни Ўғли орқали яратган ва Уни борлиқнинг вориси қилиб тайин этган.

*Ибр. 1:1-2*

Гарчи Муқаддас Китобда Худо Ўзини «турли тарзда» намоён этади, деб айтилса-да, биз ҳақиқатни икки тоифага ажратамиз: умумий ва махсус.

Умумий ҳақиқат деб аталишига икки сабаб бор: 1) мазмун жиҳатдан умумийлик ва 2) у ҳамма одамларга қаратилган.

### ***Мазмун жиҳатдан умумийлик***

Умумий ҳақиқат бизга Худонинг мавжудлиги ҳақида билим беради. «Самолар Худонинг шуҳрати тўғрисида ваъз айтади», дейди забурчи. Худонинг шуҳрати Унинг ишларида намоён бўлади. Бу шунчалик очиқ-ойдинки, уни пайқамаслик мумкин эмас. Унинг абадий кудрати ва Илоҳийлиги Ўзининг ишларида очиқ кўриниб туради (қаранг: Рим. 1:18-23). Бироқ Худонинг табиатда намоён бўлиши Унинг Ўзи тўғрисидаги бор ҳақиқат, деб айтиб бўлмайди. Бу бизга Муқаддас Китобда айтилган Худонинг Нажоткор эканлиги ҳақидаги билимларни бермайди. Аммо табиатда Ўзлигини намоён қилган Худо — бу Ўзини Муқаддас Ёзувларда намоён қилган худди Ўша Худодир.


### ***Ҳамма одамларга берилган ҳақиқат***

Бу ёруғ оламда шундай одамлар борки, улар на Муқаддас Китобни ўқиганлар, на Инжил тўғрисида эшитганлар. Аммо табиат қуёши ер юзидаги ҳамма одамларга ва ҳамма вақт бир хил нур сочиб туради. Худонинг Ўзи ҳамма жойда Ўзи ҳақида гувоҳлик беради. Ёруғ олам ойна сингари ўз Яратувчисининг шуҳратини акс эттириб туради.

Бутун олам — бу Худо учун катта саҳна. У асосий ролни ижро этувчи актёр. Унинг борлигини тўлиқ беркита оладиган ҳеч қандай чойшаб йўқ. Худонинг ижодига бир назар ташлаб, унинг онаси табиат эмаслигига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи кифоя. «Она табиат» деган тушунча йўқ. Ҳаётни бирор кўринишда яратишга табиат ожиз. Табиат ўзича унумсиз. Ҳаёт ато этиш қобилияти табиатнинг Яратувчиси ёлғиз Худога хос. Табиатни ҳаёт булоғи деб қабул қилиш — яратилганни Яратувчи билан адаштиришдир. Яратилганларга сажда қилишнинг ҳамма кўриниши — Худонинг нафратини кўзғатувчи бутпарастликдир.

Умумий ҳақиқатнинг кучи туфайли ҳамма одамлар Худонинг мавжудлигини билишади. Атеизм (илмий далилларга асосланган худосизлик, худони ва диний эътиқодни

инкор этиш — *изоҳ тарж.*) ҳақиқат деб тан олинган тушунчанинг мавжудлигини инкор этади. Мана шунинг учун Муқаддас Китобда куйидаги сатрларни ўқиймиз: «Аҳмоқ ўз кўнглида: „Худо йўқ“, — дейди...» (Забур 13:1). Муқаддас Китоб атеистларни аҳмоқлар (яъни бефаросатлар) деб айтган фактнинг ўзи уларнинг ахлоқсизлигидан гувохлик беради. Бефаросатлик Муқаддас Китоб тилида ўйлаш қобилиятининг йўқлигини эмас, ахлоқсизлик маъносини билдиради. Доноликнинг боши Худодан кўрқиш бўлса, Худони инкор этиш — аҳмоқликнинг энг юқори даражасидир.



Агностицизм (объектив дунёни ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор этувчи идеалистик фалсафий таълимот — *изоҳ тарж.*) тарафдорлари ҳам умумий ҳақиқат кучини тан олмайдилар. Уларнинг қарашлари атеистларникига қараганда унчалик кескин эмас. Чунки агностиклар Худонинг мавжудлигини тамомила инкор этмайдилар. Уларнинг таъкидлашларича, Худонинг мавжудлигини тасдиқловчи ишончли далиллар йўқ, бунинг аксини ҳам тасдиқловчи исботлар йўқ. Улар хулоса чиқармайдилар ва Худонинг мавжудлиги ҳақидаги муаммони очиқ қолдириш тарафдорлари. Умумий ҳақиқат аниқ эканлиги нуқтаи назаридан агностикларнинг фикрлари, курашаётган атеистлар фикри сингари, Худо учун жирканчдир.

Аммо юраклари ва қалблари очиқ инсонлар учун Худонинг шуҳрати ҳамма нарсада — осмонда сочилган миллиард юлдузлардан тортиб, то энг майда молекулалардан (модданинг ҳамма химик хусусиятларига эга бўлган энг кичик зарраси — *изоҳ тарж.*) ташкил топган атом заррачаларигача ойдин ва равшан. Биз сиз билан қандай ажойиб Худога хизмат қиляпмиз!

## Хулосалар

1. Масихийлик — бу ҳақиқат дини.
2. Худонинг ҳақиқати — У Ўзини намоён этишидир. У сир-синаотларни ёпиб турган чойшабни очиб ташлайди, акс ҳолда бу чойшаб Уни англашимиз учун бизга имкон бермас эди.
3. Биз Худони тасаввуримиз орқали англамаймиз.
4. Инсониятнинг бутун тарихи давомида Худо Ўзини «турли тарзда» намоён этган.
5. Умумий ҳақиқат ҳамма одамлар учун берилган.
6. Атеизм ва агностицизм инсонларга маълум ҳақиқатни инкор этишга асосланган.
7. Худони инкор этиш — аҳмоқликнинг чўққиси.
8. Донолик Худодан кўрқишга асосланган.

## Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар

Заб. 18:2-15;

Эф. 3:1-13;

2 Тим. 3:14-17;

Ибр. 1:1-4.



## 2-боб

### Зиддият, сирлилик ва қарама-қаршилик

Замонавий жамиятга турли таълимотларнинг, шу жумладан, «Янги аср» ҳаракати таълимоти, шарқ динлари ва иррационализм фалсафасининг таъсири назария соҳасида кескин бурилишга олиб келди. Тасаввуфнинг янги йўналиши пайдо бўлди. Бу йўналиш сафсатаи диний ҳақиқатнинг асосий белгиси сифатида кўкларга кўтарди. Мисол тариқасида дзен-буддизмнинг — «Худо бир қўли билан чапак чалади» назариясини келтириш мумкин.

Бир қарашда бундай фикр чуқур маънога эгадек туюлади. У тасаввуримизга зарба беради, чунки бу бизнинг одатдаги тушунчамизга зиддир. То биз пухта таҳлил қилиб бу қараш ўз моҳиятига кўра нонсенс (маъносиз гап, аҳмоқлик, бемаънилик — *изоҳ тарж.*) эканлигини исботлаб бермагунимизча, у сирли ва жозибадор жаранглайверади.

Иррационаллик — бу инсон онгидаги ўзига хос ироданинг йўқлигидир. У тартибсизликка асосланган. Тартибсизлик ҳар қандай ҳақиқат манбаи ва бир вақтнинг ўзида ҳар қандай тартибнинг Яратувчиси билан чиқиша олмайди.

Муқаддас Китоб масиҳийлиги етарли даражада агрессив ва ниҳоятда шод иррационализм олдида ожиз, модомики, унинг ўзи Муқаддас Китобда зид фикрлар ва жумбоқлар мавжудлигини ошкора тан олади. Зид фикр, сир ва қарама-қаршиликларнинг нозик, лекин аниқ чегараси мавжуд. Шунинг учун биз уларни бир-биридан фарқлай олишни албатта ўрганиб олишимиз керак.

Биз Раббийнинг теранликларини ўргана бошлаганимизда, ҳайратдан қотиб қоламиз. Ҳеч бир ожиз банда Худони тўла тушунишга қодир эмас. Муқаддас Китобда ёритилган Худо ҳақидаги ҳақиқатни гарчи тубигача (охиригача) англай олмасак-да, лекин биз булар ҳақиқатлигини биламиз. Худо аслида ягона, лекин шахс сифатида Учликда (Троица) намоён бўлишини ёки бир одамда икки

хил табиат — инсоний ва илоҳий (Масих) мужассамланганини тушуниш учун инсон онги ҳеч нарсага таяна олмайди. Бу ҳақиқат, гарчи у шубҳа туғдирмайдиган бўлса-да, бизнинг тушунчамиз учун ниҳоятда «юксак» дир.

Худди шундай муаммоларга биз табиат оламида ҳам дуч келамиз. Биз гравитацияларнинг (жисмларнинг бир-бирини тортиш хусусияти, тортишув — *изоҳ тарж.*) мавжудлигини биламиз. Гарчи бу ҳодисани биз тушунтириб беролмасак-да, биз уни на иррационал, на зиддият деб атаймиз. Ҳаракат реал ҳақиқатнинг ажралмас қисмини намоён этишига, ўйлайманки, ҳамма қўшилади. Бироқ шунга қарамасдан ҳаракатнинг моҳияти ўз-ўзидан минг йиллар давомида файласуф ва олимларни мушкул аҳволга солиб қўйган. Атрофимизда биз тушунмайдиган сир-синоатлар жуда кўп. Бироқ бу далил бизни сафсата оламига чекиншимизга асос бўла олмайди. Иррационаллик динга ҳам, фанга ҳам зарар етказди. У ҳар қандай ҳақиқат учун ҳалокатлидир.

Мархум масихий файласуф Гордон Кларк кунларнинг бирида «инсон онги қисқа туташув ҳосил қилишга қодир», деб қизиқ парадоксни (умум томондан қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мас келмайдиган, шунингдек соғлом ақлга зид фикр — *изоҳ тарж.*) айтган эди. Биз кўпинча мантиқсиз фикрлашимизнинг маҳсулини *парадокс* деб аташимизни файласуф шундай зукколик билан кўрсатиб бермоқчи эди. Лекин Кларк ҳам парадокснинг қонуний тутган ўрнини ва вазифасини яхши тушунган. Юнончадан таржима қилинганда *парадокс* сўзи «кутилмаган», «ғайриоддий» маъносини англатади. Парадокснинг мураккаблиги шундан иборатки, бир қарашда у қарама-қаршиликка ўхшайди, ammo синчиклаб назар солинса, кўпинча тушунча ҳосил қилади. Масалан, Исо шундай дейди: «Ўз жонини аямоқчи бўлган уни йўқотади. Мен учун жонини йўқотган эса жон топади» (Мат. 10:39). Эҳтимол, бундай ҳол «Худо бир қўли билан қарсақ чалади» тоифасига тааллуқлидир. Исо бу ерда, одам *бир маънода* ҳаётини йўқотади, лекин

*бошқа маънода* ҳаётга эга бўлади, демоқчи эди. Модомики йўқотиш ва эга бўлиш тушунчалари ушбу контекстда турли маънода ишлатилгани туфайли, бу ерда зиддият йўқ. Мен бир вақтнинг ўзида ҳам отаман, ҳам ўғилман. Шубҳасиз, бу қариндош-уруғчилик муносабатлари турли ўлчамларда амалга оширилади.

Модомики «парадокс» сўзи кўпинча қарама-қаршилик синоними сифатида хато тушунилар экан, кўпгина инглизча изоҳли луғатларда бу сўз *қарама-қаршилик* тушунчасининг қўшимча маъноси сифатида берилган. Аммо қарама-қаршилик — бу даъво. Даъво эса қарама-қаршиликнинг классик қонунини бузаяпти. Қарама-қаршилик қонунини айтилишича,  $A \text{ — } A$  бўлолмайди,  $y \text{ — } \text{ҳам бир вақтнинг ўзида, ҳам бир маънода } A \text{ ҳам эмас}$ . Яъни бир нарса ўша нарса бўлолмайди, ёки ўша нарса бир вақтнинг ўзида ва ўша маънода бир нарса бўлолмайди. Бу мантикнинг энг асосий қонунларидан биридир.

Қарама-қаршиликни тушуниб бўлмайди, чунки у ўз *моҳиятига кўра ноаниқ*. Ҳатто Худо ҳам қарама-қаршиликни англай олмайди. Аммо  $У$  қарама-қаршилик ҳақиқатда нима эканлигини билади ва уни ёлғон, деб атайди. *Contradiction* сўзи (инглизча «қарама-қаршилик») лотин тилидан кириб келган ва «қарши гапирмоқ» маъносини англатади. Баъзида қарама-қаршиликни *антиномия* деб ҳам аташади, яъни «қонунга қарши» дегани. Агар Худонинг сўзларида қарама-қаршиликни топиш имконияти бўлса, Унинг мулоҳазалари қонунга қарши қаратилган бўлиб, икки хил маънога эга бўларди. Шунинг учун ҳар қандай ҳақиқатнинг манбаи Ўзига Ўзи қарама-қаршилик қилади, деган фикрнинг ўзи шаккоклик ва Худони ҳақоратлашдир. Қарама-қаршилик — бу ёлғончининг қуроли, яъни ҳақиқатдан нафратланадиган ёлғон отасининг қуролидир.

Қарама-қаршилик ва сир-синоат ўртасида ҳам алоқа мавжуд. Биз кўпинча бу икки тушунчани чалкаштириб юборамиз. Сирларни биз тушунолмаймиз. Биз қарама-қаршиликларни идрок этолмаймиз. Бу тушунчаларни

бирлаштириб турган — уларнинг ноаниқлик моҳиятидир. Сирларни очишга бизнинг қурбимиз етмайди, чунки уларни тушуниш учун бизда маълумотлар етарли эмас ёки бизнинг билим даражамиз жуда саёз. Муқаддас Китоб ваъдасига биноан, бу ерда ва ҳозирда мавжуд тушуниб бўлмайдиган ҳодисалар самода ҳақиқат чироғи билан ёритилади. Бизга сирли туюлган нарсаларнинг ҳаммаси самовий нурлардан ойдинлашади. Бироқ ҳатто самовий нурлар ҳам қарама-қаршиликларни ҳал этишга қодир эмас.

### **Хулосалар**

1. Парадокс — бу *зоҳирий* қарама-қаршилик, яқиндан синчиклаб ўрганилса, маълум тушунча борлиги маълум бўлади.
2. Сир — бу ҳозирча биз учун ноаниқ ҳол. Кейинчалик тушунарли бўлиши мумкин.
3. Қарама-қаршилик — бу қарама-қаршилик қонунининг бузилишидир. На Худо, на Унинг бандаси буни на бу дунёда, на келажакда ҳал этишга қодир.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Мат. 13:11;  
Мат. 16:25;  
Рим. 14:24-26;  
1 Кор. 2:7;  
1 Кор. 14:33.

### **3-боб**

## **Бевосита ва билвосита умумий ваҳий**

Болалик пайтимда мен бирор юмушни дарҳол бажаришимни онам хоҳлаганда *тезда* сўзидан фойдаланарди. Масалан, онам: «Ўғлим, тезда хонангга кир», деб айтарди.

У бу сўзни талаб қилинган ҳаракат ўз вақтида бево-сита бажарилиши керак бўлганда қўллар эди. Илоҳиётда эса *тезда* сўзи бошқача бир маънога эгадир. Бу сўз ким-нидир жалб этмасдан ёки бирор восита ёки предметнинг, ёхуд нарсанинг иштирокисиз бажариладиган ҳолатни англатади. Бу — воситачисиз амалга ошириладиган фао-лиятдир.

Муқаддас Китоб илоҳиётида умумий ваҳийнинг икки тури мавжуд. Биринчи ҳолатда ваҳий ниманингдир во-ситаси орқали намоён бўлади. Иккинчи вазиятда эса тўғ-ридан-тўғри ифодаланади. Биз билвосита умумий ваҳий тўғрисида сўз юритганимизда, бизга бирор нарса *орқали* ёки ниманингдир *воситаси* билан бериладиган ваҳий-ни назарда тутамиз. Самовот Худонинг шон-шуҳрати-ни улуғлаганда у воситачи вазифасини бажаради. Чунки айнан самовот орқали Худо Ўз шуҳратини намоён қила-ди. Бу маънода бутун коинот илоҳий ваҳийнинг васита-чисига айланади. Бутун борлиқ ўз Яратувчиси ҳақида гувоҳлик беради.

Муқаддас Китобда айтилишича, бутун ер юзи Худо-нинг шуҳратига тўлиб-тошган. Афсуски, ҳақиқатдан ҳам атрофимизни ҳар томондан қуршаб олган Худонинг шуҳратини биз кўпинча англамаймиз. Чунки биз кўп нарсаларга юзаки қарашга одатланиб қолганмиз. Биз мўъжизаларни сезмаймиз ва Худонинг яратувчилик гў-залликларини қадрлаб ихлос қилмаймиз. Биз бундай ҳис-туйғуга мойил эмасмиз. Яратилган дунё гўзалликларини кўролмайдиган сўқирмиз. Бироқ агар эътиқод ғоялари ҳақиқатни (воқеликни) акс эттирмаса, унда бундай ғоя-лар ҳақиқий маъносини йўқотади.

Парвардигорнинг улуғвор мавжудлиги бизни ўраб олган ҳамма нарсада сезилиб туради. Биз кўпинча Уни кўрмаймиз ва эшитмаймиз. Биз Унинг тилини ҳам тушу-нолмаймиз. Унинг улуғворлигини ҳис қилиш учун гул-нинг олдида тўхтаб уни ҳидлашнинг ўзи кифоя қилмай-ди. Гул ўзидан фақатгина хушбўй ҳид таратиб турмайди. Балки гул бутун гўзал кўриниши билан Яратувчининг

улуғворлигини акс эттиради. Кўзимизни очиб табиатда намоён бўлган Худонинг улуғворлигини кўрганимизда, биз Худо юборган ваҳийга дуч келамиз. Табиатнинг ёлғиз ўзи илоҳий эмас. Бироқ табиат Худонинг улуғворлигига тўлган. Шунинг учун Худо Ўзлигини ҳам табиатда, ҳам табиат орқали намоён қилади.

Худо Ўзини нафақат билвосита, Ўз ижоди орқали, балки тўғридан-тўғри, бевосита ҳам намоён этади.


Хаворий Павлус бизнинг юракларимизга ёзилган Илоҳий Қонун ҳақида айтиб ўтган (қаранг: Рим. 2:12-16). Ҳар бир инсоннинг онгига Худо жо қилган илоҳий ҳис-туйғулар тўғрисида Жон Калвин шундай деган:

Бизнинг фикримизча, шубҳасиз, одамлар туғма илоҳий ҳис-туйғуга эгадирлар. Зеро, Худо ҳар бир инсон онгига Ўзи ҳақидаги билимни жо қилган. У аста-секинлик билан, томчилатиб бу ҳақдаги хотирамизни янгилаб боради<sup>1</sup>.

Барча халқларнинг ўзига хос эътиқодга мойиллик фаолиятини кузатиш мумкин. Бу кузатишдан одам табиатининг ўзгармаслигини тасдиқлайди. Одамзод ўз моҳиятига кўра эътиқодли, тақводор. Улар турли бут ёки санамларга эътиқод қилишлари мумкин. Ҳаттоки бутпарастлик ҳам, гарчи нотўғри талқин қилинса-да, батамом унутилмаган туғма илоҳий билим мавжудлигини тасдиқлайди.

Қалбимизнинг қаърида Худо борлигини ва У бизга Ўз қонунларини берганини ҳис қиламиз. Бу ҳис-туйғуни биз инкор этишга интиламиз, чунки Илоҳий амрларни бажаришни хоҳламаймиз. Аммо биз қанчалик уринмайлик, бу ички овозни ўчириш қўлимиздан келмайди. Бу овозни бироз пасайтириш мумкин, бироқ уни йўқ қилиб бўлмайди.

### Билвосита умумий ваҳий



### Хулосалар

1. Худонинг улуғворлиги ҳамма жойда мавжуд. У Ўзини илоҳий ижод *орқали* намоён қилади.
2. Одамзод ўз табиатига кўра эътиқодли, тақводор.
3. Худо ҳар бир инсон онгига Ўзи ҳақидаги билимни жо қилган. Бундай ваҳий *бевосита* умумий ҳақиқат деб аталади.

### Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар

- Заб. 18:2-15;  
Ҳав. 14:8-18;  
Ҳав. 17:16-34;  
Рим. 1:18-23;  
Рим. 2:14-15.

### Бевосита умумий ҳақиқат



## 4-боб

### Алоҳида ваҳий ва Муқаддас Китоб

Ўшанда Исо иблиснинг синовидан ўтиш учун саҳрода юрганда, У васвасага солувчига шундай жавоб берди: «*Тавротда*: «Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди», деб ёзилган» (Мат. 4:4). Жамоат ўзининг бутун тарихи давомида Исо Масихнинг «Муқаддас Китоб — бу *vox Dei*, яъни «Худонинг овози», ёки *verbum Dei*, яъни «Худонинг Каломи» деган таълимотни такрорлаб келади. Муқаддас Китобни биз Худонинг Каломи деб атаганимизда, уни Худо Ўз қўли билан ёзган, ёки уни бизга парашютда ташлаган дейилган ҳолатни назарда тутмаймиз. Муқаддас Китобда унинг муаллифлари исми аниқ кўрсатилган. Улар оддий одамлар. Муқаддас Ёзувни диққат билан кўздан кечирганимизда шуни билиш мумкинки, ҳар бир муаллиф ўзининг бетакрор услубига, ўзининг сўз бойлигига, диққат-эътиборни жалб қилиш маҳоратига, ҳаётга ўзгача қараш қобилиятига ва ҳоказоларга эгадир. Бинобарин, Муқаддас Китобнинг юзага келишига инсоннинг гайрат-шижоати керак экан, унда нега Муқаддас Китоб Худонинг Каломи деб аталган?

Жамоатнинг таъкидлашича, Муқаддас Китоб шунинг учун ҳам Худонинг Каломи деб аталадики, унинг муаллифлари ўз фикрларини ўзларича ёзишган эмас, балки Худонинг илҳоми таъсирида ёзилган асар. Ҳаворий Павлус шундай деган: «Ҳар бир Муқаддас Ёзув илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, далолат қилиш, тузатиш, солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир» (2 Тим. 3:16). «Илоҳий илҳом» ёки *Худо илҳомлантирган* деган сўз юнончадан таржима қилинган бўлиб, «Худо томонидан илҳомлантирилган» деган маънони билдиради. Муқаддас Китобни ёзишга Худо илҳомлантирган. Худди биз нафас чиқариб сўзларни талаффуз қилганимиздай, У ҳам Ўз Каломини «нафас чиқариш йўли» билан яратган.

Муқаддас Ёзув оддий одамлар қўли билан ёзилганига қарамай, унинг бош Муаллифи Худодир. Шунинг учун ҳам пайғамбарлар ўзларининг башоратларини «Раббий шундай демоқда» деб бошлашган. Ана шу сабабли Исо Масих: «...Сенинг Каломинг — ҳақиқатдир» (Юҳ. 17:17) ва «Муқаддас Битикни бузиб бўлмайди» (Юҳ. 10:35) деган.

*Худо илҳомлантирган* деган сўз шуни ҳам таъкидлайдики, Муқаддас Китоб ёзилиши жараёнида унга Муқаддас Рух *раҳбарлик қилади*. У шу усул билан муаллифларга Худонинг Каломини ёзишга йўналтирган. Муқаддас Китобларнинг ёзилиш жараёнида Худо айнан қандай қилиб раҳбарлик қилгани бизга номаълум. Бироқ Худонинг илҳом бериши — бу Муқаддас Китобни ёзган одамларга Худо Ўз Каломини сўзма-сўз айтиб берганлигини англатмайди. Аниқроғи, бу Муқаддас Рух Муқаддас Китобни ёзувчи инсонларнинг қўли орқали Худонинг Каломини ёздирган.

Масихийлар Муқаддас Китобнинг бехатолигига ва нуқсонсизлигига ишонишади, чунки унинг тўла ҳуқуқли Муаллифи Худонинг Ўзидир. Гарчи Худо инсонни ёлғонга илҳомлантирмас экан, Унинг Каломи чин ва ҳақиқатдир. Инсон қаламига мансуб ҳар қандай бадий асарда хатолар бўлиши мумкин. Лекин Муқаддас Китобни оддий одамларнинг ижоди деб бўлмайди. Агар Муқаддас Китоб Худо томонидан илҳомлантирилган бўлиб, Унинг раҳбарлигида ёзилган бўлса, демак, унда хатоларнинг бўлиши мумкин эмас.

Бироқ ҳозиргина айтиб ўтганимиз, Муқаддас Китобнинг бугунги кунда биз фойдаланаётган таржималари умуман хатолардан ҳоли, деган маънони билдирмайди. Фақат унинг асл нусхасигина бехато бўлган. Шу сингари Муқаддас Китобнинг ҳар бир тасдигини ҳам ҳақиқий деб бўлмайди. Воиз Китобининг муаллифи, масалан, шундай фикр юритган: «Борар жойингиз ҳисобланган гўрда иш ҳам, ўй-фикр ҳам, билим ҳам, ақл-идрок ҳам йўқ» (Воиз 9: 10). Муаллиф ноумид одамнинг кайфиятини ифодалаган

бўлиши мумкин. Лекин биз Муқаддас Ёзувнинг бошқа парчаларидан бу нотўғри баён эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Муқаддас Китоб ҳатто умидини йўқотган одамнинг ёлғон тасаввурларини намойиш этиш орқали ҳам ҳақиқатни тасдиқлайди.

### **Хулосалар**

1. Худонинг илоҳий илҳоми — Худо Ўз Каломини бериш жараёнини англатади.
2. Худо — Муқаддас Китобнинг бош *Муаллифидир*.
3. Худо — Муқаддас Китоб ёзилиши жараёнининг бош *Раҳбаридир*.
4. Муқаддас Китобнинг асл нусхасигина беҳато бўлган.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

- Заб. 118;  
Юҳ. 17:17;  
1 Сал. 2:13;  
2 Тим. 3:15-17;  
2 Бут. 1:20-21.



## **5-боб**

### **Илоҳий Қонун**

Худо Ўзи яратган коинотни Ўзининг қонунлари ёрдамида бошқаради. Табиатдаги барча ҳодисалар Унинг доно ва билимдон раҳбарлиги туфайли амалга ошади. Табиат

қонунлари деб аталмиш ҳодисалар фақатгина Худо Ўз коинотини қандай бошқаришини тушунтириб беради. Бу «қонунлар» Худонинг мустақил эркини намоён этади.

Худо қонундан устун туради. Худонинг бўйсунishi керак бўлган қандайдир мустақил умумий қонун-қоидалар йўқ. Худо Ўз-Ўзидан қонун. Айтиб ўтганимиздай, Худо Ўз моҳиятига кўра ҳаракат қилишини англатади. У нафақат маънавий жиҳатдан баркамол, балки баркамолликнинг энг олий намунаси ҳисобланади. Унинг ҳаракатлари комил, чунки Унинг табиати ўзи комилликдан иборат. Худо эса ҳар доим Ўз табиатига мувофиқ равишда иш тутати. Шунинг учун ҳам Худо ҳеч қачон ва ҳеч нарсани асоссиз, инжиқлик ёки тантиқлик билан қилмайди. У ҳар доим тўғри ҳаракат қилади.

Биз Худонинг ижодимиз, шунинг учун биз ҳам тўғри ҳаракат қилишимиз керак. Худо Муқаддас Китобда биз учун очиб берган Унинг қонун-қоидаларига асосланиб яшашимизни талаб қилади. Илоҳий қонун — солиҳликнинг олий намунаси ҳамда меҳрибонлик ва ёвузликнинг олий мезони ҳамдир. Худо бизнинг Ҳукмдоримиз. Шунинг учун У ҳокимиятга эга шахс сифатида бизга маълум мажбуриятлар юклайди, Унга итоат этишимизни талаб қилади ва ор-номусли бўлишимизни даъват этади. Шунингдек, биз Унинг қонунларини бузганимизда жазолашга ҳақли Ҳакамдир. (Илоҳий қонунларга итоат этмаслигимиз гуноҳ ҳисобланади.)

Муқаддас Китобдаги баъзи бир қонунлар Худонинг моҳиятини бевосита ифодалайди. Қонунлар одамлар ўртасидаги, шунингдек, одамлар билан Худо ўртасидаги ўзгармас умуминсоний муносабатларнинг элементларини акс эттиради. Бошқа қонунлар эса муайян жамиятнинг вақтинчалик турмуш шароитидан келиб чиққан ҳолда берилган. Бу дегани, баъзи бир қонунлар мутлақ ва абдийдир, бошқаларини эса тарихий сабабларга кўра Худо бекор қилиши мумкин, масалан, қадимий Исроилнинг урф-одат қонунлари ва озиқ-овқатни тановул қилиш билан боғлиқ бўлган қонун-қоидалар. Бироқ, қонун-қоида-

ларни фақат Худонинг Ўзи бекор қилиши мумкин. Ҳеч ким ва ҳеч қачон одамларга Илоҳий қонунларни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳуқуқ бермаган.

Бизни автоном, мустақил жонзотлар, деб аташ мумкин эмас. Яъни, биз ўз қонун-қоидаларимиз бўйича яшай олмаймиз. Башариятнинг ахлоқий қонун-қоидалари ёки уларнинг келиб чиқиши турличадир: биз ҳаммамиз кимдир белгилаб қўйган қонун-қоидаларга асосланиб яшаймаймиз. Биз қабул қилаётган гетерономиянинг ўзига хос шакли теономиядир, яъни Худо қонунидир.

Автономия = *auto nomos*  
Ўзи ўзига қонун

Гетерономия = *Hetero nomos*  
Ўзганинг қонуни

Теономия = *Theos nomos*  
Худо қонуни

### Хулосалар

1. Худо коинотни Ўз қонунлари ёрдамида бошқаради. Ернинг тортиш кучи қонуни — Худонинг табиат қонунлари мисолларидан биридир. Илоҳий ахлоқий қонунлар Ўн амрда ифодаланган.
2. Худо Ўзи яратганларга мажбуриятларни юклаш ҳуқуқига эга.
3. Худо Ўз табиатига асосан ҳаракат қилади.
4. Худо Ўзининг қонунларини Муқаддас Ёзувларда ва бизнинг виждонимизда намоён қилади.
5. Фақат Худогина Ўз қонунларини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар

Чиқ. 20:1-17;  
Заб. 113:11;  
Мат. 5:17-20;  
Рим. 7:7-25;  
Гал. 3:23-29.

## 6-боб

### Худонинг пайғамбарлари

Эски Аҳд пайғамбарлари шундай одамлар эдиларки, уларни Худо ажойиб ва мўъжизавий тарзда танлаб олган. Пайғамбарлар Худонинг хабарларини одамларга етказиш учун тайинланганлар. Худо пайғамбарлар тили билан гапирарди ва Ўзининг иродасини маълум қилиш учун уларнинг ёзувларидан фойдаланган эди.

Пайғамбарлик қилиш — бу келажакни олдиндан айтиб бериш (*башорат қилиш*) ҳамда Худо Каломини эълон этиш ва ҳозирда ваъз қилишдир (*олдиндан хабар бериш*). Пайғамбарларга Худонинг Каломини етказиш учун Муқаддас Рух томонидан қобилият ато этилган. Мана шунинг учун улар кўпинча ўз ваъзларини «Раббий шундай демоқда» деб бошлашган.

Пайғамбарлар Исроил халқи эътиқодининг ислоҳотчилари эдилар. Улар одамларни Худога эътиқод қилишнинг оддий усулига қайтишларига ва итоат этишга даъват қилганлар. Пайғамбарлар яҳудийларнинг эътиқод амалиёти-ни бажаришларини, яъни кўпинча уларнинг фақатгина урф-одатларни бажаришларини танқид қилишган. Бироқ пайғамбарлар Ўз халқига берган дастлабки сажда қилиш одатини қораламас эдилар. Пайғамбарлар на инқилобчи, на эътиқодчи анархистлар бўлганлар. Уларнинг вазифаси йўқ қилиш эмас, балки поклаш, Исроилнинг эътиқод назариясини кескин ўзгартириш эмас, балки ислоҳ қилиш эди.

Шунингдек, пайғамбарларни ижтимоий адолат ва халқнинг солиҳлигига оид масалалар ташвишга соларди. Улар Исроилнинг виждони эдилар ва одамларни тавба қилишга даъват этишарди. Шу билан бирга, одамлар Худо билан тузилган ўз аҳдларини унутиб қўйганликлари учун пайғамбарлар уларни айблашар эди. Улар халқ Худо билан тузган Муқаддас Аҳд шартларини бузганлари учун жавоб беришларини талаб қилишарди.

Пайғамбарлар илоҳий ҳоқимият эгаларидай ишонч билан қатъий гапиришарди. Чунки Худо уларга Унинг номидан гапириш ҳуқуқини берган. Пайғамбарлик унводини мерос сифатида қабул қилиш мумкин эмас эди. Пайғамбарлар сайланмас ва тайинланмас эдилар. Пайғамбарларнинг ишонч ёрлиғи — бу Худонинг бевосита даъвати ва Муқаддас Рух кучи эди.

Сохта пайғамбарлар Исроилнинг кулфати эди. Улар Худонинг Каломини халққа етказиш ўрнига, ўз тушларининг талқинини ва халқ эшитишни истаган фикрларини баён этишарди, холос. Ҳақиқий пайғамбарлар кўпинча шафқатсиз таъқибга учрашган ва ўз замондошлари уларни қабул қилмаган. Чунки ҳақиқий пайғамбарлар муросага кўнишдан бош тортишган ва қатъиятлик билан халққа Худонинг иродасини ваъз қилишган.

Баъзида пайғамбарлар китоблари «буюк» ва «кичик пайғамбарлар» китобларига бўлинарди. Бундай тақсимот уларнинг муҳимлиги даражасига қараб эмас, балки Муқаддас Ёзув матнларининг катта ёки кичик ҳажмига қараб бўлинарди. Ишаё, Ермиё, Езекил ва Дониёр китоблари «буюк пайғамбарлар» деб номланган, чунки бу асарлар жуда катта қилинган меҳнат маҳсулидир. Амос, Осиё, Михей, Юҳанно ва яна шунга ўхшаш китоблар «кичик пайғамбарлар» деб аталган, чунки уларнинг ҳажми юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг буюк асарлари ҳажмидан анчагина кичик ҳисобланади.

Янги Аҳд ҳаворийлари кўп жиҳатдан Эски Аҳд пайғамбарларига ўхшаб кетадилар. Ҳаворийлар ва пайғамбарлар биргаликда Жамоатнинг асосчилари, деб номланишади.

### *Хулосалар*

1. Эски Аҳд пайғамбарлари шундай одамлар эдики, улар орқали илоҳий ваҳий тарқатилган.
2. Пайғамбарлик ўзида башоратни ва хушxabарни етказишни мужассамлаштирган.
3. Пайғамбарлар эътиқод амалиётининг ва исроилликлар ҳаётининг ислоҳотчилари бўлишган.

4. Фақат Худо томонидан тўғридан-тўғри даъват этилган одамгина Унинг пайғамбари сифатида ҳаракат қилиши мумкин эди.
5. Сохта пайғамбарлар фақатгина ўз фикрларини ирода этишган ва одамлар нимани эшитишни хоҳлашса, шуни гапиришган.
6. Пайғамбарлар китоблари муҳимлик даражасига қараб эмас, балки ҳажм жиҳатидан «буюк» ва «кичик пайғамбарларга» тақсимланган.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Қонун. 18:15-22;  
Ишаё 6;  
Йўэл 2:28-32;  
Мат. 7:15-20;  
Эф. 4:11-16.

## **7-боб**

### **Муқаддас Ёзув қонун-қоидалари**

Одатда биз Муқаддас Китобни яхлит бир катта китоб сифатида қабул қиламиз. Аслида бу тўплам олтмиш олти мустақил китобдан иборат. Ана шу китобларнинг йигиндиси биз Муқаддас Ёзув *қонун-қоидалари*, деб атаган туншунчани ташкил қилади. *Қонун-қоида* термини юнонча сўздан кириб келган бўлиб, «узунлик ўлчови», «намуна» ёки «меъёр» маъноларини англатади. Тарихий нуқтаи назардан Муқаддас Китоб Жамоатнинг тоат-ибодат ва эътиқод амалиёти ҳисобланмиш қонун-қоидалар тўпламидир.

Католиклар ва протестантлар ўртасида Янги Аҳдга кирган китобларнинг номи ва сонига нисбатан тўлақонли келишув (битим) мавжуд. Бироқ Янги Аҳдга оид китобларга нисбатан ушбу иккала эътиқод вакиллари ҳам бир

қарорга кела олмадилар. Протестантлардан фарқли ўлароқ католиклар ўз қонун-қоидалари тўпламига апокрифик китобларни киритишди. (Апокрифик китоблар Янги Аҳд ёзилиб тугатилгандан кейин, то Эски Аҳд пайдо бўлгунга қадар ёзилган асарлардир.) Апокрифик китобларга оид мунозаралар, яҳудий тафсирчилари апокрифик асарларни қоида сифатида қабул қилганликларидан кейин чегарадан чиқиб кетди. Фаластинда яшаган яҳудийлар қабул қилишган фаластин қонунларида апокрифлар йўқ бўлган, деган маълумотлар мавжуд. Бошқа тарафдан эса, Мисрда яшаган яҳудийлар апокрифик асарларнинг юнонча таржимасини Александр қонун-қоидаларига киритишган кўринади. Лекин яқиндагина ўтказилган илмий изланишлар натижаси бунга шубҳа туғдиришига имкон беради.

Баъзи-бир инжилшуносларнинг таъкидлашларича, гўёки Жамоатда шунга ўхшаш Муқаддас Китоб V асрнинг бошигача бўлмаган. Аммо бундай эътироф қонунларнинг ривожланиш жараёнини тамомила бузиб кўрсатади. Жамоат дастлабки асрлар давомида бир неча бор турли ибодатхоналарда Муқаддас Китоб қонунлари тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш учун бир неча махсус йиғинлар ўтказган. Янги Аҳднинг дастлабки расмий қонун-қоидалари бидъатчилик тарафдори Маркион томонидан яратилган. У ўзининг хусусий, қисқартирилган Муқаддас Китоб асарлари рўйхатини тузди. Жамоат эътиқод ақидаларига хилоф бўлган назария тарафдорларига қарши чиқиш мақсадида, Янги Аҳд китобларининг аниқ рўйхатини тасдиқлаш зарурлигини лозим топди.

Ҳозирги вақтда Янги Аҳдга бағишланган китобларнинг кўп қисми ёзилган пайтдан бошлаб ўзининг ишончли эканлиги билан ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Аммо шу билан бир қаторда шундай Янги Аҳд китоблари ҳам мавжудки, уларнинг Янги Аҳд китоблари рўйхатига киритилгани мунозарали ҳисобланади. Бунга Ибронийларга мактуб, Ёқуб мактуби, Бутруснинг Иккинчи мактуби, Юҳаннонинг Иккинчи ва Учинчи мактублари, Яху-

донинг мактуби ва Азиз Пир Юҳаннонинг Ваҳийси мансубдир.

Бундан ташқари, шундай китоблар мавжудки, улар қонунийликка даъвогар бўлганига қарамай, Янги Аҳдга киритилмай қолган. Бу китобларнинг аксарияти II аср гностикларининг (гносеология — илмий билиш манбалари, имкониятлари ва воситалари ҳақидаги таълимот — *изоҳ тарж.*) сохта асарларидан иборатдир. Бу китоблар жиддий мунозараларга сабаб бўла олмайди. (Баъзи бир тадқиқотчилар бу нуқтаи назарни ҳисобга олмаган ҳолда, қонунийликка қўшилишга даъвогар икки мингта китобдан атиги йигирма еттитасигина танлаб олинган, деган эътирозни билдиришади. Шу эътирозга асосланиб улар танлаб олинган йигирма еттита китоб параметрларини, яъни танлаб олиш мезонини шубҳа остига қўйдилар.) Аслида эса қонунийликка даъвогар бўлган ва Янги Аҳдга киритилмаган барча китобларнинг фақатгина иккитаси ёки учтаси жиддий мунозара сабабчиси эди, холос. Бу *Клементнинг Биринчи мактуби, Қавмбоши Герма ва Дидахе*дир. Бу китоблар қонунга киритилмаган, чунки улар Масих ҳаворийлари томонидан ёзилмаган. Қолаверса, бунинг устига муаллифларнинг таъкидлашларича, улар ҳаворийларга итоат этишган.

Баъзи масиҳийларни ҳуқуқий китобларнинг тарихий танланиш жараёни хавотирга солади. Уларни Янги Аҳдга киритилган китобларнинг қанчалик асосланганлиги ташвишлантиради. Анъанавий католик илоҳиёти бу саволга Жамоатнинг бегуноҳлигига таянган ҳолда жавоб беради. Жамоат қонунни «яратди» ва бу билан Муқаддас Ёзув даражасига эга бўлди, деб таъкидлашади католиклар. Классик протестантлар эса жамоатнинг бегуноҳлигини ҳам, Муқаддас Қонунлар «яратилганини» ҳам рад этади. Бу масалага доир католиклар ва протестантлар ўртасидаги фарқни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

*Католикча нуқтаи назар:* Қонун — бу гуноҳсиз китобларнинг нуқсонсиз тўпламидир.

*Классик протестантизм нуқтаи назари:* Қонун — бу хатога йўл қўйилиши мумкин бўлган китобларнинг нуқсонсиз тўплами.

*Либералларнинг нуқтаи назари:* Қонун — бу хатолардан холи бўлмаган, нуқсонлари бор китобларнинг тўпламидир.

Худо керакли бўлган китобларнинг қонунга киритилиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб берганлигига протестантлар ишонишган. Лекин айтиб ўтилган фикр — Худо жамоатнинг ўзини бегуноҳ қилган эди, дегани эмас-ку. Протестантлар католикларга қонунларни жамоат «яратмаганини» ҳам эслатиб қўйишди. Жамоат тегишли бўлган *recipimus* терминидан, яъни «биз қабул қиламиз» иборасидан фойдаланиб Муқаддас Ёзув қонунларини тан олди, тасдиқлади, қабул қилди ва унга бўйсунди.

Бироқ, китобларни танлаб олишда қандай мезонларга (параметрларга) асосланилди? Қонунчилик белгилари деб аталмиш мезонлар қуйидаги пунктларни ўз ичига олган:

1. Китоблар ҳаворийлар томонидан ёзилган ёки тасдиқланган бўлиши керак.
2. Уларнинг шубҳасизлиги илк Жамоат томонидан тан олинган бўлиши шарт.
3. Уларнинг мазмуни бошқа Муқаддас Китобларнинг мазмунига зид бўлмаслиги ва шубҳа туғдирмаслиги лозим.

Мартин Лютер ҳаётида шундай давр ҳам бўлганки, у аввалига Ёқуб мактубининг қонунийлигига ишонмаган. Лекин кейинчалик ўз фикрини ўзгартирди. Ҳозирги замонда Янги Аҳдга киритилган қонунлардан иборат бўлган китобларнинг асосланганлигига шубҳа қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ.

### **Хулосалар**

1. *Қонун-қоида* термини юнонча сўздан кириб келган бўлиб, «намуна» ёки «меъёр» маъносини англатади. Қонунлар тушунчаси Жамоат Муқаддас Ёзув сифати-

да қабул қилган Муқаддас китоблар мажмуини ташкил қилади. Демак, бу имон-эътиқодга оид ва итоат этиш амалиётига тегишли бўлган «қоида»ларни билдиради.

2. Протестантлар тан олган олтмиш олти китобдан иборат бўлган Муқаддас Китобга католиклар ўзларининг апокрифлар қонунларини ҳам киритганлар.
3. Жамоат эътиқод ақидаларига хилоф бўлган назария тарафдорларига қарши чиқиш мақсадида Янги Аҳд китобларининг аниқ рўйхатини тасдиқлаш зарурлигини лозим топди.
4. Қонунийлиги мунозара ва баҳсларни келтириб чиқарган бир неча китоблар Муқаддас Китобга киритилди (Ибронийларга мактуб, Ёқубнинг мактуби, Бутруснинг Иккинчи мактуби, Юҳаннонинг Иккинчи ва Учинчи мактублари, Яҳудонинг мактуби ва Ваҳий). Шундай китоблар ҳам мавжудки, улар Муқаддас Китоб рўйхатига киритилишга даъвогар эди, бироқ киритилмади (*Климентнинг Биринчи мактуби, Қавмбоши Герма ва Дидахе*).
5. Жамоат қонунларни *яратмаган*, фақатгина қонунчилик белгиларига эга ва шунинг учун Жамоат томонидан эътирозсиз, деб ҳисобланган китобларни *тан олган*.
6. Қонунчилик белгилари қуйидагилардан иборат: 1) китоблар ҳаворийлар томонидан ёзилган ёки тасдиқлангани; 2) уларнинг шубҳасизлигини илк Жамоат тан олганлиги; 3) китобларнинг мазмуни бошқа, шубҳа туғдирмагани, Муқаддас китобларга зид бўлмаслиги, яъни мазмунан мос келиши.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

- Лк. 24:44-45;
- 1 Кор. 15:3-8;
- 2 Тим. 3:16-17;
- 2 Бут. 1:19-21;
- 2 Бут. 3:14-16.

## 8-боб

### Муқаддас Китобни талқин қилиш

Ёзма ҳужжатни тушуниш учун олдин уни яхшилаб талқин қилиш керак. Америка Қўшма Штатларида мамлакат Конституциясини талқин қилиш учун юқори мартабали тўққиз нафар мутахассис бор. Улар биргалиқда мамлакатнинг Олий судини ташкил этишади. Муқаддас Китобни талқин қилиш — Америка Қўшма Штатлари Конституциясини талқин қилишга қараганда ниҳоятда масъулиятли масаладир. У бениҳоят эҳтиёткорликни ва ҳаракатни талаб этади.

Муқаддас Китобнинг ўзи ўзига Олий ҳакам. Муқаддас Китобни талқин қилишнинг энг асосий қондаси шундан иборатки, «Муқаддас Ёзув ўзини ўзи талқин қилади». Бу принцип шуни англатадики, Муқаддас Китобни фақат Муқаддас Китобнинг ўзи ёрдамида талқин қилиш керак. Матннинг бир қисмидаги тушуниш қийин бўлган талқинни бошқа қисмдан излаш даркор. Ёзувни Ёзув ёрдамида тушунтириш — бир парчани бошқа парча билан таққослашни англатади. Ҳар бир гапни нафақат бир парчанинг контекстида, балки бутун Муқаддас Китобнинг контекстида кўриб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, ягона тўғри ва асосланган талқин қилиш усули — бу сўзма-сўз ва аслига мувофиқ изоҳлаб бериш усулидир. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бу усулдан тўғри фойдаланиш даркор. Шунга қарамай, сўзма-сўз талқин қилиш кўп одамларни довдиратиб қўймоқда. Агар жиддий айтадиган бўлсак, сўзма-сўз талқин қилиш — бу Муқаддас Китоб қандай ёзилган бўлса, шундай тушуниш кераклигини англатади. Отга от сифатида, феълга эса феъл сифатида қараш лозим. Бунинг маъноси шуки, Муқаддас Китобнинг матнларидаги қўлланилган барча сўз шаклларни мана шу шакллар муносабатига таъсир этувчи норматив қондалар асосида тушуниш керак. Шеъриятни шеърият сифатида қабул қилиш даркор. Та-

рихий қисса, ҳикояларга тарихий қисса ва ҳикоялар сифатида қараш керак. Ҳикмат — бу ҳикмат демакдир, гиперболо эса — бу гиперболодир ва ҳоказолар.

Бундай ҳолатда Муқаддас Китобни ҳар қандай бошқа китобларга нисбатан қўлланадиган талқин қилиш қоидалари асосига мувофиқ талқин қилиш керак. Қайси бир маънода Муқаддас Китоб бошқаларга, қачонлардир ёзилган китобларга умуман ўхшамайди. Шундай бўлса-да, уни бошқа китоблар сингари талқин қилиш даркор.

Муқаддас Китобни шахсий хоҳиш-истаклар ёки таасубларга (хурофотларга) асосланиб талқин қилиб бўлмайди. Ундан ўз манфаатларимиз йўлида фойдаланишга интилиш ўрнига, Муқаддас Китоб нима демоқчи эканлигини тушунишга ҳаракат қилиш керак. Фақатгина бидъатчилар Ёзувларда Муқаддас Китоб матнларига асосланмаган сохта ақидаларни тасдиқлайдиган деталларни топишга уринишади. Иблис Исони васвасага солиш ниятида Муқаддас Ёзувнинг баъзи бир оятларини олиб ташлаб, мисоллар келтирган (қаранг: Мат. 4:1-11).

Муқаддас Китобнинг асосий мазмуни шунчалик аниқ ва равшанки, уни ҳатто ёш бола ҳам тушуна олади. Лекин Муқаддас Ёзувнинг ҳақиқатини янада чуқурроқ ўрганиш учун Муқаддас Китоб матнларини астойдил ва диққат-эътибор билан ўрганиш талаб этилади. Муқаддас Китоб таълимотининг айрим фикрлари шу қадар қийин ва мураккабки, етук олимлар узоқ йиллар мобайнида уларни тартибга солиб, иложи борича соддароқ қилиб тушунтиришга кўп ҳаракат қилишди.

Талқин қилишнинг бир неча усули мавжудки, Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида албатта бу усулларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир: 1) Баён этилган ҳикояларни «ибратли» парчалар мисолида талқин қилиш керак. Масалан, Мориа тоғида Иброҳим Исҳоқни қурбонлик қилган воқеага асосланайлик. Фараз қилайлик, Иброҳимнинг эътиқодда ниҳоятда мустаҳкамлигини ва саботлилигини Худо ҳали билмас эди. Лекин Муқаддас Китобнинг ибрат бўладиган парчалари Худо ҳамма нар-

садан хабардорлигини тасдиқлайди. 2) Ноаниқлик ёки номаълумликни ҳар доим аниқлик ва равшанлик нуқтаи назаридан талқин қилиш керак, бироқ аксинча эмас. Яъни бирор бир парчада яширин, аниқ бўлмаган фикр учраса, биз уни ҳақиқат деб қабул қилмаслигимиз керак. Бунинг устига, бу фикр Ёзувнинг бошқа парчасида ҳақиқатга яққол қарама-қарши бўлса. 3) Муқаддас Китобни талқин қилиш мантиқ қонунларига бўйсунеди. Масалан, агар биз ҳамма мушукларнинг думи борлигини аниқ билсак, ҳеч қачон қайсидир мушукнинг думи йўқ бўлса керак, деган хулоса чиқара олмаймиз. Агар мабодо бирор мушукнинг ҳақиқатдан ҳам думи йўқ бўлса, унда барча мушукларнинг думи борлиги тўғрисидаги факт шак-шубҳасизлигича қолади. Гап талқиннинг техник қонуниятлари тўғрисида эмас, балки хусусан соғлом фикр қонуниятлари тўғрисида бормоқда. Қолаверса, Муқаддас Китобни кўп ҳолларда хато талқин қилиш ҳодисалари мантикий жиҳатдан нотўғри хулосалар сабаби туфайли юз беради.

### ***Хулосалар***

1. Муқаддас Китоб ўзини ўзи талқин қилади.
2. Биз Муқаддас Китобни *қандай ёзилган бўлса, шундайлигича* тўғридан-тўғри тушунишимиз керак.
3. Муқаддас Китобни ҳам бошқа китоблар сингари талқин қилиш лозим.
4. Муқаддас Китобдаги тушунарсиз жойларни тушунарли ҳолатларга асосланиб талқин қилиш даркор.
5. *Ноаниқлик ёки номаълумликни* доимо *аниқлик ва равшанлик* нуқтаи назаридан тушунтириш керак.
6. Муқаддас Китоб матнларига оид хулосаларни мантиқ қонунлари асосида чиқариш керак.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

- Ҳав. 15:15-16;  
Эф. 4:11-16;  
2 Бут. 1:16-21;  
2 Бут. 3:14-18.

## Хусусий равишда талқин қилиш

Ислоҳот (реформация) бизга улкан мерос қолдирди: бу ҳам бўлса Муқаддас Китобни хусусий равишда талқин қилиш принципини ва уни оддий халқ тилига таржима қилишни. Айнан Лютер бу масалага эътибор қаратди. Вормс рейхстагида (қонунчилик ассамблеясида Лютерни бидъатчиликда айблашганда) у қуйидагиларни гапирди:

Агар мен Муқаддас Китоб гувоҳликлари орқали ва ақл-идрокнинг очиқ-ойдин сабаблари орқали ишонтирилмаган бўлсам-да — чунки мен руҳонийларнинг ҳам, соборларнинг ҳам мавқеъини тан олмайман, зеро улар бир-бирига зиддир — менинг виждоним Худонинг Каломи билан боғлиқдир. Мен ҳеч нарсани инкор этолмайман ва буни истамайман. Чунки виждонга қарши хатти-ҳаракат яхши эмас ва айна пайтда хавотирлидир. Менга Худонинг Ўзи ёрдам берсин. Омин!

Лютернинг баёноти ва ундан кейин эса Муқаддас Китобни унинг она тилига таржима қилиниши билан икки буюк иш амалга оширилди. Биринчидан, Католик Жамоат Муқаддас Китобни талқин қилишдек «ноёб» (махсус) ҳуқуқдан маҳрум бўлди. Одамлар жамоат таълимотининг марҳаматига берилмай қўйдилар. Бундан ташқари, улар Илоҳий Каломнинг нуфузига тенглаштирилган жамоат таълимотини ва анъаналарни қабул қилишга мажбур эмас эдилар. Иккинчидан, энди одамларнинг ўзлари Муқаддас Китобни ўқиб-ўрганишлари мумкин бўлиб қолди. Ушбу янгилик анчагина муаммоли эди. Бу ҳолат Католик жамоат ҳадиксираган оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Яъни, бошқача қилиб айтганда, тарихий масиҳийлик эътиқодидан йироқлаштириб, матнни бирёқлама (субъектив) талқин қилишга олиб келди.

Бирёқламалик (субъективизм) ҳақиқатдан ҳам хусусий талқиннинг доимо заиф нуқтаси бўлган. Шундай

бўлса-да, хусусий талқин принципи Худонинг халқи Муқаддас Китобни хоҳлаганича тушуниш ҳуқуқига эга, деган маънони англамайди. Муқаддас Китобни талқин қилиш «хуқуқи» билан бир қаторда, уни *тўғри* талқин қилиш масъулияти ҳам келади. Имонлилар Муқаддас Каломдан ҳақиқат излаш ҳуқуқига эгадирлар. Бироқ улар ўзларининг «ҳақиқатларини» ўйлаб чиқармасликлари керак. Улар талқин қилишнинг тўғри принципларидан фойдаланишга ва матнни бирёқлама тушунтириш хавфидан ўзларини олиб қочишга даъват этилганлар.

Муқаддас Китобни холис (объектив) тушунишга интилиб, биз уни совуқ, абстракт ва жонсиз нарсага айлантирмаймиз. Биз Калом нима деяётганини тушунишни истаймиз. Сўнгра эса бу ҳақиқатларни босқичма-босқич ўз ҳаётимизда қўллашга ўтишни хоҳлаймиз. Муқаддас Китобнинг ҳар бир матни турли одамларнинг ҳаётида ҳар хил қўлланиши мумкин. Аммо у фақатгина ягона, тўғри аҳамиятга эга бўлади. Муқаддас Китобни талқин қилувчи имонлининг ҳуқуқи ундан тўғри талқин қилиш масъулиятини талаб этади. Муқаддас Китоб — бу лой эмаски, талқин этувчи ундан ўзи хоҳлаган ёки ўзига ёққан нарсаларни ясаб ташлайверса.

### **Хулосалар**

1. Ислоҳот Жамоатга Муқаддас Китобни оддий халқ тилига таржима қилишни ва имонлиларга уни талқин қилиш ҳуқуқини берди.
2. Жамоат анъаналари имонлиларга раҳбарлик қилишда катта роль ўйнашига қарамай, Муқаддас Китоб мартабаси даражасидаги нуфузга эга бўла олмайди.
3. Хусусий талқин қилиш имонлиларга Муқаддас Китобни бирёқлама (субъектив) тушуниш ҳуқуқини бермайди.
4. Хусусий талқин қилиш принципи имонлиларга Муқаддас Китобни тўғри тушунишга интилиш мажбуриятини юклайди.

5. Муқаддас Китобнинг ҳар бир матни имонлилар ҳаётида турлича қўлланиши мумкин. Аммо у фақатгина ягона, тўғри аҳамиятга эга бўлади.

*Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Нахим. 8:8;  
2 Тим. 2:15;  
2 Тим. 3:14-17;  
Ибр. 1:1-4;  
2 Бут. 1:20-21.

ИККИНЧИ  
ҚИСМ



# Худонинг ТАБИАТИ ВА СИФАТЛАРИ

## 10-боб

### Худонинг сирлилиги

Кунларнинг бирида таниқли швейцариялик илоҳиётчи Карл Бартга талабалар шундай савол билан мурожаат қилишибди: «Доктор Барт, сиз узоқ йиллар давомида илоҳиётни тадқиқ қилиб қандай асосий ва энг чуқур ҳақиқатга эришдингиз?» Барт бироз ўйланиб тургач, масиҳий болалар кўшигининг парчаси орқали жавоб берди: «Исо мени севишини биламан, чунки Муқаддас Китоб шундай дейди». Талабалар бундай жавобни эшитгач кулиб юборишди, лекин Барт жиддий гапирганини барибир тушунишмади.

Барт ниҳоятда қийин саволга оддийгина жавоб берди. У талабаларнинг диққатини ҳеч бўлмаганда фавқулодда икки вазиятга жалб қилмоқчи эди. 1) Энг оддийгина масиҳийлик ҳақиқатида буюк инсонларнинг бутун ҳаёти давомида фикрини банд этган ғоя мужассам. 2) Гарчи илоҳиёт соҳасида чуқур таълимотга эга бўлсак-да, Худо моҳиятининг сир-асрорларини ва бойликларини англашда биз ёш боланинг тушунчаси даражасидан юқорига кўтарила олмаймиз.

Жан Кальвин бошқа қиёсни (аналогияни) қўллаган. Унинг айтишича, Худо биз билан ёш болалар сингари мулоқотда бўлади. Ота-оналар ёш болалари билан сўзлашганларида болаларнинг гапларига тақлид қилганлари каби, Худо биз — дунёнинг ўткинчи одамлари билан ҳам гўдакларга гапиргандай гаплашишга мажбур.


Хар қандай одам Худони тўлақонли тушуниш имкониятига эга эмас. Туғилишимизданок бизда Худони ҳар томонлама ва тўлиқ идрок этишга тўсқинлик қиладиган нимадир мавжуд. Биз — ўткинчи жонзотлармиз, Худо эса — барҳаёт ва абадийдир. Муаммо айнан ана шундан иборат. Ўткинчи жонзот қандай қилиб мангу барҳаётни тушуна олади? Ўрта асрлардаги илоҳиётчилар кейинги

илоҳиёт тадқиқотларини давом эттириш ниятида қуйидагича аксиомани белгилаб бердилар: «Чекланган чексизликни, яъни бепоённи қамраб олиш (ёки ўрнини бошиш)га қодир эмас». Чамаси, чексиз объект чекланган маконга тикилиб кира олмаслик далили аниқ ва равшан бўлса керак.

Бу аксиома масиҳийлик таълимотига содиқ бўлганларнинг муҳим ақидаларидан бирини ифодалайди. Бу *Худонинг сирлилиги* ҳақидаги ақида. Бироқ терминнинг ўзи одамларни хато фикрга солиб қўяди. Агар чексизликни қучиб олишнинг иложи бўлмаса, демак, биз Худо тўғрисида ҳам умуман ҳеч нарса била олмас эканмиз-да. Худо инсон тушунчасидан юқори бўлса, демак, илоҳиёт борасидаги бизнинг барча мулоҳазаларимиз — шунчаки бемаъни гап-сўзлардан бошқа нарса эмас экан-да. Биз эса, жуда нари борса, номаълум Худонинг қурбони бўлиб қолаверамиз.

Йўқ, бу шундай эмас. Худонинг сирлилиги — биз У тўғрида ҳеч нимани билмаслигимизни англамайди. Аксинча, бу борада бизнинг билимларимиз саёз ва тўлиқ эмаслигидан, мукамалликдан ёки тўлиқликдан анча йироқда эканлигини англатади. Худо ваҳий орқали Ўзи ҳақида бераётган билим аниқ ва фойдалидир. Худо Ўзини қай даражада намоён қилмоқчи бўлса, биз Уни шу даражада билиб оламиз. Албатта, чекланганлик чексизликни «англаши» мумкин, лекин чекланганлик чексизликни ўз тушунчаси доирасида ҳеч қачон тутиб тура олмайди. Худода биз тушуна олмайдиган, сирли нимадир доимо мавжуддир.

Муқаддас Китоб бу тўғрида шундай дейди: «Сирлар Эгамиз Худога тегишлидир, аммо бу Қонуннинг ҳамма сўзларига итоат этишимиз учун аён бўлганлари тоабат бизга ва фарзандларимизга тегишлидир...» (Втор. 29:29). Мартин Лютер Худога хос икки аспекти — ёпиқ (яширин) ва аён (очик) томон ҳақида эслатади. Илоҳий билимнинг қандайдир бир қисми яширин ҳолатда қолади. Биз эса Худо бизга аён этганига асосан ҳаракат қиламиз.



### **Хулосалар**



1. Ҳатто энг оддий масиҳийлик ҳақиқатида ҳам чуқур маъно яширинган.
2. Илоҳиёт борасидаги билимимиз қанчалик чуқур бўлишидан қатъий назар, Худонинг табиатида ва моҳиятида биз учун доимо сирлилигича қоладиган хусусият мавжуддир.
3. Ҳеч бир инсон Худо тўғрисида мукамал билимга эга бўла олмайди.
4. Худонинг сирлилиги ҳақидаги ақида биз У тўғрида ҳеч нарсани била олмаймиз, деган маънони англатмайди. У бизнинг Худо ҳақидаги билимларимиз инсоний табиатимиз билан чегараланганлигини англатади.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Аюб 38:1–41:26;  
 Заб. 138:1-18;  
 Ишаё 55:8-9;  
 Рим. 11:33-36;  
 1 Кор. 2:6-16.

## 11-боб

### Худонинг Учбирлиги

Учлик ҳақидаги ақидани тушуниш мушкул ва у одамни гангитиб қўйиши мумкин. Ҳатто баъзида, масиҳийлик бемаъни тушунчаларни ўргатади, деб таъкидлашади. Гўёки бу тушунчага асосан  $1 + 1 + 1 = 1$  бўлармиш. Шубҳасиз, бу тенглама нотўғри. *Учлик* ўзаро муносабатдаги уч худони эмас, балки бир Худонинг уч шахсда намоён бўлишини англатади. Учлик ҳақидаги ақида уч илоҳийлик тушунчасини, яъни уч мавжудот мавжудлигига ва улар биргаликда Худони ташкил қилишини ифодалайди. *Учлик* сўзини қўллашдан мақсад — биз Худонинг мукамаллиги Унинг ягоналигида ва Унинг ҳар хиллигида эканлигига таъриф беришга ҳаракат қилаймиз.

Учлик ҳақидаги ақиданинг тарихий ифодаси шуни кўрсатадики, Худо моҳиятига кўра ягона ва уч шахсдан иборат. Гарчи бу ифода сирли ва ҳатто кутилмаган бўлсада, аслида ҳақиқатга сира зид келмайди. Худонинг ягоналигини исботлаш учун «моҳият» ёки «мавжудлик» тушунчалари киритилади. Худди шу вақтда Худонинг Учлиги «ипостась»\* термини ёрдамида тушунтирилади.

Муқаддас Китобда биз *Учлик* сўзини учратмаймиз, лекин Учлик ҳақидаги асосий фикр аниқ ва равшан ифодаланган. Бир томондан, Муқаддас Китоб Худонинг танҳолигини очиқ-ойдин таъкидлайди (қаранг: Қонун. 6:4). Бошқа томондан эса — танҳо Худо учта илоҳийликни: Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухни ўзида намоён қилади. Жамоат модализм ва тритеизм бидъатчиларини қабул қилмади. Модализм Худонинг уч шахсга ажралишини инкор этган ҳолда, Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух — бу Худо Ўзини намоён қилиш усули, холос, деб таъкидлайди.

---

\* Ипостась – Учликдаги ҳар бир шахсиятни таърифлайдиган илоҳий тушунча. Танҳо Худо учта илоҳий моҳиятни ўзида намоён қилади. – *Изоҳ ред.*

Тритеизм эса, учала алоҳида моҳият бирлашиб Худони акс эттиради, деб маълум қилади.

*Ипостась* термини Худо моҳиятининг ҳар хиллигини англатмайди, лекин Илоҳнинг турлича шахсиятда *мавжудлигини* тахмин қилади. Илоҳиётдаги *ҳақиқий* фарқ Унинг танҳолиги ва ажралмаслигида эмас, балки мавжуд шаклига тегишлидир. Худода ҳар бир ипостась мавжуд ёки Унинг соф моҳияти «доирасида» яшайди. Яшаш тарзи бир моҳият доирасида турлича бўлиши мумкин, лекин улар ўзларида алоҳида моҳиятларни ифодаламайдилар. Илоҳиётнинг ҳамма ипостаслари Худонинг жамики аломатларига (атрибутларига) эгадир.

Шунингдек, Учликдаги ҳар бир шахсиятнинг бажараётган вазифасида ҳам фарқ мавжуд. Кутқариш иши маълум маънода Учликдаги учала шахсиятнинг ҳаммасига хос умумий ишдир. Шундай бўлишига қарамай, Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух турлича ҳаракатларни бажаришади. Ота яратиш ва гуноҳларни кечиришга асос солди; Ўғил яратилганларнинг гуноҳини ювди; Муқаддас Рух эса имондиларга кечирилганлик меваларини ҳадя этиб, қайта ҳаёт инъом қиляпти ва уларни покляпти.

Учлик ҳақидаги таълимот — бу Худонинг турли роли ва фаолияти ҳақидаги таълимот эмас. Ҳатто Уни бир вақтнинг ўзида ота, ўғил ва эр каби одам билан қиёслашимиз ҳам Унинг табиати сирини англашимизга ёрдам беролмайди.

Учлик ҳақидаги ақида Худонинг сирли моҳиятини тушунтириб бериш имкониятига эга эмас. Тўғрироғи, у Худонинг табиати тўғрисидаги ўз мулоҳазаларимизда чегарадан чиқиб кетмаслигимиз учун чегара белгилайди. У биздан Муқаддас Китобнинг Худо, бир маънода, танҳолигини ва бошқа маънода, Унинг Учбирлиги тўғрисидаги ҳақиқатига содиқ бўлишимизни талаб қилади.

### **Хулосалар**

1. Учлик ҳақидаги таълимот Худонинг Учбирлигини тасдиқлайди.

2. Учлик ҳақидаги таълимот қарама-қарши эмас: Худо моҳиятига кўра танҳодир ва шахсият сифатида Учликдир.
3. Муқаддас Китоб Худонинг танҳолигини ва Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини тасдиқлайди.
4. Учликнинг уч шахсияти — Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух — турли вазифаларни бажаришади.
5. Учлик ҳақидаги ақида, биз Худонинг табиати тўғрисидаги ўз мулоҳазаларимизда чегарадан чиқиб кетмаслигимиз учун чегара белгилайди.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Қонун. 6:4;  
 Мат. 3:16-17;  
 Мат. 28:19;  
 2 Кор. 13:13;  
 1 Бут. 1:2.

## **12-боб**

### **Худонинг мукамаллиги**

Муқаддас Китоб Худони жамики жонзотнинг Яратувчиси дидир, лекин Худонинг Ўзи яратилмаган, дейди. Яратувчи ва Унинг ижоди ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд. Худонинг ижоди ўзида Яратувчининг таъсирини ҳис қилиб яшайди ва Унинг шон-шухратига гувоҳлик беради. Бироқ Худонинг ижодига сажда қилиш мумкин эмас. Унга нисбатан қодир Худога бўлган муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас.

Ҳеч нарса ўзини ярата олмайди. Ўзини яратиш концепцияси ўз моҳиятига кўра қарама-қаршидир ва ҳеч қандай маънога эга эмас. Мен китобхонга, қуйидагиларни ўйлаб кўринг, деб илтимос қиламан. Ҳеч нарса ўзини яратишга қодир эмас. Ҳатто Худо ҳам Ўзини ярата олмайди. Худо Ўзини яратиши учун У Ўзидан олдин яшаган бўлиши керак. Бироқ бунга ҳатто Худонинг Ўзи ҳам қодир эмас.

Ҳар қандай *натижа* ўз сабабига эга бўлиши керак. Бу фикр белгисига кўра ҳақиқатдир. Аммо Худо натижа эмас. Унинг аввали йўқ ва шунинг учун ўтган сабаби ҳам йўқ. У абадий. У ҳар доим мавжуд бўлган ва бор. У яшаши учун Ўзидаги кучга ёки қувватга (энергия) эга. Яшашни давом эттириш учун Унга ташқаридан ёрдам керак эмас. *Муқаммаллик* ғояси айнан шуни назарда тутади. Ўз-ўзидан маълумки, бу улугвор ва юксак концепциядир. Бунга ўхшаш ҳолатга биз ҳеч дуч келмаганмиз. Бизни қуршаб турган нимаики бўлса, бариси яратилган ва нимагадир боғлиқ. Муқаммал бўлиш нималигини биз охиригача англаб етишга қодир эмасмиз.

Бироқ яратилган ижод мукаммал бўла олмайди деган фикр, Яратувчининг мукаммал эмаслигини англабмайди. Худо ҳам бизлар каби Ўзини яратишга қодир эмас. Лекин Худо биздан фарқли ўлароқ, мукаммал бўлиши ва Ўз ҳолича яшаши мумкин. Аслини олганда, яратувчи ва яратилган ижод ўртасидаги фарқ айнан ана шундан иборатдир. Айнан шу фазилат Уни Қодир Худо ва бошқа мавжудотларнинг ҳаёти *манбаи* қилади.

Муқаммаллик концепцияси ақл-идрок, мантиқ ёки фаннинг қонун-қоидаларини бузмайди. Бу тушунча оқилона (рационал) асосланган. Бу ғоянинг акси бўлган ўзини яратиш ғояси ақл-идрокнинг, мантиқнинг ва фаннинг — қарама-қаршилиқнинг асосий қонунини бузаяпти. Мукаммаллик — асосланган ва мақсадга мувофиқ (рационал); ўзини яратиш эса — ақлга сиғмайди ва мантиққа зиддир (иррационал).

Ниманидир ўз ҳолича мавжудлигини тасаввур қилиш нафақат *мумкин*, балки *зарур* ҳам. Бошқа томондан эса, ақл-идрокнинг таъкидлашича, агар нимадир ўз ҳолича мавжуд экан, демак, бу яшаш учун кучга ёки қувватга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳеч нарса бўлмасди. Агар нимадир ўз ҳолича мавжуд бўлмаганда эди, унда умуман ҳеч нарса мавжуд бўлмас эди ҳам.

Эҳтимол, ҳаммасидан энг қадимий ва чуқур маънога эга савол қуйидагичадир: умуман, нега ўзи нимадир мав-

жуд? Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин: чунки Худо бор. Худо Ўз ҳолича абадий мавжуд. У қолганларнинг барчасига ҳаёт манбаидир. Фақат У Ўз ҳаёт кучига эга. Павлус бизнинг мавжудлигимиз Худога боғлиқлиги тўғрисида шундай дейди: «Зотан, биз У орқали яшаймиз, ҳаракат қиламиз, бормиз...» (Ҳав. 17:28).

### *Хулосалар*

1. Ҳар бир натижа ўз сабабига эга бўлиши керак.
2. Худо натижа эмас: Унинг сабаблари йўқ.
3. Ўзини яратиш концепцияси мантиққа зиддир (иррационал).
4. Мукамаллик концепцияси асосланган ва мақсадга мувофиқ (рационал).
5. Мукамаллик ғояси нафақат мумкин, балки зарур ҳам.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Заб. 89:3;  
Юҳ. 1:1-5;  
Ҳав. 17:22-31;  
Кол. 1:15-20;  
Ваҳ. 1:8.

## **13-боб**

### **Худонинг қудратлилиги**

Ҳар бир илоҳиётчига эртами-кечми жавоб топиш қийин бўлган савол берилиши мумкин. Масалан, мана бундай савол: Худонинг Ўзи ўрнидан қўзғата олмайдиган улкан, нақадар катта тоғ яратиши мумкинми? Бир қарашда, бу саволга жавоб бериш жуда қийиндай туюлади. Агар биз бу саволга ижобий жавоб берсак, демак, Худонинг қудрати етмайдиган нимадир мавжуд эканлигига изн берган бўламиз: У тоғни жойидан жилдира олмайди. Борди-ю, биз салбий жавоб берсак, унда Худо улкан тоғни ярата

олмас экан-да, деган шубҳа-гумон тугилиши мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам, Худонинг қудратини биз чеклаб қўйишга мажбур бўламиз.

Бу муаммо яна бир бошқотирмани ёдга солади: агар энгилмас куч энгиб бўлмайдиган ғов билан тўқнашса, нима юз беради? Биз энгилмас кучни тасаввур қила оламиз. Шунингдек, биз энгиб бўлмайдиган ғовни ҳам кўз олдимизга келтира оламиз. Бироқ бу икки тушунчанинг ўзаро таъсирини тасаввур қила олмаймиз. Агар энгилмас куч башарти энгиб бўлмайдиган ғов билан тўқнашсаю, ғовни энгиб ўтса, демак, ушбу ғовни «энгиб бўлмас» деб айтиб бўлмайди-да. Агарда ғов жойидан жилмаса, унда бизнинг «энгилмас» кучимизни энди энгилмас деб атай олмаймиз. Шундай қилиб, амалда икки тушунча — энгилмас куч *ва* энгиб бўлмас ғов — бир вақтнинг ўзида мавжуд бўла олмаслигининг биз гувоҳи бўлдик.

Бироқ энди яна жойидан жилдириб бўлмас тоққа қайтайлик. Олдимизда турган дилемма (бир-бирига зид бўлган икки далил), (энгилмас куч *ва* энгиб бўлмайдиган ғовнинг ҳолати сингари), — *сохта дилеммадир*. Биз уни сохта дейишимизга сабаб шуки у ёлғон, сохта нуқтаи назарга асосланган. Тасаввурга мувофиқ «қудратли» Худо ҳамма нарсага қодир эканлигини ифодалайди. Шундай бўлса-да, «қудратли» сўзи илоҳиётда Худо ҳамма нарсага қодир эканлигини англатмайди. Худо баъзи-бир нарсаларга қодир эмаслигини Муқаддас Китоб ҳам таъкидлайди. Худо ёлғон гапиролмайди (қаранг: Ибр. 6:18). Ўлиш Унинг қўлидан келмайди. У абадий *ва* шу вақтнинг ўзида яратилган бўла олмайди. У Ўз табиатига қарши бора олмайди. У бир вақтнинг ўзида *ва* бир хил муносабатда ҳам Худо, ҳам Худо эмас бўла олмайди.

Аммо қудратлилиқ Худо Ўз яратганлари устидан тўлақонли ҳукмрон бўлишига эга эканлигини англатади. Худонинг ҳамма ижоди беистисно Унинг назорати остида. Шунинг учун тоғ ҳақидаги саволга тўғри жавоб бор. Ушбу жавоб салбийдир. Худонинг Ўзи жойидан жилди-ролмайдиган шу қадар буюк тоғни яратишга қодир эмас.

Нима учун? Агар Худо шундай тоғни яратса, демак, У шунақанги буюк нарсани яратган бўладики, унга ҳатто Худонинг Ўз ҳукми ҳам ўтмайди. Шу йўсинда Худо Ўз қудрати доирасидан чиқиб кетади. Бироқ Худо Худо бўлмай қололмайди, шунингдек, У Қодир Худолигича қолиши керак.

Бокира қиз Марям хайрон бўлиб Исони туғиши ҳақида фариштадан хабар топди. Жаброил қизга шундай деди: «Зеро Худонинг бирон каломи пучга чиқмас...» (Лк. 1:37). Бу билан фаришта Худонинг қудратлилигини Марямга эслатиб қўйди. Ўйлашимча, чамаси ҳатто фаришталар ҳам муболағага (гиперболага) мойил бўладилар. Тор маънода фариштанинг сўзлари жуда ҳам аниқ эмас. Лекин Муқаддас Китоб тушунчасига кўра кенг маънода фариштанинг сўзлари шуни англатадики, Худонинг кучи яратилган ҳар қандай мавжудот қобилятидан анча устун туради. Бизнинг имконимиз йўқ нарсаларга Худо қодир. Худо учун имконсиз нарсанинг ўзи йўқ дейиш, бу — У нимани хоҳласа шуни қилади, деганидир. Унинг куч-қудрати ҳеч қандай доира ёки чегара билан белгилаб қўйилмайди. Ҳеч ким ва ҳеч нарса Худо куч-қудратига ва ҳокимиятига чек қўя олмайди. Шундай бўлса-да, Унинг кучи Ўз табиати билан чекланган. Худо учун гуноҳ қилишга имконият йўқ, чунки хоҳламасдан гуноҳ қилиб бўлмайди. Худо ҳеч қачон гуноҳ қилолмайди, чунки гуноҳ қилишга Унда хоҳиш-истак йўқ. Аюб ушбу мулоҳазаларнинг аниқ маъносини куйидагича ифодалаб берган: «Ҳа, биламан, Сен ҳамма нарсани қила оласан, Сенинг режаларингни ҳеч ким буза олмайди» (Аюб. 42:2).

Худонинг қудратлилиги барча масиҳийлар учун улуг тасалли сифатида намоён бўлади. Худо оламни яратишда кўрсатган куч-қудрати ва ҳокимияти тўлалигича Унинг ихтиёрида эканлигини ва бизнинг кутқарилишимизни таъминлашини биз биламиз. У бу кучини Исроил халқини Мисрдан олиб чиқишда намоён этди. У Ўз ҳокимлигини ўлган Масиҳни тирилтиришда кўрсатди. Худо яратган бирон нарса ҳам унинг ниятларини бузиш

имконига эга эмас. Бутун оламда Унинг режалари амалга ошишига халақит берадиган биронта ҳам назоратсиз молекула йўқ. Гарчи бу дунёнинг кучи ва ҳокимлари бизни кўрқитишга уринсалар-да, биз барибир кўрқмаймиз. Худонинг куч-қудратига ҳеч нарса қарши туришга қодир эмаслигини билиб, биз хотиржам бўла оламиз. Бизнинг Худойимиз — қудратли Худо.

### **Хулосалар**

1. Худонинг қудратлилиги У ҳамма нарсага қодир эканлигини англамайди. Масалан, У Ўз табиатига қарши ҳаракат қилолмайди.
2. Қудратлилик Худонинг мустақил ҳокимиятини, обрў-эътиборини ва яратилган дунё устидан ҳукмини англайди.
3. Худонинг қудратлилиги инсофсиз одамларни таҳликага солади ва имонлиларга хотиржамлик бахш этади.
4. Олам яратилишида намоён бўлган Худонинг куч-қудрати, бизни кечириб гуноҳимизни ювишда ҳам намоён бўлди.
5. Бутун оламда ҳеч нарса Худонинг ниятларини ўзгартиришга қодир эмас.

## **14-боб**

### **Худонинг ҳозир у нозирлиги**

Юлдузлар тасвири — бу орзу, хаёл. Одамлар ўз таналарини қолдириб Калифорнияга ёки Ҳиндистонга жўнаганларини, кейин эса поезд, самолёт ёки денгиз кемаларининг ёрдамисиз яна қайтиб келганларини айтишлари мумкин. Бироқ улар ё бизни алдашяпти, ёки бўлмаса ўзлари хато ўйлашяпти. Башарти инсон руҳи ёки жони шу тариқа фазода «сайил» қилиб, бутун ер курраси бўйлаб саёҳат қилиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин одамзод ҳар қандай шароитда ҳам, айна пайтда фақат бир жойда

бўлиши мумкин. Инсон руҳи чекланган. У нафақат ҳозирда, балки келажакда ҳам бир вақтнинг ўзида бир неча жойда бўла олмайди. Фақатгина Муқаддас Рух ҳозир у нозир бўлишга қодир.

Биз Худонинг ҳамма ерда ҳозир у нозирлиги ҳақида гапирганимизда, одатда У бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда бўлиши мумкинлигини назарда тутамиз. Худонинг қадами етмаган бирор жой йўқ. Албатта, Худо Рух сифатида маълум бир бўшлиққа эга эмас, одамзод эса жисмоний шахс сифатида аниқ замон ва маконга эга. Жисмоний шахсга мансуб жисмоний хусусиятлар Унда йўқ. Бу мўъжизавий ҳодисани тушуниш учун, бошқа ўлчамга ўтишга тўғри келади. Биз Худо билан вақт жиҳатидан ҳам, макон жиҳатидан ҳам ажралмаганмиз. Худо билан юзлашиш учун «қай вақтда» ёки «қаерга келиш» кераклигини билишга ҳожат йўқ. Худо билан бевосита муносабатда бўлиш учун бошқа ўлчамга қадам қўйиш керак.

Биз Худонинг ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлишининг яна бир аспекти кўпинча назардан қочирамиз. «Ҳамма ерда» дейилганда, фақат Худо бор жойлар назарда тутилмайди, балки унинг шу ердаги иштироки нақадар кучли эканлиги тушунилади. Худо бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда мавжуд бўлибгина қолмай, Ўзининг тўлатўқислиги билан ҳам ҳамма ерда иштирок этади. Айнан шунда Унинг чексизлиги ва беқиёслиги намоён бўлади. Нью-Йоркдаги масиҳийлар Москвадаги имонлилар сингари бир вақтнинг ўзида ва ўша даражада Худо билан бўлган мулоқотдан роҳатланадилар. Худонинг чексизлиги ва беқиёслиги шу тариқа Унинг тегишли даражадаги баландлигига ва улканлигига (габаритига), ёки размерига тааллуқли эмас, балки тўла-тўқис ҳамма жойда ва бир вақтнинг ўзида иштирок этиш қобилиятига эга бўлганидир.

Шунинг учун ҳам Худонинг ҳозир у нозирлиги ҳақидаги таълимот бизни эҳтиром ила ҳис-туйғуларга тўлдириши тушунарли. Бундан ташқари, у имонлилар учун катта тасалли бўлиб хизмат қилади. Биз ҳар доим Худой-

имизнинг бўлинмас диққат-эътиборига умид боғлаймиз. Худонинг ҳузурида бўлиш учун бизнинг навбатда туришимизни ва белгиланган вақтни кутишимизнинг ҳожаги йўқ. Биз Худо билан мулоқотга киришишни хоҳлаганимизда, У дунёнинг бошқа бурчагида ниҳоятда иш билан банд бўлиб, бизни Ўз ҳузурига ҳеч қачон қабул қилмай қўймайди. Бироқ бу назария имонсиз одамларга тасалли бермайди, чунки Худодан беркинишнинг иложи йўқ. Бутун оламда Худонинг назари тушмаган бирор бурчак йўқ. Инсофсиз одамлар дўзахда Худодан узоқда бўлмайдилар, лекин улар Худонинг марҳаматидан маҳрумдирлар. Худонинг қаҳри улар билан доимо бирга.

Довуд ўз саноларида Худонинг ҳозир у нозирлигини куйлаган. Бу таълимотнинг моҳиятини у шоирона шундай ифодалайди:

Сенинг Рухингдан қаерга ҳам кетар эдим?  
Сенинг ҳузурингдан қаерга қочиб бораман?  
Агар осмонга ўрласам, Сен у ердасан,  
Ўликлар диёрига тушай десам,  
Ўша ерда ҳам Сен борсан.  
Саҳарнинг қанотларини олиб учсам,  
Денгиз четларигача кўчиб ўрнашсам,  
Ўша ерда ҳам Сенинг қўлинг мени етаклар,  
Ҳа, кучли ўнг қўлинг мени ушлаб турар.

*Заб. 138:7-10*

### **Хулосалар**

1. Фақат Муқаддас Рух ҳозир у нозир бўлиши мумкин.
2. Худо на вақт, на масофа-макон билан боғланган. У вақт ва макондан ташқарида.
3. Худонинг ҳозир у нозирлиги Ўз ичига Унинг чексизлигини ҳам қамраб олган, шунинг учун Худо Ўз мукаммаллиги билан ҳар қандай вақтда ва ҳар жойда иштирок этиши мумкин.
4. Худонинг ҳозир у нозирлиги — масиҳийлар учун улкан тасалли, имонсизлар учун эса — даҳшат.

## ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

3 Шоҳ. 8:27;  
Аюб. 11:7-9;  
Ерм. 23:23-24;  
Ҳав. 17:22-31.

### **15-боб**

## **Худо ҳамма нарсани бошқаради**

Ҳамма нарсани бошқариш ҳақидаги менинг дастлабки тасаввурим Қорбобога болаларча ишониш билан боғлиқ бўлган. «Қорбобо совғалар рўйхатини тузиб, уни икки марта текширади», деб айтишган менга. Шунингдек, яна уйимизнинг томида сеҳрли қуённи яшашига ва менга сездирмай доимо мени кузатишига ҳам ишонганман.

*Ҳамма нарсани бошқариш* ибораси «ҳамма нарсани билиш» ҳамма нарсадан бохабарликни англатади. Ушбу иборани фақат Худога нисбатан ишлатиш, дарҳақиқат, тўғри. Фақатгина чексиз ва абадий Жонзотгина ҳамма нарсани билиши мумкин. Ўткинчи банданинг ижоди моҳиятига кўра доимо чекланган бўлади.

Мислсиз қудратга эга бўлган Худогина ҳамма нарсани билиши, англаши ва тушуниши мумкин. Бирор нарса ҳам У учун янгилик бўлмайди ва У ҳеч қачон янги билимларни эгалламайди. Келажак ҳам худди ўтмиш ва ҳозирги давр каби Унинг бошқарувида бўлади. Уни ҳеч нарса билан ажаблантириб бўлмайди.

Модомики, Худо билими бизникига қараганда анчагина устун (улар янада юксак даражада). Шундай экан, баъзи масиҳийларнинг ўйлашича, Унинг фикрлари ҳам ўз моҳиятига кўра бизнинг фикрлашимиздан кескин фарқ қилади. Масалан, масиҳийлар орасида Худонинг мантиқийлиги бизникидан ўзгача, деган фикр кенг тарқалган. Биз бирор тушунарсиз муаммога дуч келганимизда, бундай нуқтаи назар ўзимизга асқотади. Баҳсли вазиятларда

келишолмаганимизда, Худонинг «юксак» мантиқига таянган ҳолда муаммони ҳал қиламиз. Биз энгиллик билан шундай дея оламиз: «Биз учун бу зиддиятдир, Худо учун эса ҳаммаси жойида».

Масихийларнинг бундай мулоҳаза қилишлари ножоиздир. Нима учун? Агарда Худонинг мантиқий жиҳатдан мунтазамлиги ҳақиқатдан ҳам бизникидан кескин фарқ қилса ва биз учун зиддият бўлиб туюлган ҳолатлар Унга оқилона ҳисобланса, унда Муқаддас Китобнинг бутун мазмуни Худо учун қарама-қарши маънони англатиши мумкин бўлиб қолади. У ҳолда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги чегара Худонинг тушунчасида йўқ бўлади ва ҳар қандай дажжол назарий жиҳатдан Масихга айланиб қолиши мумкин.

Худонинг илоҳий бошқаруви биз учун сирли бўлган нарсаларни Унга мукамал билимга эга бўлиш имкониятини беради. Бироқ бу Худонинг бошқа мантиққа эга эканлигидан эмас, балки Унинг билим *даражаси* юқори эканлигининг гувоҳидир. Гарчи Худо мукамал бўлса-да, ҳатто У ҳам қарама-қаршиликларни бартараф қила олмайди.

Худонинг бошқаруви, шунингдек, Унинг қудратига ҳам асосланган. Худо Ўзининг олий идроки (интеллект) билан коинотни ва уни тўлдириб турган жамики нарсаларни синчиклаб ва атрофлича ўргангани учунгина, У олам бошқарувчиси эмас. Тўғрироғи, Худо ҳамма нарсани Ўз иродасига кўра яратгани учунгина У ҳамма нарсани билади. У бутун оламнинг тўла ҳуқуқли Ҳукмдори сифатида бу дунёни бошқаради. Баъзи илоҳиётчилар бир тушунчани иккинчисидан айиришга уринишади. Бироқ Худо борлиққа эга бўлмай туриб, ҳамма нарсани билолмайди. Ёки аксинча, Худо ҳамма нарсани билмай туриб, борлиққа ҳукмронлик қилолмайди. Бу тушунчалар Худонинг бошқа хусусиятлари (атрибутилари) сингари ўзаро боғлиқ ва бир бутунликнинг зарур бўлган икки қисмидир.

Худонинг оламини бошқариши, Унинг қудрати ва ҳозиру нозирлиги кабилар вақт тушунчаси билан ҳам боғлиқдир. Агарда Худо доимо ҳамма нарсани билсагина,

Унинг билимлари шу маънода мутлақ ва абадий ҳисобланади. Худонинг онги бизнинг онгимиздан шуниси билан фарқ қиладики, У биз сингари «маълумот» олиш ниятида компьютерни ишга солиб, Ўзига керак бўлган файлни топишга интирмайди. Ҳамма нарсадан бохабар бўлиш Худонинг ихтиёрида.

Худони оламни бошқариши — бу дудама қиличдир. Имонлига бу ҳақдаги фикр хотиржамлик ҳиссини беради, чунки Худо ҳамма нарсани бошқаради ва тушунади. Биз ҳал этолмайдиган муаммолар Худони ажаблантирмайди ёки саросимага солмайди. Бироқ бу ақида имонсиз одамга Худодан ҳеч қаерга яшириниб бўлмаслигини эслатади. Нопок одамларнинг жамики гуноҳлари Унга маълум. Гуноҳкорлар Одам Ато ўз вақтида қилгани сингари, Худодан беркинишга уринишади. Аммо бутун оламда меҳр ёки қаҳр билан Худонинг назари тушмаган бирор бурчак йўқ.

Худонинг оламни бошқариши Унинг дунёда адолат ўрнатишдек буюк орзуси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳакам адолатли ва мукаммал ҳукм чиқариши учун, барча далил-исботларни яхши билиши керак. Худодан бирор бир гуноҳни яширишнинг сира ҳам иложи йўқ. Жамики ноҳўя ҳолатлар Унга маълум.

### **Хулосалар**

1. *Бутун оламни бошқариш* «ҳамма нарсани билишни» ёки «ҳамма нарсадан бохабар бўлишни» англатади.
2. Фақатгина абадий Жонзотгина чексиз билимга эга бўлиши мумкин.
3. Худонинг билими, Ўзининг ижоди билимига қараганда анча юксак даражада, лекин мантиқ тузилишининг тартиби бир хил.
4. Масиҳийлар Худога қандайдир бошқача мантикий нисбат бермасликлари керак.
5. Худонинг бутун оламни бошқариши Унинг абадийлигига ва қудратлилигига асосланган.

6. Оламни бошқариш Худога бу дунёнинг Ҳаками сингари зарурдир.

*Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Заб. 146:5;  
Ҳизқ. 11:5;  
Ҳав. 15:18;  
Рим. 11:33-36;  
Ибр. 4:13.

## **16-боб**

### **Худонинг Муқаддаслиги**

Болалигимда ўрганган энг биринчи ибодатим жуда содда бўлган: «Раббий, Сен улуғсан ва марҳаматлисан, ушбу таом учун Сендан миннатдормиз».

Мана шу қисқа ибодатда Худонинг икки фазилати муҷассам. Бу Унинг улуғворлиги ва марҳаматлилигидир. Ушбу икки фазилатни Муқаддас Китоб тушунчасига асосан *муқаддаслик* сўзи билан умумлаштириш мумкин. Биз Худонинг муқаддаслиги тўғрисида гапирганимизда, одатга кўра Худонинг поклигини ва одиллигини назарда тутамиз. Албатта, муқаддаслик тушунчаси ушбу сифатларни ўзида гавдалантиради, лекин улар бу сўзнинг асл маъносини ифодалаб бермайди.

Муқаддас Китобнинг *муқаддаслик* сўзи икки турли маънога эга. Биринчиси — бу «ажралганлик» ёки «ўзгачалик». Худо муқаддасдир деганимизда, биз Уни ва Унинг ижоди ўртасидаги фарқни назарда тутамиз. Бу маънода муқаддаслик Худонинг беқиёс қудратини, Унинг тенги йўқ устунлигини намоён этади. Бу фазилат асосида У бизнинг иззат-ҳурматимизга, фахр-ифтихоримизга, эҳтиромимизга ва таъзимимизга сазовор бўлади. У «ўзгача», ёки бошқача қилиб айтганда, У биздан Ўз шон-шухрати билан ажралиб туради. Муқаддас Китобда илоҳий ёки

муқаддас нарсалар, ёки қадамжолар ҳақида сўз кетганда, булар Худо томонидан қилинган, ажратиб қўйилган ёки назари тушиб муқаддаслаштирилганлигини англатади. Мусо турган ер, гарчи атрофида олов гуркираб ёнаётган бўлса-да, муқаддасдир. Чунки Худо у ерда ўзгача тарзда намоён бўлган. Илоҳий яқинлик туфайли оддий ҳол кутилмаганда ажойиботга, одатдаги ҳол эса ноёб ҳодисага айланади.

*Муқаддаслик* сўзининг иккинчи маъноси Худонинг пок ва солиҳ ҳаракатларига боғлиқдир. Нима эзгу ёки тўғри бўлса, Худо шуни қилади. У ҳеч қачон ёмонлик қилмайди. Худо ҳар доим одилона *ҳаракат қилади*, чунки У *Ўз табиатига* кўра муқаддасдир. Шундай қилиб, биз Худонинг *ички* солиҳлиги (Унинг табиатан муқаддаслиги) ва Худонинг *ташқи* солиҳлиги (Унинг ишлари) ўртасидаги фарқни кузатмоқдамиз.

Модомики Худо муқаддас экан, демак, У мумкин қадар эзгу ва буюқдир. Унинг эзгулигида заррача ҳам ёвузлик аломати йўқ. Худо бизни муқаддас бўлишга чорлаганда, биз Унинг илоҳий улуғворлигига эга бўлишимизни англатмайди. Аммо биз ўзгача бўлишимиз керак ва инсонга хос тубанликдан, гуноҳқорликдан воз кечишимиз лозим. Биз ўзимизда Худо тимсолини намоён қилишга даъват этилганмиз. Биз унинг марҳаматига тақлид қилишимиз керак.

## Хулосалар

1. *Муқаддаслик* турлича икки маънога эга:

1) «ўзгачалик» ёки «ажралганлик» ва



= 1. Ўзгачалик (улуғворлик)  
2. Софлик (солиҳлик)

2) «пок ва солиҳ ҳаракатлар».

2. Биз муқаддасликка даъват этилганмиз — Худонинг солиҳлигини ва муқаддаслигини акс эттириш.

*Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Чик. 3:1-6;  
1 Шоҳ. 2:2;  
Заб. 98:1-9;  
Ишаё 6:1-13;  
Ваҳ. 4:1-11.

## **17-боб**

### **Худонинг эзгулиги**

Мушукча ёки кучукчанинг ўз соясини қувиб ўйнашини кузатиш жуда қизиқ. У бор кучи билан сояни тутмоқчи бўлади, лекин бефойда. У қаёққа югурмасин, соя ҳам унга қўшилиб ўша ёққа югуради. Аммо Худо масаласи бутунлай бошқачадир. Хаворий Ёқуб шундай дейди: «Ҳар бир неъмат, ҳар бир мукамал ҳады юқоридан, самовий нурлар Отасидан тушади. Унда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, ўзгарувчан кўланка ҳам йўқ» (Ёқуб. 1:17).

Худо ҳеч қачон ўзгармайди. Унда «ўзгарадиган соя» ҳам йўқ. Бу бизга Худонинг номоддийлигини ва шунинг учун соя солмаслигини, шунингдек, Унда кўчма маънода ҳам «кўланка» йўқлигини тахмин қилишимизга имкон беради. Кўланка қоронғуликни англатади, илоҳий маънода эса қоронғулик — бу ёвузликдир. Гарчи Худода ёмонлик йўқ экан, демак, Унда зулматнинг аломати ҳам йўқ. У нурлар Отасидир (қаранг: Ёқуб. 1:17).

Ёқуб Худода «ўзгарувчан кўланка ҳам йўқ» деганда, у Худонинг фақатгина ўзгармаслигини назарда тутмаган. Бу баёнот Унинг моҳиятига ҳам тааллуқлидир. Худо тамомила эзгулик бўлиб қолмай, У доимо ва мунтазам бахтсаодат ҳады этади. Худо Ўзини эзгуликсиз тасаввур қила олмайди.

Эзгулик тушунчаси Худо ҳақидаги тасаввур билан чамбарчас боғлиқ. Ҳатто мажусий файласуф Афлотун ҳам олий эзгулик ва Худо ўртасига тенглик белгисини қўйган. Худонинг моҳияти ҳам, Унинг ишлари ҳам эзгуликдир. Худонинг ҳаракатлари Унинг моҳиятига монанддир. У Ўзининг кимлигига асосланиб иш тутади. Касалманд дарахт яхши мева беролмагани каби, ёмонликсиз Худо ҳам зиғирдақ ёмонликка эга бўлса, Унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Худонинг эзгулиги Унинг қонунларида ифодаланган. Худо Ўзидан чиқмаган қандайдир самовий қонунларга бўйсунгани учун эзгу ҳисобланмайди. Унинг устига У бу қонунларга Ўзини ҳукм қилишга ижозат беради. У айна пайтда ноқонуний равишда ҳаракат қилиб, ҳукмронлиги ва обрў-эътибори кучи билан Ўзини Эзгу деб атайти. Аммо У бунинг учун эзгу эмас. Худонинг эзгулиги золим ва бетайин эмас. Худонинг Ўзи қонунга — Ўз табиати-нинг қонунига бўйсунди. У доим Ўз моҳиятига мувофиқ ҳаракат қилади. Унинг моҳияти эса абадий, ўзгармас ва моҳиятига кўра эзгудир. Ёқубнинг таъкидлашича, ҳар бир неъмат, ҳар бир ҳадя юқоридан — Худодан тушади. Худо нафақат эзгуликнинг юксак намунаси, балки У ҳар қандай эзгуликнинг Манбаи ҳам ҳисобланади.


Янги Аҳднинг жуда кўп қўлланиладиган оятларидан бири қуйидаги оятдир: «Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади» (Рим. 8:28). Бу оятни илоҳий башорат сифатида тушуниш анчагина қийин. Агар Худо бизда содир бўлаётган ҳамма нарсани ўзимизга эзгулик қилиб қайтарадиган бўлса, демак, ҳаётимиздаги ҳамма нарса мутлақ яхшиликдан иборатдир. Бу ерда *мутлақ* сўзини ажратиб кўрсатишимиз керак. Заминий ҳаётда баъзи вазиятлар ва шароитлар чинакам ёвузлик бўлиши мумкин. (Биз ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз ва ёмонликни яхшилик деб, яхшиликни эса ёмонлик деб атамаслигимиз керак.) Тўғри, гоҳида азоб-уқубат ва изтироб чекамиз, кўпгина турли кўнгилсизликларга дуч

келамиз. Аммо Худонинг эзгулиги туфайли барча қайгуларимиз яхшиликка айланади. Масиҳийлар учун ҳеч қандай фожеалар *мутлақ* мавжуд эмас. Раббий бу бахтсизликларнинг барчасини биз учун олий эзгуликка ўзгариради.

Мартин Лютер қуйидаги сўзларни айтганда, у Худонинг айнан эзгулик қилиш аспекти назарда тутган: «Агар Худо менга кўчада ётган гўнгни ейишни буюрса, мен уни нафақат еб тугатаман, балки бу гўнг менга Худо орқали яхшилик бўлиб қайтишига қатъий ишонаман».

### Хулосалар

1. Ҳар қандай ижод гуноҳ соясига эга.



**Ижод** (соя)

**ХУДО** (соя йўқ)

2. Худонинг соя томони йўқ.
3. Худонинг юқорисида қонун йўқ.

ХУДО



Қонун

4. Худо қонундан ажралмаган.

Қонун / ХУДО

5. Худо Ўзига Ўзи қонундир.



## **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Чик. 34:6-7;

Заб. 24:8-10;

Заб. 99:1-5;

Рим. 8:28-39;

Ёқуб. 1:17.

## **18-боб**

### **Худонинг адолатлиги**

Биз ҳар куни *адолат* сўзини эшитамиз. У шахсий суҳбатларда, расмий амалий учрашувларда, қонун чиқарувчилар фаолиятида, ҳакамлар чиқарган ҳукмларда акс этади. Бироқ бу сўз кўп қўлланишига қарамай, унга муносиб таъриф топмоқчи бўлган файласуфларни бироз эсанкиратиб қўйган эди.

Баъзида биз адолатни одамнинг қилмишига яраша олганлигига тенглаштирамыз. Биз бу ерда адолатли жазо олган ёки ҳурматига яраша рағбатлантирилган одамларни назарда тутамиз. Аммо мукофот доимо ҳам хизматга асосланиб берилавермайди. Фараз қилайлик, гўзаллик конкурсида энг чиройли қизнинг мукофотланиши эълон қилинди. «Гўзал қиз» мукофотни ўзини қандайдир бир йўл ёки усуллар билан чиройли қилишга интилгани учун олгани йўқ. Тўғриси, мукофот олишда унинг ҳеч қандай хизмати йўқ. Адолат бу ерда шундан иборатки, совринни ҳақиқатдан ҳам гўзал қиз олишга ҳақли. Агар ҳакамлар (сиёсий мулоҳазаларга кўра ёки пора олиш натижасида) гўзал деб аташга арзимайдиган қизни афзал кўришса, уларнинг қарори адолатсиз бўлади.

Юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра, Аристотель адолатни «одамга *тегишли* бўлгани учун берилади», деб белгилаган эди. «Тегишлилик»ка балки ахлоқий мажбуриятлар ёки қандайдир дастлабки келишувлар сабаб бўлгандир. Агар одам қилган гуноҳига яраша эмас, ундан

ортикроқ жазо олгудек бўлса, унда жазо адолатсиз бўлади. Агарда гуноҳкор қилмишига нисбатан енгилроқ жазо олса, унда чиқарилган ҳукм ҳам адолатсиз ҳисобланади.

Лекин раҳм-шафқат ҳақиқат билан қандай ўзаро муносабатда бўла олади? Мутлақо равшанки, раҳм-шафқат ва ҳақиқат — гарчанд уларни кўпинча чалкаштиришса-да, турлича тушунчалардир. Одам қилган айбига қараганда енгилроқ жазо олса ёки сазовор бўлганидан ортикроқ мукофот оладиган бўлса, раҳм-шафқат ҳақида гапириш мумкин.

Худо Ўзининг адолатли ҳукмини раҳм-шафқат орқали юмшатади. Аслида Унинг марҳамати раҳм қилишдан иборат. Худо Ўз раҳм-шафқатини биз лойиқ бўлган жазоларни ёғдиришга шошилмай намоён қилади ва унга итоат этганимиз учун бизни тақдирлайди. Аслида биз Унга итоат этишга мажбурмиз, шунинг учун ҳам ҳеч қандай марҳаматга лойиқ эмасмиз. Худонинг раҳм-шафқати — бу Унинг доимий яхши ниятли ҳаракатидир. У бизга марҳамат, раҳм-шафқат кўрсатишга мажбур эмас. Худо Ўзининг саховатига мувофиқ Ўз марҳаматини намоён қилиш ҳуқуқини Ўзида қолдиради. Зеро У Мусога шундай деган: «Марҳамат этганимга марҳамат этаман, раҳм айлаганимга раҳм айлайман» (Рим. 9:15).

Одамлар кўпинча Худони ноҳақликда айблашади, чунки У Ўз раҳм-шафқати ва марҳаматини ҳамма одамга ҳам, қолаверса тенг миқдорда бермас эмиш. Бизнинг ўйлашимизча, агар Худо бирор одамни кечирса, У қолган одамларни ҳам кечиришга мажбур.

Аммо Муқаддас Ёзувдан шуни биламизки, Худо ҳамма одамларга ҳам бир хил муносабатда бўлолмайди. У Ўзини Иброҳимга шундай намоён қилдики, олдин қадимги дунёдаги ҳеч бир мажусийга бундай намоён бўлмаган. Худо Ўз меҳр-шафқатига биноан Павлусга шундай зоҳир бўлдики, масалан, искариётлик Яхудога шундай зоҳир бўлмаган.

Павлус Худодан марҳамат олди. Искарриётлик Яхудо эса қилмишига яраша адолатли жазоланди. Меҳр-шафқат

ва марҳамат — бу адолатсизликнинг усуллари дир. Бироқ буларни адолатсизликнинг ҳатти-ҳаракати деб бўлмайди. Агар Яҳудо қилмишига қараганда қаттиқроқ жазоланганда, унда норозиликка сабаб бўларди. Павлусга эса меҳр-шафқат кўрсатилди. Лекин бу дегани — Яҳудо ҳам меҳр-шафқат олиши керак, деган маънони англатмайди. Агар меҳр-шафқатни Худодан талаб қилиши мумкин бўлса, агар Худо меҳр-шафқат кўрсатишга мажбур бўлса, демак, биз меҳр-шафқат ҳақида эмас, балки адолат ҳақида гапираётган бўламиз.

Муқаддас Китоб нуқтаи назаридан қаралганда, адолат солиҳлик билан боғлиқдир. Модомики Худо адолатли экан, У нима солиҳлик бўлса, шуни қилаверади. Иброҳим Худога жавоб талаб этилмайдиган савол берди, чунки жавоб аниқ ва равшан эди: «Бутун оламнинг Ҳоқими адолатли ишларни қилиши керак эмасми?!» (Ибт. 18:25). Шунга ўхшаш риторик саволни Павлус ҳам берган: «Бунга нима деймиз? Худо ноҳақми? — Асло!» (Рим. 9:14).

### **Хулосалар**

1. Адолат — бу кимдир ўзига тегишли бўлганни олишидир.
2. Муқаддас Китоб адолати солиҳлик ва нима тўғри бўлса, шуни ижро этиш билан боғлиқ.
3. Адолатсизлик адолат туркумига кирмайди. У адолатнинг бузилишини намоён қилади. Меҳр-шафқат ҳам адолат туркумига кирмайди, лекин у адолатни бузмайди.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Ибт. 18:25;  
Чик. 34:6-7;  
Нхм. 9:32-33;  
Заб. 144:17;  
Рим. 9:14-33.

УЧИНЧИ  
ҚИСМ



# Худонинг ишлари ва амрлари

## 19-боб

### Яратилиш

Ҳамма нарса замон ва маконда ўз ибтидосига эга. Биз ҳаммамиз — мен ва сиз — қачондир дунёга келганмиз. Биз яшаётган уй ҳам қачондир қурилган. Эгнимиздаги кийим-кечакни ҳам кимдир тиккан. Қачонлардир бизнинг уйларимиз, кийимларимиз, машиналаримиз, уй жиҳозларимиз ва ўзимиз ҳам бўлмаганмиз. Буларнинг ҳеч бири йўқ эди. Бу жуда оддий ва содда.

Модомики, бизнинг атрофимиздаги одамлар ва нарсалар қачонлардир ўз ибтидосига эга экан, биз *ҳамма нарса* ўз ибтидосига эга бўлиши керак, деган хулосага келамиз. Лекин бундай хулоса бизни беъманиликнинг қаърига улоқтириши ва дин учун машъум бўлиши мумкин. У ҳаттоки фан ва инсон онги учун ҳам фалокатдир.

Нима учун? Ахир, мен ҳамма нарса замон ва маконда ўз ибтидосига эга деб айтмаганмидим? Наҳотки бу сўзлар ҳаммаси ибтидога эга деган таъкид билан бир хил аҳамиятга эга бўлмаса? Йўқ, бир хил эмас. Мантиқ нуқтаи назаридан ҳам, илм-фан нуқтаи назаридан ҳам ҳамма нарса ўз ибтидосига эга деб таъкидлаш мумкин эмас. Нега? Агар жамики мавжудот ўз ибтидосига эга бўлганда, унда ҳеч нарса мавжуд бўлмаган қандайдир замон бўлиши керак эди.

Бир лаҳзага тўхтаб мулоҳаза қилинг. Ҳеч нарса мавжуд эмаслигини фараз қилинг. Мутлақо ҳеч нарса йўқ. Биз мутлақо ҳеч нарса йўқлигини кўз олдимизга келтиролмаймиз. Бу ҳақдаги фикрнинг ўзи бутун борлиқни инкор этаётганга ўхшайди.

Хўп, агар мутлақо ҳеч нарса мавжуд бўлмаган қандайдир замон бўлган деб фараз ҳам қилайлик, унда ҳозир нима бўларди? Тўппа-тўғри — ҳеч нарса бўлмасди! Агар қачонлардир ҳеч нарса бўлмаган замон бўлганда, унда

мантиқ қонунига биноан ҳар доим ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Ҳаттоки унда ҳеч нарсанинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган «замон»нинг ўзи ҳам бўлмас эди.

Лекин биз қачонлардир ҳеч нарса бўлмаганлигига шунчалик ишонган бўлсак, ҳозирда ҳам ҳеч нарса бўлмаслигига нега мутлақо ишончимиз комил? Таажжуб, ниҳоятда ўткир зеҳнли одамларнинг ҳам текис жойда қоқинишлари сингари, жавоб жуда оддий. Жавоб шундан иборатки, *ҳеч нарсадан* ниманидир олишнинг иложи йўқ. Илм-фан ва мантиқнинг мутлақ қонуни шундай дейди: *ex nihilo nihil fit* (ҳеч нимадан ҳеч нарса пайдо бўлмайди). Ҳеч нарсани фақат ҳеч нима келтириб чиқаради. Ҳеч нарса кулолмайди, йиғлай олмайди, куйлай олмайди, ишлай олмайди, ўйнай олмайди ёки нафас ололмайди. У муайян бирор нарса ижод қилолмайди. Ҳеч нима ҳеч нарса яратолмайди, чунки у ҳеч нима-да. У ҳеч қандай кучга эга эмас, чунки у мавжуд эмас.

Ҳеч нима ниманидир яратиши учун ўзи ишлаб чиқарувчи кучга эга бўлиши керак. Ҳеч нарса ўзини яратиш учун ёки ўзига ҳаёт бериши учун имкониятга эга бўлиши керак. Аммо бу ғирт бемаънилик. Ўзини яратиш ёки қайта тиклаш учун ўша нимадир ҳозирда *мавжудлигига* қараганда, олдин бўлиши керак. Лекин нимадир мавжуд бўлса, уни яратишга ҳожат йўқ. Ўзини яратиш учун нимадир бўлиши ва бўлмаслиги айна маънода ва айна пайтда мавжуд бўлиши ва мавжуд бўлмаслиги керак. Аммо бу қарама-қаршиликдир. У мантиқ қонунларининг энг асосийси ҳисобланмиш қарама-қаршилик қонунини бузади.

Агар биз ниманидир билсак ҳам, ҳозирда нимадир мавжудлигини, демак, қандайдир йўсинда қаердадир, ниманингдир бошланиши йўқлигини билган бўламиз. Ажойиб мутафаккир Бертран Рассел Фредерик Коплестон билан бўлган машҳур баҳсда шуни таъкидладикки, ҳозирги ҳақиқий коинот «сўнгги сабабларнинг битмас-туганмас серияларидан» иборат, яъни охири йўқ, узундан-узоқ ортга, абадийликка қаратилган сериялардан

иборатдир. Бунда бир сабаб натижаси иккинчи сабабни келтириб чиқараверади ва бу жараённинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. Бироқ бу ғоя яратилиш муаммосини қатор узлуксиз сабаблар ва натижалар билан чуқурлаштиради, холос. Нақадар бемаъни фикр. Ушбу фикр ақлли одамлардан чиққанлиги учун унинг бемаънилигини бироз бўлсада камайтирмайди. Бу бемаъниликдан ҳам баттарроқдир. Бемаъни нарсалар амалий бўлиши мумкин. Лекин бу фикр мантиқан мумкин эмас.

Рассел ҳеч нимадан ҳеч нарса ҳосил бўлмаслик қонунини рад этиши мумкин. Лекин у ўзини ақлан нобуд қилмай туриб, бу қонунни рад этолмайди. Агар ҳозирда нимадир бўлса, демак, олдин ибтидоси бўлмаган нимадир бўлиши кераклигини биз аниқ биламиз. Масала фақат у *нима* ёки у *ким* эканлигидан иборат.

Кўплаб етук олимларнинг эътироф қилишларича, *бу нима* деган саволга жавобни коинотнинг ўзидан топиш мумкин. Уларнинг таъкидлашларича (Карл Саган шундай қиляпти), ибтидоси йўқ ниманидир топиш ва қолган нарсалар қаердан келиб чиққанлигини билиш учун коинотдан четга чиқиб кетмаслик керак. Яъни трансцендент «Худонинг» мавжудлигини ва бу коинотдан ҳам юксак Худонинг борлигини фараз қилишимизнинг кераги ҳам йўқ. Коинотнинг ўзи ёки ундаги нимадир қўйилган ва-зифани тўла уддалай олади.

Аммо тақдим қилинган сценарийда аранг кўзга ташланадиган хато яширинган. У *трансцендент* сўзига тааллуқли. Фалсафада ва илоҳиётда Худонинг трансцендентлиги ғояси шуни англатадики, Худо коинотнинг «устиди ва ташқарисиди» шу маънодаки, У олий тартибдаги, бошқа жонзотлардан фарқли равишдаги Зотдир. Биз кўпинча Худони олий, юксак Зот деб атаймиз.

Олий Зотни инсон зотидан нима ажратиб туради? Эътибор беринг-а, иккала концепцияда ҳам умумий сўз — *зот* сўзи мавжуд. Худо олий Зот деганимизда, биз У *сифат* хусусиятига биноан бошқа зотлардан ажралиб турувчи Зот, деб таъкидлаймиз. Аммо бу фарқ аниқ нимадан

иборат? Худонинг ибтидоси йўқ, шунинг учун У олий деймиз. У олий, шунинг учун ҳам бошқалар Унинг шарофати билан яшайдилар. Унинг Ўзи ҳам Ўзининг шарофати ила мавжуд. У — абадий Яратувчидир. Дунёдаги жамики нарса ва жонзот Унинг яратувчилик ижодидир.

Карл Саган ва бошқалар коинотда — унинг юқорисида эмас ва ундан ташқарида ҳам эмас — яратилмаган нимадир мавжуд деб айтишганда, улар Яратувчимизнинг манзилени ноаниқ кўрсатишади. Карл Саганнинг таъкидлашича, яратилмаган нарса шу ернинг ўзида (коинотда) мавжуд, «ундан ташқарида» эмас (унинг устида ёки ундан устун ҳам эмас). Лекин барибир шу яратилмаганга олий Зот зарурдир. Унинг коинотдаги сирли қисми бошқа ҳамма яратилган нарсалардан ташқарида ва уларнинг устида бўлади. Коинотда эса ҳамма яратилган нарсалар намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, қандайдир трансцендент Зот бўлиши керак.

«Коинотда мавжуд Яратувчини» биз қанчалик кўп ўрганмайлик, У шунчалик кўп трансцендент Худога ўхшайди. У яратилмаган. Унинг Ўзи Яратувчи. У ҳаёт кучига эга.

Бир нарса мутлақо равшан: агар ҳозирда нимадир мавжуд бўлса, демак, қандайдир олий Зот бор ва бу Зот жамики жонзотни яратган. Муқаддас Китоб куйидаги сўзлар билан бошланади: «Худо дастлаб осмон билан ерни яратди». Бу гап масиҳийлик фикрининг ибтидоси бўлиб қолди. Бу нафақат масиҳийларнинг фикри, балки зарур ва мақсадга мувофиқ қарашдир (концепциядир).

### *Хулосалар*

1. Ҳамма нарса замон ва маконда ўз ибтидосига эга.
2. Ҳеч нарсадан нимадир пайдо бўлмайди. Ҳеч нима бирор нарсани яратишга қодир эмас.
3. Агар қачонлардир ҳеч нима мавжуд бўлган бўлса, демак, ҳозирда ҳам фақат ҳеч нима бўлади.
4. Ҳозир нимадир мавжуд, бинобарин, ибтидоси йўқ нимадир бўлиши керак.

5. Нарсалар ўзларини ўзлари ярата олмайди, чунки бунинг учун улар даставвал ўзларидан олдин мавжуд бўлиши керак.
6. Агар коинотнинг қандайдир бир «қисми» яратилмаган бўлса, у ҳолда у ибтидоси бор бўлган қисмлардан ташқарида ёки уларнинг устида бўлади.
7. Яратилмаган зот — қаерда бўлишидан қатъий назар, олий зотдир (яратилган зотларга нисбатан у олий тартибдаги зотдир).
8. *Трасцендентлик* жуғрофияни эмас, борлиқнинг даражасини кўрсатади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 1;  
 Заб. 32:1-9;  
 Заб. 103:24-26;  
 Ерм. 10:1-16;  
 Ибр. 11:3.

## **20-боб**

### **Олдиндан кўра билиш**

Род-Айленд штатининг пойтахти Провидение деб номланган, бу «олдиндан кўра билиш» деган маънони билдиради. Бу номда ғайриоддий нимадир мавжуд. Шаҳарнинг номи шундан далолат берадики, ота-боболаримиз биз билан сиз каби эмас, балки бутунлай бошқача фикр юриштишган. Ким ҳам бугунги кунда шаҳарни Провидение деб атагиси келади? Бу сўзнинг ўзи эскича янграйди, ҳатто у архаик сўзга айланган.

Илк масиҳийларнинг асарларини ўқиганимда, уларнинг Худо мўъжизаларини кўплаб эслашлари мени ҳайратга соларди. Афтидан ўтган асрлар масиҳийлари башоратларга сиз билан биздан кўра ортиқроқ даражада ишонилган кўринади. Натуралистик руҳ давомчиларининг: «Табиатдаги барча ҳодисалар мустақил табиат кучлари

таъсири остида содир бўлади», деб эътироф қилишлари бизнинг авлодимизга кучли таъсир кўрсатяпти.

*Башорат* сўзи «олдиндан кўриш» ёки «олдиндан хабар бериш» деган маънони англатади. Бироқ бу сўзнинг маъносини билиш башорат таълимотининг чуқур маъносини тушунишимизга имкон бермайди. Бу таълимот Худонинг фақатгина башарият тарихини билиш қобилиятини кўрсатмайди. Ёки башоратгўйлик фақатгина барча воқеаларни олдиндан кўра билишни англатмайди.

XVII асрнинг Вестминстер илоҳиётчилари башорат тушунчасини қуйидагича таърифлашган:

Худо — жамики жонзотнинг Яратувчисидир. У Ўзининг барча ижодини қўллаб-қувватлайди, йўл-йўриқ кўрсатади. Воқеа ва ҳодисаларни энг буюгидан бошлаб то арзимасигача бошқаради. Буларни Худо Ўзининг олий даражадаги ва муқаддас илоҳийлигига, Ўзининг беҳато билувчанлигига ва эркинлигига, Ўзининг доимий марҳаматига ва шахсий иродасига, Ўзининг мақтовга сазовор донолигига, куч-қудратига, адолатлигига, саховатлигига ва раҳм-шафқатлигига асосланиб амалга оширади<sup>1</sup>.

Худо Ўзи яратган ижодини ҳимоя қилади. Олам нафақат яратилгани учун Худодан миннатдор, балки Унга боғлиқ бўлган кейинги ҳаёти учун ҳам миннатдордир. Бутун олам ўз ҳолича ҳаракат қила олмайди ва яшай олмайди. Худо Ўз куч-қудрати билан бутун жонзотга мадад беради. Фақатгина У билан биз мавжудмиз, ҳаёт кечиришимиз ва ҳаракат қиламиз.

Башорат таълимотида Худонинг бутун коинотни бошқаришига асосий урғу берилади. У Ўзи яратган оламни тўла ҳуқуқли ҳукмрон сифатида бошқаради. У мавжуд бўлган ҳамма нарсани — каттасидан то кичигигача бошқаради. Ундан берухсат ҳеч қачон ва ҳеч нарса содир бўлмайди. Унинг иродаси билан ёмғир ёғади ва қуёш чарақлайди. У шоҳликларни юксалтиради ва ағдариб ташлайди. Бошимизда нечта соч толаси борлигини ва қанча умр кўришимизни фақат У билади.

Башорат ва бахт, тақдир ва омад ўртасида катта фарқ мавжуд. Фарқнинг асл маъноси Худонинг моҳиятидан иборат. Бахтнинг кўзи кўр, лекин Худо ҳаммасини кўради. Тақдир шахсий ибтидодан маҳрум, ҳолбуки Худо — бу Ота. Омад гунг, Худо эса биз билан гаплаша олади. Инсоният тарихида ожиз, эгасиз ва забонсиз кучлар ҳаракат қилмайди. Ҳаммаси башоратнинг кўринмас қўллари билан амалга оширилади.

Худо бошқараётган оламда тасодифий ҳодисалар бўлмайди. Шунга ўхшаш тасодифлар мутлақо мавжуд эмас. Бу математик назарияларни изоҳлашда биз фойдаланадиган оддий сўз, холос. Аммо тасодифнинг ўзи ҳеч қандай кучга эга эмас, чунки у мавжуд эмас. Тасодиф — бу воқеаликка таъсир ўтказа оладиган аллақандай жонзот эмас. Тасодиф на ҳодиса, на буюмдир. У ҳеч нима.

Башоратнинг бошқа жиҳати *мавжуд аҳвол* деб аталади. Мавжуд аҳвол Худонинг одам билан биргаликдаги ҳаракатини назарда тутди. Биз ҳаммамиз ўз эркига эга жонзотлармиз. Қандайдир ҳодисаларнинг содир бўлиши учун биз ҳаракат қилиб, имкон яратиб берамиз. Бироқ биз ўзимизни содир бўлаётганларнинг фақат иккинчи даражали сабабчиси деб биламиз. Худонинг башоратгўйлиги бизнинг барча ҳаракатларимиздан устун туради. Худо Ўз иродасини, инсон эркинлигини бузмаган ҳолда, унинг эрки орқали амалга оширади. Мавжуд аҳволнинг энг ёрқин мисолини Муқаддас Китобдан топса бўлади. Бу — Юсуф ва унинг ака-укалари билан юз берган ҳодисадир. Гарчи ака-укалар ҳақиқатдан ҳам Юсуфни кўпгина азоб-уқубатларга гирифтор қилишган бўлсалар-да, уларнинг гуноҳи Худонинг режасида бор эди. Юсуф ака-укаларига шундай деди: «...Худо бугун қилаётгандай, сон-саноксиз халқни сақлаб қолиши учун, сизлар қилган ёмонликни яхши томонга ўзгартирди...» (Ибт. 50:20).

Худонинг гуноҳни ювиш башорати энг ёвуз хатти-ҳаракатларда ва қилмишларда намоён бўлади. Инсон жиноятларининг энг даҳшатлиси — исқариётлик Яхудонинг Масихга қилган хоинлиги бўлган. Аммо Масихнинг

ўлими тарихда тасодиф бўлмаган. У Худо иродаси билан содир бўлган. Яхудонинг разил қилмиши эса инсоният тарихида энг буюк воқеа бўлган — Қутқарилишнинг амалга ошишига ёрдам берган.

### ***Хулосалар***

1. Одамлар ҳозирги пайтда одатга кўра башоратга ишонмайдилар.
2. Башорат ўзида Худо ижодини сақлаш ва уларга ёрдам бериш борасидаги Унинг ишларини мужассамлаштиради.
3. Башорат энг муҳими Худо яратган жонзотларни бошқаришини англатади.
4. Башорат таълимотига кўра, ҳеч қандай эгасиз кучлар — омад, тақдир ёки тасодиф мавжуд эмас.
5. Башорат мавжуд аҳволни ўз ичига олган. Мавжуд аҳвол воситасида Худо Ўз илоҳий иродасини яратган жонзотларининг эрки орқали амалга оширади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Аюб. 38:1–41:34;

Дон. 4:31-32;

Ҳав. 2:22-24;

Рим. 11:33-36.

## **21-боб**

### **Мўъжиза**

Баъзида мен дўстларим билан атрофида кўпгина ховузчалар бўлган майдонда гольф ўйнайман. Гоҳида тўпни нотўғри урганимда, тўп ҳовузча тарафга қараб учиб кетади. Аммо у ҳовузчага тушиб кетмайди, аксинча сувнинг бетида бир неча бор энгилгина қалқиб, қаршимиздаги қирғоққа бориб қолади. Мен тақводор масиҳий бўлганим учун коптокнинг бундай ўзгаришини: «Ажабо! Бу

мўъжиза-ку!» — деб ҳайрат билан қарши оламан. Бироқ ҳар қандай бола маҳорат билан отилган тошча сувнинг бетида «сакраб» ўйнаганича, маълум масофани енгиб ўтиши учун ҳеч қандай мўъжизанинг кераги йўқлигини жуда яхши билади. Худди шу сингари гольф ўйинида урилган копток сувнинг бетидан силлиқ учиб ўтиб кетиши учун ҳам ҳеч қандай мўъжизанинг ҳожати йўқ. Фақатгина коптокка тўғри тезликни бериб мос ҳаракат йўлига солсангиз, ҳамма иш жойида бўлади.

*Мўъжиза* сўзи бугунги кунда жуда кўп айтиляпти. Спорт ўйинида омадли ташланган копток, мураккаб вазиятдан муваффақиятли чиқиш, куннинг чиройли ботиши — буларнинг барини одамлар ўйламасдан «мўъжиза» дейишади. Бироқ бу сўздан фақат муайян уч ҳолатдагина фойдаланиш мумкин. Биринчидан, оддий, лекин шу билан бирга ниҳоятда ёрқин ва муҳим воқеаларни таърифлашда. Биз, масалан, боланинг туғилишини «мўъжиза» деб атаймиз. Шу йўсинда Худо яратган мавжудотни мураккаблиги ва гўзаллиги учун биз Унга тасаннолар айтамыз. Биз оламнинг улугворлиги қаршисида эҳтиром ила таъзим қиламыз. Зеро Худо Ўзи яратган табиат қонунларидан фойдаланиб бу оламни бошқаради. Бу ерда оддий нарсалар «*мўъжиза*» сўзи билан аталади. Чунки бу нарсаларнинг ажойиб сабабларга кўра яратилганлиги Илоҳий куч билан боғлиқдир.

*Мўъжиза* сўзининг иккинчи ҳолатда ишлатилиши биринчисига ўхшайди. Муқаддас Ёзувда Худо ёрдамчи воситалар кўмагида қулай пайтда ва энг мос жойларда амалга оширган Илоҳий ишлари тўғрисида жуда кўп ўқиб турамыз. Масалан, Байтлаҳм юлдузи табиий, илмий асосланган сабабларга кўра порлаган бўлса ажаб эмас. Унинг ярқираб порлашини мислсиз юлдузларнинг тўпланиши билан ёки янги юлдузнинг пайдо бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Бироқ бу ҳолат ушбу ҳодисани одадий ҳолга айлантормайди. Бу ҳам мўъжиза. Чунки илоҳий нур айнан Масих туғилган пайтда порлади. Айнан илоҳий нур чўпонларга Байтлаҳмга бориш йўлини кўрсатди.

Шундай қилиб, юлдуз аниқ танланган вақт ва жойнинг мўъжизаси бўлиб қолди. Бундай мўъжиза ўзгача тарзда рўй берадиган воқеалар тарихининг ранг-баранг гилами-ни тўқиётган Худони улуғлайди.

Учинчидан, мўъжиза сўзи табиат қонунларига зид бўлган Худонинг фаолиятини кўрсатиб беради. Бу ерда биз ушбу терминнинг аниқ қўлланганлигини кўрамиз. Исонинг сувни шаробга айлантириши ёки ўлик Лазарни тирилтириши — бу Худонинг фаолияти, Унинг табиат қонунларига қарама-қарши мисоллари. Бундай ҳодисаларни илмий нуқтаи назардан тушунтириб бўлмайди. Улар Масих Худонинг Ўғли эканлигини тасдиқлайди.

Муқаддас Китобда биргина мўъжиза сўзининг маъносини ифодалаб бериш учун бир неча сўздан фойдаланилади. Муқаддас Китоб аломатлар, мўъжизалар ва кучлар ҳақида гапиради. Биз мўъжиза сўзини тор маънода *аломат* сўзи билан боғлаймиз. Мўъжизалар шунинг учун ҳам аломат деб аталадики, барча аломатлар ўзларидан ташқарида бўлган қандайдир бир аҳамиятлироқ, қудратлироқ ишларни кўрсатади. Худо Ўз ажойиботларини кўрсатишидан мақсад Ўзининг нажот хабарини исботлаш ёки тасдиқлаш эди (қаранг: Ибр. 2:3-4). Худонинг Ўзи Мусони фиръавн ҳузурига жўнатганлигини кўрсатиш учун мўъжизалар яратиш кучини Мусога ато этди. Худди шунингдек, Худо ҳам Ўғилнинг шахсини Унга мўъжизаларни намоён қилиш қудратини бериш орқали тасдиқлади.

Бугунги кунда мўъжизага уч хил қараш мавжуд. Биринчи нуқтаи назар тарафдорлари мўъжизаларга ишончсизлик билан қарашади ва шунга ўхшаш ҳодисаларни инкор этишади. Иккинчи тоифа тарафдорларининг таъкидлашларича, мўъжизалар Муқаддас Китоб даврига мансуб ва ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда. Учинчи нуқтаи назарни қўллаб-қувватловчиларининг айтишларига қараганда, ҳақиқий мўъжизалар Муқаддас Китоб даврида

юз берган экан. Худо Муқаддас Китоб орқали Ўз ваҳийларини бизга бергандан кейин У мўъжизалар яратмай қўйди. Мана шу нуқтаи назарга мувофиқ Худо оламда ғайритабиий равишда ҳаракат қилмоқда. Бироқ У энди инсонларга мўъжиза кўрсатиш учун куч ҳам, ҳокимият ҳам бермай қўйди.

### ***Хулосалар***

1. Муқаддас Китоб аломатлар, мўъжизалар ва кучлар ҳақида гапиради.
2. Муқаддас Китобда турли мўъжизалар келтирилган.
3. Барча мўъжизалар — бу ғайритабиий ҳодисалардир. Бироқ ҳар қандай ғайритабиий ҳодисани мўъжиза деб бўлмайди.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Чик. 4:1-9;  
3 Шох. 17:21-24;  
Юх. 2:11;  
Ибр. 2:1-4.

## **22-боб**

### **Худонинг иродаси**

Дорис Дей бир вақтлар «Que Sera, Sera» — «Нима бўлса, шу бўлсин» деган ажойиб кўшиқни куйлаб юарди. Бир қарашда бу мавзу қай бир даражада фатализмни (тақдирга ишонишни) қадрлашга ўхшаб кетади. Масалан, ислом илоҳиёти ҳам, кўпинча «Оллоҳ иродаси»га боғлиқ муайян воқеаларни тушунтириб беради.

Муқаддас Китоб Худонинг иродасига, Унинг Ўзи яратганлари ва жамики жонзотлар устидан олий ҳукмронлигига жуда кўп диққат-эътибор қилади. Биз Худонинг иродаси ҳақида гапирганимизда, жуда бўлмаганда, унинг

учта кўринишини назарда тутамиз. Кенг маънода эса Худонинг *декрет, мустақил ёки яширин* иродаси ҳақида сўз юритамиз. Бу тушунчалар замирида илоҳиётчилар, Худонинг иродасига мувофиқ Унинг мустақил равишда содир бўлажак воқеаларни белгилашини назарда тутишди. Модомики Худо тўла ҳуқуқли Хукмдор экан, Унинг иродаси албатта бажарилади. У мутлақ ҳамма ҳодисаларни ва шароитларни назорат қилишига бизнинг ишончимиз комил. У атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларга ҳеч бўлмаганда «ижозат беради ёки «йўл кўяди». Аммо Худо қандайдир ҳодисаларга истаб-истамай йўл қўйганда ҳам, ҳамisha ҳокимиятга ва бу дунёдаги ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга аралashiш ва уларни бартараф қилиш ҳуқуқига эгалигини билган ҳолда, уларнинг юз беришини Унинг *Ўзи ҳал қилади*. Ваҳоланки, У ниманингдир содир бўлишига йўл қўйдими, демак, У бунинг содир бўлишини маълум маънода «хоҳлаган».

Худонинг мустақил иродаси то амалга ошмагунча ва бизнинг ҳаётимизда ошкора бўлмагунча кўпинча бизга яширинлигича қолаверади. Аммо Унинг бизга аён ва ошкора бўлган бир иродаси борки, бу — Унинг *ибрат бўладиган иродасидир*. Худо *Ўз* иродасини бизга *Ўзининг* муқаддас қонуни воситасида очиб беради. Масалан, Худонинг иродаси шундан иборатки, биз ўғирлик қилмаслигимиз керак, ўз душманларимизни севишимиз лозим, тавба-тазарру қилиб, имон-эътиқод билан яшашимиз керак. Худо иродасининг бу кўриниши Унинг Каломида ва Худонинг ахлоқий қонуни жо қилинган виждонимизда зоҳир қилинган.

Муқаддас Китобда ёзилган ва бизнинг қалбларимизда акс этган Худо қонунларининг бажарилиши мажбурийдир. Биз Унинг иродасини бузишга ҳаққимиз йўқ. Биз «Нима бўлса, бўлаверсин» деб гуноҳли ишларимизни оқлашга қодир эмасмиз. Эҳтимол, мустақил ёки яширин Худонинг иродаси шундан иборат бўлиши мумкинки, Худо бизга гуноҳ қилишга «рухсат» бериб, шу гуноҳла-

римиз орқали Ўзининг мустақил иродасини намоён қилади. Искарриётлик Яҳудо Исога ҳиёнат қилишини Худо олдиндан белгилаб қўйган. Лекин бу далил Яхудонинг гуноҳини бироз бўлса-да юмшатмади ёки унинг виждонсизлигини камайтирмайди. Худо бизга ўзининг насихатомуз иродасидан бироз оғишга «ижозат берганда», У бизга Унинг қонунларини бузиш маънавий ҳуқуқини беряпти, деб асло ўйламаслигимиз керак. Бу ижозат бизга гуноҳ қилиш ҳуқуқини эмас, балки куч ато этади.

Муқаддас Китобда айтилган Худонинг учинчи иродаси намоён бўлиши — бу Худонинг *эззуликка майл иродасидир*. Бу ирода Худонинг муносабатини ифодалайди. Бу ирода Худонинг муносабатини намоён этиш орқали У нимани хуш кўриши ёки Унинг истагини кўрсатади. Масалан, Худо разил одамларнинг ўлимидан хурсанд бўлмайди, аммо У нопокларга ўлим белгилайди. Худо Ўзининг муқаддаслиги ва одиллигидан мамнундир. Худо оламни ҳукм қилаётганда, Ўз одиллиги ва адолатпарварлиги тантана қилганидан шод. Бироқ гуноҳкорларнинг жазо олиши Уни ранжити. Худо бизнинг итоаткорлигимиздан мамнун бўлишимизни У хуш кўради. Лекин Унга итоат қилмаслигимиз мутлақо ёқмайди.

Аксарият масиҳийлар Худонинг «иродасини» тушуниш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлашади. Унинг сирли, яширин, ёки декрет иродасини билишга уринишларнинг бари беҳудадир. Худонинг сирли иродаси — бу Унинг сири. Худо уни бизга ошкор қилишни хоҳламайди. Бундан ташқари, Худонинг сирли иродасини билишга уриниш — бу Худонинг бегона кўзлардан яширган Унинг маконига ноқонуний бостириб кириши демакдир. Худонинг сирли иродаси — бу бизнинг ишимиз эмас. Мана шунинг учун ҳам Муқаддас Китоб фолбинликни, оккультизмни ва бошқа сеҳр-жоду ишларини қоралайди ва таъқиқлайди.

Агар биз Жан Кальвин айтган қуйидаги сўзларга амал қилсак, доноликни намоён қилган бўламиз: «Худо Ўзи-

нинг муқаддас оғзини юмганда, савол беришдан тийилган маъкул». Ҳақиқий имонлиликнинг белгиси Худонинг одамларга очган иродасини, Унинг ибрат бўладиган иродасини англашга интилишдан иборат. Диёнатли одам Худонинг қонун-қоидалари тўғрисида кечаю кундуз ўйлайди. Муқаддас Рухнинг «етакчилигини» қидиришда шуни ёдда тутиш лозимки, Муқаддас Рух, энг аввало, бизни солиҳликка етаклайди. Биз Худонинг оғзидан чиққан ҳар қандай сўз билан яшашга даъват этилганмиз. Ҳаётимизнинг бош мақсади — Худонинг Ўзи бизга очиб берган иродасини бажаришдан иборат.

### **Хулосалар**

1. Худо иродасининг уч кўриниши:
  - а) *Мустақил декретли ирода* — бу Худонинг барча амрларига мувофиқ ижро этиладиган ирода. У амалга ошгунгача биздан сир тугилади.
  - б) *Ибрат бўладиган ирода* — бу Худонинг биз учун очиб берилган қонун-қоидаларидир. Биз уларни бузишга қодирмиз, лекин бузишга ҳаққимиз йўқ.
  - в) *Эзгуликка майл иродаси* бизга Худонинг муносабатини ёки майлини намоён қилади. Бу ирода Худонинг истагини кўрсатади.
2. Худонинг одамга берилган мустақил гуноҳ «ижозати» — Худо гуноҳни маъқуллайди деганини англамайди.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Юх. 19:11;  
Рим. 9:14-18;  
Эф. 1:11;  
Кол. 1:9-14;  
Ибр. 6:13-18;  
2 Бут. 3:9.

## 23-боб

### Аҳд

Худо билан Унинг халқи ўртасидаги муносабат У тасдиқлаган аҳд орқали амалга оширилади. Аҳдни аслида шартномага қиёслашади. Улар ўртасида чиндан ҳам ўхшаш томонлар бор, бироқ шу билан бирга бир қанча тафовутлар ҳам мавжуд. Аҳднинг ҳам, шартноманинг ҳам бажарилиши мажбурийдир. Шартномалар иккита ўзаро бир-бирига тенг шерик ўртасида тузилади ва иккала томон ҳам битимни имзолашдан бош тортишга ҳақлидир. Аҳд ҳам — шартномадир. Бироқ Муқаддас Китоб аҳдлари асл қоидага кўра, шериклар ўртасида тузилади, аммо уларни тенг деб бўлмайди. Тўғрироғи, бу аҳдлар қадимги Яқин Шарқдаги сюзерен (хўжайин) ва вассал (қарам) тузган оддий келишувга кўпроқ ўхшаб кетади. Сюзерен ва вассал ўртасидаги шартномалар (масалан, хетт шоҳлари ўртасидаги шартнома каби) бир шоҳ иккинчисининг устидан ғалаба қозонгандагина тузиларди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шартномалар шартлари муҳокама қилинмас эди.

Бундай аҳдларнинг биринчи қоидаси — бу иштирок этган томонларнинг преамбуласи. Чиқиш Китобининг йигирманчи боби иккинчи ояти куйидагича бошланади: «Мен сенинг Эганг Худоман...». — Худо бу Сюзерен (Хўжайин), Исроил халқи эса — вассаллар (қарам). Шартноманинг иккинчи қоидаси — тарихий муқаддима. Бу ерда вассални (Исроилни) Ўзига садоқатли бўлишга мажбурловчи Сюзереннинг (Раббийнинг) фаолияти ҳақида гапирилади. Масалан, Худо яҳудийларни мисрликлар қуллигидан олиб чиққанлиги тўғрисида эслатилади. Илоҳий маънодаги келишувнинг бу қисмида Худонинг марҳамати акс эттирилган.

Навбатдаги қисмда Раббий Ўзи бошқараётганларга Ўз талабларини баён этади. Чиқиш Китобининг йигирманчи

бобида Ўнга амр санаб ўтилган. Амрларнинг ҳар бири аҳд тузувчилар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Бу аҳднинг охириги қисмида дуолар ва қарғишлар айтилган. Агар вассаллар аҳд шартларини бажарсалар, Раббий уларни тақдирлашини айтади. Худди шундай мисолни биз бешинчи амрда топамиз. Агар исроилликлар ўз ота-оналарини ҳурмат қилсалар, Худо уларга бераётган юртда уларнинг умрларини узоқ қилишга ваъда беради. Шу билан бир қаторда, аҳдда башарти одамлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришмаса, турли жазо ва лаънатларга гирифтор бўлишлари ҳам эслатилган. Агар исроилликлар Худонинг исмини суиистеъмол қилишса, Худо уларни жазосиз қолдирмаслиги тўғрисида огоҳлантирган. Бундай асосий мазмундаги намуна Худонинг Одам Ато, Нух, Иброҳим, Мусо, шунингдек, Исо Масиҳни Унинг Жамоати билан тузган аҳдларда ҳам кузатилади.

Муқаддас Китоб даврида аҳдлар қон билан мустаҳкамланар эди. Ўша давр одатига кўра, иккала томон ҳам бузоқни икки қисмга бўлиб, икки бўлаги орасидан ўтишлари керак, бу билан улар аҳд шартларига розиликларини тасдиқлашган (қаранг: Ерм. 34:18). Шунга ўхшаш яна бир мисолни Ибтидо Китобидан топамиз (15:7-21). Бу ерда Худо Иброҳимга маълум ваъдаларни берди ва ушбу ваъдалар қурбонликлар келтириш билан тасдиқланди. Лекин бу вазиятда сўйилган ҳайвон бўлаклари орасидан фақат Худонинг бир Ўзи ўтди. Бу билан У аҳдни бажаришга тантанали мажбурият қабул қилганини намойиш этди.

Нажотбахш ҳисобланмиш Янги аҳд Исо Масиҳнинг хочда тўккан қони билан тасдиқланган. Бу аҳднинг энг муҳими — Худонинг гуноҳни кечириш ваъдаси. Худо ҳамма масалада фақатгина Масиҳга суянишга аҳд қилган одамларни қутқаришга ваъда берибгина қолмади. Шу билан бирга берган ваъдасини муқаддас қасамёди билан муҳрлаб тасдиқлади ҳам. Биз тўла нажот топишимиз

учун Ўзини қурбон қилган Худога биз хизмат ва ибодат қиламиз.

### ***Хулосалар***

Аҳд қоидалари:

1. Преамбула: сюзеренни белгилаш.
2. Тарихий муқаддима: томонларнинг ўзаро муносабатлари тарихини такрорлаш.
3. Аҳд шартлари: икки томонга тақдим этиладиган шарт талабларини санаб ўтиш.
4. Қасамлар ва ваъдалар: берилган ваъдалар иштирокчиларни шартнома шартларига риоя қилишга ундайди.
5. Ижозат бериш: дуолар ва қарғишлар (тақдирлаш ва жазолаш), аҳд шартларига риоя қилинганда ёки улар бузилганда.
6. Тасдиқлаш: қурбонликка сўйилган ҳайвонлар қони билан ёки Масиҳнинг хочда тўкилган қони билан аҳдни тасдиқлаш.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 15;

Чиқ. 20;

Ерм. 31:31-34;

Лк. 22:20;

Ибр. 8;

Ибр. 13:20-21.

## **24-боб**

### **Аҳд вазифалари**

Одам Ато ва Момо Ҳаво яратилганларидан кейин, улар ўзларининг Яратувчиси бўлган Худо билан муносабатни

бошлашди. Улар Худога итоат қилишга мажбур эдилар ва ўз итоаткорликлари учун Ундан рағбат ҳам, марҳамат ҳам талаб этмасликлари керак эди. Бироқ Худо Ўзининг меҳр-шафқати, олийҳимматлиги ва марҳаматлилиги туфайли Ўз яратганлари билан ихтиёрий равишда аҳд тузди. Худо Ўз қонунига қўшимча қилиб Одам Ато ва Момо Ҳавони марҳаматлашга ваъда қилди. Бу шартнома ни икки тенг шерик тузган эмасди. Шартнома Худонинг ташаббуси билан ва Унинг илоҳий ҳокимлиги асосида тузилган эди.

Худо ва инсоният ўртасидаги илк аҳдлашув аҳд вазифалари бўлган. Бу аҳдда Худо Ўз ҳокимлигига мутлақ ва тўлиқ бўйсуннишни талаб этган. Улар итоат этганлари учун мукофот тариқасида У абадий ҳаётни ваъда қилган. Одамлар Унинг қонунларини бузсалар, уларни ўлим жазоси кутади. Одам Атодан бошлаб барча одамлар мана шу аҳднинг муқаррар иштирокчилари бўлишади. Улар ушбу аҳд шартларини бажаришдан бош тортишлари ёки ҳатто бундай аҳд мавжудлигини инкор этишлари мумкин. Аммо бу аҳд таъсиридан қочиб қутулишнинг ҳеч иложи йўқ. Жамики одамлар, хоҳ улар аҳдни бузувчилар, хоҳ аҳднинг изчил ижрочилари бўлишсин, барибир, Худо билан аҳд қилган муносабатида бўлишади. Биз нажот топишга муҳтожмиз, чунки аҳд вазифаларини бузганмиз ва нажот топишга умид қиламиз, чунки Масих бу аҳд вазифаларини бизнинг ўрнимизга адо этди.

Аҳд вазифаларини бузиб, қарздорга айланиб қолиш учун атиги биргина, ягона гуноҳ кифоя. Қарздорлар ҳеч қачон Худога ўз қарзларини тўлай олмайдилар. Ҳатто биз ақалли бир марта гуноҳ қилганимизда ҳам, кечирилиш учун фақат Худонинг раҳм-шафқатига умид боғлаган бўлар эдик.

Арши Аълода оладиган мукофотимиз ҳам Худонинг меҳр-муруввати туфайли юз берадиган ҳодиса. Бу туҳфа — Худо марҳаматининг гултожидир. Агарда Одам Ато Худонинг аҳд вазифаларини бузмаганда эди, Худо

билан тузилган шартномани бажаргани учун тегишли мукофотга сазовор бўларди. Модомики, Одам Ато гуноҳга ботган экан, Худо Ўз меҳр-шафқатига биноан одамларга янги ҳузур-ҳаловат аҳдини берди. Шу сабабли қутқарилишга имкон пайдо бўлгани аниқ ва равшан бўлди.

Фақатгина ягона бир Одам аҳд вазифаларини охиригача адо этишга муяссар бўлди. Бу Одам — Исо Масихдир. У сўнгги ёки янги Одам Ато сифатида Худо билан тузилган дастлабки аҳднинг барча талабларини ва шартларини бажарди. Кимки Унга эътиқод этса, мана шундай қилиш унинг қўлидан келади.

Исо Ўзининг эзгу ишлари шарофати билан Арши Аълога кўтарилиш бахтига мушарраф бўлган биринчи Одамдир. Биз ҳам ўзимизнинг эзгу ишларимиз билан эмас, балки Исонинг эзгу ишлари туфайли самоларга кўтарилишимиз мумкин. Биз Исо Масихга мурожаат қилганимизда, Унинг эзгу ишлари «бизникига» айланади. Биз Масих эътиқодига эга бўлганимизда, Худо Унинг барча эзгу ишларини бизнинг ҳисобимизга ёзади. Аҳд вазифаларини ҳузур-ҳаловат аҳди бажаради, чунки Худо Ўзининг меҳр-мурувватига кўра Масих хизматларини бизнинг ҳисобимизга ўтказди. Шундай қилиб, Худонинг меҳр-муруввати бўйича биз аҳд вазифаларининг шартларини бажарамиз.

### *Хулосалар*

1. Худо Одам Ато ва Момо Ҳаво билан бурч аҳдини тузган.
2. Барча одамлар Худонинг аҳд бурчлари бўйича иштирокчиларга айланиши муқаррар.
3. Ҳамма одамлар аҳд бурчларини бузувчиларидир.
4. Исо аҳд бурчларининг ҳамма шартларини бажарган.
5. Ҳузур-ҳаловат аҳди бўйича Исонинг хизматлари бизнинг ҳисобимизга ўтказилади, шунинг учун аҳд бурчлари шартлари бажарилган ҳисобланади.

***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 2:17;

Рим. 3:20-26;

Рим. 10:5-13;

Гал. 3:10-14.

ТҰРТИНЧИ  
ҚИСМ



ИСО МАСИХ

## 25-боб

### Масихнинг илоҳий табиати

Масихий бўлиш учун албатта Исо Масихнинг илоҳий табиатига ишониш керак. Бу мавзуга Унинг Инжилида талайгина қисм бағишланган. Шунга қарамасдан, ҳар бир аср Жамоатида ўзларини масихий деб атаган, аммо Исонинг илоҳий таълимотини рад этган ёки бузиб кўрсатган одамларни учратишга тўғри келади.

Жамоат тарихида тўрт аср мобайнида Қутқарувчининг илоҳий табиати тан олиниси масаласи Жамоат *ичида* қизгин ва шиддатли тортишувларга сабаб бўлиб келган эди. Бу тортишувлар IV, V, XIX ва XX асрларда қизгин тус олган. Модомики, бидъатчилар Жамоатга хужум қилаётган даврда яшаётган эканмиз, бундай вазиятда биз бениҳоят хушёр бўлишимиз ва Жамоат Исо Масихнинг илоҳийлигини очиқ-ойдин айтишини кузатиб боришимиз керак.

325 йилда Никей соборида Жамоат ариан бидъатчиларига қарши чиққан ҳолда, Исо Масихнинг яратилмай туғилганлигини ва Отаси сингари ўшандай моҳиятга (*homoousios*) эга эканлигини англатди, яъни Масихнинг «моҳияти» Худонинг моҳиятидир. У Худога фақат ўхшабгина қолмай, балки Худонинг худди *Ўзидир*.

Янги Аҳдда биз Масихнинг илоҳий табиатини тасдиқловчи кўплаб мисолларни топамиз. Азалда Каломуллоҳ бўлгани сингари, Масих дунё яратилгунча яшаган Шахсгина бўлиб қолмай, азалданок У Худода эди. Муқаддас Китобда айтилишича, дастлаб Масих *Худода* бўлган ва У *Худо ҳамдир* (қаранг: Юҳ. 1:1-13). Масих *Худода* бўлганлиги ҳақидаги далил Илоҳийликнинг бир нечта ипостаслари (Учликдаги ҳар бир шахсиятни таърифлайдиган илоҳий тушунча) мавжудлигини айтади. У *Худо эканлигини* эса Танҳо Худо учта илоҳийликни ўзида намоён қилишидан далолат беради.

Янги Ахднинг бошқа жойларида Исонинг илоҳий табиатини яққол намоён қилувчи унвонларига ва таърифларига дуч келамиз. Худо Уни юксалтирди ва Уни *Раббий* деб атаб, ҳар қандай исмдан юқори исмни Унга ато этди (қаранг: Флп. 2:9-11). Инсон Ўғли сингари, Исо Ўзини дам олиш кунининг (шаббатнинг) ҳокими, деб эълон қилди (қаранг: Мк. 2:28) ва Инсон Ўғлининг ер юзида гуноҳларни кечириш қудрати борлигини таъкидлади (қаранг: Мк. 2:1-12). Уни «улуғвор *Раббий*» деб аташади (қаранг: Ёқуб. 2:1). Исонинг Ўзи ҳам Унга имон келтирган одамларни қабул қилади. Масалан, Тўма Уни Раббий деб атайди: «Эй, менинг Раббим ва Худойим!» (Юҳ. 20:28).

Павлуснинг таъкидлашича, Худонинг бутун борлиги тўла-тўқис Масих вужудида мавжуддир (қаранг: Кол. 2:9) ва Масих фаришталардан ҳам «аълороқдир» (бу мавзу Ибронийларга Мактубда яна такрорланади). Фариштага ёки ҳар қандай яратилган ижодга сажда қилиш ҳар қанча мақталмасин, Муқаддас Китоб бутпарастлик тақиқини бузишини англатади. Исо Масихнинг Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарининг «Мен мавжудман» деган сўзлар билан бошланиши, шунингдек, Унинг илоҳийлигидан ҳам гувоҳлик беради.

V асрда Халкидон соборининг (451 й.) таъкидлашича, Масих — ҳақиқий Инсон ва ҳақиқий Худодир. Исонинг икки — инсоний ва илоҳий табиати ягона, ажралмас, бўлинмас ва мукамал деб эътиқод қилинган.

### *Хулосалар*

1. Масихнинг илоҳий табиати тўғрисидаги таълимот масихийлик учун ниҳоятда муҳимдир.
2. IV, V, XIX ва XX асрларда Жамоат Масихнинг илоҳийлигига гумонсираган бидъатчиларнинг хужумини бошидан кечирди.
3. Никей собори (325 й.) Масихнинг яратилмаганлигини ва Отаси каби моҳиятга эга эканлигини айтиб, Унинг илоҳий табиатини тасдиқлади.

4. Янги Аҳд Масихнинг илоҳий табиатини аниқ ва равшан таъкидлайди.
5. Халкидон собори (451 й.) Исонинг ҳақиқий Худо эканини эълон қилди.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мк. 2:28;  
Юҳ. 1:1-14;  
Юҳ. 8:58;  
Юҳ. 20:28;  
Флп. 2:9-11.  
Кол. 1:19.

## **26-боб**

### **Масихнинг итоаткорлиги**

Итоаткор одам ким? Мутлақо равшанки, итоаткор — бу бошқа одам «ихтиёрида бўлган» ёки унинг «хукмронлиги остидаги» кимса тушунилади. Тобеъ одам ўз бошлигига дўст ҳам эмас ёки унинг тенги ҳам эмас. Тобеъ одам унинг тепасида турган хукмдорнинг обрў-эътиборига ва ҳокимлигига эга бўла олмайди.

Масихнинг итоаткорлиги ҳақида ўта жиддий ва эҳтиёткорлик билан фикр юритиш керак. Бизнинг жамиятимизда бўйсунуш тенгсизликни англатади. Бироқ Учликдаги учала шахс ҳам ўз табиатига ва шуҳратига кўра тенгдир. Учала ипостас ҳам мангу ва етарлича юксак Шахслардир. Учаласи ҳам Илоҳийликнинг барча хусусиятлари ва ўзига хос сифатларига баб-баравар эгадирлар.

Бироқ Худонинг гуноҳларни ювиш режасига кўра, Ўғил *ихтиёрий равишда* Отага бўйсунувчанлик сифатини (ролини) ўз зиммасига олди. Ота Ўғлини бизнинг дунёга жўнатди. Отага итоаткор Ўғил Отанинг иродасини бажариш учун ер юзига келди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу вазиятда мажбурий бўйсунушга ҳатто ишора ҳам

йўқ. Модомики, ҳам Ўғил, ҳам Ота тенг шуҳратга эга экан, улар бир хил иродага ҳам эгадирлар. Ота ҳам худди Ўғли сингари, таназзулга юз тутган инсониятнинг гуноҳларини ювишни хоҳларди. Айни пайтда Ўғил одамларни қутқаришга интилган ва Ота сингари бу хизматни Ўз зиммасига олишни истаган. Исонинг таъкидлашича, Отанинг Ўз уйига бўлган рашки Унинг ичини кемирарди (қаранг: Юҳ. 2:17) ва Унинг овқати — бу Уни юборган Отанинг иродасини бажаришдир.

Ва ниҳоят, шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Исонинг Отасига итоаткорлиги ва бўйсунуши фақатгина Унинг азоб-уқубатларида ифодаланмаган. Гуноҳларни ювиш режаси Исо хизматининг барча аспектарини, шунингдек, Унинг улуғланишини ўз ичига қамраб олган эди. Вестминстер тавба-тазаррусида Отанинг режаси билан Масиҳнинг ердаги меҳнати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қуйидагича изоҳланади:

Худонинг азалий ниятига биноан У Раббий Масиҳни, Ўзининг Ягона Ўғлини Худо ва одам ўртасидаги Воситачи, пайғамбар, руҳоний, шоҳ, Унинг Жамоати бошлиғи ва Қутқарувчиси, бутун мавжудотнинг меросхўри ва дунё ҳаками этиб танлади ва шундай деб белгилаб қўйди; Худо абадийликдан Масиҳга халқ берди. Бу халқ Унинг уруғи бўлади. У орқали тегишли вақтда халқ гуноҳи ювилади, танланади, покланади ва улуғланади<sup>1</sup>.

Ўзини Отанинг мукамал иродасига бўйсундирган Исо ўзимиз учун қилишимизни хоҳламаган ва қилиш қўлимиздан келмаган ишни амалга оширди. У Худонинг қонунларига сўзсиз бўйсунди. Исо сувда чўмилиб имонга кириш пайтида Яхё пайғамбарга шундай деди: «...Биз шу йўсинда илоҳий амрни тўла бажаришимиз ўринлидир» (Мат. 3:15). Исонинг бутун ҳаёти ва Унинг солиҳликни бажо келтириши мутлақ итоаткор бўлганини бизга намоён этади.

Қонунга тўла бўйсунган Исо ниҳоятда муҳим иккита мақсадга эришди. Биринчидан, У бизнинг Қутқарувчимиз,

беғуноҳ Қўзичоғимиз бўлиб қолди. Агар Исо гуноҳ қилганда эди, нафақат бизнинг, ҳатто Ўз гуноҳларини ҳам юволмас эди. Иккинчидан, У мутлақ итоаткорлиги туфайли Худонинг туҳфасига сазовор бўлди, чунки кимки Худонинг аҳд шартларини бажарса, шунга У мукофот ваъда қилган. Исога Арши Аълода абадий ҳаёт инъом этилди ва У бу ҳаётни бизга тақдим қилди. Исо итоаткор бўлиб, Худога бўйсуннишни хоҳламаган одамларни қутқарди.

ОТА = ЎҒИЛ

Илоҳийлик хусусиятларига бир хил  
эга бўлган тенг Шахслар

### *Хулосалар*

1. Гарчи Исо Ўз илоҳийлик табиатига кўра Отасига тенг бўлса-да, Отага итоат этди ва Худо режасидаги қутқариш вазифасини бажарди.
2. *Бўйсунуши* тенгсизликни англамайди.
3. Масиҳнинг бўйсунуши ихтиёрий бўлган.
4. Масиҳнинг мукамал итоаткорлиги Унга одамлар гуноҳларини Ўз зиммасига олиш ва барча қутқарилганларга ваъда қилинган абадий ҳаёт инъомига сазовор бўлиш имконини берди.

ОТА

Гуноҳларни ювиш режасини  
бажариш учун Ўғил Отага бўйсунди

ЎҒИЛ

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 4:34;

Юҳ. 5:30;

Флп. 2:5-8;

Ибр. 5:8-10;

Ибр. 10:5-10.

## Масихнинг инсоний табиати

Масихийликнинг энг муҳим ақидаларидан бири — Худодо Ўғлининг ерга инсон қиёфасида келганидир. Халқидондаги буюк жаҳон собори 451 йилда шундай фикрни тасдиқладики, Исо ҳақиқий инсон ва ҳақиқий Худодир. Исонинг икки табиати шундай бирлашганки, тушунчалар аралашиб кетмайди, ўзгармайди, бўлинмайди ва ҳар бири ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолади.

Масихнинг инсоний табиати ҳақидаги таълимот асосан икки йўналишда хужумларга дучор бўлган. Илк Жамоат Масихнинг ҳақиқий жисмоний танаси бўлмаган, ҳақиқий инсоний табиатга эга бўлмаган, деб айтган докетизм бидъатчилари билан курашишига тўғри келган. Докетизм давомчиларининг айтишларича, Исода аниқ (реал) инсоний тана бўлмаган, фақатгина тананинг «юзак кўриниши» бўлган. Бу бидъатчиларга қарши чиққан хаворий Юҳанно кескин равишда: «Кимки Исонинг танасини инкор этса, у — дажжолдир», — деб айтган.

Жамоат кураш олиб боришига тўғри келган бошқа жиддий бидъатчилар — бу монофизит мазҳабидаги бидъатчилардир. Уларнинг таъкидлашича, Исо икки табиатга эмас, бир табиатга эгадир. Унинг ягона табиати ҳақиқий илоҳий ҳам эмас, ҳақиқий инсоний ҳам эмас, балки икки табиатнинг аралашмасидир. Бу табиат «теантропик» деган ном олган. Монофизит бидъатчилари Масихнинг ё инсоний табиатини илоҳийлаштиришади, ёки бўлмаса Унинг илоҳий табиатини инсонийлаштиришади.

Монофизит бидъатчиларнинг яширин шакли ҳар бир авлод ҳаётида Жамоатга хавф солиб келди. Масихнинг инсоний табиатини камситиш тенденцияси мавжуд. Бу тенденцияга мувофиқ Масихнинг илоҳийлиги Унинг инсоний моҳиятини «ютиб юборди» ва Масихдан Унинг инсоний табиатини юкловчи табиий чеклашлар олиб ташланади.

Шунинг учун биз Исонинг иккала табиати ўртасидаги фарқни аниқлаштириб олишимиз лозим ва шу билан бирга уларни бир-биридан ажратиб қўймаслигимиз керак. Масалан, биз Масихнинг инсоний табиати намоён бўлишини У очликни ҳис қилганда кўришимиз мумкин. Инсоний ёки илоҳий табиатга нимаики хос бўлса, Унинг шахсиятида ўз ифодасини топар эди. Худо-одам Масих хочда ўлди. Аммо Худо хочда халок бўлди, деб бўлмайди. Гарчи Арши Аълога кўтарилган бўлса ҳам, Масих иккала табиатни ҳам бирликда сақлаб қолди, лекин У биз билан у ёки бу вазиятда қай йўсинда мулоқот қилишини инобатга олган ҳолда, Унинг икки табиатини фарқлай олишимиз керак. Масих-Одам ҳозир бизнинг орамизда йўқ. Бироқ У Ўзининг илоҳий моҳияти билан бизни ҳеч қачон тарк этмайди.

Масихнинг инсоний табиати бизнинг табиатимизга ўхшайди. У «биз учун» Одам бўлди. У бу дунёга одам зотининг Қутқарувчиси сифатида ҳаракат қилиш учун келди. У бизнинг ўрнимизга азоб чекиш учун, бизнинг гуноҳларимизни Ўз зиммасига олиб, бизнинг ўрнимизни эгаллади. У шунингдек, бизнинг ўрнимизга Худо қонунларини бажариб, Ҳимоячимиз бўлди.

Гуноҳни ювиш жараёнида икки томонлама алмашув юз берди. Бизнинг гуноҳларимиз Исо зиммасига юкланди. Биз эса Унинг солиҳлигига эга бўлдик. У бизнинг номукаммал инсоний табиатимиз учун жазо тортди. Биз бўлсак айни шу вақтда мукаммал Одам сифатида У олиши керак бўлган марҳаматга сазовор бўлдик. Исо-Одам фақат Ўзининг беғуноҳлигидан ташқари, барча инсонларга хос маънавий ва жисмоний хусусиятларга эга эди. Инсон сифатида Масих ҳамма нарсани билувчи бўлмаган. Унинг билими тўғри ва аниқ эди, лекин чекланган бўлган. Масалан, У Ўзининг ерга қайтиш кунини ҳам, соатини ҳам билмаган. Табиийки, Ўз илоҳий моҳиятига кўра У ҳамма нарсадан хабардор ва Унинг билими ҳам чексиз.

Исо инсон сифатида замон ва маконда чекланган эди. Барча одамлар сингари, У бир вақтнинг ўзида икки ва

ундан ортиқ жойда бўлолмаган. У ҳам терларди, очликни ҳам ҳис қиларди. У йиғларди ва огрикни ҳам сезарди. У ҳам банда эди, шунинг учун ҳам азоб-уқубатли ўлимни қабул қилди. Барча масалада У ҳам худди биз каби эди.

### *Хулосалар*

1. Исо Ўзининг илоҳий табиатига мукамал равишда бириккан ҳақиқий инсоний табиатга эга бўлган.
2. Докетизм тарафдорлари Исонинг ҳақиқий жисмоний танаси йўқлигини таъкидлашган.
3. Монофизит бидъатчиларининг тарафдорлари Исонинг инсоний табиатини илоҳийлаштиришни қатъий талаб қиладилар. Бу жараён натижасида Унинг инсоний моҳиятига Унинг илоҳийлиги «соя солиб» қўйган бўларди.
4. Масиҳнинг инсоний табиати — Унинг биз билан ўхшашлиги асосидир.
5. Исо бизнинг барча гуноҳларимизни Ўз зиммасига олди ва бизни Ўзининг солиҳлигига муяссар қилди.
6. Исо-Одам Ўзининг бегуноҳлигидан ташқари барча инсонларга хос маънавий ва жисмоний хусусиятларга эга эди.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 1:1-14;  
Гал. 4:4;  
Флп. 2:5-11;  
Ибр. 2:14-18;  
Ибр. 4:15.

## **28-боб**

### **Масиҳнинг бегуноҳлиги**

Биз Исонинг бегуноҳлиги ҳақида гапирганимизда, одатда Унинг инсоний табиатини назарда тутамиз. Масиҳнинг

илоҳий табиати бегуноҳлиги тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча, чунки Раббий бизнинг таърифимиз бўйича гуноҳ қилмайди ва гуноҳ қилишга қодир ҳам эмас. Масиҳнинг бегуноҳлиги ҳақидаги таълимот ҳар қандай қарама-қаршилиқдан ҳолидир. Жамоат тарихидаги энг ашаддий бидъатчилар ҳам Масиҳнинг бу сифатини рад этолмаганлар.

Исонинг бегуноҳлиги бизга фақатгина ибрат бўлиб қолмайди. У бизнинг кутқарилишимизнинг энг асосий ва энг зарур шартидир. Башарти Исонинг «бегуноҳ ва пок Кўзи» бўлмаганда эди, У нафақат барча инсониятнинг Кутқарувчиси бўл оларди, балки Ўзи ҳам кутқарилишга муҳтож бўлар эди. Исо хочда олиб кетган кўплаб гуноҳлар мукамал қурбонликни талаб қиларди. Бундай қурбонликни мутлақо бегуноҳ Одам келтириши керак эди.

Масиҳнинг бегуноҳлигини турли маънода тушуниш мумкин. Биринчидан, қонун бузилишига Унинг мутлақо алоқаси йўқ эди. У Худонинг бирорта қонунини ҳам бузмаган. Худо одамзодга нимани амр этган бўлса, У сидқидилдан ҳаммасини бажарган. Масиҳ Ўзининг бегуноҳлигига қарамай, ҳатто Эски Аҳд қонунлари ҳисобланмиш суннатни, сувда чўмилиб имон қабул қилишни, ва эҳтимол, қурбонлик келтиришни ҳам бажарган. Иккинчидан, Масиҳ қонунга итоаткор бўлишни хоҳлаган ва Ўзини Ота иродасини адо этишга бағишлаган. Муқаддас Китобда айтилишича, ҳатто Отанинг уйига бўлган рашки Унинг ичини кемириб кетди (қаранг: Юҳ. 2:17), Унинг таоми Уни Юборганнинг иродасини адо этиш, Ота юмушини бажо келтиришдан иборатдир (Юҳ. 4:34).

Масиҳнинг бегуноҳлиги ҳақидаги таълимотнинг мураккаб бир жиҳати борки, у Ибронийларга Мактубда акс этган: «...Бизнинг Олийруҳониймиз заифликларимизга ҳамдард бўлишга ожиз эмас, У ҳар томондан бизлар каби васвасага солинган, лекин гуноҳ қилмаган» (Ибр. 4:15). Агар Масиҳ бизлар каби васвасага солинган бўлса, унда қандай қилиб У бегуноҳлигича қолди? Ёқуб Мактубидаги қуйидаги сатрларни ўқиганимизда, масала янада

мураккаблашади: «...Лекин ҳар ким ўзининг эҳтиросига берилиб, алданиб васвасага дучор бўлади. Кейин эҳтирос ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, гуноҳ эса етилиб, ўлимга сабаб бўлади» (Ёқуб. 1:14-15).

Ёқуб бизни эҳтиросга берилиб, алданишимиз натижа-сида васвасага тушишимиз ҳақида гапиряпти. Бундай истаклар ўз табиатига кўра гуноҳлидир. Башарти Исо ҳам биз каби васвасага берилувчан бўлса, демак, Унинг хоҳиш-истаги ҳам гуноҳдир, деган хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Айнан худди шу жиҳат Ибронийларга Мак-тубда ойдинлаштирилади: «...У ҳар томондан васвасага солинган, лекин гуноҳ қилмаган». Исонинг ҳақиқатдан ҳам хоҳиш-истаклари бўлган, лекин улар бегуноҳ эди. Уни шайтон йўлдан оздирмоқчи бўлганда, васваса таш-қаридан келарди. Бу васвасалар сиртдан эди. Рўза пай-тида шайтон ғаламислик қилиб Исога овқат едирмоқчи бўлади. Исо ҳақиқатдан ҳам жисмоний очикқан бўлиб, Унинг овқат тановул қилиш истаги бор эди. Лекин овқат ейишни хоҳлаш гуноҳ эмас. Исонинг чиндан ҳам қорни оч эди. Бироқ У Отасининг иродасига содиқ қолди. Ма-сихда гуноҳ қилиш истаги йўқ эди.

Исо айнан Ўзининг бегуноҳлиги туфайли бизнинг гу-ноҳларимиз учун Ўзини қурбон қилишга журъат этди. Бироқ бизнинг қутқарилишимиз икки шартга амал қили-шимизни талаб этади. Исо ўлимни қабул қилиши ва бизга муносиб жазони олиши керак эди. Шунингдек, У Худонинг қонунини мукамал бажариши ва қонунни бажарганларга Худо ваъда қилган марҳаматларни оли-ши лозим эди. Исо нафақат камолга етмаганлар ўрнига баркамол бўлиб, гуноҳга ботганлар ўрнига бегуноҳ бў-либ ўлди, балки У бизнинг қутқарилишимиз учун мукам-мал итоаткорона *ҳаёт кечирди*.

## ***Хулосалар***

1. Исонинг бегуноҳлиги бизнинг қутқарилишимиз учун жуда ҳам зарур.

2. Исо беайб ва пок Қўзи сифатида бизнинг гуноҳларимизни ювди.
3. Масихда гуноҳли хоҳиш-истаклар йўқ эди.
4. Исонинг мукамал итоаткорлиги туфайли кутқарилишимизга ниҳоятда зарур бўлган солиҳликка биз эга бўлдик.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 3:15;  
Рим. 5:18-21;  
2 Кор. 5:21;  
Ибр. 7:26;  
1 Бут. 3:18.

## **29-боб**

### **Айбсиз ҳомиладорлик**

Айбсиз ҳомиладорлик ақидасида шундай дейилади: Исо Биби Марям Муқаддас Рухдан заминий отасининг иштирокисиз ғайритабиий ҳолда бўлган ҳомиладорлигининг натижасида туғилган. Исонинг мўъжизавий туғилиши Унинг табиати ҳақида кўп нарсани англатади. Унинг аёлдан туғилганлиги ҳақиқатдан ҳам биз сингари Инсон бўлганлигини кўрсатади. Бироқ Масихнинг инсоний табиати худди бизникига ўхшаган бўлмаган. Биз ҳаммамиз дастлабки гуноҳ билан туғиламиз, аммо Масих бундан мустасно.

Масихнинг бокира Қиздан туғилиши Унинг илоҳий табиатидан гувоҳлик беради. Худо бу дунёга бошқачароқ йўл билан, яъни айбсиз ҳомиладан туғилмасдан ҳам кириши мумкин эди. Бироқ Унинг мўъжизавий туғилиши Унинг илоҳийлигини ҳам кўрсатади. Фаришта Жаброилнинг Биби Марямга хушxabарни етказиш пайти алоҳида таъкидланган. Фаришта Марямга ўғил туғилишини айтганда, қиз унинг сўзларидан саросимага туш-

ди: «Мен ҳали эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлади?» (Лк. 1:34).

Фаришта Жаброилнинг айбсиз ҳомиладорлик мўъжизаси ҳақидаги жавоби бизнинг тушунчамиз учун ниҳоятда муҳим: «Муқаддас Руҳ сенинг устинга тушиб келади, Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу сабабли сендан туғилажак муқаддас бола Худонинг Ўғли дейилур» (Лк. 1:35). Бироздан сўнг фаришта тушунтирди: «...Зеро Худонинг бирон каломи пучга чиқмас» (Лк. 1:37).

Агар ҳозирги замон тажрибаларида синалаётган сунъий ҳомиладорликни ҳисобга олинмаса, мутлақо табиий, росмона йўл билан ҳомиладор бўлишдан ортиқроқ нарса йўқлигини айтиш мумкин. Аммо эркак билан жинсий алоқада бўлмай туриб, аёлнинг ҳомиладор бўлиб қолишини нафақат биологик жиҳатдан нотабиий деб аташ мумкин, балки табиат қонунларига ҳам зиддир.

Бироқ болани бу дунёга фақат Марямнинг ўзи келтирмаган. Боланинг «Отаси» Муқаддас Руҳ бўлган. Муқаддас Руҳ Марямнинг устига тушиб келиши, Худойи Таолонинг қудрати уни қоплаши ҳақидаги сўзлар ажойиб тарзда Муқаддас Руҳ туфайли дунёнинг яратилиш тасвири эслатади. Бу Марямнинг боласи ғайриоддий ижод маҳсули бўлишидан, Худонинг Ўзи Унинг Отаси эканидан далолат беради.

Кимки айбсиз ҳомилага ишонмаса, одатга кўра Исо ҳақиқий Худо Ўғли эканлигига ҳам ишонмайди. Шундай қилиб, айбсиз ҳомила ҳақидаги ақида масихийлик таълимотига содиқ бўлган имонлиларни Тирилишга ва Қутқарилишга ишонмайдиганлардан ажратиб турувчи ўзига хос сув айирғичини намоён этади.

### ***Хулосалар***

1. Муқаддас Китоб Исо айбсиз ҳомила натижасида туғилгани тўғрисида аниқ ва равшан таълим беради.
2. Исонинг аёлдан туғилганлиги Унинг инсоний табиатини ва янги ёки сўнгги Одам Атонинг алоҳида жиҳатини кўрсатади.

3. Исонинг заминий ота иштирокисиз туғилгани Худо Ўғли сифатида Унинг илоҳий табиатини намоён қилади.
4. Айбсиз ҳомилани инкор этиш ҳақидаги ақида одатда Муқаддас Китобда айтилган бошқа гайритабиий ёки мўъжизавий ҳодисаларни рад этиш билан боғлиқдир.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ишаё 7:10-16;  
Мат. 1:23;  
Рим. 1:3-4;  
1 Кор. 15:45-49;  
Гал. 4:4.

## **30-боб**

### **Исо Масих Ягона Ўғил сифатида**

Жамоатнинг бутун тарихи давомида Юҳанно баён этган Хушхабарда «Исо — Отанинг Ягонаси» (қаранг: Юҳ. 1:14) дейилган ибора қизгин мунозараларга сабаб бўлган. Шунингдек, Исо ҳақида «...У бутун махлуқот устидан, худди тўнғич сингари, биринчи ўринда туради» (қаранг: Кол. 1:15) деб айтилиши, Муқаддас Китоб таълимотига кўра Исо Худо эмас, балки У бор йўғи юксакларга кўтарилган Худонинг ижодидир, деган фикр туғилади.

Яхве гувоҳлари ва мормонлар ушбу таълимотга биноан Исо Масихнинг илоҳийлигини инкор этишади. Айнан шунинг учун ҳам бу икки диний оқим масихий доминацияси *bona fide*\* эмас, секта деб аталади.

Бидъатчи Арий Худонинг Учбирлигини шубҳа остига қўйгандан кейин, Масихнинг илоҳийлиги IV асрнинг тортишувлар ва қарама-қаршиликларнинг бош мавзуси

---

\* *Bona fide* (лотинча) — сўзма-сўз «яхши имон-эътиқод билан»; бу ерда — «ҳақиқий, асли».

бўлиб қолди. Масиҳнинг илоҳийлигини рад этувчи ҳозирги замон Яхве гувоҳлари ва мормонлар Арийнинг асосий далилларини такрорлашмоқда. У 325 йилда Никей соборида бидъатчи сифатида ҳукм қилинган.

Арийнинг таъкидлашича, Муқаддас Китобда таржима қилинган юнонча сўз *ягона* «келиб чиқмоқ», «бўлмоқ», «бошланмоқ» маъносини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, «ягона» деб аталмиш нарса ўз ибтидосига эга бўлиши керак. Унинг замони чегараси бўлиши керак, бу эса жонзотликнинг белгисидир. Арийнинг таълимотига мувофиқ, «У бутун махлуқотнинг тўнғичи» дейилиши — барча фаришталардан устун турувчи, лекин барибир мавжудотлигича қоладиган олий зотни англатади. Бироқ жонзотга сажда қилиш — бу бутпарастликдир. Ҳеч бир фаришта ёки бирор жонзот саждага муносиб эмас. Шунинг учун Арий Масиҳнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимотни Муқаддас Китоб монотеизминини таҳқирловчи инкор сифатида баҳолаган. Арий учун Худонинг моҳияти ҳам, шахси ҳам «танҳо» бўлган.

Никей имон рамзида ариан бидъатчиларига қарши Жамоатнинг таъсири акс эттирилган. Рамз маъноси куйидагичадир: «Исо туғилган, яратилмаган». Шу оддийгина иборада «ягона» терминининг «яратилган» деган маънодаги изоҳига Жамоат қаршилиги ифодаланган.

Баъзи тарихчилар Никей соборини интеллектуал машғулотга берилиб кетганлигини ва *ягона* сўзига ниҳоятда ортиқча эътибор қилаётганлигини нотўғри айблайди. Бироқ Жамоат бу сўз маъносининг оддийлиги остига яшириниб олишга уринмаган. Аксинча, *ягона* терминини у тушунарли қилиб тўлиқ изоҳлаш учун ўзини оқлаганига асос бор эди. Бунинг учун «туғилган» деган сўзга «яратилмаган» сўзини қўшиш кифоя.

Биринчидан, Жамоат Муқаддас Китоб таълимоти контекстида Масиҳ табиатига тегишли бўлган мана шу терминларнинг асл маъносини англашга ҳаракат қилган. Жамоат Янги Аҳд таълимоти Масиҳнинг илоҳийлигини тасдиқлаётганига қатъий ишонган. Шунинг учун Муқад-

дас Ёзувнинг турли қисмларини қарама-қарши қўйиш уринишларига мурасасиз муносабатда бўлган.

Иккинчидан, Янги Аҳд юнон тилида ёзилганлигига қарамасдан, унга киритилган кўпгина тушунчаларнинг яхудийча маъноси сақланиб қолган. Яхудийча тушунчалар юнон тили орқали етказилган. Бу далил классик юнон тилининг нозик томонларига ниҳоятда ортиқча эътибор беравермасликни уқтиради. Масалан, Юҳанно Исони таърифлаш учун *Логос (Калом)* терминидан фойдаланган. Ушбу терминга юнонча ғояларни, яъни бу термин англаштиши мумкин бўлган юноний тасаввурларни боғлаш хато бўлар эди.

Учинчидан, «ягона» сўзи Янги Аҳдда чекланган маънода ишлатилади. Юҳанно баён этган Хушхабарда Исо «Отанинг Ягонаси» (1:14) деб аталган; худди ўша жойнинг 18-оятда эса — «Ягона Ўғил» дейилган. Юнон тилидаги баъзи бир қадимги қўлёзмалар, балки шу жой оригиналга «Ягона Худо» деб ўқилган бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Борди-ю, шундай таржима қабул қилинганда, жамики баҳслар барҳам топган бўларди. Лекин «Ягона Ўғил» иборасида ҳам жуда муҳим таъриф мавжуд. Исо *ягона (monogenais)* деб аталган, яъни *биттагина* туғилган. Исо шу йўсинда туғилганнинг танҳосидир. Унинг туғилиши мутлақо ноёб, ўзгача. Ҳеч ким ва ҳеч нима Исо каби, яъни Исонинг туғилиши маъносида туғилиши мумкин эмас. Исо Отанинг мангу ва ягона Ўғли эканлигини Жамоат гапирганда, масаланинг моҳиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Мангу Ўғил Отадан яратилган жонзот сифатида эмас, балки Учликнинг иккинчи шахси сифатида келган.

Ибронийларга Мактубда ҳам Ўғилни Ота таваллуд эттиргани (қаранг: Ибр. 1:5) ҳақида айтилган. Эҳтимол, бу мактуб Исо ҳақидаги таълимотнинг энг яхши таърифини ўзида мужассам этган бўлиши мумкин. Бу масалада Янги Аҳд китобларидан Ибронийларга Мактуб билан фақатгина Юҳанно баён қилган Хушхабар тенглаша олиши мумкин. Юҳаннодан ташқари ҳеч ким Масих Худо

эканлигини бунчалик мукаммал кўрсатиб беролмаган. Масих Отадан ягона туғилганлигини ва ягона Ўғил эканлигини айнан Юҳанно айтган.

Ва ниҳоят, шуни ҳам айтиш жоизки, «бутун махлуқот тўнғичи сингари» иборасини I асрдаги яҳудийлар маданиятининг контекстида тушуниш керак\*. Бу ибора Масихнинг Ота меросхўри сифатида юксак мавқега эга эканлигини кўрсатишини осонгина пайқаш мумкин. Яҳудий оиласида тўнғич меросхўр бўлгани сингари, Худо Ўғли Масих ҳам Унинг меросхўри сифатида Отанинг Шоҳлигини мерос қилиб олади.

### *Хулосалар*

1. Жамоатнинг бутун тарихи давомида Исога тегишли бўлган «Исо Отанинг Ягонаси» ва «У бутун махлуқот устидан тўнғич сингари» иборалар, Унинг илоҳийлиги борасидаги кўплаб баҳсларга сабаб бўлди.
2. Яхве гувоҳлари ва мормонлар бу парчалардан ўзларини Масихнинг илоҳийлигини инкор этиш учун асос сифатида фойдаланишади.
3. Никей имон рамзи Исо «яратилмай, туғилган» лигини яққол тасдиқлади. Бу ифода Янги Аҳдда Масихнинг илоҳийлиги ҳақидаги тасдиқнинг инъикоси бўлди.
4. Исо «Отанинг ягонаси» деб аталган, яъни Отадан туғилган ягона Ўғил. Лекин яратилган жонзот дейилмасдан, Худонинг мангу Ўғли, Учликнинг иккинчи шахси деб аталади.
5. *Тўнғич*\*\* терминини I асрдаги яҳудийлар маданиятининг контекстида тушуниш керак. Исо шу маънода тўнғич деб аталганки, У Отасига тегишли бўлган борлиқнинг ворисидир.

---

\* Муаллифнинг фикр-мулоҳазалари бу иборанинг инглиз тилидаги таржимасига асосланган — firstborn over all creation. Firstborn «тўнғич» ни англатади. — *Изоҳ ред.*

\*\* Юқоридаги изоҳга қаранг.

Юҳ. 1:1-18;

Кол. 1:15-19;

Ибр. 1:1-14.

## **31-боб**

### **Масихнинг сувда чўмиб имон келтириши**

Яҳё пайғамбарнинг амалга оширган сувга чўндириш удуми Янги Аҳд аломати сифатида Исони сувда чўндириб имонга келтириш сири билан чамбарчас боғланган. Гарчи иккала чўндириш ўртасида маълум бир алоқа мавжуд бўлса-да, бу икки ҳодисага бирдай қараб бўлмайди.

Яҳё пайғамбарнинг сувда чўндириши, аслини олганда, Эски Аҳдга тегишлидир. Гарчанд биз у ҳақда Янги Аҳдда ўқисак-да, то Яҳё пайғамбарнинг хизмати тугамагунча Янги Аҳд кучга кирмаган. Бундай талабни Исроил халқига Худонинг Ўзи қўйган. Бу *тайёрлов* чўндириши бўлган. Яҳё пайғамбар Худо Шоҳлиги яқинлашиб келганидан дарак берарди. У Масихнинг хабарчиси эди. Худо Шоҳлигининг яқинлашуви бизнинг дунёмизда Масихнинг бевосита пайдо бўлишини ифода этарди. Масих Шоҳлиги Ўзини намоён қилиши керак эди, бироқ Исроил халқи Уни қабул қилишга тайёр эмасди. Одамлар тайёрланмаган эдилар. Улар тавба қилиб, покланмаган эдилар.

Яҳёнинг сувда чўндириши радикал янгилик эди. Унгача яҳудийликка имон келтирмоқчи бўлган мажусийларгина покланиш удумини шу тарзда амалга оширишлари керак эди. Яҳё пайғамбар пайдо бўлиши биланоқ Худо яҳудийларга ҳам тавба қилиб покланишларини амр этди. Яҳудий руҳонийлари Яҳё пайғамбарнинг талабларини бидъат ва яҳудийларнинг эътиқод ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш, деб ҳисоблашди. Бу талаблар улар учун

шуни англатардики, Яхё яхудийларга ҳам гўё нопок мажусийларга бўлгани сингари муносабатда бўлаётгандай туюларди.

Исо ихтиёрий равишда Яхёнинг чўмдиришини (Яхёнинг эътирозига қарамай) талаб этиб, удумни амалга оширди. Чунки Ўзининг вазифасига мувофиқ, Худо Исроилга берган барча қонун-қоидалар шартларига Масих сўзсиз бўйсунуши керак эди. Исо Ўзини Исроил халқига мансублигини ҳис этган ҳолда, ҳар қандай ҳақиқатни бажариш учун сувда имон келтирди.

Исо Яхё пайғамбар ҳузурида сувда имон келтириш учун Иордан дарёсига тушди. Шу воқеа Унинг ердаги ажойиб хизмати бошланганидан дарак берди. Исо бу ерда нафақат Ўз ҳалқининг гуноҳларини Ўзига қабул қилди, балки Муқаддас Рух томонидан хизмат қилиш учун ёғ суртилди. Бу ҳолат қандайдир маънода Исо илоҳий номга сазовор бўлганлигини англатарди. У Масих сифатида Ўз йўлини худди шу ердан бошлади.

*Масих* сўзи «ёғ суртилган» маъносини англатади. Сувда чўмиб имон келтираётган вақтда Муқаддас Рух Исога ёғ суртди. Шу пайтдан бошлаб У Масих сифатида Ўз вазифасини ижро этишни бошлади. Ишаё пайғамбар бу ҳақда шундай деган: «Қодир Эгамнинг Рухи Устимдадир, Эгам: «Йўқсилларга хушхабар етказ», деб Менга ёғ суртди...» (Ишаё 61:1).

### **Хулосалар**

1. Яхё пайғамбар амалга оширган сувда чўмдириб имон келтириш удуми Масихнинг келишига тайёргарлик эди.
2. Яхё амалга оширган сувда чўмдириш удуми яхудий руҳоний арбоблари учун ҳақоратли эди, чунки бу удум ўша руҳонийларнинг «нопоклигини» англатарди.
3. Исо Ўзини гуноҳлардан поклаш учунгина сувда чўмилмади, балки У қутқариши керак бўлган гуноҳкорларга қўшилиш учун чўмилиб имон келтирди.

4. Сувда чўмилиб имонга келиш пайтида хизмат қилиши учун Исога ёғ суртилган ёки қўл қўйилган.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Ишаё 40:3;  
Мат. 3:13-17;  
Мк. 1:1-5;  
2 Кор. 5:21.

## **32-боб**

### **Масихнинг улуғворлиги**

Биз мисли кўрилмаган спорт муваффақиятлари, тадбиркорликдаги омадлар келтирадиган ёки ўз иззат-хурматимиз билан боғлиқ бўлган шон-шуҳратга ўрганиб қолганмиз. Бироқ Муқаддас Китобдаги шон-шуҳрат Худонинг билиб бўлмайдиган улуғворлигидан келадиган кўзни камаштирувчи ёғдуни англатади. Ҳал қилувчи паллада Исонинг илоҳий табиати ёғдуси Унинг инсоний қиёфаси доирасидан отилиб чиқади.

Эҳтимол, Масихнинг улуғворлиги ҳеч қачон Унинг қиёфаси ўзгарши пайтидагичалик очиқ-ойдин намоён этмаган бўлса керак. Юнон тилида ўзгариш тушунчасини ифодалаш учун *metamorphoosai* сўзи қўлланилади. Бу сўздан «метаморфоза» сўзи келиб чиқади. У шаклнинг ўзгаришини англатади, масалан, капалак қуртининг капалакка айланиши. «Ўзгариш» инглизчада *transfiguration* сўзини ифодалайди. Олд қўшимча *trans* — айнан «орқа-ли» маъносини билдириб, бирор нимани енгиб ўтишни кўрсатади. Ўзгариш ҳаракатида қандайдир тўсиқ ёки ғов енгиб ўтилган. Табиийликни ғайритабиийликдан, инсонийликни илоҳийликдан ажратиб турувчи чегара барта-раф қилинди, деб айтиш мумкин. Бу — турли ўлчовлар чегарасини кесиб ўтиш ва Худонинг муҳитига кириб бориш бўлган.

Исо қиёфасининг ўзгариши пайтида Ундан кўзни қамаштирувчи нур ёғилиб турарди. Бу нур икки ўлчов ўртасидаги чегарани кесиб ўтишнинг яққол исботи бўлган. Ушбу улуғворликнинг намоён бўлиши ва Синай тоғидан Ўнта амр билан қайтган Мусонинг нурланиб турган чехраси ўртасида баъзи бир ўхшашлик мавжуд. Бироқ ўхшашлик билан бир қаторда бу икки воқеа ўртасида етарли даражада муҳим фарқ ҳам бор. Мусонинг чехраси улуғворликнинг *акси* билан ёритилган. Масих фақатгина илоҳий улуғворлик нуруни акс эттирмайди, балки нур Ундан ёғилиб туради. Бу маънода Унинг улуғворлиги Мусонинг чехрасида акс этиб турган улуғворликдан, шубҳасиз, устун туради.

Шундай қилиб, Масих нурни акс эттирмайди, балки Унинг Ўзи порлоқ нур манбаидир. Қиёфанинг ўзгариши масиҳийларнинг Янги Қуддусда бошдан кечирганларига ўхшаган ҳодисадир. Ваҳий Китобида Юҳаннонинг туншунтиришича, шаҳарни ёритиш учун қуёшга ёки ойга эҳтиёж бўлмайди, чунки Худонинг улуғворлиги жамоли уни ёритади, Қўзининг Ўзи унинг ёритқичи бўлади (қаранг: Ваҳий 21:23). Юҳанно шундай ёзади: «Улар Унинг юзини кўриб туради, Унинг исми уларнинг пешанасига ёзилган бўлади. У ерда бошқа тун бўлмайди; чироққа ҳам, қуёш ёғдусига ҳам эҳтиёж бўлмайди. Чунки Худойи Таолодан уларга нур ёғилиб туради, улар эса то абад ҳукмронлик қиладилар» (Ваҳий 22:4-5).

Масиҳнинг улуғворлиги Ўзгариш тоғида порлаганидан ҳайрон бўлмаслик керак. Ажабланарлиси шундаки, У атайлаб Ўз улуғворлигини Ўз болалари учун яширди.

### **Хулосалар**

1. Исонинг улуғворлиги Унинг қиёфаси ўзгариши пайтида намоён бўлди.
2. Масиҳнинг ўзгариши табиийликдан ғайритабиийликка ўтиш шакли бўлди.

3. Масихнинг улуғворлиги — бу фақатгина Худо улуғворлигининг акси эмас, балки Худонинг Ўз улуғворлигидир.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 17:1-9;

Мк. 13:24-27;

Ибр. 1:1-3;

Ваҳ. 22:4-5.

## **33-боб**

### **Масихнинг осмонга Кўтарилиши**

Ҳозирги вақтда Жамоат Масихнинг осмонга Кўтарилишининг аҳамиятини етарлича баҳолай олмаяпти. Бизда Исонинг туғилишига (Мавлуд) ва Унинг тирилишига (Фисих) бағишланган махсус байрамлар мавжуд. Бироқ кўпгина жамоатларда Унинг осмонга Кўтарилишини камдан-кам эслашади ёки умуман эътибор беришмайди. Бироқ Кўтарилиш — бу гуноҳни ювиш аҳамиятига эга бўлган муҳим воқеадир. Бу воқеа Масихнинг Иккинчи марта дунёга келиши олдидан Унинг юқори даражадаги улуғлалишини нишонлаш пайтидир. Айнан осмонга Кўтарилиши вақтида Масих Ўз улуғворлигига мушарраф бўлди.

Исонинг айтишича, Унинг кетиши энди бу дунёда қолишидан кўра биз учун улкан эзгуликдир. У биринчи бор Ўзининг арши аълога кетиши ҳақида шогирдларига айтганда, улар ғамга ботишган эди. Лекин кейинроқ шогирдлар бу буюк воқеанинг аҳамиятини тушунишди. Лука ҳаворийларнинг Фаолияти Китобида Масихнинг осмонга Кўтарилишини шундай таърифлайди:

Буларни айтгач, Исо уларнинг кўз олдида осмонга кўтарилди. Уни булут қоплаб, кўздан ғойиб бўлди. Исо кўтарилаётиб, ҳаворийлар осмонга тикилиб турган пайтда, оқ кийим кийган икки зот уларнинг ёнида пайдо бўлди: «Эй

жалилаликлар! Нега сизлар осмонга қараб турибсизлар? Сизларнинг орангиздан осмонга олинган бу Исо, кўкка кўтарилганини қандай кўрган бўлсангиз, худди шундай қайтиб келади», — дейишди.

*Хавор. 1:9-11*

Исонинг булутлар орасида осмонга кўтарилганига эътибор беринг-а. Эҳтимол, бу ерда гап Худонинг улуғворлигини намоён қилувчи булут устунни — шаҳаншоҳлик ҳақида кетяпти. Шаҳаншоҳлик ўзининг ёрқинлиги бўйича ҳар қандай булутлардан устундир. Бу Худонинг нурафшон улуғворлигининг ташқи зоҳирлиги эди. Шунинг учун Исонинг кўкка кўтарилиши оддийгина воқеа эмас. Бу ниҳоятда мафтункор, жозибали лаҳзалар бўлган.

*Кўтарилиши* — «кўкларга учмоқ» демакдир. Бироқ бу сўз Масихга нисбатан ишлатилганда, у янада чуқур маъно ва ўзига хос аҳамият касб этади. Исонинг Кўтарилиши ўз моҳиятига кўра ниҳоятда ноёб. Бу Енохнинг тириклайин осмонга олиншидан ёки Илёснинг алангали аравада кўкка кўтарилишидан ҳам устунроқдир.

Исонинг осмонга Кўтарилиши Унинг махсус жойга маълум мақсадда боришини англатади. У Худонинг ўнг томонида ўтириш учун Отаси ҳузурига жўнади. Масих бутун олам устида ҳукмронлигини Ўз қўлига олиш учун ва Унинг Шоҳлар Шоҳи эканлиги ҳуқуқини тасдиқловчи улуғворлик тожини олиш учун кўтарилди.

Шунингдек, Исо самовий ибодатхонага кириш ва бизнинг Биринчи руҳониймиз сифатида Ўз хизматини давом эттириш учун ҳам арши аълога кўтарилди. Исо осмонда Шоҳ сингари ҳукмронлик қилади ва биз учун Олийруҳоний сифатида воситачилик қилади. У Ўзининг тахтидан Жамоатга Ўз Руҳини ёғдиради. Жан Кальвин шундай таъкидлаган:

Осмонга олинган Исо бизнинг кўз ўнгимизда булутга қопланиб ўз танасида ғойиб бўлди (Хавор. 1:9). Дунёни олдингидан ҳам Ўз кучи туфайли янада фаолроқ бошқариш

учун ҳам ерда юрган имонлиларни Ўзининг иштирокидан махрум қилмади<sup>1</sup>.

Исо осмонга Шоҳларнинг Шоҳи сифатида улуғворлик тожини олиш учун кўтарилганда, У Худонинг ўнг томонига ўтирди. Кимки Худонинг ўнг томонидан жой эгалласа, ҳокимиятга эга бўлади. Худонинг ўнг тарафида ўтириб Исо Ўз шоҳлигини бошқаради ва йўл кўрсатади, шунингдек, ер ва осмоннинг Ҳаками сифатида ҳаракат қилади.

Исо Отанинг ўнг қўли томонида Ўз танасининг ва Жамоатнинг бошлиғи сифатида ўтирибди. Лекин Унинг ҳокимлиги, обрў-эътибори, ҳакамлиги ва раҳбарлиги бутун дунёни қамраб олган ҳолда, Жамоат доирасидан узоқ-узоқларга кенг тарқалади. Исо, чамаси, Жамоатни ва давлатни турлича бошқарса керак, лекин У ҳеч қачон уларни ажратмайди. Унинг ҳокимлиги Жамоатга ҳам, давлатга ҳам тааллуқлидир. Ер юзидаги ҳамма ҳокимлар Унга ҳисоб беришади. Масиҳ уларни Шоҳларнинг Шоҳи ва ҳукмронларнинг Раббийси сифатида ҳукм қилади.

Осмон ва ердаги барча жонзот Худо орқали Масиҳнинг улуғворлигини ҳурмат қилишга, Унинг ҳукмронлигини тан олишга, Унга иззат кўрсатишга, Унинг куч-қудратига бош эгишга даъват қилинган. Ҳаммамиз ҳам, пайти келганда, Масиҳнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлажакмиз.

Исо Жамоатга Ўзининг Муқаддас Рухини ёғдириш ҳуқуқига эга. Бироқ Исо Ота-Худонинг ўнг қўли тарафига ўтирмагунига қадар Жамоатга Муқаддас Рухини ёғдиролмайди. Рух Ота ва Ўғилга бўйсунган ҳолда хизмат қилади. Улар биргаликда барча Масиҳга ишонувчиларни кутқариш учун Рухни ерга юборишади.

Отанинг ўнг қўли тарафида ўтирган Исо нафақат Шоҳларнинг Шоҳи вазифасини, балки олам Ҳаками вазифасини ҳам бажаради. Гарчанд Исо Ҳакам сифатида бизни бошқарса-да, Ота Уни бизнинг Ҳимоячимиз этиб ҳам сайлаган. Сўнгги ҳукмда Ҳимоячи бош Ҳакам бўлади.

Стефаннинг азоб-уқубатли ўлимининг тарихи Исонинг авлиёларга нисбатан ҳимоячилик тасаввурини намоён этиши мумкин:

Муқаддас Рухга тўлган Стефан эса осмонга тикилиб қараб, Худонинг улуғворлигини ва Худонинг ўнг томонида турган Исони кўрди. «Мана, мен осмоннинг очилиб кетганини ва Худонинг ўнг томонида турган Инсон Ўғлини кўряпман!» — деди.

*Ҳавор. 7:55-56*

### ***Хулосалар***

1. Ҳозирги замонда Жамоат Исонинг осмонга Кўтарилишига жуда кам эътибор бермоқда.
2. Кўтарилиш — қутқарилиш тарихида Масихнинг улуғланишига оид энг юксак пайтни акс эттирган.
3. Масих осмонга улуғворлик булутида кўтарилди.
4. Масих махсус жойга маълум мақсадда — Шоҳларнинг Шоҳи сифатида улуғворлик тожини олиш учун кўтарилган.
5. Осмонга кўтарилгач, Масих бизнинг самовий Олий-руҳониймиз бўлди ва Отанинг ўнг қўли томонига ўтирди.
6. Худонинг ўнг қўли тарафига ўтирган Исо Эллигинчилар куни имонлиларга Муқаддас Рухини ёғдиради.
7. Худонинг ўнг қўли тарафида ўтирган Исо бутун борлиқнинг Ҳакамидир.
8. Исо, шунингдек, Ўз халқининг Воситачиси ва Ҳимоячисидир.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Лк. 24:50-53;  
Рим. 8:34;  
Рим. 14:9-10;  
Эф. 4:7-8;  
Ибр. 9:23-28.

## Исо Масиҳ Худо ва одам ўртасидаги Воситачи сифатида

Воситачи — бу томонлар ўртасидаги музокараларда иштирок этувчи шахс. У ўзаро келиша олмаётган томонларни яраштиришга ҳаракат қилади. Муқаддас Китоб тили билан айтганда, инсоний жонзотлар Худога душман бўлиб қолишди. Биз Худо қонун-қоидаларига қарши бош кўтарамиз, ўз айтганларимизда туриб оламиз, Худога бўйсунмиздан бош тортамиз. Натижада ўзимизга Худо ғазабини орттириб оламиз. Мана шу фалокатли вазиятни ўзгартириш учун биз Худо билан ярашишимиз лозим.

Мана шундай ярашув учун Ота Худо Ўз Ўғлини дунё ва Ўзи ўртасига Воситачи сифатида ерга юборди. Масиҳ тимсолида биз Худонинг илоҳий улуғворлигини кўрамиз, зеро У — камол топган Худодир. Шундай бўлса-да, Исо инсон қиёфасини қабул қилди ва Худонинг қонун-қоидаларига ихтиёрий равишда бўйсунди.

Масиҳ Отасининг биздан ғазабланишини тўхтатиш мақсадида яраштириш ташаббускори бўлмади. Тўғрироғи, Худо билан одамлар ўртасидаги Воситачи сифатида Ўғилнинг ерга келиши тўғрисида Ота ва Унинг тўла келишуви мавжуд эди. Ҳеч бир фаришта керакли даражадаги Худонинг вакили бўлолмас эди; бу фақат Худонинг кўлидан келади.

Одам Атонинг тубанликка тушган наслининг гуноҳини ювиш учун Ўғил одам қиёфасига кирди. Масиҳ Ўзининг мукамал итоаткорлиги туфайли қонун талабларини бажарди ва бизни абадий ҳаётга сазовор қилди. У Ўзининг хочдаги қутқарувчилик ўлими орқали Худо талабларини қониқтирди ва Уни раҳм-шафқатли қилди. Худо билан бизнинг ярашишимиз учун Масиҳ зарур бўлган барча ишни қилди. У бизга Ўз қонини тўкилиши орқали тасдиқланган Янги Аҳдни Худо билан берди. Ва У Олийруҳоний сифатида ҳар куни биз учун воситачилик қилмоқда.

Истеъдодли воситачи бир-бири билан низолашиб юрган ёки ўзаро низолашиб қолган томонлар ўртасида тинчлик ўрната олади. Масиҳ бу вазифани етук Воситачи сифатида бажарди. Павлуснинг айтишича, Масиҳ шарофати туфайлигина Худо билан сулҳ тузганмиз: «Раббимиз Исо Масиҳга бўлган имонимизни инобатга олиб, Худо бизни оқлади ва биз билан сулҳ тузди» (Рим. 5:1).

Худони одамзод билан яраштирган Масиҳ меҳнати бошқа жамики воситачилар хизматидан ҳам устундир. Мусо Эски Аҳд воситачиси бўлган эди. У Худонинг қонунини Исроил халқига маълум қилган Худо хизматкори эди. Аммо Исо Мусодан устундир. Ибронийларга Мактубнинг муаллифи шундай баён қилади:

Иморатнинг меъмори иморатнинг ўзидан кўпроқ ҳурмат кўради. Худди шундай, Исо Масиҳ Мусо пайғамбардан кўпроқ улуғворликка лойиқ ҳисобланди. Ҳар бир уйнинг қурувчиси бору, аммо аслида ҳамманинг бинокори — Худо. Мусо пайғамбар бутун Худо хонадонидан масъул содиқ хизматкор сифатида Худонинг келажакда айтадиган каломларига замин ҳозирлади, холос. Масиҳ эса Худо хонадонини Ўғил каби бошқаради. Агар биз жасоратимизни ва улуғ умидимизни охиригача маҳкам тутсак, биз Унинг хонадонимиз.

*Ибр. 3:3-6*

### **Хулосалар**

1. Воситачи низолашадиган томонларни яраштиришга интилади.
2. Масиҳ Худо-одам сифатида бизни Отаси билан яраштиради.
3. Масиҳнинг Худо билан одамлар ўртасида Воситачи бўлиши тўғрисида Масиҳ ва Отанинг тўлақонли келишуви мавжуд эди.
4. Масиҳнинг Худо билан одамларни яраштиришидаги Воситачилик хизмати пайғамбарлар, фаришталар ва Мусонинг хизматларидан ҳам устундир.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Рим. 8:33-34;

1 Тим. 2:5;

Ибр. 7:20-25;

Ибр. 9:11-22.

### **35-боб**

## **Масихнинг учлик хизмати**

Жан Кальвиннинг буюк хизмати — Исо Масихнинг учлик хизматини, яъни Пайғамбар, Руҳоний ва Шоҳ сифатидаги хизматларини тушунтириб беришидадир<sup>1</sup>. Исо Пайғамбар сифатида пайғамбарликнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлган. Унинг шахсияти ва меҳнати Эски Аҳд пайғамбарлари тарихида бош мавзуси бўлиши билан бир қаторда, Унинг Ўзи ҳам пайғамбар бўлган. Исо Ўзининг пайғамбарлик башоратларида асосий эътиборни Худонинг Шоҳлигига ва Ўзининг бу Шоҳликни яқинлаштиришдаги вазифасига қаратган. Муқаддас Китоб пайғамбарининг бош мақсади — Худо Каломини одамларга етказишдир. Исо нафақат Худо Каломини халққа маълум қилган, балки Унинг Ўзи ҳам Худо Каломидир. Исо — энг олий Илоҳий Пайғамбар, чунки У танадаги Худо Каломи бўлиб қолди.


Шунингдек, Эски Аҳд пайғамбари ҳимоячи вазифасини, Худо ва Исроил халқи ўртасидаги воситачилик хизматини ҳам ўтади. У Худо номидан халққа мурожаат қилди. Халқ номидан эса Руҳоний сифатида Худога мурожаат қилди. Исо, шунингдек, буюк Олийруҳоний вазифасини ҳам бажарди. Эски Аҳд руҳонийлари Худога мунтазам равишда қурбонликлар қилиб туришган, бироқ фақат Исонинг биргина Ўзи аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган даражадаги қурбонликни узил-кесил келтирди. Исо Отасига Ўзини қурбон қилди. Исо ҳам қурбонлик Келтирувчи, ҳам Қурбонлик бўлиб қолди.

Эски Ахдда пайғамбарнинг, руҳонийнинг ва шоҳнинг воситачилик вазифасини ҳар хил одамлар бажаришган. Исо бўлса уч вазифани бир шахсда бирлаштирди. Исо Забурнинг 109-саносидаги «Малксидқ мартабаси бўйича абадий руҳоний бўлди». Бир вақтнинг Ўзида У Довуднинг авлоди ҳам, Довуднинг Раббийси ҳамдир. У Руҳоний ва шу билан бир вақтда Шоҳдир. У қурбонликка келтирилган Кўзи, шу билан бир вақтда Яҳудо қабиласининг шеридир. Масих хизматларини тушунишимиз учун Унга фақатгина пайғамбар ёки руҳоний, ёхуд шоҳ сифатида қарамаслигимиз керак. У учала вазифанинг ҳаммасини мукамал равишда ижро этди.

### Хулосалар

1. Исо Эски Аҳд башоратининг ижрочиси бўлди ва Ўзи ҳам Пайғамбар бўлган.
2. Исо ҳам Руҳоний, ҳам Қурбонлик бўлган. Руҳонийлик пайтида У одамлар гуноҳи учун Ўзини қурбонликка тавсия этган.
3. Исо — барча шоҳларнинг ёғ суртилган Шоҳидир ва жамики ҳукмдорларнинг Раббийсидир.

#### Воситачининг уч вазифаси



## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Заб. 109;  
Ишаё 42:1-4;  
Лк. 1:26-38;  
Ҳавор. 3:17-26;  
Ибр. 5:5-6.

### **36-боб**

## **Исонинг исмлари**

Инсониятнинг бутун тарихи давомида бирор бир арбобнинг Носиралик Исонинг исмларичалик кўп исми бўлмаган. Мана Унинг исмлари қисқача рўйхати:

Масих  
Раббий / Хўжайин  
Инсон Ўғли  
Нажоткор  
Довуд Ўғли  
Буюк Олийруҳоний  
Худо Ўғли  
Аввал ва Охирги  
Хукмдор  
Устоз  
Солиҳ  
Пайғамбар  
Сарон нарғизи  
Водийлар нилуфари  
Ҳимоячи  
Яҳудо қабиласининг шери  
Худо Кўзиси  
Сўнги Одам Ато

Исонинг асосий исмлари қуйидагичадир:

1. *Масих*. Бу ном Исонинг исми сифатида шунчалик кўп ишлатиладики, ҳатто одамлар янглишиб бу сўзни

Унинг атоқли оти деб ўйлашади. Бироқ ундай эмас; бу ном Унинг мавқеига ва Масихлик хизматига алоқадордир. *Масих* сўзи юнонча *Christos* сўздан келиб чиққан бўлиб, у ўз навбатида яхудийча *Messiah* сўзининг таржимасидир. *Масих* ва *Мессия* бир хил маънони — «Ёғ суртилган» маъносини билдиради.

Эски Аҳдда ваъда қилинган ва ажойиб тарзда Муқаддас Рух орқали ёғ суртилган Масих тушунчаси мураккаб ва серқиррала бўлган. Масих ҳақида ҳамма яхудийлар ҳам бир хил тасаввурга эга бўлишмаган.

Баъзилар, Масих Шоҳ бўлади, деб ҳисоблашган. У Муқаддас Рух ёғ суртган Довуд Ўғли, Довуднинг парчаланиб кетган шоҳлигини тиклайдиган Яхудо қабиласининг шери бўлади. (Бу нуқтаи назар яхудийларнинг ҳис-туйғуларини ҳаяжонлантирган ва яхудийлар Исроилни Рим империяси зулмидан озод қиладиган сиёсий йўлбошчининг келишига умид боғлашган.)

Бироқ Масих Ишаёнинг башоратларида ҳам Худонинг кули ва ҳатто азоб тортувчи кул, деб аталган. Бир қарашда бу икки тавсифни бир шахсда бирлаштириш қийиндай туюлади, лекин Исода улар муайян равишда уйғунлашиб кетган.

Масих, (Инсон Ўғли) ўзига хос тарзда Ота Худога (Худо Ўғли) боғланган ҳолда, самовий жонзот ҳам бўлиши керак эди. У ҳам руҳоний, ҳам пайғамбар бўлиши керак эди. Масих ҳақидаги тасаввуримиз нечоғлик мураккаб бўлганини қанчалик кўп ҳис этсак, нақадар ажойиб тарзда бу ҳислатлар Исонинг шахсида ва Унинг хизматида бирлашиб кетганлигидан биз шунчалик кўп ҳайратланамиз.

2. *Раббий / Хўжайин*. Исонинг Янги Аҳдда кўпинча ишлатиладиган иккинчи исми — *Раббий* ёки *Хўжайин*. Бу исм Исонинг Янги Аҳддаги қиёфасини тасаввур қилиш учун жуда муҳимдир. Янги Аҳдда *хўжайин* сўзи уч жойда турлича маънода ишлатилган. Биринчиси — бу хушмуомала мурожатнинг шакли бўлиб, инглиз тилидаги *сэр* деб мурожат қилишга ўхшайди. Иккинчи вазиятда

эса бу сўздан кул эгаси ёки «хўжайин»ни белгилаш учун фойдаланилади. Бу исм Исога рамзий маънода берилган. У ҳақиқатдан ҳам бизнинг Хўжайинимиз, Раббимиздир. Учинчи вазиятда бу сўз юқори мансаб, мартаба эгасига нисбатан ишлатилган.

I асрда римлик императорлар ўз фуқароларидан содиқликка қасамёд келтиришни талаб қилишган. Фуқаролар куйидаги сўзларни айтишлари керак эди: «Цезар Раббий». Масихийлар бундай сўзларни айтишни рад этганлари учун қийноқ азобидаги ўлимга ҳукм қилинганлар. «Цезар Раббий» дейиш ўрнига улар биринчи масихийлик рамзи: «Исо Раббий», деб ҳайқаришган. Нафақат римликлар нуқтаи назаридан Исони Раббий деб аташ ақлга сиғмайдиган бўлиб туюлган, балки яҳудийлар назарида ҳам, чунки Эски Аҳдда бу Худонинг исми бўлган.

*Раббий* исми Исога Ота Худо томонидан инъом этилган. Бу «исм ҳар қандай исмдан юқори», деган эди ҳаворий Павлус (қаранг: Флп. 2:9).

3. *Инсон Ўғли*. Бу исм Исога берилган исмлардан энг сирлисидир, ва шу боисдан бўлса керак, кўпинча нотўғри тушунилади. Жамоат Исонинг икки хил табиатини қабул қилади. Бу икки хил табиат — Исонинг ҳақиқий *Инсон* ва ҳақиқий *Худонинг Ўғли* эканлигидан иборат. Муқаддас Китобда Исо ҳам *Инсон Ўғли*, ҳам *Худо Ўғли* деб аталган. Шунга биноан Исонинг *Инсон Ўғли* исми Унинг инсоний табиатини, *Худонинг Ўғли* эса — Унинг илоҳий табиатини кўрсатади, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ бу унчалик тўғри эмас. Гарчи *Инсон Ўғли* исми чиндан ҳам инсонга хос хусусиятни англатса-да, унинг асосий маъноси аслида Исонинг айнан Илоҳий табиатини назарда тутати. Шунингдек, *Худо Ўғли* исми Унинг илоҳийлигини кўрсатади, лекин асосан Исонинг Ўғил сифатида *итоаткорлигини* англатади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, *Инсон Ўғли* исми Янги Аҳдда *тез-тез ишлатилиши* даражасини инобатга олганда, *Масих* ва *Раббий* исмларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Аммо Исонинг Ўзи ҳақида гапириб ишлатган

исмлар рўйхатида *биринчи ўринда* туради. *Инсон Ўғли* — Исонинг исмлари ичида энг сеvimлиси бўлиб, У Ўзини кўрсатиш учун бу исмдан жуда кўп фойдаланган.

Агар Дониёрнинг Эски Ахддаги Масих ҳақида қилган башоратларига (қаранг: Дон. 7) назар ташласак, бу исмнинг аҳамияти тушунарли бўлади. Дониёрда *Инсон Ўғли* исми самода яшовчи олам Ҳаками вазифасини бажарувчини кўрсатади. Исо тилида бу исм сохта камтарлик ифодаси бўлиб қолмади, балки Ўзининг илоҳий ҳокимлигини дадил маълум қилди. Исонинг таъкидлашича, *Инсон Ўғлининг* ер юзида гуноҳларни кечириш қудрати бор (қаранг: Мк. 2:10) ва шунингдек, *Инсон Ўғли* дам олиш кунининг ҳам ҳокимидир (қаранг: Мк. 2:28).

4. *Калом* (юнонча *Логос*). Бу исм жамоат тарихининг дастлабки уч йили ичида файласуфлар ва илоҳиётчиларда ниҳоятда зўр қизиқиш уйғотган. У илк Жамоатда масихийшуносликни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган. Бу исмни масихийшунослик доирасида тушунишда Юҳанно баён этган Хушхабарнинг кириш қисми мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Юҳанно шундай ёзади: «Азалда Калом бор эди. Калом Худо ҳузурида эди, Калом — Худо эди» (Юҳ. 1:1).

Бу ажойиб таълимотда *Калом* Худодан ажралади («Худо ҳузурида эди»), ва шу билан бир вақтда Худо билан тенглашади («Худо эди»). Бу парадокс Учлик таълимотига кучли таъсир кўрсатади. Учликда *Калом* (*Логос*) Илоҳийликнинг иккинчи шахси сифатида гавдаланган. *Калом* ипостасда Отадан фарқ қилади, лекин моҳиятига кўра У билан яқдилдир.

*Калом* (*Логос*) тушунчаси Исо исми сифатида нима учун масихий файласуфларнинг фикрларини жалб этгани тамомила мана энди тушунарли. *Логосни* шунчаки «сўз» деб таржима қилиш мумкин эди, бироқ бу термин ҳам фалсафий маънода мазмун бойлиги жиҳатидан узоқ тарихга эга. Қадимги юнонлар оламнинг яратилишини тушунишга ҳаракат қилишган ва шунинг учун «бирламчи воқелик»ни (метафизикани) қидиришга киришганлар.

Қадимги юнон файласуфлари кенг ва ранг-баранг яратилган воқеликка (фазошунослик) тартиб ва уйғунлик киритган бирлаштирувчи бирламчи воқеликка *логос* деб ном беришган. Айнан шу *логос* воқеликни изчил ёки «мантиқий» ҳолга келтирди. Бу концепциядан Гераклит, кейинчалик эса стоик-файласуфлар умумий, абстракт қонунлари сифатида фойдаланишган.

Бу термин масиҳийликкача бўлган фалсафий мерос билан оғирлаштирилганлигига қарамай, Муқаддас Китоб бўйича унинг мазмуни юнонча маъно доирасидан четга чиқиб кетган. Ибтидо Китобида биз куйидагиларни ўқиймиз: «Худо бўлсин деган эди, ...пайдо бўлди» (қаранг: Ибт. 1:3). Шундай қилиб, олам Худо каломи билан мавжуд этилган. Бироқ юнон фалсафасидаги *логоснинг* Янги Аҳддаги *логосдан* асосий фарқи шундан иборатки, Янги Аҳддаги «логос» — *шахсият* тушунчасидир. Калом бизнинг оламда Яшаган ва гуноҳларимиз учун ўлган Одамга айланган.

### **Хулосалар**

1. *Масиҳ* «ёғ суртилган»ни англатади; Исонинг бу исми Унинг Шоҳлик вазифасини таъкидлайди ва шу билан бир вақтда азоб чекаётган қулни англатади. Исони кўпинча *Масиҳ* исми билан аташади.
2. *Раббий* Исонинг иккинчи ва кўп ишлатиладиган исми-дир. Бу исм Унинг олам Хукмдори сифатидаги олий ҳокимиятини кўрсатади.
3. *Инсон Ўғли* — бу исмни Исо Ўзига нисбатан жуда кўп ишлатган. Бу исм энг аввало Унинг жамики одамларга Ҳокимлик вазифасини кўрсатади.
4. *Логос (Калом)* термини, яхудийларда бўлгани сингари, юнонлар маданиятида ҳам катта аҳамиятга эга. Исо бутун коинотнинг Яратувчиси, бирламчи воқеликдир, жамики мавжудот ҳаётини суяб турган Парвардигор (Калом) дир.

***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 1:1–2:3;

Мат. 9:1-8;

Мат. 16:13-21;

Юх. 1:1-18;

Ваҳ. 19:11-16.

БЕШИНЧИ  
ҚИСМ



# МУҚАДДАС РУҲ

### 37-боб

## Муқаддас Рухнинг илоҳийлиги

Ибодат пайтида биз кўпинча қуйидагича сўзларни эшитамиз: «Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан. Омин». Бу ибора ўзида Илоҳийликнинг учала ипостаси тасдиқланган учлик шаклини намоён этади.

Худди шу сингари *Gloria Patri*, яъни қисқагина ҳамду санода биз шундай қуйлаймиз:

Ота ва Ўғилга ҳамда Муқаддас Рухга,  
Ҳозире кейин ва абадулабад шарафлар бўлсин. Омин.

Бу мадҳия Худонинг жами уч ипостасини ҳам кўкларга кўтаради. Муқаддас Рух Ота ва Ўғил билан тенгма-тенг улуғланади.

Гарчи бир неча асрлар давомида Масихнинг илоҳийлиги муҳокама қилиниб, шубҳа остига олинган бўлиб, бу тортишувлар ҳозиргача давом этиб келган бўлса-да, бироқ Муқаддас Рухнинг илоҳийлиги Жамоат томонидан сўзсиз тан олинмоқда. Бу ҳолатнинг юз бериши, балки Рухнинг ҳеч қачон инсон қиёфасига кирмаганидир.

Муқаддас Китоб Муқаддас Рухга Илоҳийликнинг барча атрибутларини, шунингдек, илоҳий куч ва ҳокимликни муайян равишда беради. IV асрдан бошлаб ҳамма амалий тарзда Муқаддас Рух — Шахс ва илоҳий Шахс эканлигини тан оладиган бўлди.

Эски Аҳдда Худо ҳақида айтилганларнинг бари Муқаддас Рухга ҳам тааллуқлидир. Муқаддас Рух Худо сингари кўп гапиради. Худди шу манзара Янги Аҳдда ҳам кузатилади. Хусусан, Ҳаворийларнинг Фаолияти Китобида Бутрус шундай деб сўрайди: «Эй Ҳанания, нега энди сен шайтонга юрагингни бой бериб, Муқаддас Рухга ёлғон гапирдинг, ернинг пулидан бир қисмини олиб

яширдинг? Сотишдан олдин у сеники эмасмиди? Сотилгандан кейин ҳам пули сенинг ҳукмингда эмасмиди? Нима учун дилингда бундай ният қилдинг? Сен одамларга эмас, балки Худога ёлғон гапирдинг» (Ҳав. 5:3-4). Бошқача қилиб айтганда, Муқаддас Рухга ёлғон гапириш — бу Худога айтилган ёлғондир.

Калом Муқаддас Рухга Худонинг барча фазилатларини беради. Павлус Муқаддас Рухнинг ҳамма нарсани билишга қодир эканлиги тўғрисида шундай дейди: «Бизларга эса Худо буни Ўз Рухи орқали ошкор қилди. Илоҳий Рух бутун нарсаларни, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради. Инсоннинг ўйларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай: Худонинг ўйларини Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди» (1 Кор. 2:10-11). Забур хонишчиси қуйидаги оятларда Муқаддас Рухнинг ҳозир у нозирлигидан далолат беради:

«Сенинг Рухингдан қаерга ҳам кетар эдим?  
Сенинг ҳузурингдан қаерга қочиб бораман?  
Агар осмонга ўрласам, Сен у ердасан,  
Ўликлар диёрига тушай десам,  
Ўша ерда ҳам Сен борсан».

*Заб. 138:7-8*

Ибтидо Китобида биз Худонинг Рухи дунё яратилишида сувлар узра юргани ҳақида ўқиймиз (қаранг: Ибт. 1:1-2).

Муқаддас Рух илоҳийлигининг якуний тасдиғи сифатида Павлуснинг барча имонлилар шаънига қилган дуоларини мисол тариқасида келтириш мумкин: «Раббимиз Исо Масихнинг инояти, Отамиз Худонинг севгиси ва Муқаддас Рухнинг ҳамроҳлиги ҳаммангизга ёр бўлсин! Омин.» (2 Кор. 13:13).

### **Хулосалар**

1. Жамоат ўзининг руҳий ҳаётида Муқаддас Рухнинг илоҳийлигини тан олади.

2. Эски Ахднинг гувоҳлик беришича, илоҳий атрибутлар ва илоҳий ҳокимлик Муқаддас Рухга хосдир.
3. Янги Ахднинг тасдиқлашича, Муқаддас Рух ҳам илоҳийликнинг барча атрибутларига эгадир.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Ибт. 1:1–2;  
Ҳавор. 5:3–4;  
Рим. 8:9–17;  
1 Кор. 6:19–20;  
Эф. 2:19–22.

## **38-боб**

### **Муқаддас Рухнинг шахсга оид табиати**

Хотиним Худога юз бурган куни у шундай деб хитоб қилди: «Муқаддас Рухнинг Кимлигини мен энди билдим!» Шу пайтгача хотиним Муқаддас Рух — бу бир шахсга оид боши йўқ, абстракт нарса бўлса керак, деб ўйлаб юрган экан.

Биз Муқаддас Рухнинг шахсга оид табиати ҳақида гапирганимизда, уни аллақандай куч эмас, балки Учликнинг учинчи ипостасининг шахсияти эканлигини назарда тутамиз. Муқаддас Рухга нисбатан фақат тирик ва конкрет шахсиятни англатадиган эгалик олмошининг ишлатилишини Каломда яққол кўриш мумкин. Юҳанно баён этган Хушхабарда Исо шундай дейди: «Муқаддас Ҳақиқат Рухи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади» (Юҳ. 16:13).

Мадомики, Муқаддас Рух қиёфаси ноаниқ аллақандай куч эмас, аниқ ва алоҳида шахс экан, У билан қилган мулоқотимиздан роҳатланамиз. Павлус ўзининг Коринф жамоатига қилган мурожаатида азиз авлиёлар йигинини

шундай дуо қилган: «Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти, Отамиз Худонинг севгиси ва Муқаддас Рухнинг ҳамроҳлиги ҳаммангизга ёр бўлсин! Омин» (2 Кор. 13:13). Ким биландир мулоқотда бўлиш — у билан ўзаро муносабатларнинг ўрнатилганини англатади. Бундан ташқари, Муқаддас Рухга қарши гуноҳ қилмасликка, қаршилик кўрсатмасликка ва Уни ранжитмасликка бизни даъват этадилар. Эгасиз куч ранжий олмайди. Хафагарчиликни фақатгина шахсга оид ибтидога эга мавжудотгина ҳис эта олади.

Мадомики, Муқаддас Рух Шахс экан, Унга сажда қилиш мумкин. Сажда қилганимизда, биз Отага айтмоқчи бўлган фикрларимизни тўғри намоён этишимизга Муқаддас Рух ёрдам беради. Исо Олийруҳониймиз сифатида бизга қандай воситачилик қилса, Муқаддас Рух ҳам ибодатларда биз учун шундай ҳимоячилик вазифасини бажаради.

Ва ниҳоят, Муқаддас Китобнинг айтишича, Муқаддас Рух фақатгина шахс бажариш имкониятига эга бўлган вазифаларни адо этади. Рух *юпатади*, *йўллайди* ва *насиҳат қилади* (қаранг: Юҳ. 16). Бу ҳаракатларни эс-ақлга, иродага, ҳис-туйғуга ва куч-қувватга эга бўлган Шахсгина бажара олади. Рух излайди, танлайди, очади, юпатади, фош этади ва ибрат бўлади. Фақат Шахсгина бундай ишларни бажаришга қодир. Шунинг учун масиҳий шундай Шахснинг мавжудлигини тан олибгина қолмай, балки Учликнинг учинчи сурати бўлмиш Муқаддас Рухга бўйсунуши, Уни севиши ва улуғлаши лозим.

### *Хулосалар*

1. Муқаддас Рух — абстракт ва эгасиз куч эмас, балки Шахсдир.
2. Муқаддас Китоб Муқаддас Рухга нисбатан эгалик олмошини қўллайди.
3. Муқаддас Рухнинг фаолияти Унинг Шахс эканлиги ҳақидаги далилни тасдиқлайди.

4. Масиҳийлар Муқаддас Рух билан мулоқотда бўладилар.
5. Муқаддас Рухга итоат этиш ва сажда қилиш лозим.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

- Юҳ. 16:13;  
2 Кор. 13:13;  
1 Тим. 4:1;  
Ёқуб. 4:5;  
1 Юҳ. 5:6.

## **39-боб**

### **Муқаддас Рухнинг ички гувоҳлиги**

Ҳар қандай суд мажлисида гувоҳларнинг кўрсатмалари жуда муҳим ўрин тутди; кўрилатган ишнинг натижаси ҳам шуларга боғлиқ бўлади. Гувоҳликлар шунинг учун ҳам муҳимки, кўрилатган ишда адолат тикланишига катта ёрдам беради. Баъзида айрим гувоҳларнинг кўрсатмалари инobatга олинмайди, чунки бундай кўрсатмалар судьяда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Кўрсатма бераётган гувоҳларнинг ўзлари шахс сифатида ишонч қозонган бўлишлари керак.

Худо қандайдир бир ҳақиқатни тасдиқлаётганда, Унинг гувоҳлиги мутлақо ишончлидир. Унинг сўзлари ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бутун оламнинг Яратувчиси бўлмиш Худонинг гувоҳликлари инкор қилиб бўлмайдиган даражада. Унинг гувоҳликлари — чуқур билимга ва олий ҳокимликка эга бўлган буюк Моҳиятдан келиб чиқади. Худонинг ишончли гувоҳлиги кунларнинг бирида Лютерни шундай дейишга ундади: «Муқаддас Рух — ишончсизлик эмас!»<sup>1</sup> Муқаддас Рух бизга очиб бераётган ҳақиқатлар ҳаётнинг ўзидан ҳам ишончлироқдир.

Жан Кальвиннинг таъкидлашича, Муқаддас Ёзув ўз илоҳий ҳокимлигининг аниқ ва ишончли далилларини на-

моён қилади ва ўзининг илоҳийликдан келиб чиққанлигига етарлича тасдиқларга эга эканлигини кўрсатади. Бироқ бу ташқи гувоҳликлардир. Агар Муқаддас Рух ички гувоҳликлари орқали юракларимизга муҳрланмаса, етарлича бўлмайди<sup>2</sup>. Кальвин исбот билан эътиқод ўртасидаги фарқни таъкидлаб ўтган. Биз ҳатто Каломнинг ҳақиқийлигига аниқ ва ишончли далилларни тасаввур қила олсак ҳам, бироқ бу одамларнинг унга ишониб, қулоқ солишларига ёки уни қабул қилишларига кафолат бермайди. Биз уни рад этиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилишимиз учун, албатта бизга Муқаддас Рухнинг ички гувоҳлиги зарур. Рух Муқаддас Китобнинг ҳаққонийлигининг исботини қабул қилишимизга имкон беради.

Муқаддас Китоб Худонинг Каломи эканлигига гувоҳлик берувчи Муқаддас Рух бизни қандайдир махфий ахборот билан таъминламайди ва бизга янги, кутилмаган далил-исботлар келтирмайди. Тўғрироғи, У Худо ҳақиқатига бизнинг қаршилигимизни енгиш ва синдириш учун руҳимизга таъсир кўрсатяпти. Муқаддас Рух бизни Худо Каломи таълимотини тўла ишонч билан қабул қилишимизга ва унга бўйсунимизга даъват этади.

Рухнинг ички гувоҳлиги — бу инсоннинг руҳий тажрибасига махсус ҳақиқатни кўшиб кўювчи мистицизмга ёки субъективизмга юз тутиш эмас. Муқаддас Рух гувоҳлиги Худонинг Каломи фойдасига сўзлайди. У бизга Калом билан бирга ва Калом орқали келади. У Каломсиз ёки ундан мустақил равишда келмайди.

Муқаддас Рух Ўз сўзларини тасдиқлаб, биз — Худо фарзандлари эканлигимиз тўғрисида бизнинг руҳимизга гувоҳлик бериб туради (қаранг: Рим. 8:16). Шунингдек, худди шу тарзда Муқаддас Китоб — Худо Каломи эканлиги тўғрисида Муқаддас Рух бизга ички ишонч беради.

### **Хулосалар**

1. Худонинг гувоҳлиги — мутлақо ишончли.
2. Муқаддас Китоб Худо Каломи эканлиги ҳақида асосли ва аниқ далилларни Китобнинг Ўзи таклиф қилади.

3. Муқаддас Рухнинг гувоҳлигисиз биз Каломнинг ҳақиқийлигига ишонмаган бўлар эдик.
4. Муқаддас Рухнинг ички гувоҳлиги Муқаддас Китоб Худо Каломи эканлигига янги далил-исботларни таклиф қилмайди. Аммо мавжуд далилларни қабул қилишга ундаб, инсон қалбида ҳаракат қилаверади.
5. Муқаддас Рухнинг ички гувоҳлиги тўғрисидаги таълимотни, бизга ҳақиқатга ўхшаб туюлган ҳамма нарсани ҳақиқат деб қабул қилишимизга йўл қўяди, деб баҳоламаслик керак.

*Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 15:13;  
 Ҳавор. 5:32;  
 Ҳавор. 15:28;  
 Рим. 8:16;  
 Гал. 5:16-18.

**40-боб**

**Муқаддас Рухдан зиё олиш**

Фонусни инсоният кашф этган энг фойдали нарсалардан бири, деб аташ мумкин. Электр чироқ ўчиб, уй зимистон бўлиб қолганда, фонус жуда асқотади. Унинг вазифаси шундан иборатки, бизга қоронгуликни ёритиб, атрофдаги нарсаларни кўриш имконини беради. У атрофдаги ҳамма нарсани *ёритади*.

Муқаддас Китоб — бу қоронгу жиҳати йўқ китобдир. Аксинча, у бизга зарур бўлган ёруғлик манбаидир. Забурчи Худонинг Каломини «қадамларим учун чироқдир, йўлимга нур сочадиган ёруғликдир», деб таърифлайди (қаранг: Заб. 118:105).

Бироқ Муқаддас Китобнинг ҳамма ояти ҳам бизга бир хилда тушунарли эмас. Баъзи парчаларни англай олишимиз қийин. Биз Муқаддас Китоб матнларининг чуқур

маъносини тушуниб етишга ҳаракат қиламиз. Лекин гуноҳ онгимизни захарлаб кўр қилади, биз зулматга чўкамиз ва шунинг учун ёруғликка ниҳоятда зориқиб интиламиз.

Калом бизга чиндан ҳам чироқдир, лекин ҳақиқий ёруғликни идрок этишимиз учун бизга қўшимча ёриткич даркор. Муқаддас Ёзувни илҳомлантирган Муқаддас Рух бизга тушунарли бўлиши учун Худо Каломини ёритади. У Каломда сақланаётган ҳақиқатларга нур сочади. Зиё тарқатиш ёки таълим бериш — бу Муқаддас Китоб матнларини тушунишни таъминловчи Муқаддас Рухнинг ҳаракатидир. Рух Худо Каломи таълимотини тинглашимизга, тўғри тушуниб, қабул қилишимизга кўмаклашади. Ҳаворий Павлус куйидагиларни ёзади:

Лекин худди Тавротда ёзилганидек бўлди:

«Кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган, Инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган». Бизларга эса Худо буни Ўз Рухи орқали ошкор қилди. Илоҳий Рух бутун нарсаларни, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради. Инсоннинг ўйларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худонинг ўйларини Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди.

*1 Кор. 2:9-11*

Бу ерда Павлус инсон маҳоратини қиёсламоқда. Сиз мени кузатиб ёки дўстларимдан сўраб-суриштириб мен ҳақимда кўпгина маълумотларни билиб олишингиз мумкин. Аммо мен то ўзим сиз билан ўртоқлашишни хоҳламагунимча, менинг ўй-фикрларимдан ва руҳий ҳолатимдан хабардор бўла олмайсиз. Мен нималар ҳақида ўйлаётганимни, фақатгина менинг ўзим билишим мумкин (тўғри, баъзан хотиним менинг фикрларимни кўзларимдан ўқиб олаётгандай бўлади).

Муқаддас Рух ҳам Худонинг эзгу фикрларидан бохабар. Павлуснинг айтишича, Рух Худонинг теранликларини «текшириб кўради». Бироқ бу маълумотни олиш учун Рух Худонинг идрокини ёриб киради ва Уни сўроққа

тутади, деган маънони англамайди. Рух Ўзига етишмайдиган маълумотларни олишга интилмайди. Аксинча, Муқаддас Рух уларга тун қоронғусида кўринмас объектни ёритган фонусдай нур сочади. Бўлмаса объект беркинганча қолиб кетарди.


Зиё олишни ваҳий билан адаштирмаслик керак. Бугунги кунда одамлар Муқаддас Рухдан олган ваҳийлари тўғрисида гапирётганларини кўпинча эшитиш мумкин. Муқаддас Рухнинг зиё тарқатувчи ҳаракати инсонга Муқаддас Китобда мавжуд бўлган маълумотлардан ёки ваҳийлардан ортиғини тақдим этишни тасаввур ҳам қилмайди.

Ислохотчи масиҳийлар Худонинг янги норматив хусусиятга эга ваҳийларини ҳеч қандай тан олишмайди. Рух ҳанузгача Каломда ёзилганларнинг мазмунини биз учун тушунарли қилиб ёритиб келади. Рух бизга Муқаддас Китобни тушунишимизга ёрдам беради, Худо Каломининг ҳақиқатини англашни ва уни ўз ҳаётимизда қўллашни ўргатади. У Калом билан бирга ва Калом орқали ҳаракат қилади. Рух ҳеч қачон Каломга хилоф равишда таълим бермайди. Шунинг учун биз эшитганларимизни доимо Калом ҳақиқати орқали ҳис қилишимиз керак. Калом — бу Муқаддас Рухнинг китобидир.

### *Хулосалар*

1. Муқаддас Рухнинг зиё тарқатувчи ҳаракати шундан иборатки, У Худо Каломининг ҳақиқатини англашга ва уни ўз ҳаётимизда қўллашга ёрдам беради.
2. Зиё тарқатишни ёки таълим беришни ваҳий билан адаштирмаслик керак.

МУҚАДДАС РУХ МУҚАДДАС



## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 16:13-15;

1 Кор. 2:9-16;

2 Бут. 1:21.

### **41-боб**

## **Муқаддас Рухни қабул қилиш**

«Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?» Бугунги кунда масиҳий бўлган ҳар бир одам эртами-кечми, албатта шу саволни эшитади. Бундай саволни кўпинча Муқаддас Рухни қабул қилиш ва Рухнинг махсус инъомлари аҳамиятини таъкидловчи харизматлар беришади.

Қачонлардир фақат эллигинчилар жамоатлари ва Худод Ассамблеялари томонидан қабул қилинган таълимот эндиликда имонлиларнинг кўпчилиги учун ғоятда катта аҳамият касб этади. Янги эллигинчилар ҳаракати амалда жамики масиҳийлик мазҳабларига кириб борди. Муқаддас Рухнинг Жамоатдаги иштироки ва кучларининг бу янги кашфиёти одатда ҳаяжон ва руҳий янгиланиш ҳисси билан бирга боради.

Янги эллигинчилар Муқаддас Рухни қабул қилиш ҳақидаги таълимотни имонлиларнинг шахсий тажрибалари асосида шакллантиришга уринишди. Аммо бу таълимотда етарли даражада зиддиятлар бор.

Кўпинча, лекин ҳар доим ҳам эмас, харизматлар Муқаддас Рухни қабул қилишни ҳузур-ҳаловатнинг иккинчи ҳаракати, деб ҳисоблашган. Бу фаолият қайта туғилиш ва тикланишдан фарқ қилади ва уларнинг кетидан келади. Муқаддас Рухнинг бу ҳаракати барча масиҳийларга тегишли бўлса-да, аммо масиҳийларнинг ҳаммаси ҳам уни қабул қилавермайдилар. Харизматлар бошқа-бошқа тилларда гаплашишни зарурий эҳтиёж ёки бундай

«чўмдирилиш»нинг зоҳирий кўриниши деб ҳисоблаш бўйича бир фикрга келолмаяптилар.

Эллигинчилар бу таълимотнинг Муқаддас Китоб асоси сифатида Эллигинчи куни содир бўлган ва Ҳаворийлар Китобида ёзилган ҳодисани кўрсатишади. Ўшанда (Эллигинчиларгача Муқаддас Рухнинг қайта тиклаш таъсири яққол сезилган) имонлилар Муқаддас Рухга тўлдилар ва бошқа-бошқа тилларда гапириб кетдилар. Бу Муқаддас Китоб тажрибаси қайта туғилиш ва Рухни қабул қилиш ўртасидаги вақт оралиғини ўз ичига олган. Эллигинчилар бу ўлчовни барча замонларга тегишли деб ҳисоблашади.

Эллигинчилар Муқаддас Рухни қабул қилиш ва қайта туғилиш ўртасидаги фарқлашни ниҳоятда адолатли олиб боришади. Юқоридан туғилиш Муқаддас Рухнинг ҳаракати натижасидир. У олдин гуноҳга ботиб ўлган одамни эндиликда тирилтиради ва имонлига янги ҳаёт беради. Муқаддас Рухни қабул қилиш эса Худо Ўз халқига тоат-ибодат учун куч-қувват ато этаётганлигини англатади.

Бироқ борди-ю юқоридан туғилиш билан Муқаддас Рухни қабул қилиш ўртасида фарқ тўла асосланган бўлса, у ҳолда бу икки ҳодиса ўртасидаги вақтинчалик ораликнинг кейинги даврлар учун ҳам татбиқ қилиниши мажбурийлиги ўзини оқлаган деб бўлмайди. Ҳаворийлар давридан бошлаб масиҳийлар одатда янги ҳаёт учун қайта туғилиш пайтида Муқаддас Рухдан куч-қувват олишади. Қайта тиклангандан кейин Рухнинг сувда чўмдирилишидан иборат бўлган Рухнинг махсус иккинчи ҳаракатини ахтариш имонлиларга керак эмас. Ҳар бир масиҳий Рухга бўйсунуши ва итоат қилиши даражасига қараб, кўп ёки кам даражада Муқаддас Рухга тўлади.

Эллигинчилар доктринасига боғлиқ бўлган бошқа масала шундан иборатки, унинг тарафдорлари Эллигинчилар аҳамиятини унчалик тўғри тушунмайдилар. Муқаддас Рухнинг ҳаворийлар устига тушиб келиши ҳақиқатдан ҳам Янги Аҳд тарихида бурилиш нуқтаси

бўлди. Эски Аҳдда кўп бўлмаган танланганларга хизмат қилиш учун Худо томонидан руҳий инъомлар берилган (қаранг: Саҳр. 11). Эллигинчилар кунида ишларнинг вазияти ўзгарган. Ўша кунги байрамда иштирок этган барча имонлилар (ҳамма яҳудийлар) Муқаддас Рухни қабул қилишди. Худди шу ҳолат кейинчалик самариялик имонлилар Муқаддас Рухни қабул қилишганда (қаранг: Ҳав. 8), шунингдек, имонли Корнилий хонадони билан (қаранг: Ҳав. 10) ва Эфес шаҳридаги имонли ҳисобланмиш мажусийлар, Юҳанно шогирдларининг устига ҳам Муқаддас Рух тушганда юз беради (қаранг: Ҳав. 19).

Дастлабки имонлилар Худодан кўрқувчи одамлар, самарияликлар ва Юҳаннонинг мажусийлардан чиққан шогирдлари ҳам масиҳий бўлишади, деб ўйлашмаган эди. Шунинг учун Рухни қабул қилишлари — уларнинг Масиҳ Жамоати аъзолари бўлганликларининг тасдиғи сифатида хизмат қилди. Модомики ҳар бир гуруҳларнинг вакиллари худди Эллигинчилар кунидаги яҳудийлар сингари Муқаддас Рухни қабул қилган эканлар, уларни Жамоат аъзолари деб ҳисобламай бўлмасди. Собиқ мажусийларнинг Муқаддас Рухни қабул қилишларига Бутруснинг ўзи гувоҳ бўлган эди. У юзбоши Корнилийнинг уйида Худодан кўрққан нояҳудийлар устига Муқаддас Рух тушиб келганини кўрганда, улар ҳам Жамоатнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлишлари мумкинлигини тушунди. Бутрус шундай деди: «Худди бизлар каби Муқаддас Рухни қабул қилган бу одамларнинг чўмиб имон келтиришига ким монне бўла олар экан?» (Ҳав. 10:47).

Эллигинчилар кунидан кейин Муқаддас Рухни қабул қилиш ҳодисаларини, Рух бундан кейин ҳам ёғилади, бунинг натижасида эса Масиҳ Танасининг барча аъзолари Худога хизмат қилиш учун руҳий инъомлар олишади, деб тушуниш керак. Янги Аҳд Жамоатида ҳар қандай имонли ҳам бошқа-бошқа тилда гапиравермаган, лекин ҳар бир масиҳийда Муқаддас Рух инъомлари бўлган. Шу йўсинда Йўэл пайғамбарнинг азалдан каромат қилиб айтганлари бажо бўлди (қаранг: Ҳав. 2:16-21).

## Хулосалар

1. Муқаддас Рухни қабул қилиш — бу Рухнинг ҳаракати орқали имонлиларга хизмат қилишда зарур бўлган инъомларни беришдир.
2. Ҳаворийлар Китобида Муқаддас Рух тўрт гуруҳдаги имонлиларга (яхудийларга, самарияликларга, Худодан кўрққанларга ва нояхудийларга) тушиб келади. Бу билан Рух уларнинг ҳаммаси Янги Аҳд Жамоати аъзолари эканликларини кўрсатади.
3. Эллигинчи кун — Эски Аҳд кароматининг бажо бўлишидир. Бу башоратга биноан Муқаддас Рух фақатгина танланган Исроил халқи вакилларигагина эмас, балки ҳамма имонлиларга ёғилади.

## Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар

Йўэл 2:28-29;

Юҳ. 7:37-39;

Ҳав. 2:1-11;

1 Кор. 12;

1 Кор. 14:26-33.

## 42-боб

### Муқаддас Рух — Юпатувчи

Оқшом зиёфати пайтида, Ўз ўлими арафасида Исо шогирдларига Муқаддас Рух ҳақида кўп гапирган. Хусусан, У шундай деган: «Мен Отамга мурожаат қиламан ва У тобад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади...» (Юҳ. 14:16). *Юпатувчи* ёки *Ҳимоячи* сўзи юнонча *paraclete* сўзининг таржимасидир.

Бу парчада биз эътибор қиладиган биринчи нарса — Исонинг бизга *бошқа* Юпатувчини, ёки Ҳимоячини юбориши тўғрисидаги ваъдасидир. Демак, ваъда қилинган Рух келгунга қадар Исо шогирдларининг Юпатувчиси

бўлган. Янги Аҳднинг аниқ айтишича, Исонинг Ўзи биринчи Юпатувчи, ёки Насихатгўй бўлган. Юҳанно шундай ёзади: «Эй фарзандларим, буларни шунинг учун ёзяманки, сизлар гуноҳ қилманглар. Борди-ю бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсак, Отанинг олдида одил ҳомиймиз — Исо Масих бор...» (1 Юҳ, 2:1).

Бу оятда *ҳомий* сўзи ҳам Исога тегишли бўлиб, юнонча *paraclete* таржимасининг яна бир вариантыдир. Шундай қилиб, Исо биринчи Тасалли Берувчи, бу дунёдан кетгандан кейин ибодат орқали Ота имонлиларга бошқа Юпатувчини жўнатишини У ваъда қилади. Руҳ Исонинг ўрнига юборилгандир, У Масихнинг ер юзидаги олий ноибидир.

Қадимги дунёда *paraclete* номи суддаги ажрим жараёнига ёрдам кўрсатиш учун таклиф этилган одамга бериларди. Муқаддас Руҳ Насихатгўй сифатида бир нечта вазифани бажаради. Биринчидан, У имонлиларга Ота-Худо билан муносабатда бўлишларига ёрдам беради. Павлус Римдаги жамоатга қуйидагиларни ёзади:

Бунинг устига, Илоҳий Руҳ бизнинг заифлигимизга мадад бериб туради. Чунки биз қандай ибодат қилмоқ кераклигини билмаймиз. Лекин Илоҳий Руҳнинг Ўзи ифода қилиб бўлмас оҳ-нолалар билан биз учун Худо олдида шафоат қилади. Юракларни синовчи Худо эса Руҳнинг фикри нимада эканлигини билади. Чунки Руҳ Худонинг иродасига кўра Худо азизлари учун шафоат қилади.

*Рим. 8:26-27*

Иккинчидан, Муқаддас Руҳ имонлиларга олам билан мулоқот қилишга ёрдам беради. Исо Марк баён этган Хушxabарда айтганидек, зиддиятли вазиятларда Муқаддас Руҳ бизнинг ўрнимизга гапирди (қаранг: Мк. 13:11). Руҳ бу дунёнинг хато қилганини фош этиб, бизни ундан ҳимоя қилади (қаранг: Юҳ. 16:8). Шунингдек, солиҳларга нопок одамлар томонидан ҳужум қилинганда, Муқаддас Руҳ солиҳ одамларни оқлайди.

Ва ниҳоят, Муқаддас Руҳ имонлиларни юпатади. У яра-ланган, мағлубиятга учраган ёки уқубат ва оғриқдан азоб чекаётган дилларни меҳрибонлик, мулойимлик билан тинчлантиради. Шунини таъкидлаш лозимки, *Comforter* (инглизча *Юпатувчи*) латинча *cum forte* сўзидан келиб чиққан бўлиб, у «куч билан» маъносини англатади. Биз куч ва мадордан қолганимизда, Руҳ бизнинг олдимизга келади. У бизга куч ва шижоат бахш этади. Юпатувчи сифатида У бизни юпатади ва биз Масих соясида ҳаммаси устидан улкан ғалаба қозонишимизга руҳлантиради (қаранг: Рим. 8:37).

### **Хулосалар**

1. Исо — бизнинг биринчи Юпатувчимиз. У Ота ҳузур-рида бизга ҳомийлик қилади.
2. Муқаддас Руҳ — бошқа Юпатувчи. Исо кўкларга қўтарилиб кетгандан кейин, Муқаддас Руҳ Унинг ўрнига келган.
3. Руҳ ҳозирда бизнинг Юпатувчимиз сифатида ҳаракат қилади.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Юҳ. 14:16-18;  
Ҳавор. 19:1-7;  
Рим. 8:26-27;  
Гал. 4:6.

## **43-боб**

### **Муқадас Руҳ — Покловчи**

Худо барча имонлиларни муқаддасликда Унга ўхшашларига даъват қилади: «...Сизларни даъват этган Худо қандай муқаддас бўлса, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда шундай муқаддас бўлинглар. Худо: «Муқаддас

бўлинглар, зеро Мен муқаддасман», деб айтгани ёзилган» (1 Бут. 1:15-16). Муаммо шундан иборатки, биз ўзимизча муқаддас эмасмиз. Шунга қарамай, Муқаддас Китоб бизни «муқаддас» деб айтади. Кимда муқаддаслик мавжуд бўлса, ўша *муқаддасдир*. Мадомики, биз ўзимизда муқаддасликни сезмас эканмиз, барибир биз муқаддасликка интилишимиз керак. Масиҳона қиёфани касб этишимиз учун Муқаддас Рух бизни поклайди. Учликнинг учинчи шахси сифатида Муқаддас Рух Ота ва Ўғил сингари муқаддасдир. Лекин биз Ота ва Ўғилнинг муқаддаслигини таъкидламаймиз, аммо Рухнинг муқаддаслигини доимо кўрсатиб ўтаемиз. Рух ҳақиқатдан ҳам муқаддас бўлгани учун эмас, балки бизни муқаддас қилгани учун Уни муқаддас деб атаймиз.

Муқаддас Рухнинг асосий вазифаси шундан иборатки, У бизни поклайди. У бизни муқаддас ёки солиҳ қиладди. Покланиш — биз масиҳий бўлишимиз биланоқ бошланадиган жараён. Бу жараён умр ниҳоясига қадар, токи имон ниҳоят тўлиқ, узил-кесил ва мангу солиҳ бўлгунча давом этади.

Протестантликда шундай фикр таъкидланадики, юқоридан туғилиш — бу *ёлғиз* Муқаддас Рухнинг ҳаракатидир. Бизнинг қайта туғилишимизда биз Муқаддас Рухга ёрдам беролмаймиз. Юқоридан туғилиш — бу Рух ва инсоннинг биргаликда амалга оширган ҳаракатининг натижаси эканлиги ҳақидаги ҳар қандай тасаввурни протестантлар тўла инкор этадилар. Бироқ покланиш — мутлақо бошқа масала. Бизнинг покланишимиз — бу биргаликдаги ҳаракатдир. Покланиш жараёни давом этиши ва ривожланиши учун биз Муқаддас Рух билан ҳамкорликда ишлашимиз зарур. Ҳаворий Павлус ўз мактубларининг бирида бу тўғрида шундай деган эди:

Эй севганларим, сиз доим менинг гапимга қулоқ солиб келдингизлар. Шундай қилиб, фақат олдингизда бўлганимдагина эмас, балки ҳозир менинг йўқлигимда яна кўпроқ қўрқув ва титроқ билан топган нажотингизни бут қилишга тиришинглар. Зотан Худонинг Ўзи сизларнинг вужудингизда

амал қилади, У Ўз мурод-мақсадини адо этишингиз учун сизларда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради.

*Флп. 2:12-13*

Ҳаракатларни бирлаштиришга даъват ҳамкорликдаги меҳнатни англатади. Мана шу даъватга биз жиддий муносабатда бўлишимиз даркор. «Қўрқув ва титроқ» ваҳима ва ҳадикни эмас, фақатгина иззат-эҳтиром ва серҳаракатлигимизни англатади. Биз биргина ўзимиз бажаришга кучимиз етмайдиган вазифа билан ёлғиз қолмаганимиз ҳис-туйғуси ила таскин топамиз. Бизнинг покланишимиз амалга ошиши учун Худо бизнинг вужудимизда ҳаракат қилади.

Имонлилар ҳаётини ва юрагини солиқ қилиш учун Муқаддас Рух уларда яшайди. Аммо Рухнинг вужудимизда бўлиши бизнинг илоҳийлигимизни англатади, деган ўйга бормаслигимиз ва ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Чунки Рухнинг вужудимизда бўлиши бизнинг илоҳий эканлигимизни англатади деган ўй-фикрга бормаслигимиз керак. Рух ҳақиқатдан ҳам бизда яшайди ва биз билан бирга хизмат қилади, аммо У биз бўлолмайди, биз эса У бўла олмаймиз. Рух мавжудотни илоҳийлаштириш учун эмас, балки инсон зотини тозалаш ва поклаш учун ҳаракат қилади. Муқаддас Рух бизда мавжуд бўлганда, У одамга айланмайди, шунингдек, биз эса Худо бўлолмаймиз. Муқаддас Рух бизнинг шахсиятимизга путур етказмайди. Покланиш жараёни давомида биз ўз моҳиятимизга кўра эмас, ўз фазилатимизга кўра Худога ўхшаган бўлиб қоламиз.

### **Хулосалар**

1. Худо муқаддасликда Унга ўхшашимизга даъват этади.
2. Муқаддас бўлишимиз учун муқаддаслик бизга юқоридан берилиши керак.
3. Муқаддас Рух бизни поклагани учун ҳам муқаддас, деб аталади.
4. Покланиш — умрбод давом этадиган жараён.

5. Покланиш — бу имонлиларнинг Муқаддас Рух билан ҳамкорликдаги хизматидир.
6. Танамизда яшаётган Муқаддас Рух бизни Худо қила олмайди.

***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Юх. 15:26;

2 Кор. 3:17-18;

Гал. 4:6;

Флп. 2:12-13;

1 Бут. 1:15-16.

ОЛТИНЧИ  
ҚИСМ



# ИНСОН ВА ГУНОҲ ҚИЛИШ

## 44-боб

### Ўзликни билиш ва Худони англаш

Чақалоқ дунёга келганда, қоидага кўра, уни думбачасига шапатилаб уриш билан кутиб олишади. Одатда чақалоқ бундай ҳаракатга чинқириб йиғлаш билан жавоб қилади. Хўш, гўдак нима учун қичқиради? Бу қичқирик нимани англатади? Оғриққа жавобми? Ёки қўрқув ифодасими? Балки, ғазабланишдир?

Эҳтимол, буларнинг ҳаммасидир. Бизнинг бу дунёга келишимиз шовқин-сурон, кучли ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши билан кузатилади. Баъзилар бу чинқирикни фақат дунёга келганлигига қаршилик дебгина эмас, балки бутунлай ҳаётга бўлган қаршилик деб қарайдилар. Макбет, масалан, мана шундай хулосага келган:

Ҳаёт — бу фақат соя, ёхуд лўттибозликдир,  
Муғомбирнинг саҳнадаги ярим соатлик ролидир.  
Дарҳол эсдан чиқди у — тез унутилди масхарабоз:  
Бу қиссани сўзлаб берди ўтакетган ғирт аҳмоқ;  
Сўз, эҳтирос, ҳис-туйғу жуда кучлидир унда,  
Маъно деган нарса йўқдир, асло ушбу қиссада<sup>1</sup>.

Маънонинг ёки мазмуннинг йўқлиги — бирон нарсанинг қиммати йўқлигини ёки қадрсизлигини англатади; мантиқдан маҳрум бўлган объект ҳеч вақога арзимайди.

Ҳар бир инсон шахсиятининг қиммати куйидаги саволларга тўғридан-тўғри боғлиқ: *Мен кимман? Мен ўзимни ким деб тасаввур қиламан?* Бу савол ўзимизни кимга ёки нимага қиёслашимиз хусусидадир. Мен учун ушбу саволга жавоб бериш — Худо билан менинг ўзаро муносабатимга тўла-тўқис боғлиқдир, деб ҳисоблайман. Мен кимлигимни ва нимага қодир эканлигимни, Худонинг

кимлиги ва нималигини тушунмай туриб, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман.

Ўзликни билиш ва Худони англаш ўртасида ўзаро алоқа мавжуд. Мен ўзимни шахс сифатида англай бошлаганимда, Худо эмаслигимни тушунаман. Мен — яратилган мавжудотман. Мен туғилган йилимни, вақтимни, ердаги ҳаётим қачон бошланганини биламан. Менинг сағана тошимдаги ёзувда туғилган сана ўрнида «абадий» деган сўз бўлмаслигини ҳам биламан. Мен вафотим санаси қандай бўлишини билмайман, лекин туғилган сана 1939 йил деб ёзилишига аминман.

Аслида мавжудот эканлигимни ҳис этишим ва тушунишим мени орқага, ёки аниқроғи, «юқори»га — менинг Яратувчимга жўнатади. Мен то ўзлигимни англамагунимча, Худо ҳақида ўйлай олмайман ёки мулоҳаза юритолмайман. Лекин бошқа тарафдан, агарда ўзимни Худо билан алоқада эканлигимни идрок қилмасам, унда ўзимни тўлақонли англай олмайман. Шунинг учун инсон тўғрисидаги антропология фанининг илоҳиёт бўлими Худо ҳақидаги илмни ифодалаб беради.

Ҳозирги замон инсонияти инқирозга учраган. Инқироз антропология ва илоҳиёт, инсонни ўрганиш ва Худони тадқиқ қилиш ўртасида пайдо бўлган узилиш сабабли вужудга келди. Биз ўз тарихимизни Худо тарихидан ажралган ҳолда сўзлаб бермоқчи бўлсак, унда бу воқеа ҳақиқатдан ҳам «аҳмоқ айтиб берган қиссага ўхшаб қолади; унда сўз, ҳис-туйғулар кўп бўлиб, маъно деган нарса асло бўлмайди». Агарда биз ўзимизни ва ўз ҳаётимизни Худога алоқасиз тарзда тасаввур қиладиган бўлсак, Жан Поль Сартр айтганидай, биз «бемаъни иштиёққа» айланиб қоламиз.

«Бемаъни иштиёқ» нима дегани ўзи? Иштиёқ — бу кучли ҳис-туйғунинг намоён бўлиши. Инсон ҳаёти мана шундай эҳтиросли ҳис-туйғуларга лиммо-лимдир. Бунга севги, нафрат, қўрқув, ғурур, афсусланиш, таъмагирлик, рашк ва шунга ўхшаш кўпгина мисолларни келтириш мумкин. Биз умримиз давомида турли ҳис-туйғуларни

бошдан кечирамиз. Баъзан ўзимизга шундай савол ҳам берамиз: наҳотки бу ҳис-туйғулар бефойда бўлса? Наҳотки барча интилишларимиз ва тиришқоқлигимиз ўринсиз ва фойдасиз бўлса?

Биз ҳаёт маъносини тушунишга уринамиз. Агар инсонга алоҳида, Худо билан унинг алоқалари инобатга олинмай қаралса, унда инсон яккаю ёлғиз, ҳеч нарсага арзимайдиган жонзотга ўхшаб қолади. Башарти биз Худо яратган ва У билан боғланган жонзотлар бўлмаганимизда, бизни самовий тасодиф деб аташ мумкин бўлар эди. У ҳолда бизнинг дунёга келишимиз ўз маъносини йўқотган бўлиб, бизнинг тақдиримиз шунга монанд равишда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолар эди. Агар биз тасодифан арзимас нарсадан вужудга келган бўлсак ва умримизнинг охирида ҳам бизни бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса кутмаётган бўлса, унда биз мутлақо икки бемаънилик қутбларининг ўртасида яшаётган бўламиз. Биз ҳеч нарсага арзимайдиган, қадр-қимматсиз нолга тенг кимса бўлиб қоламиз.

Агар биз, одам маълум вақт оралиғида, яъни бемаъни туғилишидан бошлаб то бемаъни ажалигача ўз қадр-қимматига эга бўлади деб фараз қилсак, бу билан биз ўз ҳис-туйғуларимизга очикдан-очик эрк бериб юборган бўламиз. Бундай ҳолатда биз ўзимизни ўзимиз алдаймиз.

Бизнинг келиб чиқишимиз ва тақдиримиз Худо билан чамбарчас боғланган. Бизнинг ҳаётимиз фақат биргина маънога — Худосиз тушуниб бўлмайдиган маънога эгадир. Забурчи берган саволларни биз ҳам ўзимизга берамиз:

Сен бунёд этган кўкка кўзим тикилса,  
Ўзинг ўрнатган ою юлдузларга боқсам,  
Инсон қадри недирки, Сен уни ёдлагайсан?  
Одам ўғли недирки, Сен уни ардоқлайсан?  
Сен уни Худодан андак паст қилдинг,  
Иззату жамол тожини унга кийдирдинг...

*Заб. 8:4-6*



## Инсон Худо суратида яратилган

Санъатда образлар яратиш — бу гўзаллик тимсолидир. Тасвирий санъат, айтайлик, рангтасвир, графика, ҳайкал-тарошлик кўпинча айнан воқеликни акс эттиради. Маълум техникага эга бўлгач, биз реал ҳаётдан олинган предметларни тасвирлаймиз.

Лекин энг буюк мусаввир деб фақат Худони айтиш мумкин. Оламни яратиб У коинотда Ўзининг ўчмас изини қолдирди. Шу боисдан осмону фалак Унинг шон-шуҳратига ҳамда Унинг қўллари яратган эзгуликларга такрор ва такрор ҳамду санолар айтади.

Ўзининг яратган ижодлари билан еру денгизларни тўлдирган Худо жонзотлардан бири бўлмиш, Ўз суратидай ва Ўзига ўхшатиб яратган ягона жонзотга ҳаёт бахш этди. Ибтидо Китобида бу тўғрида қуйидагича айтилган:

Кейин Худо шундай деди: «Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин. Инсон зоти денгиздаги балиқлар устидан, ҳаводаги қушлар, ер юзидаги чорва ҳамда жамики ёввойи ҳайвонлар, ерда судралиб юрувчи ҳар қандай жонивор ва ҳашоратлар устидан ҳукмронлик қилсин».

Шундай қилиб,

Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини.

Эркагу аёл қилиб яратди уларни.

*Ибт. 1:26-27*

Муқаддас Китобнинг таъкидлашича, бизнинг Худо Ўз суратидай ва Ўзига ўхшатиб бизни яратгани баъзиларни (хусусан, католикларни) шундай хулоса чиқаришга олиб келди: Худо Ўз суратидай қилиб яратган ва Худо Ўзига ўхшатиб яратган жонзотлар ўртасида фарқ мавжуд. Бироқ Муқаддас Китоб матнининг тузилиши Худо суратидай ва Худого ўхшатиб яратилганлар сўзи бир объектга тегишли эканлигини кўрсатади. Биз ҳаммамиз Худо

суратини ўзимизда ўзига хос равишда намоён этишга яратилган жонзотлармиз.

Бизнинг Худо суратида яратилганлигимиз хусусидаги гаплар одатда бизнинг Худога ўхшашлигимиз маъносида тушунилади. Гарчанд Худо — Яратувчи, биз эса — Унинг яратилган ижодимиз. У моҳиятига, куч ва қудрати-га кўра биздан анча устун турса-да, лекин шу билан бир қаторда биз ҳам қандайдир маънода Унга ўхшаб кетамиз. Худо билан бизнинг ўртамизда баъзи бир ўхшашликлар мавжуд. Худо — юсак идрокли ва одоб-ахлоқли Зот. Биз ҳам одоб-ахлоққа эгамиз ва ақл-идрок, қалб ва ирода билан ҳам таъминланганмиз. Бу сифатлар азалдан белгилаб қўйилган Худонинг муқаддаслигини акс эттиришга имкон беради.

Муқаддас Китобнинг кўпгина парчаларида *инсон* сўзи, масалан, «Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини» (қаранг: Ибт. 1:27) дейилган ибора «инсоният» ни англатади. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам Худо суратида яратилган. Қисман — бу одамлар ерни бошқаришлари ва ер юзида яшовчиларнинг устидан ҳукмронлик қилишлари кераклигини ифодалайди. Биз баракали бўлиб, ер юзини тўлдириб ерга ғамхўрлик қилишимиз керак, ахир, биз Худонинг бошқарувчиларимиз. Биз Худога ўхшаб коинотни бошқаришга даъват этилганмиз. У Ўз ҳукмронлиги остидагиларни бор-йўғидан айириб, хонавайрон қилмайди, лекин адолатли ва меҳр-шафқат билан бошқаради.

Инсониятнинг гуноҳкорлиги оқибатида ғоят даҳшатли воқеа юз берди. Худо сурати булғанди ва бузилди. Биз ойна сингари Худонинг муқаддаслигини акс эттириш қобилиятидан маҳрум бўлдик. Шундай бўлгач, энди бу ойна қорайди ва дарз кетди.

Бироқ гуноҳкорлик бизнинг инсоний табиатимизни йўқотолмади. Биз Худонинг муқаддаслигини акс эттириш қобилиятидан маҳрум бўлсак-да, аммо одамлигимизча қолдик. Биз ҳамон ақл-идрокка, қалб ва иродага эгамиз. Биз ҳамон ўз Яратувчимиз тамғасини ўзимизда

олиб юрибмиз. Худонинг инсондаги суратини тўла-тўқис тиклаш Масих туфайлигина амалга оширилади. Ибронийларга Мактуб муаллифининг айтишича, Исо «Худо улугворлигининг инъикоси, Худо борлигининг аниқ суратидир...» (Ибр. 1:3).

### ***Хулосалар***

1. Худо инсон зотини, эркагу аёлни Ўз суратидай қилиб яратди.
2. Худо билан одам ўртасида маълум ўхшашлик мавжуд. Бу ўхшашлик уларнинг мулоқот қилишларига имкон беради.
3. Одам ҳам Худо сингари одоб-ахлоқ, ақл-идрок ва иродага эга жонзотдир.
4. Инсон ерга эгалик қилишга ва бошқаришга даъват этилган.
5. Гуноҳкорлик оқибатида инсондаги Худо сурати булганди ва бузилди.
6. Масих Худо борлигининг мукамал суратидир. У биздаги Худо суратини тўлиқ тикляпти.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 9:6;

Рим. 8:29;

1 Кор. 15:42-57;

Кол. 1:15.

### **46-боб**

## **Инсон тана ва қалб сифатида**

Менинг шахсий тренерим ҳафтада уч марта спорт залида турли машғулотларни бажаришимга мажбур қилади. У — менинг толмас ситамгарим. Юрак қон-томирлари системаси мустаҳкамланишига қаратилган машғулотлар,

куч ва чўзилувчанликка багишланган машқлар ва ҳоказо машғулотлар вақтимни олади. Муқаддас Китобнинг куйидагича: «...Жисмоний машқдан оз фойда бўлади...» (1 Тим. 4:8), деб таъкидлашига қарамай, мен барча машқларни бажариб келяпман.

Ўз танамга ғамхўрлик қилиб, вазн ошиб кетмаслигига, ташқи кўринишимга эътибор бериб ва сиҳат-саломатлигимни ўйлаб, мен Исонинг шундай гапларини эслайман: «Танни ўлдириб, жонни эса ўлдира олмайдиганлардан кўркманглар. Яхшиси, жонни ҳам, танни ҳам жаҳаннамда ҳалок этишга қодир бўлган *Худодан* кўрқинглар» (Мат. 10:28).

Худонинг суратида ва Худога ўхшатиб яратилган инсонлар — бу моддий танага ва номоддий қалбга эга бўлган жонзотлардир. Қалбни баъзида руҳ деб ҳам аташади.

Тана ҳам қалб сингари Худо томонидан яратилган ва бизнинг шахсиятимизнинг икки турлича аспекти намоён қилади. Инсоннинг табиатига боғлиқ Муқадас Китоб нуқтаи назари қадимги юнонларнинг қарашларидан кескин фарқ қилади. Бизнинг танамиз ва қалбимиз *дуализм* эмас, балки *иккитарафламаликнинг* зухуридир. Юнонларнинг дуалистик назариясига кўра, тана ва қалб бири-бирига тўғри келмайдиган ва мустақил тушунчалардир (субстанциялардир). Улар доимий ва муросасиз зиддиятлардан иборат. Қадимги юнонларнинг тасаввурига кўра, улар мутлақо қарама-қаршилиқдир. Дуализм тарафдорларининг таъкидлашича, материя руҳдан фарқли ўлароқ, ўз моҳиятига кўра ёвуз ёки камолга етмаган. Шунга кўра, тана тоза руҳ учун нопок идиш ҳисобланади. Ана шу сабабдан юнонлар учун кутқарилиш — бу *танадан* халос бўлишдир. Бу ҳолатда ниҳоят қалб ўз тана қамоғидан қутилади.

Муқаддас Китоб нуқтаи назари бўйича эса, аксинча, тана баркамол яратилган ва ўзида ҳеч қандай ёвузликни намоён қилмайди. Бироқ тана, худди қалб сингари,

ахлоқий тубанлашишдан азоб чекади. Одам тана бўйича қандай гуноҳкор бўлса, руҳан ҳам гуноҳкордир. *Танадан* халос бўлиш назариясидан фарқли равишда, масихийлик тананинг ўзини поклашни ўргатади.

Иккитарафламалик мавжудот сифатида бўлиб, одам икки ҳар хил қисмдан иборатлигини ва Худо уни яратиш жараёнида бирлаштирган яхлит шахсни намоён этади. Қалб ва тана ўртасидаги дуалистик мурасасизликни ҳал қилиш учун фалсафий ва Муқаддас Китоб матнларини талқин қилиш (экзетик) нуқтаи назаридан учинчи субстанцияни (масалан, руҳни) қўшишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Ортодоксал илоҳиёт одамнинг трихотологик «бўлиниши» ни инкор этади. Бу таълимотга кўра биз тана, қалб ва руҳга эгамиз.

Кўп илоҳиётчилар инсон қалбининг табиийлиги ёки ажралмас мангулиги ҳақида гапиришади. Шунинг эса сақлаш лозимки, инсон қалби: 1) Худо томонидан яратилган ва туғма умрбоқийликка эга эмас; 2) у номоддий ва шунга кўра жисмоний вайронагарчиликка дучор бўлмайди, лекин шунга қарамай Худо томонидан йўқ қилиниши мумкин. Қалб Худонинг қўллаб-қувватловчи кучисиз бир лаҳза ҳам мавжуд бўлолмайди. «...Зотан, биз У орқали яшаймиз, ҳаракат қиламиз, бормиз. Ўз шоирларингиздан баъзилари айтганидек: «Биз ҳам Унинг уругидирмиз» (Ҳавор. 17:28).

Одам вафот этгандан кейин тана ўлади, лекин имонлининг ҳам, имонсизнинг ҳам қалби ўз кунини кўраверади. Имонлилар ўзларининг гуноҳлари кечирилишига, қайта туғилишга, таналарининг улуғланиши охиригача етказилишига умид қиладилар. Шу билан бир вақтда эса тавба қилмаганларни Худонинг абадий ҳукми кутади. Гарчи Худо қалбни ўлимдан сақлар экан, одамлар ўлимларидан кейин ҳам онгли равишда яшайверадилар. Хуллас одам — тубанлашган мавжудотдир. Шунинг учун Худонинг марҳамати одамзоднинг ҳам танасига, ҳам қалбига йўналтирилган.

## Хулосалар

1. Одам моддий танага ва номоддий қалбга эга.
2. Одам иккитарафламаликнинг бирлигини намоён қилади. Масиҳийлик юнонларнинг дуализм тушунчасини инкор қилади.

Одам = иккитарафламаликнинг бирлиги



Юнон назарияси = дуалистик бирлашиш



Трихотомия = руҳ заифлаштирадиган тана ва қалб ўртасидаги зиддият



3. Инсон танаси — Худонинг баркамол ижодининг қисми. У ёмонлик соҳиби эмас. Лекин тана ҳам қалб сингари гуноҳкорлик оқибатида азият чекди.
4. Одамзоднинг қалби ўз моҳиятига кўра мангуликка эга эмас. У Худо томонидан яратилган ва сақланади.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Ибт. 1:1-2:25;  
Воиз 12:7;  
Мат. 10:28;  
Рим. 8:18-23;  
1 Кор. 15:35-55.

### **47-боб**

## **Инсон тана ва руҳ сифатида**

Ҳозирги замон Жамоатида Муқаддас Китоб тушунчалари бўлган тана ва руҳнинг аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур йўқ. Бир томондан, Жамоат ҳамон қадимги юнон ғоялари билан курашиб келмоқда. Бу ғояга кўра, барча жисмоний нарса у ёки бу даражада ёвузликдир. Шунинг учун баъзиларнинг таъкидлашича, масиҳийча ҳаёт — бу бизнинг мавжудлигимизнинг жисмоний аспектига ҳеч қандай алоқаси йўқ тамомила руҳий алланимадир. Бошқаларнинг эътироф этишича, инсон организмидаги барча табиий вазифалар, айтайлик, еб-ичиш, жисмоний яқинлик эҳтиёжларини қондириш, шубҳасиз, муқаррар ёвузликдир. Учинчи тоифадагилар эса, танага умуман эътибор қилмаслик керак, деб ҳисоблашади. Хато фикрда бўлиш оқибатида улар ўз таналарига бепарво бўлишади, асосий эътиборни руҳнинг соғломлигига қаратишади. Ушбу нуқтаи назарлар Муқаддас Китобнинг таълимоти — тана ва руҳнинг тенг даражада муҳимлиги, инсон уларни тенг озиқлантириши, уларга ғамхўрлик қилиши ҳақидаги таълимот жиддий бузилиб келаётганлигидан далолат беради.

Бу тушунчаларни нотўғри қабул қилиш билан боғлиқ бўлган муаммонинг келиб чиқиш сабаби «тана бўйича» ва «Руҳга тўлган» масиҳийлар ўртасидаги фарқни кескин чеклашдир. Шу муносабат билан уч тоифа одамларнинг мавжудлиги тўғрисида сўз кетади: 1) тана бўйича нома-

сиҳийлар; 2) тана бўйича масиҳийлар; 3) Рухга тўлган масиҳийлар. Бироқ биз Муқаддас Рухга тўлмаган ва мутлақо тана бўйича ҳаёт кечираётган одамни тана бўйича масиҳий одам деб айтганимизда, бу билан биз аслида тана бўйича масиҳий ҳақида гапирмаган бўламиз. Бундай ҳолатда умуман масиҳий бўлмаган одам ҳақида гапирармиз. Агар одам ўзини масиҳий деб атаса-ю, амалда ўзини имонсиз сифатида тутса, унда қилган тавба-тазаррусини у ёлгонга айлантиради. «Тана бўйича масиҳий» деган терминнинг ўзи зиддиятлидир.

Ҳар бир масиҳий Рухга тўлган бўлади. Рухга «тўлиш» кўп ёки оз бўлиши ҳам мумкин, чунки масиҳийлар Рухга бўйсунуш даражаси бўйича бир-биридан фарқ қилади. Аммо Рух ҳар бир масиҳийда мавжуд.

Ҳаворий Павлус имонлининг тана ва рух ўртасидаги доимий тўқнашишини ёки жанги тўғрисида гапирди. Лекин Павлус тана ва рухнинг дуализми ёки туғма келишмовчилиги ҳақида айтмаган. Унинг сўзларига қараганда, бу жанжални жисмоний хоҳишлар ёки орзу-истакларнинг рухий хайрихоҳлик билан курашишига боғлаб бўлмайди. Бу анчагина чуқур низодир.

*Тана (sarx)* сўзи баъзида Янги Аҳдда *бадан (soma)* сўзининг синоними сифатида ишлатилади. Бироқ бу сўз *рух (pneuma)* сўзининг антоними сифатида ишлатилганда, у авваламбор жисмоний танани билдирмайди. Бундай ҳолларда *тана*, қоидага кўра, тубанлашган одамнинг ахлоқсизлигини ёки унинг гуноҳкорлик моҳиятини кўрсатади. Муқаддас Рух таъсиридан биз янги ҳаётга қайта туғилганимизда ва Масиҳдаги янги ижод бўлганимизда, бизнинг тубан табиатимиз (тана) мағлубиятга учрайди, аммо бутунлай йўқолиб кетмайди.

Мадомики, муқаддаслашмоқ — бу бир умрга чўзилдиган жараён экан, масиҳийлар Рухда ва ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун ўзларининг эски ёки олдинги табиатлари билан мунтазам равишда курашишлари керак. Эски табиат кун сайин ўлиб бораверади, худди шу пайтда эса Муқаддас Рухнинг инсонда мавжудлиги туфайли Масиҳ-

даги одам борган сари куч-қудратга тўлаверади. Бизнинг меросимиз сифатида гаров қилиб берилган ва бизнинг эсимизда қолган Руҳ бу курашда албатта ғалаба қозонади. Шу билан бирга, бу кураш ниҳоятда шиддатли бўлиши мумкин. Масиҳийлар ҳар доим гуноҳ ва васваса билан курашиб келадилар. Худога қилган мурожатимиз бизни тананинг ҳукмронлигидан халос этади, лекин бизни баркамол қилолмайди.

Эскича одам (тана) ва руҳ ўртасидаги жанг то ўлгунга қадар давом этади. Ўлганимиздан кейингина биз кўкларга кўтариламиз: тана бутунлай йўқ қилинади, янги одам эса мутлақо покланади.

### **Хулосалар**

1. Муқаддас Китоб юнонларнинг тана ўз табиатига кўра ёвузлик экани тўғрисидаги таълимотини рад этади.
2. Масиҳийлар ўз таналаридан нафратланмасликлари ва гурурланмасликлари керак. Тана *ҳам*, қалб *ҳам* муқаддаслаштирилишига муҳтож.
3. Ҳеч бир масиҳий тана бўйича ёки тана талабларидан мутлақо озод бўлолмайди.
4. Ҳар бир масиҳийда Муқаддас Руҳ яшайди.
5. Тана ва руҳ ўртасидаги жанг — бу тана ва қалб ўртасидаги низо эмас. Балки бизнинг тубанлашган табиатимиз (эскича одам) ва бизнинг қайта туғилган табиатимиз (янги одам)нинг ўртасидаги жангдир.
6. Руҳнинг тана билан кураши масиҳийнинг бутун умри бўйи, то унинг кўкларга кўтарилишига қадар давом этади.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Мат. 26:36-41;  
Юҳ. 3:6;  
Рим. 7:13-8:17;  
Эф. 2:1-3;  
1 Бут. 2:11.

## Шайтон

Кўпинча шайтонга қандайдир афсонавий, ҳаттоки кулгили персонаж сифатида муносабатда бўлиб келишган. У бесўнақай қизил кийимда, айри туёқли, шоҳи бор, учта айри тишли, қўлида думини ушлаб турган махлуқ каби тасвирланади. Бундай бадбашаралик Муқаддас Китоб масиҳийлигини қабул қилмаганлар учун масхара объектига айланган. Кунларнинг бирида коллежнинг ўттизга яқин талабаларидан шундай деб сўрадим: «Сизларнинг орангизда ким Худога ишонади?» Кўпчилик талабалар кўл кўтарди. Сўнг мен яна сўрадим: «Орангизда шайтоннинг мавжудлигига ишонувчилар ҳам борми?» Фақат икки нафар талаба ижобий жавоб берди.

Талабалардан бири шундай деб қолди: «Бизнинг давримизда ақлли-хушли одам шайтонга қандай қилиб ишониши мумкин? Шайтон — бу шарпа, инсу жинс ва шунга ўхшаш ёвуз кучлар сингари хурофотдир».

Мен қуйидаги жавобни бердим: «Шайтоннинг ҳақиқатдан ҳам борлигини тасдиқловчи ишончли манба мавжуд. Муқаддас Китобнинг ҳақиқатлигига ишонмаслигингиз мумкин, лекин у тўғридан-тўғри ва қатъий равишда шайтонни ва ёвуз руҳларнинг мавжудлигини таъкидлайди».

Шайтонни инсу жинслар ва хаёлий шарпалар қаторига қўшиш — соғлом фикр юритиш қобилиятидан воз кечиш демакдир. Мен бир гуруҳ талабалар билан бу мавзу муҳокамасини давом эттириш мақсадида, қуйидаги саволни бердим: «Агар сиз Худо — одамларни эзгу ишларга давват этадиган, кўринмас Илоҳий Зот эканлигига ишонсангиз, унда одамларни гуноҳга, жиноятга ва ёлгон гапиришга ундаш қобилиятига эга яна бир мавжудот борлигига нега ишонингиз қийин, ёки нима учун ишонмайсиз?»

Балки Муқаддас Китобнинг шайтонга нисбатан нуқтаи назарини қабул қилишимиз ўрнига, биз одатдаги

масхара образидан таъсирланамиз. Бизнинг муаммомиз шундан иборатмикан. Муқаддас Ёзувда *шайтон* сўзи «рақиб» ёки «душман» маъносини англатади. Биз уни иблисга ўхшатамиз. Олий даражадаги бу фаришта ҳали инсон яратилмасдан Худога қарши бош кўтарган ва ўшандан бери ҳанузгача Худо ва одамлар билан курашиб келмоқда. Уни зулмат ҳукмдори, ёлгоннинг отаси, иғвогар ва муғомбир илон деб аташади. У биз жуда ўрганиб қолган ўша шохдор, учта айри тишли қўлида думини ушлаб турган комик махлукқа сира ҳам ўхшамайди. Бу образ, жуда бўлмаганда, ўрта аср жамоати томонидан яратилган. Одамларни кулдириш мақсадида жамоат атайлаб бесўнақай шайтонни ўйлаб чиқарган. Шайтонни камситиш ва уни ҳақоратлаш орқали шайтоннинг енгилиши осон бўлишига жамоат ишонган. Инсон зоти душманининг энг нозик жойи — унинг манманлиги ҳисобланган. Ўшанда таъкидланишича, шайтон ҳужумларини муваффақиятли қайтариш учун унинг иззат-нафсига тегиш керак эди.

Бироқ Муқаддас Китобнинг нуқтаи назари анчагина жиддий ва вазмин. Муқаддас Китобда айтилишича, шайтон ёруғлик фариштаси қиёфасига кира олиши мумкин. Бу образ душман яхши инсон қиёфасида келиши мумкинлигидан дарак беради. Шайтон ниҳоятда маккор, ҳар балони ўйлаб топувчи ва ўтакетган ёлгончи. У ниҳоятда гапга чечан ва кўриниши ҳайратда қолдирадиган. Зулмат ҳукмдори ўзининг ёвуз ниятини нурли либос билан беркитиб олади. Муқаддас Ёзув шайтонни яна бировни ютиб юбориш ниятида бўкириб, ўз ўлжасини қидириб юрган шерга ҳам ўхшатади. Масиҳ ҳам шер — Яхудо қабила-сининг Шери деб аталган. У бизни ютиб юборишни орзу қилган шерга қарши чиққан Қутқарувчимиздир. Иккала образ ҳам куч ва қудратни ифодалайди.

У ҳолда биз, имонлилар, шайтонга қандай муносабатда бўлишимиз керак? Бир томондан, ҳақиқатан ҳам шайтондан кўрқиш керак. Ҳаворий Бутрус бизга шундай деб амр қилган: «Хушёр ва бедор бўлинглар. Душманин-

гиз иблис бировни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб кезиб юрибди» (1 Бут. 5:8). Бироқ имонлилар бу душман олдида қалтирамасликлари керак. Шайтон ҳақиқатдан ҳам одамга нисбатан кучли, аммо Масих шайтонга қараганда анчагина кучлироқ ва қудратлироқдир. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Эй фарзандларим, сизлар Худодансизлар ва сохта пайгамбарларни энгдингизлар. Чунки ичингиздаги Рух дунёда ҳукм сураётган руҳдан устундир» (1 Юҳ. 4:4). Пировардида шайтон ҳам яратилган. У ўткинчи мавжудот. У вақт ва маконда чекланган. У бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ жойда бўла олмайди. Ҳеч қачон ва асло уни Худо билан тенглаштириш мумкин эмас. Шайтон одамга нисбатан, юқори даражадаги мавжудот; у — тубанлашган фариштадир. Аммо шайтон Худо эмас. У ердаги ҳар қандай жонзотдан ортиқ куч ва қудратга эга, бироқ ҳамма нарсага Қодир Худодан беқиёс даражада заифдир.

### *Хулосалар*

1. Шайтон қандайдир афсонавий мавжудот эмас.
2. Шайтон алдамчи, одамларни йўлдан уриш, айблаш қобилиятига эга бўлган, тубанликка тушган фариштадир.
3. Шайтон — илоҳий куч-қудратга ёки фазилатга эга бўлмаган, ўткинчи мавжудотдир.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Аюб. 1:6-12;  
Мат. 4:1-11;  
Лк. 22:31;  
2 Сал. 2:5-10;  
1 Бут. 5:8-11.

## Ёмон руҳлар

Ёмон руҳлар ёки жинлар — булар ғайритабиий мавжудотлар бўлиб, улар шайтонга хизмат қилади. Шайтон каби улар ҳам қачонлардир фаришта бўлишган, лекин шайтонга қўшилиб унинг исёнида иштирок этишгач, у билан биргаликда осмондан ерга улоқтирилиб юборилган. Одатда улар Муқаддас Ёзувда жинларга учраган ҳодисалар сифатида эсланади.

Хаворий Павлуснинг таъкидлашича, мажусийлар сажда қиладиган худолар аслида мавжуд эмас. Бироқ ёмон руҳлар мавжуд бўлиб, улар ўз ғаламисликлари билан одамларни бошқа худоларга хизмат қилишга ундайди. Мажусийларнинг маросимларида иштирок этувчи одамлар ҳақиқатдан ҳам жинларга сажда қилишади, бинобарин, ёвуз кучлар ҳукми остида бўлишади.

Янги Аҳд ёмон руҳларнинг баъзи бир ўзига хос характери томонларини очиб беради. Масалан, кўпинча улар руҳий сўқирлик ёки мазохизмнинг турли кўринишларини, жисмоний ёки руҳий хасталикларни чақириб келадилар. Жинлар Масихни тан олишиб, Уни «Муқаддас Худо» деб аташган. Жинлар Масихдан ниҳоятда қўрқиниб ва Унинг ҳукмига сўзсиз итоат этишган. Бундан ташқари жинлар ғайритабиий билимларга, катта куч-қудратга ва келажакни олдиндан башорат қилиш хислатига эгадирлар.

Ислохотчи арбоблар (реформаторлар) ёмон руҳлар билан боғлиқ бўлган ўрта аср бидъатларига ва ҳаддан ошиб кетиш ҳолатларига кескин қарши чиқишган. XVI асрнинг охирида экзорцизм (жинларни қувиш) урф-одатлари Лютеран жамоатида йўқ қилинди.

Гарчанд ёмон руҳлар ҳозирги замонда ҳам ҳаракат қилишни давом эттирар экан, Янги Аҳд давридаги уларнинг ҳаракат фаоллиги даражаси ҳақиқатдан ҳам ноёб

бўлган. Ўшанда «қиёмат қойим» вақти келган бўлиб, бу дунёнинг Қутқарувчисига қарши бош кўтаришнинг сўнги уриниши эди. Эллигинчилар куни Муқаддас Рухнинг ўликдан тирилиши ва Унинг ерга тушиши билан шайтон ва унга қўшилган ёмон руҳларнинг ҳокимлиги сезиларли даражада чекланди. Бироқ Павлус ҳам, Юҳанно ҳам сўнги вақтларда шайтоннинг ва унинг малайларининг фаоллиги янада кучли ортиши ҳақида имонлиларни огоҳлантиришган.

Агар биз Муқаддас Китобга жиддий ёндашадиган бўлсак, унда зулмат кучларига ҳам жиддий муносабатда бўлишимиз керак. Муқаддас Китобга мос келадиган ёмон руҳлар ҳақидаги таълимотсиз илоҳиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Гарчи жинлар — аниқ ва қудратли мавжудотлар бўлса ҳам, улар масиҳийликни қамраб олиши мумкинлигидан биз қўрқмаслигимиз керак. Ёвуз руҳлар бизни қўрқитиши, васвасага солиши ёки айблаши мумкин, аммо бизга ҳукмронлик қилишга қодир эмаслар. Ҳар бир масиҳийда Муқаддас Рух яшайди. Муқаддас Рухнинг мавжудлиги жинларга чалинишдан бизни асрайди ва озодликни кафолатлайди. Бизга ҳужум қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ёмон руҳдан Худо кучли ва қудратлидир.

### ***Хулосалар***

1. Ёмон руҳлар — шайтон ҳукмронлиги остидаги тубанликка тушган фаришталардир.
2. Ёмон руҳлар Исонинг ердаги хизмати вақтида айниқса фаоллашган эди.
3. Ёмон руҳлар масиҳийни қамраб ололмайди.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мк. 1:21-28;

Лк. 10:17-20;

Лк. 11:14-26;

1 Кор. 10:14-24;

1 Юх. 4:1-6.

## **50-боб**

### **Гуноҳ**

Гуноҳкорни камондан ўқ отиб, нишонга текиза олмай-диган камончига таққослаш мумкин. Албатта, агар сиз нишоннинг марказига текиза олмасангиз, бу сиз ахлоқий жиноятчиликка йўл қўйдингиз дегани эмас. Тўғрироғи, Муқаддас Китоб тушунчаларига мувофиқ, агар «хато қилиб» нишонга тегизолмай қолсангиз, сиз гуноҳ қилган бўласиз. Муқаддас Китобнинг таъкидлашича, нишон — бу Худо белгилаган «ўлчовлар» ёки «меъёрлардир». Худо қонун-қоидалари Унинг солиҳлигини ифодалайди ва ўзида ахлоқ-одобимизнинг мукамал ўлчовларини намоён қилади. Шу ўлчовларга риоя қилмаган ҳолда иш тутсак, биз гуноҳ қилган бўламиз.

Гуноҳнинг барчага баробарлиги ҳақида сўз борганда, Муқаддас Китоб биз ҳаммамиз ҳам нишонга тегизолмай хато қилганимизни ва Худонинг улуғворлигидан маҳрум эканлигимизни назарда тутади. «...Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир...» (Рим. 3:23). Биз «ҳеч ким мукамал эмас» ёки «хато қилиш одамзодга хос одат» деганимизда, гуноҳнинг барчага баробарлигини тан оламиз. Биз ҳаммамиз гуноҳқормиз ва қутқарилишга муҳтожмиз.

Таърифга кўра, гуноҳ — бу «онгли жонзотга амал қилиши учун Худо томонидан берилган қонуннинг ҳар қандай бузилиши ёки бу қонунга бўйсунишда қўйилган ҳар қандай камчиликдир»<sup>1</sup>. Бу таърифда учта асосий жиҳатни ажратиш мумкин. Биринчидан, гуноҳ — бу мос эмаслик ёки мувофиқликнинг йўқлигидир. Гап Худо қонунига номувофиқлик ҳақида борапти. *Янглишиш* гуноҳи — бу Худо амрларини бажаришга лаёқатсизлик. Агар Худо

бизга ўз яқинларимизни яхши кўришни буюрса-ю, биз бунга амал қилмасак, гуноҳга ботаверамиз.

Иккинчидан, гуноҳ — қонуннинг бузилиши демакдир. Қонунни бузиш учун, қонундан четга чиқиш, яъни чеклашларни бузиб ўтиш керак. Шунинг учун баъзида биз гуноҳни «жиноят» деб атаймиз. Биз боришимиз таъқиқланган жойга бораверамиз. Худо таъқиқлаб қўйган ҳаракатларни бажарганимизда, бу ҳолда биз *эхтимол* гуноҳи ҳақида гапирамиз. Агар Худо қонуни бизга ниманидир таъқиқласа-ю, биз барибир таъқиқланган ҳаракатларни амалга ошираверсак, гуноҳга ботаверамиз.

Учинчидан, гуноҳ — бу онгли жонзотлар томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатлардир. Гарчи Худо суратига ўхшатиб яратилган жонзот эканмиз, биз қарорларни эркин қабул қиламиз ва мустақил ҳаракат қилишимиз мумкин. Модомики, бизнинг ақлимиз ва иродамиз бор экан, биз хушхулқ, ёки аксинча, беахлоқлик ҳаракатларини бажаришга қодирмиз. Биз аллақандай номаъқулчиликлар қилаётганимизни тушунамиз, лекин биз онгли равишда Худонинг қонунларига итоат этмасликка қарор қиламиз ва, бинобарин, гуноҳга ботаверамиз.

Протестантлар Католик жамоатида қабул қилинган гуноҳларнинг кечириладиган ва ўлимга олиб келадиган классик бўлинишини тан олишмайди. Анъанавий католик илоҳиётида ўлимга олиб келадиган гуноҳ жиноят сифатида таърифланади. Бу гуноҳ одамзоднинг қалбидаги эзгуликни «ўлдиради» ва махфий тавба-тазарру орқали оқланишини талаб этади. Кечириладиган гуноҳ — бу унчалик жиддий ҳисобланадиган жиноят эмас. У одамни кутқарилиш марҳаматидан жудо қилмайди.

Жан Кальвиннинг таъкидлашича, Худога қарши қаратилган барча гуноҳлар ўлимга олиб борувчи гуноҳлардир. Чунки бундай гуноҳларни қилган одам ўлимга *лойиқдир*. Бироқ бизнинг эътиқодимизда бекор қилинадиган ўлим гуноҳлари мавжуд эмас<sup>2</sup>. Протестантларнинг таъкидлашича, ҳар қандай гуноҳ — оғир ва жиддий жиноятдир.

Хатто энг кичкина гуноҳ ҳам — бу Худога қарши чиқиш демакдир. Ҳар бир гуноҳ коинот кўламидаги сотқинлик ҳодисасидир ва Худони ҳокимлик тахтидан йиқитишга беҳуда уринишдир.

Бироқ Муқаддас Китоб ҳам баъзи бир гуноҳларни бошқаларига қараганда янада жирканчлироқдир, деб ҳисоблайди. Худонинг адолати талаб этган жазоларнинг турли даражаси бўлгани сингари, гуноҳкорликнинг ҳам турлича даражаси мавжуд. Исо фарзийлар энди мавжуд қонун талабларига жавоб бермаётганликларини, Ҳоразин ва Байтсайда шаҳарларининг гуноҳи Садўм ва Ғамўра шаҳарларининг гуноҳкорлиги ва ваҳшиёна ҳаракатидан анчагина оғирлиги ҳақида таъна қилиб гапирди (қаранг: Мат. 11:20-24).

Биз кўп гуноҳлар қилиб, айбларимизни янада чуқурлаштириб бораётганимиз тўғрисида ҳам Муқаддас Китоб огоҳлантиради. Гарчанд Ёқуб: «Кимки Илоҳий қонуннинг ҳамма моддаларига риоя қилса-ю, фақат бир нарсада гуноҳ қилса, у бутунлай гуноҳкор бўлиб қолади» (Ёқуб. 2:10), деб таълим берса-да, лекин барибир ҳар қандай қонунни аниқ бузиш ҳолати гуноҳкорнинг айбини кучайтираверади. Аммо Павлус ҳукм кунига биз ўзимизга ўзимиз ғазаб тўпламаслигимиз (қаранг: Рим. 2:1–11) кераклиги ҳақида бизни огоҳлантиради. Биз қилган ҳар бир гуноҳимиз билан ўз айбларимизни кўпайтираверамиз ва Худонинг ғазабини ўзимизга нисбатан орттираверамиз. Шунга қарамасдан, бизнинг жамики жиноятларимиздан кўра, Худонинг меҳр-муруввати кўпроқдир.

Муқаддас Китоб гуноҳга жуда жиддий эътибор қиладди, чунки у Худога ва инсонга ҳам жиддий муносабатда бўлади. Биз Худога қарши гуноҳ қилганимизда, Унинг муқаддаслигини таҳқирлаган бўламиз. Ўз яқинимизга қарши гуноҳ қилганимизда эса, биз унинг инсоний табиатини ҳақоратлаган бўламиз.

## *Хулосалар*

1. Муқаддас Китобга биноан, Худо белгилаган ахлоқ меёрларини бузиш гуноҳдир.
2. Ҳамма одам гуноҳкор.
3. Гуноҳ Худонинг қонунига номувофиқликни (янглишиш) ва Унинг қонуни бузилиши (эҳтимол) ни назарда тутди.
4. Ўз ҳаракатларининг хушхулқлигини ёки беахлоқлигини англаб етган мавжудотгина гуноҳ қилишда айбдор бўлиши мумкин.
5. Протестантлар кечириладиган ва ўлимга олиб келадиган классик бўлинишини қабул қилмайдилар, бироқ гуноҳларнинг оғирлик даражасига қараб фарқланишини тан оладилар.
6. Қилинган ҳар бир гуноҳ гуноҳкорнинг айбини чуқурлаштиради.
7. Гуноҳ Худони ва одамларни ҳақоратлайди.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Рим. 2:1-11;

Рим. 3:10-26;

Рим. 5:12-19;

Ёқуб. 1:12-15;

1 Юҳ. 1:8-10.

## **51-боб**

### **Бирламчи гуноҳ**

Кўпинча қуйидагича гапни эшитиш мумкин: «Ҳамма одамлар табиатан олижанобдирлар». Қоидага биноан, бизнинг орамизда мукамал одам йўқлигини тан оламиз. Бироқ биз инсониятнинг ахлоқсизлигини маълум даражада камайтириб кўрсатамиз. Агар одамлар ўз моҳиятларига

кўра олижаноб бўлишса, нега гуноҳ шу қадар тарқалган ҳодиса?

Бу саволга жавоб тариқасида барча одамларга жамият ёмон, ахлоқона таъсир қилаётгани ҳақидаги тахминни таъкидлайдилар. Муаммонинг сабабларини ўзларидан эмас, атрофдагилардан қидиришади. Гуноҳнинг барчага баробарлигини бундай тушунтиришдан куйидагича савол келиб чиқади: жамият қандай қилиб бу даражадаги беҳаёликка гирифтор бўлиб қолди? Агарда одамлар бегуноҳ ва олижаноб бўлиб туғилишса, одамларнинг ҳеч бўлмаганда, қандайдир бир қисми бегуноҳ ва раҳмдиллигича қолишига ишониниш мумкин эди. Бу ҳолда ахлоқсизлик ҳукмронлик қилмаган уюшмаларни топиш мумкин бўларди. Бироқ, ҳатто одамлари солиҳ ҳаёт кечиршига интилаётган жамоатлар ҳам доимо гуноҳ муаммосига учраб туришига тўғри келади.

Мадомики, ҳамма меваси чирий бошлаган бизнинг дарахтимизнинг илдизига эътибор беришимиз керак. Исонинг тасдиқлашича, яхши дарахт ёмон мева бериши мумкин эмас. Муқаддас Китоб илк ота-онамиз ҳисобланмиш Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилишгани тўғрисида гапиради. Шунга биноан, улардан кейин туғилган барча одамлар гуноҳкор ва ахлоқсиз бўлиб дунёга келган. Агар Муқаддас Китоб шундай таълим бермаганда эди, биз гуноҳнинг барчага баробарлигига асосланган ҳолда, бундай хулосага ўзимиз мустақил, оқилона тарзда келган бўлардик.

Ҳар қалай, гуноҳкорлик — бу фақатгина оддий рационал дедукция масаласи эмас. Бу илоҳий ваҳийнинг бир қисмидир. Биз *бирламчи гуноҳ* деб айтганимизни у бизга кўрсатиб беради. Бирламчи гуноҳ — бу Одам Ато ва Момо Ҳаво қилган *биринчи гуноҳни* англамайди. Бирламчи гуноҳ ибораси, биринчи гуноҳ *натijasи* — бу жамики инсон зотининг бузилганини, айниганини назарда тутади. Бирламчи гуноҳ — бу шундай гуноҳки, ҳар биримиз бу ёруғ оламга айнан шу гуноҳ билан туғиламиз.

Муқаддас Ёзув гуноҳкорлик ҳақида аниқ гувоҳлик беради. Гуноҳкорлик оқибатлари ниҳоятда даҳшатли бўлган. Бунинг қандай содир бўлганлиги хусусида ислохотчи мутафаккирлар ҳам ҳанузгача тортишишни ва муҳокама қилишни давом эттириб келишади. Вестминистрлик эътиқоди мазҳабидагилар бу ҳодисани Каломда айтилиши сингари, жуда содда тарзда тушунтирадилар:

Шайтоннинг ҳийласига учган ва васвасасига тушган бобокалон ва момоларимиз мен этилган мевани еб, гуноҳга ботишди. Худо иродасининг олий даражадаги доно ва муқаддас марҳаматига биноан бу гуноҳ Унга керак эди. Чунки Худо Ўз улғуворлигини намоён қилиш мақсадида уларга гуноҳдан фойдаланишларига йўл қўйиб берди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, гуноҳкорлик юз берди. Бироқ бу гуноҳнинг оқибати фақатгина Одам Ато ва Момо Ҳавога дахлдор бўлиб қолмади. Тубанлик башариятга таъсир этибгина қолмай, балки Унга тузатиб бўлмас талофат келтирди. Бизнинг ҳаммамиз Одам Атодан бошлаб гуноҳ қиладиган бўлдик. «Одам қачон гуноҳкор бўлиши мумкин?» — деб сўраш беадабликка киради. Зеро ҳақиқат шундан иборатки, одамлар бу дунёга ахлоқсиз бўлиб келадилар. Одамлар Одам Атонинг қариндоши бўлганлари сабабли, Худо уларни гуноҳкор деб билади.

Вестминистрлик эътиқоди гуноҳкорлик оқибатларини, хусусан, бу воқеалар инсоният наслининг жамики вакилларида қандай акс этганини аниқ ва равшан тасвирлаб беради:

Шу гуноҳ сабабли улар ўзларининг бирламчи солиҳликларидан ва Худо билан мулоқотидан ажралиб қолдилар. Шунинг учун гуноҳдан ўлим пайдо бўлди ва бутун инсонларга ўтди. Одамлар қалбининг ва тана аъзолари қисмининг барча имкониятлари тамомила булғанди. Бутун инсониятнинг бобокалон ва момолари бўлмиш Одам Ато ва Момо Ҳаво қилган гуноҳлари учун ўз айбларини, гуноҳдаги

Ўлимни ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ахлоқсизлик табиатларини мерос қилиб беришган. Мана шу бирламчи ахлоқсизлик сабабли биз олий даражадаги эзгуликларга эга бўлолмаймиз ва яхшилик қилишга қодир эмасмиз. Биз эзгу ишларнинг душманига айланиб қолганмиз, тамомила гуноҳга ва ҳар қандай бемаъниликларни содир этишга мойилмиз<sup>2</sup>.

Бу сўнгги ибора, айниқса, катта аҳамиятга эга. Биз гуноҳ қилганимиз учун гуноҳкор эмасмиз. Масалан, шу сабабдан Довуд қайғуриб шундай деган:

Қилмишимни қонунсизлик деб тан оламан,  
Қилган гуноҳим кўз ўнгимдадир мудом.

*Забур 50:5*

### ***Хулосалар***

1. Гуноҳнинг барчага баробарлигини атроф-муҳитнинг таъсири, деб тушунмаслик керак.
2. Гуноҳнинг барчага баробарлиги, инсониятнинг гуноҳкор эканлигини англатади.
3. *Бирламчи гуноҳ* — дастлабки қилинган гуноҳ эмас, балки гуноҳнинг натижасидир.
4. Ҳамма одамлар гуноҳкор бўлиб, ёки бошқача қилиб айтганда «бирламчи гуноҳ» билан туғилишади.
5. Биз ҳаммамиз гуноҳ қиламиз, чунки моҳиятимизнинг ўзи гуноҳли.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 3:1-24;  
Ерм. 17:9;  
Рим. 3:10-26;  
Рим. 5:12-19;  
Тит. 1:15.

## Одамнинг ахлоқсизлиги

Олдинги бобда таъкидлаб ўтганимиздек, одам ўз моҳиятига кўра яхши ёки ёмонлиги тўғрисидаги масала бўйича илоҳиётчилар ханузгача баҳслашиб келмоқдалар. Бу мунозаранинг калити ўз моҳиятига кўра сўзлардир. Ҳар жиҳатдан мукамал одамлар йўқ, деган фикрга ҳамма илоҳиётчилар қўшилишади. «Адашиш — инсонларга хос одат» деган гапни биз ҳам маъқуллаймиз.

Муқаддас Китобнинг таъкидлашича: «...Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир...» (Рим. 3:23). Бундай ҳукмга қарамай, бизнинг инсонпарварлик руҳидаги жамиятимиз, гуноҳ — инсон табиатига ёт бўлган нарса, деган фикрда қатъий туришда давом этади. Аслида эса биз чиндан ҳам гуноҳга ботиб қолганмиз. Бизнинг юксак ахлоқийлигимиз камчиликлардан ҳоли эмас. Лекин нимагадир, бизнинг ёвуз ишларимиз бизнинг моҳиятимизга дахлсиз деб ўйлаймиз. Барча одамлар табиатан олижанобдирлар, деб айтишади бизга.

Бир америкалик Ироқда асирликда бўлиб келди. У Саддам Ҳусайннинг тузуми ҳақиқатдан шафқатсизлигига шахсан гувоҳ бўлган. Асирликдан озод бўлганидан кейин у шундай деди: «Қанчалар азоб торганимга қарамай, мен барибир ҳамма инсонга хос бўлган яхшиликка ишончимни йўқотмадим». Эҳтимол, бундай хулосага келиш ҳар хил одамларда яхшилик ёки ёмонлик даражасининг турлича бўлишига боғлиқдир. Баъзи бир одамлар бошқаларига қараганда чиндан ҳам ахлоқсиз бўладилар. Саддам Ҳусайн ёки Адольф Гитлер билан солиштирилганда ҳар қандай оддий гуноҳкор муқаддас бўлиб кўриниши турган гап. Аммо агар биз эзгуликнинг энг юксак намунасига, яъни Худога мурожаат қиладиган бўлсак, ердаги энг яхши нарса деганимиз, ўз моҳиятига кўра энг ёвуз нарса эканлигини биз тушунаемиз.

Муқаддас Китоб инсон зотининг батамом ёки тузатиб бўлмас даражадаги гуноҳкорлиги ҳақида гапиради. Тузалмас гуноҳкорлик радикал ахлоқсизликни англатади. Биз ниҳоятда эътиборли бўлишимиз, шунингдек, *мукаммал* гуноҳкорлик ва *мутлақ* гуноҳкорлик ўртасидаги фарқни кўра билишимиз лозим. Мутлақ гуноҳкор бўлиш — бу умуман иложи борича, ёки мумкин қадар қилинган гуноҳ ҳисобланади. Гитлер ғоятда ахлоқсиз одам бўлган, лекин у бундан-да ёмон бўлиши мумкин эди. Мен ҳам гуноҳкорман. Бироқ мен янада кўпроқ гуноҳ қилишим ва менинг гуноҳларим эса аввалгидан ҳам оғирроқ бўлиши мумкин. Мен мутлақ гуноҳкор эмасман, лекин тўлиқ гуноҳкорман. Мукаммал гуноҳкорлик ҳар бир одамнинг моҳияти тўлиқ ва батамом ахлоқсиз эканлигини англатади. Бизнинг бутун борлигимиз гуноҳдан заҳарланган. Бизнинг онгимиз, иродамиз ва танамиз ҳам, ҳаммаси ёвузликка мойилдир. Биз қўпол, уятсиз сўзларни гапираемиз, гуноҳкор ишларни қилаемиз, ёмон ўй-фикрга борамиз. Хатто танамиз ҳам қилган гуноҳларимиз оқибатидан азоб чекади.

Эҳтимол, бизнинг тубанлашган табиатимизни аниқроқ ифодалаш учун «мукаммал гуноҳкорлик» терминини *радикал ахлоқсизликка* алмаштириш керакка ўхшайди. *Радикал* сўзи лотинча *radicalis*, яъни «негиз» маъносини англатадиган сўздан келиб чиққан. Муаммо шундан иборатки, гуноҳ инсон шахсиятининг негизида илдиз отган. Гуноҳ бизнинг юрагимизга кириб олган. Гуноҳ оддийгина қилиб бизни ташқаридан ўраб олганлиги учун эмас, балки айнан бизнинг ичимизда бўлганлиги учун Муқаддас Китоб қуйидагиларни айтади:

Солиҳ киши йўқ,  
Бир киши ҳам йўқдир.  
Идрокли ҳеч ким йўқ,  
Худони изловчи ҳеч ким йўқдир.  
Ҳамма гумроҳ бўлди, барча бузилди.  
Яхшилик қилгувчи йўқ, бирор киши ҳам йўқ.

*Рим. 3:10-12*

Шунинг учун ҳам Муқаддас Калом шундай ҳукм чиқаради: биз «...бир вақтлар гуноҳ ва жиноятларимиз туфайли *руҳан* ўлган эдик» (Эф. 2:1); биз «...гуноҳга қул бўлиб сотилган ожиз бандамиз» (Рим. 7:14); биз «...аъзойи баданимизда амал қилувчи гуноҳ қонунига асирмиз» (Рим. 7:23) ва «...табиатимиздаги ёмон эҳтиросларга жисман ва фикран мубтало бўлиб, ...табиатан Худо газабига йўлиққан эдик» (Эф. 2:3). Фақатгина Муқаддас Руҳнинг ҳаётбахш кучигина бизни руҳий ўлимнинг мана шу ҳолатидан қутқара олади. Фақатгина Худо бизга ҳаёт ато этади, чунки биз — Унинг ижодимиз (қаранг: Эф. 2:1-10).

### *Хулосалар*

1. Инсонпарварлик тарафдорларининг фикрича, гуноҳ — бу инсон табиатига хос бўлмаган аллақандай нарса. Инсон ўз табиатига кўра олижаноб эканлигига инсонпарварлар ишонишади.



2. Муқаддас Китоб масиҳийлигининг таълимотига кўра, гуноҳ инсон шахсиятининг қоқ марказида илдиз отган.



3. Мукамал гуноҳкорлик мутлақо гуноҳкорликни англамайди. Биз мумкин қадар гуноҳкор бўлиш даражасига етмаганмиз.
4. Радикал ахлоқсизлик юрагимизнинг гуноҳкорлигини кўрсатади.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Ерм. 17:9;  
Рим. 8:1-11;  
Эф. 2:1-3;  
Эф. 4:17-19;  
1 Юх. 1:8-10.

### **53-боб**

#### **Инсоннинг виждони**

Буратинонинг дўсти, доно чигиртка кунларнинг бирида шундай деди: «Виждонингиз сизларга доимо тўғри йўл кўрсатсин». Агар сизнинг виждонингиз ҳақиқатни ва Худо Каломи раҳбарлигини билса, бу жуда яхши маслаҳат. Бироқ агарда виждон Муқаддас Ёзувнинг ҳақиқатини билмаса, ёки Худонинг қонун-қоидаларини кўплаб бузилиши натижасида заифлашиб ёки шафқатсизланиб кетган бўлса, унда Чигиртканинг илоҳиёти фалокатга олиб келади.

Виждон масиҳий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Лекин биз виждон ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишимиз керак.

Виждонни кўпинча бизни фош қилувчи ёки бизни оқловчи Худонинг ички овози деб аташади. Виждон икки-та асосий хусусият билан таърифланади: 1) нима тўғри-ю нима нотўғрилигини ҳис этиш билан ва 2) конкрет вази-фаларда қонунларни, унинг норма ва қоидаларини қўллай билиш қобилияти билан.

Хаворий Павлуснинг айтишича, Худо ўз қонунларини бизнинг юракларимизда ёзган (қаранг: Рим. 2:15). Инсоннинг виждони ҳақиқатни Худо қонуни туфайли билади. Худо бу қонунларни инсон қалбига жо қилган.

Одамларга ўз виждонлари овозига кулоқ солишдек маънавий мажбурият юклатилган. Виждонга қарши иш тутиш — гуноҳдир. Вормс рейхстагида сўзга чиққан

Лютер шундай дейди: «Менинг виждоним Худонинг Каломи билан (боғланган)... виждонга қарши чиқиш яхши эмас ва жуда хавфли»<sup>1</sup>.

Лютернинг ушбу баёнотида биз Муқаддас Китобнинг иккита принципини кўрамиз. Биринчидан, виждон ҳақиқатни билиши керак ёки Худо Каломининг «хукмронлиги остида бўлиши» лозим. Виждон яхшилик ва ёмонлик ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиши ёки қонунларнинг кўплаб бузилиши натижасида заифлашиб қолган бўлиши мумкин. Мунтазам равишда гуноҳ қилишимиз ёки жамиятнинг иллатга лоқайд муносабатда бўлиш бизни бепарво қилиб қўяди. Шунинг оқибатида биз виждон овозини ўчиришга ҳаракат қиламиз ва ҳеч қандай тавбатазаррусиз гуноҳ қилаверамиз.

Бошқа томондан, агар бизнинг виждонимиз гуноҳкорликни ёки қандайдир ҳаракатларимизнинг ножоизлигини бизга кўрсатса, аслида уларда ҳеч қандай гуноҳнинг аломати бўлмаса-да, лекин барибир биз виждон овозига қулоқ тутишимиз керак. Бизга шубҳалидай туюлган нарсаларни қилиш, гарчанд бунда гуноҳ ҳисобланмиш ҳеч нарса бўлмаса ҳам, бу — гуноҳ қилиш демакдир. Чунки «...эътиқодга асосланмаган ҳар бир иш — гуноҳдир» (Рим. 14:23). Бундай вазиятларда виждонга қарши иш тутиш нотўғри ва жуда хатарли.

### *Хулосалар*

1. Виждон — агар у ҳақиқатни билса ва Худонинг раҳнамолигида бўлса, яхши маслаҳатчидир.
2. Виждон — баъзида фош қиладиган, баъзида эса оқлайдиган ички овоздир.
3. Виждонга қарши ҳаракат қилиш — гуноҳдир.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Лк. 11:39-44;

Рим. 2:12-16;

Рим. 14:23;

Тит. 1:15.

## 54-боб

### Кечирилмайдиган гуноҳ

Муқаддас Китобда баъзи бир гуноҳнинг кечирилмаслиги тўғрисида айtilган. Бу ҳолда баъзи бир имонлилар, биз шу даҳшатли гуноҳни қилмадикмикан, деган ўйга бо-ришга ундайди. Масиҳ Инжилида кимки ўз гуноҳларига тавба қилса, у албатта кечирилади деб ваъда берилган бўлса-да, бироқ бир гуноҳ мавжудки, уни ҳеч кечириб бўлмайди. Исонинг огоҳлантиришича, Муқаддас Рухга куфрлик — кечириб бўлмас гуноҳдир. Масиҳ бу гуноҳни ҳозир ҳам, келажакда ҳам кечириб бўлмайди, деган.

Шунинг учун сизларга айтаман: инсонларнинг ҳар қан-дай гуноҳи ва куфрлиги кечирилади. Лекин *Муқаддас* Рухни куфр қилганлар кечирилмайди. Ким Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Рухга қарши сўз айтса, икки дунёда ҳам кечирилмайди.

*Мат. 12:31-32*

Кечирилмайдиган гуноҳга таъриф беришга жуда кўп-лаб уринишлар бўлган. Қотиллик ва хотиннинг эрга ёки эрнинг хотинга ҳиёвати ҳам кечириб бўлмайдиган гуноҳга кирган. Гарчи бу иккала гуноҳ чиндан ҳам қабиҳ ва бевосита Худога қарши қаратилган бўлса-да, агар чин дилдан тавба-тазарру қилинса, уларни ҳам кечириш мум-кинлиги ҳақида Каломда яққол кўрсатилган. Масалан, Довуд мана шу икки гуноҳнинг айбдори бўлган, лекин у гуноҳларига иқрор бўлиб тавба қилгандан кейин, шоҳга ҳузур-ҳаловат қайтариб берилган.

Кўпинча кечирилмас гуноҳ деб Масиҳга асло ишонмас-ликни ҳам айтишади. Мадомики, одам ўлгандан кейин

гуноҳлари учун кечирим сўраш ва Масихни қабул қилишдан маҳрум бўлар экан, демак, ўлимдан кейин кечиримга ҳеч қандай умид ҳам бўлиши мумкин эмас.

Худога қаттиқ ишончсизлик чиндан ҳам шундай оқибатларга олиб келади, бироқ бу гуноҳни Исо айтган Муқаддас Рухга куфрлик билан тенглаштириб бўлмайди. Куфрлик — бу одамнинг салбий маънода айтган гапларини ёки ёзилган салбий сўзларини англатади.

Худога шак келтиришнинг ҳар қандай кўриниши — Худони жиддий ҳақоратлашдир, бироқ қоидага кўра у кечиримли гуноҳ саналади. Исонинг кечирилмас гуноҳ ҳақидаги гаплари Уни шайтон билан алоқадорликда айблаган фарзийларга қаратилган эди. Исонинг огоҳлантириши ваҳимали бўлган. Шунга қарамай, У хочга михланганича Уни билмасдан ёмонлаганларни Ота кечиришини сўраб илтижо қилди: «Эй Ота! Уларни кечиргин, улар нима қилаётганликларини билмайдилар...» (Лк. 23:34).

Бироқ агар одамлар Муқаддас Рухдан *таълим олиб*, Исонинг ҳақиқий Масих эканлигини билиб туриб, лекин шу билан бирга Уни шайтон *жамоати* тўдаси билан алоқадорликда айбласалар, гуноҳ қилган бўладилар. Бундай гуноҳни кечириб бўлмайди. Фақат ўзларига ишонган масихий кечириб бўлмас гуноҳ қилишлари муқаррар. Бироқ биз Худо Ўзининг меҳр-шафқатига биноан Ўзи танлаганларни бундай гуноҳлар қилишдан асрашини яхши биламиз. Ҳақиқий масихийлар шундай гуноҳ қилиб қўймадиммикан, деб ташвишга тушадилар. Биргина бундай ташвишнинг ўзи улар кечирилмас гуноҳ қилмаганликларининг белгиси бўлади. Кечирилмас гуноҳлар қила олишга қодир одамлар шу қадар тошюрак бўлиб ва гуноҳга берилиб кетганларки, ҳатто қилмишлари учун тавба-тазарру қилишни заррача ҳис этмайдилар.

Ҳатто бизники сингари худосиз жамиятда ҳам одамлар чегарадан чиқиш хавфини ҳис этсалар-да, Худони ва Масихни бениҳоят таҳқирлашади. Гарчи бугунги кунда

одамлар Худонинг номини ҳар ерда булғашади, ҳазил-мутойиба ва аския қилиб Инжил устидан кулишаётган бўлишса-да, ҳар ҳолда Исони шайтон билан алоқадор дейишдан ўзларини тийишмоқда.

Яна бир гап. Шайтон малайлари, шунингдек жодугарлар, алхимиклар ва шунга ўхшаш мистик таълимот давомчилари ўз фаолиятлари жараёнида кечирилмас гуноҳлар қилишларига қарамай, улар кечирилишлари мумкин. Чунки бу тоифадаги одамлар Муқаддас Рух таълимотидан беҳабар бўлганликлари учун шундай йўл тутишган.

### ***Хулосалар***

1. Муқаддас Рухга куфрлик қилишни қотиллик ёки хиёнат билан қиёслаб бўлмайди.
2. Худога шак келтириш — бу Худони сўз орқали ҳақоратлашдир.
3. Масихнинг огоҳлантириши Муқаддас Рух Худосининг ишларини шайтонга қўшиб қўймасликка қаратилган.
4. Исо Худонинг Кимлигини билмаган шаккокларнинг кечирилишлари ҳақида ибодат қилган.
5. Худонинг марҳаматига биноан масихийлар сира ҳам кечирилмас гуноҳ қилмайдилар.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мат. 12:22-32;

Лк. 23:34;

1 Юҳ. 5:16.

## **55-боб**

### **Синкретизм**

Синкретизм — бу турли культларнинг ва диний тизимларнинг бир-бири билан аралашуви ва қоришувидир.

Бундай аралашув ана шу культда ва динларда фундамен-  
тал ўзгаришларга олиб келади.

Эски Аҳд замонида Худо Ўз халқининг синкретизмга мойиллигидан ниҳоятда хавотирланган ва ташвишга туш-  
ган. Худо ваъда қилган заминга халқ кириб келганда,  
у ўша ерда яшовчи халқларнинг ноилоҳий динларига  
дуч келди. Вақт ўтиши билан Канъон худолари, Баал ва  
Астарта исроилликларнинг ибодат объекти бўлиб қолди.  
Кейинчалик исроилликлар Ассирия ва Бобил худолари-  
га хизмат қила бошладилар. Худо Қонуни нафақат бош-  
қа худоларни Парвардигордан устун қўймаслик ҳақида  
аниқ ва равшан гапирган, балки ҳақиқий Худога итоат  
этиш билан бирга бошқа худоларга сажда қилиш учун  
йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ҳам айтган. Агар Худо хал-  
қи қачонлардир бошқа халқларнинг таълимотига ва ху-  
досига итоат этиш амалиётига ўзгартириш киритмоқчи  
ёки яқинлаштирмоқчи бўлиб, ўз эътиқодидан воз кечса,  
бу ҳолда Исроил халқи шафқатсиз жазога йўлиқишлари  
ҳақида пайғамбарлар огоҳлантиришган.

Янги Аҳд даври синкретизмнинг кенг тарқалиш дав-  
ри бўлиб қолди. Қадимги Юнонистон чегараларининг  
кенгайиши натижасида, унинг худолари забт этилган  
маҳаллий халқлар худолари билан аралашиб кетди. Рим  
империясида ҳам турли культ ва мистик динларга мойил-  
лик руҳи билан муносабатда бўлишган. Масиҳийлик  
ҳам умумий тенденциялардан четда қолмади. Жамоат  
руҳонийлари нафақат Инжилни тарғиб этиш борасида,  
балки масиҳийлик эътиқодининг софлигини ва бутун-  
лигини сақлаб қолишга зўр бериб ҳаракат қилишди. Жа-  
моатнинг баъзи бир доктриналарида манихейлик таъси-  
ри (барча жисмоний нарсаларни ёмонликдир деган дуа-  
листик диний таълимот) сезилади. Докетизм (Исонинг  
жисмоний танаси мавжудлигини инкор этувчи таълимот)  
хатто Янги Аҳд ёзилгандан кейин ҳам мушкуллик кел-  
тириб чиқараверди. Неоплатонизмнинг турлича шакл  
тарафдорлари масиҳийлик имонининг элементларини  
Платон фалсафаси ва шарқий дуализм билан қўшиб юбо-

ришига онгли равишда ҳаракат қилишди. Масихийлик таълимоти тарихи аслида бегона фалсафий ва диний тизимлар қопқонидан қутулишга уринган Худо халқининг тарихини ўзида ифодалайди.

Бу муаммо ҳозирги Жамоатда ҳам мавжуддир. Марксизм ёки экзистенциализмга ўхшаш бундай номасихий фалсафий таълимотлар масихий эътиқодининг асл моҳиятини инкор этган ҳолда, шу билан бир вақтда масихийликнинг куч ва обрў-эътиборига давогарликни талаб қиларди. Синкретизм ҳанузгача Худо халқини Худодан ажратувчи қудратли қурол бўлиб қолмоқда.

Масихийларнинг ҳар бир авлоди синкретизмнинг вас-васасига дуч келмоқда. Биз ўз интилишларимизда Худо эътиқодининг амалиётида ва таълимотида замонавий бўлиш ниятида бу дунёнинг ақидаларига бўйсунамиз ва ҳис-туйғуларига бериламиз. Биз мажусийларнинг урф-одатларини ҳамда ғояларини қабул қиламиз ва уларни «масихийлаштиришга» уринамиз. Ҳатто бизга ёт бўлган фалсафа ва эътиқодни инкор этиб қарши турсак-да, улар бизга маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Масихийлик эътиқодига ва Худога итоат қилиш амалиётига суқилиб кирган ҳар қандай ёт элементлар, имон софлигини бузади.

### *Хулосалар*

1. Синкретизм — бу турли культларнинг ва диний тизимларнинг бир-бири билан аралашиб ва қоришиб кетишидир.
2. Эски Аҳд замонида исроилликларнинг динига мажусийлар эътиқодининг суқилиб кириши исроилликларнинг доимий муаммоси бўлган.
3. Янги Аҳд Жамоати юнон ва рим диний тизими ҳамда маданий анъаналарига қарши курашган.
4. Ҳозирги кунда ҳам масихийлик маслагининг мажусийлик диний эътиқоди ва номасихий фалсафий таълимоти билан бирлашиб кетиш хавфи мавжуд.

***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

3 Шоҳ. 16:29-34;

1 Кор. 10:14-23;

2 Кор. 6:14-18;

Гал. 3:1-14;

Кол. 2:8;

1 Юҳ. 5:19-21.

ЕТТИНЧИ  
ҚИСМ



НАЖОТ ТОПИШ

## 56-боб

### Нажот топиш

Кунларнинг бирида кўчада қандайдир бир йигит мени тўхтатиб: «Сиз нажот топганмисиз?» — деб сўраб қолди. Менга савол берган йигитга мен ҳам савол билан мурожаат қилдим: «Нимадан нажот топганимни сўраяпсиз?» У саросимага тушиб қолди ва ҳеч қандай жавоб бермади. Йигит одамларга бераётган саволининг мазмун-маъносини чуқур ўйлаб кўрмаган эди. Менинг ўзим ҳам қандайдир бир маънода, кўчада учраган одамни тўхтатиб олиб: «Сиз нажот топганмисиз?» — деб кутилмаганда савол берадиган одамлардан ҳимояланган эмасман.

Нажот топиш ҳақидаги масала — Муқаддас Китобнинг энг муҳим масаласидир. Муқаддас Ёзувнинг бош мавзуси — нажо топиш мавзусидир. Исо туғилмасиданоқ Қутқарувчи деб эълон қилинган. Нажот топиш масаласига тўхталмай туриб, унинг хизматлари ҳақида сўз юри-тишнинг иложи йўқ. Қутқарувчининг вазифаси — нажот беришдан иборатдир.

Бироқ шундай бўлса-да, биз ҳар қалай саволни так-рорлаймиз: нимадан нажот топиш керак? Муқаддас Ки-тобда нажот топиш ҳақидаги тушунча анчагина кенг ва кўп қирралидир. *Нажот топиш* феълининг асосий мазму-ни — «қандайдир хавfli ва кўрқинчли нарсадан халос этишдир». Исроил ўз душманлари кўлидан мағлубиятга учрашдан омон қолганда, Муқаддас Китоб у қутқарили-шини назарда тутган. Одамлар оғир касалликдан кейин соғайиб кетишса, уларнинг ҳаёти сақлаб қолингани тўғ-рисида сўз юригилади. Деҳқонлар курғоқчилик пайтида ўз ҳаракатлари туфайли ҳосилни асраб қолишганда, улар ўз ҳосилларини қутқарганлари ҳақида гапирадилар.

Биз *қутқарилиш* (*ёки нажот топиш*) сўзини худ-ди мана шундай маъноларда ишлатамиз. Боксчи қаттиқ

зарбадан нокаутда ётганда, ҳакам сўнги лаҳзаларни санаб тугатишидан ва мағлубиятни эълон қилишидан олдин «бонг» урса, йиқилган боксчи «бонг» уни қутқариб қолганлиги ҳақида гапиради. Умуман айтганда, ҳар қандай фалокатдан халос бўлиш қутқарилишни англатади. Бироқ Муқаддас Китоб ҳам бизни гуноҳлардан фориг бўлишимизни, ҳамда Худо билан ярашганимизни англатган ҳолда, қутқарилиш сўзидан тор маънода фойдаланади. Мана шу маънода биз ҳалок бўлишдан ва фалокатдан, яъни Худонинг ҳукмидан қутулаемиз. Тўлиқ қутилишимизни Масих амалга оширади. «Худо Ўз Ўғли Исони тирилтирди, токи У бизни келажак Худо ғазабидан халос қилсин» (1 Салон. 1:10).

Муқаддас Китобда аниқ айтилишича, шундай кун келадими, барча одамзод Худо олдида албатта ҳукм қилинади. Кўпчилик учун бу «Раббий куни» ҳеч қандай энгиллиги йўқ, зимистон кун бўлади. Ушбу кунда тавба қилмаган ва нопок одамларга Худо Ўз ғазабини ёғдиради. Бу кун инсоният тарихида энг даҳшатли, ёвуз ва мусибатга тўла кун бўлади. Биз албатта бу дунёга ёғиладиган Худо ғазабидан омон қолишимиз мумкин. Қутқарилиш — айнан шундан иборатдир. Ўз халқини қутқариш хизматини Исо Масих амалга оширади.

Муқаддас Китоб *қутқариш* феълени нафақат турли маънода, балки ҳар хил замон шаклида ҳам қўллайди. Бу феъл амалиётда юнон тилида мавжуд бўлган барча замонлар шаклида учрайди. Масалан, биз (дунёнинг бошланишидан) *қутқарилганмиз*; биз (Худонинг тарихдаги ҳаракати мобайнида) *қутқарилиб келганмиз*; биз (покланиш жараёнида) *қутқариляпмиз*. Муқаддас Китоб ўтган, ҳозирги ва келаси замондаги қутқарилишимиз ҳақида сўз юритади.

Баъзида биз ҳозирги замондаги қутқарилишни ҳозирги замонда амалга ошаётган оқланишга тенглаштирамиз. Бошқа ҳолларда биз оқланишга умумий қутқарилиш режасининг махсус босқичи сифатида қараймиз.

Ва ниҳоят, Муқаддас Китоб концепциясида қутқарилишнинг жуда муҳим бир аспектини айтиб ўтиш керак. Қутқарилиш — Раббийдан келиб чиқади. Қутқарилиш — ҳеч қачон бизнинг ҳаракатларимизнинг натижаси бўла олмайди. Одам ўзини ўзи қутқаришининг имкони йўқ. Қутқариш — бу Худонинг ҳаракатидир; у Худо орқали амалга ошади. Қутқарилиш *Раббийдан* келиб чиқади ва *Раббийнинг Ўзи* уни амалга оширади. Худонинг ғазабидан фақат Яратганнинг Ўзи қутқаради.

### **Хулосалар**

1. *Қутқарилиш* сўзининг маъносини «ҳавф-хатардан халос бўлиш», деб ифодалаш мумкин.
2. Бутунлай қутқарилиш Худо ғазабидан қутилишни англатади.
3. Муқаддас Китоб *қутқарилиш* феълени турлича замон шаклида, Худонинг ўтмишдаги, ҳозирдаги ва келажакдаги қутқарувчилик хизматини англатган ҳолда қўллайди.
4. *Оқланиш* сўзи баъзида *қутқарилиш*нинг синоними сифатида ишлатилади. Бошқа ҳолларда *оқланиш* феълига умумий қутқарилиш режасининг махсус босқичи сингари қаралади.
5. Қутқарилиш *Худодан* келиб чиқади ва уни Худонинг Ўзи амалга оширади.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Ҳизқ. 36:26-27;

Заф. 1;

Юх. 3:16-17;

Рим. 1:16-17;

1 Кор. 1:26-31;

1 Сал. 1:6-10.

## Олдиндан белгилаш

Жуда кам доктриналар, масалан, олдиндан белгилаш таълимотига ўхшаш назария кўплаб баҳсларга ва қарама-қарши изоҳларга сабаб бўлади. Бу ҳақиқатдан ҳам жуда мураккаб доктрина бўлиб, унга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Шундай бўлса-да, бу Муқаддас Китоб таълимотидир, шунинг учун уни диққат-этибор билан ўқиб-ўрганиш керак. Уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Хусусан, ҳар бир масиҳийлик жамоатида олдиндан белгилаш ҳақидаги таълимот у ёки бу шаклда ўрганилади. Бу таълимотни четлаб ўтиб бўлмайди, чунки ушбу концепция Муқаддас Китобда яққол ва батафсил баён этилган. Бироқ жамоатлар бу тушунчанинг маъносига боғлиқ бўлган фикрларида яқдил фикрга кела олмайдилар, баъзида эса бу масалада кучли тортишувлар юзага келади. Услугчиларнинг қараши лютеранликларникидан фарқ қилади, пресвитерианлар эса иккала қарашдан ҳам норози. Ҳар бир йўналиш вакиллари нуқтаи назарларининг турличалигига қарамасдан, улар мана шу мураккаб доктринани тушунишга ҳаракат қилишади.

Олдиндан белгилаш ҳақидаги таълимотнинг моҳияти шундан иборатки, бизнинг сўнгги қисматимиз масаласи қандай ҳал қилиниши, яъни бизнинг дўзахга ёки жаннатга тушишимиз хусусидаги масалани Худо бизни у ерга тушишимиздан салгина олдин эмас, балки дунёга келмасимиздан олдинроқ белгилаб қўяди. Бу доктрина биз батамом Худо кўлида бўлишимизни ўргатади. Бунини бошқачароқ ифодалаш ҳам мумкин: азалда, ҳали биз ёруғ дунёга келмасимиздан илгари, Худо инсоният қавмларидан бирини қутқаришни, бошқаларини ўлимга маҳкум этиши ҳақида қарор қилган. Худо Ўз танловини амалга оширди — У баъзи одамларни қутқариш учун танлаб олиб, уларга Арши Аълода роҳат-фароғатда яшашга, бошқала-

рини эса ўз қилган гуноҳларининг оқибатида ўлиб, дўзахда мангу азоб тортишга ҳукм қилган.

Олдиндан белгилаш таълимотини бундай тушуниш кўпчилик жамоатларга хос одатдир. Бироқ бу муаммонинг моҳиятини тушуниш учун қуйидагича саволни бериш керак: Худо танлаш имкониятини қай йўсинда амалга оширади? Масиҳийларнинг кўпчилик қисми амал қиладиган ноислоҳий нуқтаи назарга мувофиқ, Худо бу қарорини Ўзининг олдиндан кўра билишига асосланиб қилади. Худо абадий ҳаётга, Ўзининг билишига кўра, Унинг фойдасига ҳал қиладиган одамларни танлайди. Олдиндан кўра билишга асосланган мана шу ҳолат *азалдан белгилаш*, деб аталади. Ҳолбуки, бундай ҳолат — Худо одамларнинг аҳду-паймонларини ёки хатти-ҳаракатларини олдиндан билишига асослангандир.

Ислоҳотчиларнинг нуқтаи назари аввалгиларидан шуниси билан фарқланадики, унинг тарафдорлари фикрича, қутқарилишимиз ҳақидаги қарор бизнинг ихтиёри-мизда эмас, балки Худонинг ихтиёрида бўлади. Бундай вазиятда Худонинг танлаш имкони Унинг мустақил иродасига асосланади. Худонинг танлаш имкони одамзоднинг ҳаракати ёки масалани ҳал қилишни кўра билиши билан йўғрилган эмас. Ҳақиқатдан ҳам, бу нуқтаи назарнинг тарафдорлари бизнинг қарорларимиз мутлақо Унинг мустақил марҳаматига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ислоҳотчиларнинг қарашларига мувофиқ, ўз ихтиёрларига ташлаб қўйилган, инсониятнинг тубанлашган қавм вакилларида ҳеч бири ҳеч қачон Худони танламаган бўларди. Тубанлашган одам ҳамон эркин иродага ва хоҳлаган нарсасини танлашга эга. Бироқ муаммо шундан иборатки, бизнинг ўзимиз то юқоридан туғилмагунимизча, Худога интилмаймиз ва Масиҳни танламаймиз. Имон-эътиқод — бу янги ҳаётга қайта туғилишнинг натижаси бўлган инъомдир. Фақат Худо томонидан танланганларгина Инжил даъватига имон билан жавоб бера оладилар.

Танланганларгина ҳақиқатдан ҳам Масиҳни танлашади, фақатгина шунинг учунки, зеро Худонинг Ўзи энг аввало уларни танлаб олган. Худо Ўз танлаш имконини худди Ёқуб ва Исҳоқ билан юз бергани сингари, мутлақо Ўзининг мустақил хоҳиши асосида танлайди, албатта, биз қилаётган ёки қилмоқчи бўлган ишларимизга асосланиб эмас. Павлус шундай дейди:

Бунга ўхшаб, Ривқо биби ҳам эгиз ўғилларга ҳомиладор бўлган эди. Улар битта отадан, яъни улуғ отамиз Исҳоқдан эдилар. Бу болалар ҳануз туғилмаган ва яхши ёки ёмон бирон иш қилмаган вақтда, Худо Ривқога: «Каттаси кичигига қул бўлади», — деган эди. Демак, Худо бировни танлаганда, уни Ўзи билганидек, савоб ишларидан қатъий назар, ёрлақайди ва даъват этади. ... <...> ... Шундай қилиб, танланиш инсоннинг орзу ёки ташаббусига эмас, балки Худонинг марҳаматига боғлиқдир.

*Рим. 9:10-12, 16*

Олдиндан белгилаш тушунчасининг энг катта қийинчилиги шундан иборатки, Худо марҳамат кўрсатиши учун ҳаммани ҳам танлайвермайди. Худо кимнидир кечирмоқчи бўлса, ана шу кечириш ҳуқуқини У Ўзида қолдиради. Инсон қавмининг баъзи бир вакиллари танланиш учун меҳр ва марҳаматга сазовор бўладилар. Бошқаларни эса Худо уларни гуноҳга ботганича қолдиради ва уларга қиё боқмай ўтиб кетади. Танланмаганларга — бу адолатли ҳукмдир. Лекин ҳеч ким бу ноҳақлик, деб арз қила олмайди. Худо ҳеч кимга меҳр-мурувват кўрсатишга мажбур эмас. У ёки бу масалада нечоғлик меҳр-шафқатли бўлишни Унинг Ўзи ҳал қилади. Бироқ Уни кимгадир нисбатан ноҳақ муносабатда бўлганликда айблаш мумкин эмас (қаранг: Рим. 9:14-15).

### **Хулосалар**

1. Олдиндан белгилаш ақидаси ниҳоятда мураккаб, унга жуда эҳтиёткорлик билан қараш керак.

2. Олдиндан белгилаш ақидаси — Муқаддас Китоб таълимотидир.
3. Кўпчилик масихийлар олдиндан белгилашни Худонинг азалдан кўра билиши билан боғлашади.
4. Ислохотчилар Муқаддас Китобнинг олдиндан белгилаш таълимотини азалдан кўра билиш билан тушунтириб бўлмайди, деб ҳисоблашади.
5. Олдиндан белгилаш инсоннинг орзу ёки ташаббусига эмас, балки Худонинг танлаш ихтиёрига асосланган.
6. Янгидан туғилмаган одамлар Масихни ўз хоҳишларига кўра танлай олмайдилар.
7. Худо ҳеч кимни танламайди. У кимни хоҳласа, ўшанга меҳр-шафқат кўрсатиш ҳуқуқини Ўзида қолдиради.
8. Худо ҳеч ким билан ноҳақ муносабатда бўлмайди.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Ҳикм. 16:4;

Юҳ. 13:18;

Рим. 8:30;

Эф. 1:3-14;

2 Салон. 2:13-15.

## **58-боб**

### **Олдиндан белгилаш ва абадий ҳукм**

Ҳар бир танганинг орқа томони бўлгани сингари, танлаш ақидасининг ҳам икки томони мавжуд. Танлаб олиш ўзида олдиндан белгилашнинг фақат бир аспекти намоён қилади. Танганинг бошқа томони — бу абадий ҳукм масаласи. Худонинг эълон қилишича, У Ёқубни севган, лекин Эсовдан нафратланган. Буни биз қандай тушунишимиз керак?

Олдиндан белгилашнинг икки томони бор. Иккиёқлама олдиндан белгилаш ҳақидаги таълимотни қабул қилмаслик учун шуни тан олиш керакки, ё Худо ҳар кимнинг

қутқарилишини олдиндан белгилаб қўйган, ёки ҳеч кимга на қутқарилишни, на ҳалокат дучор қилишни белгилаб қўйган. Мадомики, Худо баъзи одамлар қутқарилишини олдиндан танлагани ва умумий қутқариш ғоясини инкор қилиши ҳақида Муқаддас Китоб очиқ-ойдин гапирар экан, олдиндан белгилашнинг ҳақиқатдан ҳам иккиёқламалигини тан олишимизга тўғри келади. У танлашни ҳам, абадий ҳукми ҳам ўз ичига олади. Агар биз Каломга жиддий ёндашадиган бўлсак, олдиндан белгилаш таълимотининг иккиёқламалигини инкор этолмаймиз. Аммо иккиёқлама олдиндан белгилаш таълимотини қандай тушунишимиз жуда муҳим.

Баъзилар иккиёқлама олдиндан белгилашни тенг сабабиятга эга бўлган масала, деб ҳисоблайдилар. Яъни Худо нопок одамларнинг ишонмаслик фикрларига ҳам, танланганларнинг ишониши фикрларига ҳам тенг жавобгарликни ўз зиммасига олади. Олдиндан белгилашга қаратилган бундай нуқтаи назарни биз *тажрибага асосланган ижобий тақдир*, деб атаймиз.

Мана шу нуқтаи назарга мувофиқ, Худо фаол ва ижобий равишда танланганларнинг ҳаётига кириб боради, чунки улар ҳузур-ҳаловатга эришишади ва имон-этиқодга эга бўлишлари керак. Худди шу тарзда У нопок одамларнинг дилларига ёмон хоҳиш-истакларни солади ва уларнинг Масихга мурожаат этмасликлари учун фаол тўсқинлик қилади. Бу нуқтаи назар кўпинча «гиперкальвинизм» деб аталади, чунки у Кальвин, Лютер ва бошқа Ислоҳотчи арбобларининг ўқитиб-ўргатишлари доирасидан четга чиқиб кетган.

Иккиёқлама олдиндан белгилаш таълимотига ислоҳчиларнинг нуқтаи назарларини *тажрибага асосланган салбий тақдир*, деб аташ мумкин. Мана шу нуқтаи назарга мувофиқ Худо позитив ва фаол равишда танланганларнинг ҳаётига аралашади ва имонга келишларига ёрдам беради. У якка тартибда танланганларни қайта вужудга келтиради ва уларнинг қутқарилишларини таъминлайди. Нопоклар билан бўлган ҳолларда эса У ёмон одамлар

нинг дилларига ёвуз хоҳиш-истакларни жо қилмайди ва уларнинг мурожаатларига тўсқинлик қилмайди. Уларни ўз гуноҳли ўй-фикрлари билан қолдирганича, индамай ёнларидан ўтиб кетаверади. Бу вазиятда Худонинг ҳаракатларида мувофиқлик йўқ. Худо танланганларга ва нопокларга нисбатан бир хил ҳаракатда бўлмайди. Бироқ бу ерда қандайдир тенг тугалланиш кузатилади. Худо тарк этган тубанлашган одамлар узил-кесил ҳукм қилинган ва уларнинг ўлими ҳам танланганларнинг қутқарилиши сингари муқаррар.

Бу ерда Худо Муқаддас Китобда фиръавннинг юрагини тош қилиб қўйганлиги ҳақидаги тарихни эслаш ўринлидир. Худо фиръавнни бағритош қилгани ҳеч кимда шак-шубҳа туғдирмайди. Аммо Худо буни қандай йўл билан амалга оширди, деган саволга жавоб топиш керак. Лютер актив эмас, балки пассив бағритошлик ҳақида гапиради. Яъни Худо фиръавннинг юрагига ёвузлик жо қилмаган. Худонинг иродасига қайта-қайта қаршилик қилиш учун бу ҳукмдорда ёмонлик етарлича даражада бўлган. Худо ҳар қандай одамни бағритош қилиши учун уни Ўзининг марҳаматларидан маҳрум қилиши ва уни ўзининг ёмон хоҳиш-истаклар ҳукмронлигида қолдиришининг ўзи кифоя. Абадий азоб-уқубатларга маҳкум этилган одамларни худди шулар кутади. Худо нопок одамларни уларнинг гуноҳи билан яккалаб қўяди.

Худонинг Эсовга нисбатан «нафратини» қандай тушуниш керак? Бу ерда иккита тушунтириш беришга тўғри келади. Биринчи галда Эсовга нисбатан бўлган Худонинг нафрати салбий ҳис-туйғу сифатида эмас, балки унга нисбатан гуноҳни кечириш меҳрининг йўқлиги сифатида белгиланади. Худонинг Ёқубни «яхши кўриб қолганлиги» эса, Ёқубга Худо марҳамати берилганлигини англайди. Гарчи Ёқуб ҳеч нима қилмаган бўлса ҳам, Ёқубга Худо имтиёз берди. Эсов эса бундай имтиёз олмади ва шунга кўра Худонинг ғазабига дучор бўлди.

Биринчи тушунтириш, гўёки Худо кимнидир ёмон кўриши мумкинлигини аллақандай оқлагандай туюлади.

Иккинчи вазиятда эса нафрат — бу шунчаки *нафратдир*. Худо ҳақиқатдан ҳам Эсовни ёмон кўрарди. У Эсовни қабих деб ҳисоблар эди. Чиндан ҳам Эсовда Худога ёқадиган бирор бир яхши фазилат йўқ эди. Эсов парчалаб синдириб ташланадиган идишга ўхшар эди, шу сабабли Худонинг ғазабига ва нафратига сазовор бўлган. Бу масалада қандай йўл тутишни ўқувчининг ўзи ҳал қилсин.

### ***Хулосалар***

1. Олдиндан белгилаш иккиёқламадир; унинг икки томони мавжуд.
2. Баъзиларнинг ҳисоблашича, Худо танлаш ва абадий айблаш таълимотига теппа-тенг жавобгарликни ҳис этади. Бундай нуқтаи назар гиперкальвинизм тарафдорларига мосдир.
3. Ислоҳотчиларнинг иккиёқлама белгилашга қарашлари бу масалага салбий позитив ёндашувни акс эттиради.
4. Худо фиръавннинг юрагини актив тарзда эмас, балки пассив тарзда шафқатсиз қилган.
5. Худонинг Эсовга нисбатан нафратини шу маънода тушуниш керакки, гўё Худо Эсовга хузур-ҳаловат инъом этмаган. Ёки шу маънода тушуниш лозимки, гўё Эсов Худо кўзи ўнгида парчаланиб, синдириб ташлашга лойиқ идишга ўхшайди.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Чиқ. 7:1-5;  
Ҳикм. 16:4;  
Рим. 9;  
Эфес. 1:3-6;  
Яхудо 1:4.

## Таъсирчан даъват

Ҳали жуда ёшгина бола эканимда, онам деразадан баланд овозда отимни айтиб, тушлик қилгани уйга чақирар эди. Аслида мен уйга тез югуриб кирардим, лекин баъзида онам мени яна такрор ва такрор чақиришига тўғри келарди. Агар мен онамнинг биринчи бор чорлаганига эътибор бермасам, исмимни янада баландроқ овозда айтиб чақирар эди. Унинг биринчи чақириғи ҳар доим ҳам таъсир этавермас, ҳар доим ҳам кутилган натижага олиб келавермас эди. Бироқ иккинчи чақириқ одатда кўзланган мақсадга эриштирар эди: мен дарров уйга чопар эдим.

Худонинг чақириғи, яъни даъвати мавжуд, у ҳам шубҳасиз жуда таъсирчан. У бу дунёни мавжудликка даъват қилганда, олам иккиланмасдан зудлик билан буйруққа бўйсунди. Худо хоҳлаган натижага эришди. Худди шу сингари, Исо ўлган Лазарни қабрдан чиқишга чорлаганда, Лазар зудлик билан ҳаётга қайтди.

Шунингдек, имонлининг ҳаётида ҳам Худонинг таъсирчан даъвати мавжуд. Бу даъват кутилган натижага олиб келувчи чақириқдир. Таъсирчан даъват — бу гуноҳкорни қайта туғилишга ва руҳий ўлимдан қутқарилишга олиб борувчи илоҳий ҳузур-ҳаловатнинг ҳаракатидир. Баъзида бундай ҳузур-ҳаловатни биз енгиб бўлмайди, деб айтамыз.

Таъсирчанлик вазифаси — бу Худонинг олий ҳукмронлиги ва қудрати билан Ўзининг ўй-ниятлари амалга ошишига даъватдир. Павлус Худонинг таъсирчан даъвати ҳақида шундай дейди: «Худо азалдан белгилаган кишиларни даъват ҳам этди, даъват этган кишиларни эса оқлади, оқлаган кишиларни эса улуғликка ҳам сазовор қилди» (Рим. 8:30).

Бу даъват инсоннинг вужудида, дилида ҳаракат уйғотади. Бу Муқаддас Руҳнинг танланганлар қалбларида қайта туғилиш бўйича ғайритабиий куч орқали олиб бораётган

махфий ишидир. У кайфиятнинг ўзгаришига, қалб мойиллиги ва лаёқатнинг ривожланишига даъват этади. Агар бирор одам олдиндан Худонинг даъватини эшитмаган бўлса, ҳеч қачон Унга келишни хоҳламайди. Худонинг ички даъвати кимга қаратилган бўлса, ўша албатта Худого келиш истагини ҳис этади ва Унга имон-этиқод билан жавоб беради. Шундай қилиб, биз имон-этиқод Муқаддас Рухнинг таъсирчанлик лаёқати шарофати туфайли бериладиган Худо инъоми эканлигини кўрамиз.

Инжил Хушхабари ўзида Худонинг барча одамларга қилган даъватини ифодалайди. Бу даъватни танланганлар ҳам, танланмаганлар ҳам эшитишади. Одамда бу даъватга қаршилик кўрсатиб, уни рад этиш қобилияти ҳам мавжуд. Агар Инжил даъвати Муқаддас Рухнинг ички чақириғи билан кузатилмаса, биз Унга жавоб беролмаймиз. Таъсирчан даъватдан юз ўгириб бўлмайди, у «енгилмас»дир. Чунки Худо шундай йўл тутадикки, бу лаёқатни исталган натижага олиб келадиган қилиб қўяди. Бу марҳамат шу маънода «енгилувчан»ки, бизнинг тубанлашган табиатимиз Худого қаршилик қилиши мумкин ва қияпти ҳам. Аммо у шу маънода «енгилмас» ки, Худонинг хузур-ҳаловати бизнинг унга нисбатан табиий қаршилигимиздан кучлироқдир.

Таъсирчан даъват Худонинг яратувчилик қудрати ҳақида гувоҳлик беради. Худонинг қудрати туфайли, биз янги ҳаётга қайта туғиламиз. Ҳаворий Павлус бу ҳақда шундай ёзган:

Сизлар бир вақтлар гуноҳ ва жиноятларингиз туфайли руҳан ўлган эдингизлар. Сизлар бу дунёнинг таомилига кўра, фазода ҳукмронлик қилаётган ҳоким — шайтоннинг ихтиёрига қараб яшар эдингизлар. Шайтон руҳи ҳозир ҳам осий бандаларда амал қилмоқда. Бир вақтлар биз ҳаммамиз ҳам ўша одамлар қатори яшаганмиз. Табиатимиздаги ёмон эҳтиросларга жисман ва фикран мубтало бўлиб, худди бошқа одамлардай табиатан Худо газабига йўлиққан эдик. Аммо марҳаматга бой Худо Ўзининг улкан муҳаббатини бизга кўрсатди: биз жиноятларимиз туфайли руҳан ўлган

эканмиз, У Масих орқали бизга ҳаёт бағишлади. Сизлар Худонинг инояти билан қутулгансизлар.

*Эфес. 2:1-5*

Биз бир вақтлар гуноҳ ва жиноятларимиз туфайли ўлган эдик, аммо биз ички даъватга ва Худонинг марҳаматига биноан «қутулганмиз». Муқаддас Рух Ўзининг марҳамати орқали кўролмайдиганларимизга кўриш имкониятини, эшитолмайдиганларимизга эшитиш имкониятини бизга бермоқда.

### ***Хулосалар***

1. Инсон даъвати таъсирчан ёки самарасиз бўлиши мумкин.
2. Худо дунёни мавжуд бўлишга, ўлганларни ҳаётга ва руҳан ўлганларни янги ҳаётга даъват этиш қудратига эга.
3. Одамлар қутқарилиш учун Инжил даъватини эшитишлари ҳамда уни рад қилишлари мумкин. Бироқ Худонинг таъсирчан даъвати ҳар доим самарали бўлади. У ҳар доим кутилган натижаларга олиб келади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ҳизқ. 36:26-27;  
Рим. 8:30;  
Эфес. 1:7-12;  
2 Салон. 2:13-14;  
2 Тим. 1:8-12.

## **60-боб**

### **Юқоридан туғилиш**

Жимми Картер Қўшма Штатлар Президенти қилиб сайланганда, у ўзини «юқоридан туғилган масиҳий», деб атаган эди. Бир неча йил кейинроқ Никсоннинг Оқ уйдаги

маслаҳатчиси Чарлз Колсон «Қайта туғилган»<sup>1</sup> деб номланган машҳур китобини ёзди. Бу китобда у Худога қандай юз бургани ҳақида ҳикоя қилиб берган. Шу икки машҳур киши *юқоридан туғилиш* ҳақида гапиргани туфайли, бу ибора оммавийлашиб, замонавий нутқда етарлича даражада эшитилиб туради.

«Масиҳийнинг юқоридан туғилиши» ибораси тўғриси-ни айтганда, ўзида плеоназмни, яъни нутқнинг ортикча сўзлар билан ифлосланишини намоён қилади. «Юқоридан туғилмаган масиҳий» деган тушунча мавжуд эмас. «Қайта (юқоридан) туғилмаган масиҳий» термини ўз ичига қарама-қаршиликни қамраб олади. «Юқоридан туғилган номасиҳий» ибораси ҳам худди юқоридаги термин маъноси кабидир.

Худонинг Шоҳлик Салтанатига кириш учун руҳий қайта туғилиш мутлақо зарурлигини биринчи бўлиб Исо айтган ва тушунтириб берган. У Никодимга шундай дейди: «Сенга ростини айтай: агар ким юқоридан туғилмаса, Худо Салтанатини кўролмади» (Юҳ. 3:3). Исонинг бу иборасида Худо Салтанатига кириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ифодаланган. Шундай қилиб, юқоридан туғилиш масаласи — бу масиҳийлик таълимотининг мутлақо муҳим қисмидир. Инсон Рухдан туғилмас экан, Худо Салтанатига кириши асло мумкин эмас.

*Қайта туғилиш* — бу янгидан туғилишни, янгича келиб чиқишни, янгича бошланишни кўрсатувчи илоҳий терминдир. Юқоридан туғилиш билан биз ўз ҳаётимизнинг «янги саҳифасини очибгина» қолмаймиз. Қайта туғилиш тамомила янгиланган одамда янгича ҳаёт бошланганидан дарак беради. Бутрус имонлилар ҳақида шундай деб айтган: «Сизлар фоний эмас, балки боқий уруғдан, яъни Худонинг ҳаётбахш, абадий Каломи орқали янгидан туғилдингизлар» (1 Бут. 1:23).

Юқоридан туғилиш — бу Муқаддас Рухнинг руҳан ўлган одамлардаги ҳаракатидир (қаранг: Эфес. 2:1-10). Рух инсон юрагини қайтадан тиклайди, ундаги руҳий ўлим ҳолатини чиқариб ташлаб, ҳаёт бағишлайди. Юқо-

ридан туғилган одамлар — янгича ижод маҳсулидирлар. Илгари уларда Раббийга эргашиб учун ҳафсала, мойиллик ёки хоҳиш бўлмаган бўлса, эндиликда эса одамлар Унинг иродасини бажаришга интиладилар. Худо одамга нафақат янгидан туғилиш имконини ато этади, балки уларнинг қалбида мавжудлиги мумкин бўлмаган Ўзига интилтириш истагини жо қилади.

Юқоридан туғилишни одамнинг Худога мурожаат қилиши билан адаштирмаслик керак. Одамнинг танадан туғилганлиги унинг бу дунёга келганини ва ҳаётининг бошланганини англатгани сингари, одамнинг руҳий туғилиши унинг руҳий ҳаёти бошланганлигидан дарак беради. Қайта туғилиш Худонинг ташаббуси билан юз беради ва мустақил, ниҳоятда тез ва бир лаҳзада амалга ошадиган ҳаракатдир. Биз ўз мурожаатимизни дарровгина сеза олмаймиз, лекин юқоридан туғилиш бир онда содир бўлади. Аёл озгинагина ёки бир фурсатгина хомиладор бўлмагани сингари, ҳеч ким юқоридан қисман бўлиб туғилмайди.

Юқоридан туғилиш — бу имон-эътиқоднинг меваси ёки натижаси эмас. Тўғрироғи, *юқоридан туғилиш* эътиқоднинг зарур шarti сифатида *имонга олиб келади*. Биз ҳам қайта туғилишга мойилликни ёки юқоридан туғилишимизни амалга ошириш учун Муқаддас Рухга ёрдам беришни ҳис қилолмаймиз. Биз юқоридан туғилишимиз керакми ёки йўқлигини ҳал қилолмаймиз ва ихтиёр этолмаймиз. Биз Худога мурожаат қилишимиздан олдинроқ, У бизни янги ҳаётга қайта туғдириш масаласини ҳал қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, Худонинг меҳр-муруввати туфайли юқоридан туғилганимиздан *кейингина* Масихни танлаймиз, У билан бирга ҳаракат қиламиз ва Унга ишонамиз. Ва ўз имонимиз туфайли биз покланишни қўлга киритамиз. Худо бизни янги ҳаётга қайтадан туғдирад экан, У бизни қул бўлиб, зулматда чиришдан ва руҳий ўлимдан халос қилади. Худо бизда имон мустаҳкамланиши мумкинлиги ва ҳақиқийлигини амалга оширади. У бизда имонни уйғотади.

## Хулосалар

1. Барча ҳақиқий масиҳийлар юқоридан туғилишган.
2. Юқоридан ҳақиқий туғилганларнинг бари масиҳийлардир.
3. Юқоридан туғилиш — Худо Шоҳлигига киришнинг зарурий шартидир.
4. Қайта туғилиш — бу Муқаддас Рухнинг мустақил, хузур-ҳаловатли ҳаракатидир.
5. Юқоридан туғилиш имонга олиб келади ва у Худонинг ташаббуси билан содир бўлади.

### ҚУТҚАРИЛИШ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ТАРТИБИ



### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Амр. 30:6;  
Ҳизқ. 36:26-27;  
Рим. 8:30;  
Тит. 3:4-7.

## 61-боб

### Гуноҳларни ювиш

Ҳаворий Павлуснинг таъкидлашича, у «Исо Масихдан ташқари... бунинг устига хочга тортилганидан бошқа ҳеч нарсани билмаслиги тўғрисидаги мулоҳазага келди». Бу билан ҳаворий масиҳийлик таълимотида Хочнинг ниҳоят-да муҳимлигини таъкидлаб ўтган. Гуноҳни ювиш ақида-

си масиҳийликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Лютер масиҳийликни Хоч илоҳиёти деб атаган. Хоч — барча тан олган масиҳийлик рамзидир. Гуноҳни ювиш тушунчаси бизга Эски Аҳддан маълум. Унда айтилишича, Исроил халқи ўз гуноҳларини ювишлари учун қурбонликлар келтириш тартибини Худо ўрнатган. Гуноҳни ювиш — бу зарарни қоплаш ёки вазиятни тузатиш демакдир.

Эски Аҳдда бўлгани сингари, Янги Аҳдда ҳам ҳамма одамлар гуноҳкор эканликлари айтилган. Мадомики, бизнинг гуноҳларимиз гуноҳга чидай олмайдиган абадий ва муқаддас Худони таҳқирлар экан, У билан мулоқотда бўлишимиз учун биз ҳаммамиз гуноҳларимини ювишга эҳтиёж сезамиз. Гарчанд гуноҳ бизнинг энг яхши ҳатти-ҳаракатларимизга ва ишларимизга соя солар экан, биз қанча қурбонликлар келтирганимиз билан Худони қаҳридан туширолмаймиз. Ҳатто қурбонликларимиз ҳам гуноҳга булганган, шунинг учун ноҳақликларимизни ювиб кетиши мақсадида узлуксиз янги ва янги қурбонликлар келтиришимиз биздан талаб этилади. Ва бунинг охири ёки кети йўқ. Аммо бизнинг етарли даражадаги қимматли инъомларимиз йўқ. Шу боис биз ўзимиз учун етарли даражада тақводорлик қилолмаймиз. Биз ўз қарзларини узиш имкониятига эга эмас қарздорлармиз.

Отасининг қаҳр-ғазабини Ўзига олган Масиҳ Ўз халқининг гуноҳларини ювди. Исо одамларнинг қилган гуноҳлари учун жазони Ўзига олди. У биз қилган гуноҳларимиз учун белгиланган қонуний жазони ўтади ва бу билан уларни оқлади. Эски Аҳдга кўра, Худо қонун-қоидаларини бузган ҳар қандай одам лаънатланиши керак. «Масиҳ эса биз учун лаънатланиб, бизни Қонун лаънатидан халос қилди, худди Тавротда ёзилганидек: «Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатидир» (Гал. 3:13). Исони Отаси хочга тортилганича қолдирди ва У барча дўзах азоб-укубатларига дош берди.

Ортодоксал масиҳийлар гуноҳни ювиш ўз ичига *ўрин босишни ва қониқишни* олади, деб таъкидлайдилар. Исо биз учун лаънатланиб, Худонинг муқаддас адолати тала-

бини қондирди. «...Худога хизмат қилаётиб, Унинг Ўғли Исонинг кўкдан тушишига кўз тутиб юрибсизлар. Худо Ўз Ўғли Исони тирилтирди, токи У бизни келажакда Худога ғазабдан халос қилсин» (1 Салон. 1:10).

Муқаддас Китобнинг гуноҳни ювиш таълимотидаги «биз учун» деган иборани калит сўзлар деб ҳисоблаш мумкин. Исо Ўзи учун эмас, балки биз учун ўлди. У биз учун азоб-уқубат тортди. У дунё гуноҳларини ўзига олувчи Худо Кўзиси вазифасини бажариб, бизнинг ўрнимизни эгаллади.

Отанинг ғзаби ҳақиқий эди. Шуни таъкидлаш керакки, Ўғил гуноҳни ювишни Отанинг иродасига мувофиқ равишда тўлиқ амалга оширди. Ўғил Ўз халқини Отанинг қахр-ғзаб сиртмоғидан юлиб олишни хоҳламади. Гўё Ота одамларнинг гуноҳини кечиришни хоҳламагандек, Ўғил уларни қутқариш ниятида Отани ишонтиришга уринмади. Аксинча, Ота ҳам, Ўғил ҳам танланганларни қутқаришга интилишган ва бу амалга ошиши учун бир-галикда ҳаракат қилишган. Ҳаворий Павлуснинг ёзишича, «...Худо Масих вужудида бўлиб дунёни Ўзи билан яраштирди, одамларнинг гуноҳини ҳисобга олмади...» (2 Кор. 5:19).

### **Хулосалар**

1. Гуноҳни ювиш — зарарни қоплашни, қарзни тўлашни англатади.
2. Одам ўз гуноҳларини ўзи ювиш имконига эга эмас.
3. Мадомики, Исо баркамол экан, Унинг бир Ўзи бизнинг гуноҳларимизни кечиришга қодир.
4. Эски Аҳдга биноан, Масих биз учун лаънатланди.
5. Масихнинг қутқарувчилик хизмати қурбонлик эвазини ва Худонинг адолатли талабларини ўз ичига олган.
6. Бизни Худо билан яраштириш учун Ота ва Ўғил тамомила яқдилликда ҳаракат қилишди.

## **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Рим. 3:21-28;

Рим. 5:17-19;

Эфес. 1:7;

Флп. 3:8-9;

Тит. 3:1-7.

## **62-боб**

### **Чекланган гуноҳни ювиш**

Бошқа таълимотлардан фарқ қилувчи ислоҳотчи илоҳиётнинг ўзига хос хислатларини *TULIP* (инглизча «лола») деган машҳур акростих (ўзбек адабиётидаги мувашшаҳни эслатадиган махсус шеър тури бўлиб, унда мисралар бошидаги сўзларнинг бош ҳарфлари юқоридан пастга қараб ўқилганда, шеър бағишланган нарса ёки шахснинг оти, лақаби ёки тахаллуси келиб чиқади — *изоҳ тарж.*) да ифодаланган ва «кальвинизмнинг беш пункти» деб аташ мумкин бўлган тушунчага тенглаштирилган.

T = (Total Depravity) Тўла гуноҳкорлик

U = (Unconditional Election) Қатъиян танлаш

L = (Limited Atonement) Чекланган гуноҳни ювиш

I = (Irresistible Grace) Битмас-туганмас иноят

P = (Perseverance of the Saints) Авлиёларнинг чекинмаслиги

Бу акростихнинг фойдаси шундан иборатки, у жуда осон эслаб қолинади. Лекин мана шундай яққол устунлигига қарамай, ушбу акростих ислоҳий доктринада баъзибир тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Чунки кальвинизм беш пунктнинг ифодаланиши акростихнинг шаклланиш усули билан чекланган. Бу энг аввало учинчи пунктга — чекланган гуноҳни ювишга тааллуқлидир. Ўзларини «кальвинистларнинг тўрт пунктига» қўшганларнинг кўпчилиги чекланган гуноҳни ювиш ҳақидаги

таълимотдан бошқа барча пунктларни дарров қабул қилишади. Бу билан улар TULIP акростихидан «L» ҳарфини олиб ташлашади.

Шахсан менинг ўзим «чекланган гуноҳни ювиш» терминидан кўра «танланган нажот» иборасини афзал кўраман. Лекин бу ҳолда TULIP TUDIP га айланади ва акростих ўзининг дастлабки маъносини йўқотади. Танланган нажот ҳақидаги таълимот шундай *мақсадни* кўзлайдики, унга эришиш учун Масих гуноҳни ювиш ишини амалга оширди. У Худонинг нияти ҳақидаги масаласига ҳам дахлдордир, чунки бу ниятга асосан Худо Исо Масихни хочга юборган.

Ўзини универсалист деб атамаган ҳар қандай одам Масихга ишонганларнинг қутқарилиши Унинг хочдаги жасоратининг натижаси эканлигига кўшилади. Яъни Масихнинг қурбон бўлиши имонсиз одамларга ҳеч нарса бермайди. Ҳар ким ҳам Унинг ўлими орқали қутқарилавермайди. Масихнинг ўлими бутун инсониятни гуноҳлари учун тўлов эканлигини ҳамма қабул қилади. Шундай деб айтиш ҳам мумкин: Масихнинг ўлими ҳамманинг қутқарилишига имкон яратди, лекин баъзиларгагина амалий натижа берди.

Аммо бу тасдиқ чекланган гуноҳни ювишнинг моҳиятини ойдинлаштириб беролмайди. Қуйидаги доктринани тан олмаган одамлар, Масихнинг ўлимини Худо ўйлаб топган ва У ер юзида яшовчи ҳар бир одамнинг қутқарилишига мўлжалланган, деган фикрда қаттиқ туриб олишган. Қутқарилиш ҳар бир одамга берилган *бўлиши мумкин*, лекин ҳеч кимга *кафолатланмаган*. Шунинг учун ушбу нуқтаи назар тарафдорлари гуноҳни ювиш ҳақидаги асосий фикрни ҳам ноаниқ, ҳам чексиз дейишади.

Ислохотчилар шундай нуқтаи назарни илгари суришардики, бу нуқтаи назарга мувофиқ, Масих Худонинг фикрига биноан фақат танланганларга нажот бахш этган. Масих Ўз қўйлари учун, ҳа, фақат Ўз қўйлари учун жонини фидо қилди. Бундан ташқари, Масихнинг қутқарувчилик ўлими барча танланганларнинг қутқарилишини таъ-

минлади. Масих амалга оширган гуноҳни ювиш нафақат *потенциал* (имкониятли) қутқарилиш бўлиб қолди, балки *реал* гуноҳни ювиш бўлди. Мана шу нуқтаи назарга биноан, Худонинг гуноҳни ювиш ҳақидаги ўй-фикри амалга ошмаслиги мумкин эди, деб тасаввур қилиб бўлмайди. Худонинг танланганларни қутқариш борасидаги нияти ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмайди.

Ислоҳотчи илоҳиётчиларнинг инсониятга тақдим этилган гуноҳни ювишни қабул қилиш *таклифи* тўғрисидаги фикрлари турличадир. Улардан баъзилари, Инжилнинг нажоткорлик ҳақидаги таклифи универсал, яъни ҳаммага ва ҳар кимга тегишлидир, деган фикрдалар. У инъом этадиган хоч ва ҳузур-ҳаловат имонга келганларнинг барига таклиф этилади. Бошқаларнинг таъкидлашича, Инжил таклифининг бундай концепцияси одамларни алданишга олиб келиши мумкин ва бунинг устига, қандайдир сўз ўйинини намоён қилади. Мадомики, ҳақиқатдан фақат танланганларгина имон келтиришар экан, мазкур таклиф амалда фақат ўшаларга тегишлидир. Худо имонсизларга ёки тавба қилмаганларга Масихнинг нажоткорлик ўлими инъом этган ҳузур-ҳаловатлардан фойдаланишни таклиф этмаган. Зеро имон ва тавба — бу фақат танланганлар бажара оладиган шарт бўлгани учунгина, гуноҳни ювиш фақат уларга таклиф этилади.

Юҳанно шундай ёзади: «...Унинг Ўзи ёлғиз бизнинг гуноҳларимизнигина эмас, балки бутун дунёнинг гуноҳларини ювиш учун қурбон бўлди» (1 Юҳ. 2:2). Бу сўзлар кўпинча Муқаддас Китобнинг чекланган гуноҳни ювиш ҳақидаги доктринанинг асоссизлиги далили сифатида олга сурилади. Бир қарашда бу оят Масих ҳамма (бутун дунё) учун ўлган деган далилни ҳақиқатдан ҳам тасдиқлаётгандай туюлади. Бироқ мазкур матн агар шу тариқа тушуниладиган бўлса, демак, у ислоҳотчи илоҳиётчилар рақибларининг қарашлари тўғрилигини тасдиқлабгина қолмаётганини тан олишга тўғри келади. У универсалистларнинг қарашлари рост эканлигининг далили бўлади. Агар Масих чиндан ҳам Худони қахридан туширган бўлса

ёки қилган гуноҳлари учун ҳар бир одамни жазолашни талаб қилувчи Унинг қонунини бажарган бўлса, у ҳолда ҳаммининг қутқарилиши ўз-ўзидан аён бўлади. Агар Масих томонидан гуноҳлари ювилган одамни Худо жазолайдиган бўлса, У адолатсизликка йўл қўйган бўлар эди. Исо ҳар бир одамни гуноҳи учун жазолаганини ва бундай одамларнинг ҳар бири тавба-тазарру қилиб, имонга келганлиги борди-ю, ушбу матн назарда тутса, у ҳолда биз бу шартларни фақат танлаб олинганларгина бажаришга қодир, деган дастлабки тасдиққа қайтамыз.

Шунингдек, бу парчани яна бошқа нуқтаи назардан ўрганилса, *бизнинг* гуноҳларимиз *бутун дунё* гуноҳларига қарама-қарши қўйилганини кўриш имконини беради. Юҳанно *бизнинг* гуноҳларимиз хусусида гапирганда, кимнинг гуноҳларини назарда тутган? Агар у фақат имондаги биродарларининг гуноҳларини назарда тутган бўлса, у ҳолда бу матннинг аввалги изоҳи билан қаноатланишга мажбур бўламиз. Бироқ, наҳотки бу ибора маъносининг бошқа вариантлари бўлмаса?

Янги Аҳдда кўпинча яҳудийларнинг қутқарилиши билан нояҳудийлар дунёси вакилларининг қутқарилиши қарама-қарши қўйилади. Инжилда такидланишича, қутқарилиш фақатгина яҳудийларга эмас, балки барча миллат вакилларига инъом қилинади. Худо бутун дунёни севади, лекин у бутун оламни қутқармайди. У бутун дунё одамларини қутқаради. Ушбу парчада Юҳанно Масихнинг фақатгина Ўз халқининг имонли ибронийлари гуноҳлари учун эмас, балки дунёдаги бошқа халқлардан танланганларнинг гуноҳлари учун ҳам меҳр-шафқат олиб келганини назарда тутган бўлса керак.

Қандай бўлмасин, гуноҳларимизни ювиш фикри Худо да ҳали биз дунёга келмасимиздан олдин пайдо бўлган. Худо дунёни Масих орқали поклашни гуноҳ содир қилинмасдан аввалроқ режалаштирган. Худонинг оламни қутқариш фикри дунёни яратиш жараёнида белгиланган. Бу фикр ўй ва тахминларга таяниб эмас, аксинча, Худо Ўз ҳукмронлиги асосида амалга оширган аниқ мақсад ва

режалардан бино бўлган. Масиҳ кимлар учун ўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси Унинг хочдаги жасорати туфайли нажот топишган.

### *Хулосалар*

1. Машҳур TULIP акростиҳидаги «чекланган гуноҳни ювиш» термини «танланган гуноҳни ювиш» ибораси билан алмаштирилиши мумкин.
2. Чекланган гуноҳни ювиш ҳақидаги таълимот Худонинг гуноҳни ювиш фикрининг кўлами ҳақида ва Унинг Исони хочга юборишдан кўзланган мақсадлари ҳақида сўзлайди.
3. Ўзини универсалист деб ҳисобламаган одамларнинг бари, Масиҳнинг ўлими ҳаммани қутқаришга имкон яратган, аммо фақат имонлиларгагина реал тегишли бўлганлигини тўғри деб билишади.
4. Масиҳ амалга оширган гуноҳни ювиш фақат потенциал (имкониятдаги) ёки шартли раҳм-шафқат эмас, балки реал нажоткорлик бўлган.
5. Кенг маънода гуноҳни ювиш барчага, тор маънода эса фақат танланганларга таклиф этилади.
6. Юҳаннонинг Масиҳ бутун олам гуноҳи учун ўлган деган таълимоти, танланганлар фақат яҳудийлар эмас, балки дунёдаги барча миллат вакиллари ҳам бўла олиши мумкинлигини англатади.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 1:21;  
Юҳ. 3:16;  
Юҳ. 10:27-30;  
Юҳ. 17:9-12;  
Ҳавор. 20:28;  
Рим. 8:30.

## Ироданинг эркинлиги

Ушбу лаҳзада қуйидаги сатрларни шунинг учун ҳам ўқияпсиз, чунки сиз уларни ўз хоҳишингизга кўра ўқишни қарор қилдингиз. Лекин сиз эътироз билдиришингиз мумкин: «Йўқ! Бу менинг хоҳишим бўлмаган. Менга топшириқ берилганди. Аслида эса бу китобни ўқигим йўқ». Бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, сиз уни ўқияпсиз. Балки сиз бажонидил бошқа ишлар билан шуғулланишингиз мумкин эди, аммо китоб ўқишга киришдингиз. Сизнинг ўзингиз шуни ихтиёр этдингиз.

Бу китобни нега ўқиётганингизни мен билмайман. Лекин бирор бир сабаб борлигини биламан. Агарда қандайдир сабаб бўлмаганда эди, сиз бу китобни ўқимасдингиз.

Биз доимо қандайдир сабаблар туфайли бирор нимага ихтиёр қиламиз. Қарорларимиз асосланиши ҳозирги пайтда ҳамма нарса ҳисобга олинаётганлигининг шарофатидан бўлса керак. Ниманидир иштиёқ билан хоҳласак, шуни сидқидилдан бажарамиз. Хоҳлаганимизни эса наридан бери қилиб қўя қоламиз. Иштиёқ бор, агар бўлмаганда эди, бу иш билан асло шуғулланмаган бўлар эдик. Ирода эркинлигининг моҳияти айнан шундан иборат, яъни биз танлаб олишни ўз ихтиёримиз асосида амалга оширамиз.

Джонатан Эдвардс ўзининг «Ирода эркинлиги» номли асарида иродани «бу шундай нарсаки, унинг воситасида онг танлаш имкониятига эга»<sup>1</sup>, деб белгилайди. Шакшубҳа йўқки, одамлар ҳақиқатдан ҳам доимо қарор қилишади. Мен ёзишни ихтиёр қилдим, сиз эса ўқишга қарор қилдингиз. Мен ёзишни хоҳладим, шунинг учун ҳам ўтириб ёзяман. Буларнинг бари етарли даражада оддийгина ҳисобланади, аммо эркинлик тушунчасини кўшсак, оддийгина масала мутлақо мураккаб бўлади қолади. Биз шундай савол берамиз: нимани қилиш эркинлиги? Энг

ашаддий калвинчилар ҳам хоҳиш-ирода — *ўзинг истаган ҳамма нарсани* танлаш эркинлигини ўзида ифодалай олади, деган далилни инкор этолмайдилар. Ҳатто энг жўшқин арминианлар ҳам ирода — бу хоҳлаганингни танлаш эркинлиги эмаслигини тан олишади.

Агар гап кутқарилиш тўғрисида кетса, беихтиёр куйидагича савол пайдо бўлади: одамлар нимани истайдилар? Арминианларнинг эътиқодича, баъзилар тавба-тазарру қилишни хоҳлашади. Бироқ турли одамлар нима учун ҳар хил хоҳиш-истакларга эга бўлишларини арминианлар маъноли қилиб тушунтириб беришолмайди. Калвинчиларнинг таъкидлашича, ҳамма одамлар то Муқаддас Рух уларда Ўзининг қайта туғилиш таъсирини амалга оширмагунча, Худодан четлашишга интилаверадилар. Бу қайта туғилиш уларнинг истакларини ўзгартиради ва одамлар ихтиёрий равишда тавба-тазарру қилиб, кутқарилишга эришишади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳатто қайта туғилмаган одамлар ҳам ҳеч қачон ўз иродаларига қарши ҳаракат қилмайдилар. Уларнинг иродалари уларнинг ихтиёрсиз ўзгаради. Бироқ одамлар нимани хоҳлашса, ўшани мустақил равишда танлайдилар. Шундай қилиб, биз ҳақиқатдан ҳам истаганимизни эркин қила оламиз. Лекин биз ўз табиатимизни танлай олмаймиз. Исо Мисх ёмонлик тилашга Ўзини мажбурлай олмаганидай, бирорта одам ҳам «Мен шу бугундан бошлаб фақат яхшилик тилайман!» дея олмайди. Худди шу ерда бизнинг эркимиз барҳам топади.

Гуноҳкорлик одамни эркидан маҳрум қилмагани учун ҳам, биз олдингидай танлаш қобилиятига эгамиз. Бизнинг онгимизни гуноҳлар кўр қилди, хоҳиш-истакларимизни эса нопокликка ундовчи хирс-эҳтирослар ўз измига олди. Бироқ биз ўйлашимиз, танлашимиз ва ҳаракат қилишимиз мумкин. Бизнинг ҳаётимизда кўрқинчли ҳодиса юз берди. Барчамиз Худога интилишни йўқотиб кўйдик. Дилимиздаги бутун фикри-зикримиз ва орзу-истакларимиз мунтазам равишда ёмонликка қаратилган. Иродамиз-

нинг эркинлиги лаънат ва қарғиш бўлиб қолди. Гарчи ўз хоҳиш-иродамизга асосан танлаш имкониятига эга эканмиз, биз гуноҳни танлаймиз, демак, ўзимизни ўзимиз Худо ғазабига гирифтор қиламиз.

Августиннинг фикрича, биз ҳамон ирода эркинлигига эгамизу, аммо ўзимиз эркин эмасмиз. Муқаддас Китоб сўз юритадиган эркинлик — бу эрк ёки Масихни танлаш, Уни ўз Раббимиз деб тан олишимиздир. Бироқ то Муқаддас Рух қалбларимизни ўзгартирмагунча, бизларда Масихга эргашиш хоҳиши бўлмайди. Бундай хоҳишсиз биз ҳеч қачон қутқарилишни ихтиёр қилолмаймиз. Бунинг учун биз Масихни Ўз Раббимиз деб тан олиш майлини ҳис қилишимиздан олдин, Худо бизнинг қалбларимизни уйғотиши ва бизга Масихга эргашиш истагини бериши лозим.

Эдварднинг айтишича, биз тубанлашган жонзот сифатида ўзимизнинг *табиий эркимиз* (хоҳиш-истакларимизга биноан ҳаракат қилиш қобилияти) *ни* асраймизу, аммо *ахлоқий эркимизни*<sup>2</sup> йўқотамиз. Ахлоқий эркинлик хайр-эҳсонли ишларни қилишга қалб рағбатини, майл ва хоҳишни англатади. Гуноҳкорлик оқибатида одамлар мана шундай лаёқатни йўқотишди.

Мен қабул қилган ҳар бир қарор нима биландир асосланган. Унинг замирида қандайдир асоси, сабаби бўлиб ҳар доим истакларим туради. Буларнинг бари детерминизмга (табиат ва жамиятдаги ҳамма ҳодисаларнинг, шу жумладан, инсон иродаси ва хулқ-атворининг қонуниятлари ҳамда уларнинг бир-бирига сабаб бўлиши ҳақидаги таълимот — *изоҳ тарж.*) жуда ўхшаб кетади. Аммо бу ундай эмас! Детерминизмнинг таълим беришича, бизнинг ҳаракатларимизни бизга боғлиқ бўлмаган, ташқаридан алланимадир тўлиқ бошқариб боради. Хоҳламаган нарсаларни қилишимизга у бизни мажбурлайди. Бу зўрликдир. Зўрлик ва эркинлик эса — қарама-қарши тушунчадир.

Лекин қандай қилиб бизнинг танлаганимиз ҳам асосланган, ҳам ихтиёрий бўлиши мумкин? Масала шундаки, бизнинг танлаганимиз ичимизда нима борлиги билан,

яъни бизнинг мавжудлигимиз билан ва нимани хоҳлашимиз билан асосланган. Бизнинг танлаганимиз *бизнинг ўзимиз томонимиздан* белгиланган. Бундай *ўз мавқеини белгилаш* — эркинлик моҳияти ҳисобланади.

Масиҳни ўз Раббимиз деб тан олишимиз учун Худо қалбларимизни ўзгартириши зарур. У шундай қиляпти ҳам. У бизга Ўзининг ортидан эргашиш хоҳишини беради. Акс ҳолда бундай хоҳишга эга бўлолмас эдик. Ўшандагина биз Уни танлаш орқали ўз хоҳишимизни амалга оширган бўламиз. Биз Уни эркин равишда танлаймиз, чунки биз бу танлашни ихтиёр этамиз. Бу Унинг ҳузур-ҳаловат мўъжизасидир.

### ***Хулосалар***

1. Бизнинг қабул қилган ҳар бир қароримиз нима биландир асосланган.
2. Биз ҳар доим танлашни ўз ихтиёримизга асосан, танлов пайтидаги майлимизга кўра амалга оширамиз.
3. Ирода — бу танлай билиш қобилиятидир.
4. Тубанлашган одам ирода эркига эгадир, аммо у эркин эмас. Бизда табиий эркинлик бору, лекин ахлоқий эркинлик йўқ.
5. Эркинлик — бу ўз мавқеини белгилашдир.
6. Одамнинг қайта туғилиши жараёнида Худо унинг қалбини ўзгартиради ва унга Масиҳга эргашиш хоҳиш-истагини жо қилади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Амр. 30:19-20;

Юҳ. 6:44, 65;

Юҳ. 8:34-36;

Юҳ. 15:5;

Рим. 8:5-8;

Ёқуб. 1:13-15.

### Имон

Масихийлик дин сифатида қабул қилинган. Аммо уни имон деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Биз масихийлик *имони* тўғрисида тез-тез гапириб тураемиз. Масихийлик — бу имондир, чунки у ўзида унинг тарафдорлари эълон қилган ёки эътиқод қилган билимлар тизимини ифодалайди. У шунинг учун ҳам имон деб аталадики, имон хайрихоҳлиги қутқарилишнинг масихийлик тушунчаси негизда ётади.

Хўш, имон дегани нима ўзи? Бизнинг жамиятимизда кўпинча эътиқод деб бирор нимага кўр-кўрона, оқилна асосланмаган ишониш назарда тутилади. Аммо агарда биз масихийлик имонини «ожизлик» дейдиган бўлсак, биз бу билан нафақат масихийларни камситган бўламиз, балки энг даҳшатлиси — Худони ҳақорат қилган бўламиз. Ўз гуноҳлари туфайли зулмат ичида қолиб, адашган одамлар хусусида гап борганда Муқаддас Китоб ожизлик ҳақида гап очади. Масихийлик одамларни, аксинча, зулматдан ёруғликка чиқишга ундайди. Имон — ожизликнинг сабабчиси эмас, балки заҳарга қарши доридир.

Ўз маъносига кўра *имон* сўзи «ишончни» англатади. Худога ишонч — бу имонга бемулоҳаза эътиқод эмас. Худо Ўзининг мутлақо ишончли эканлигини исботлаган. Биз Унга ишонишимиз учун етарли даражада асос беради. У Ўзига содиқ эканлигини намоён қилади ва шунинг учун ҳам бизнинг ишончимизга муносибдир.

Имон ва ишонувчанлик ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Ишонувчан бўлиш-ҳар қандай нарсага жиддий асоссиз ишонавериш демакдир. Жамики хурофот ва бидъат айнан шу ишонувчанликка таянади ва гуллаб-яшнади. Имон эса аниқ ва равшан, мантиқли далил-исбот ҳамда шубҳасиз далиллар ва гувоҳликларга асосланади. Бутрус шундай ёзади: «Биз Раббимиз Исо Масихнинг куч-қудрат

билан келиши ҳақида сизларга маълумот берганимизда, уйдирма афсоналарни гапириб келмадик. Унинг салобатини ўз кўзимиз билан кўрганмиз» (2 Бут. 1:16).

Масихийлик ривоят ва масалларга эмас, балки шоҳидларнинг гувоҳликларига таянади. Инжилнинг ҳаққонийлиги тарихий воқеаларга асосланган. Агарда мана шу воқеалар ҳақидаги қиссалар ишончли бўлмаса, у ҳолда бизнинг имонимиз ҳақиқатдан ҳам бемаънилик бўлар эди. Лекин Худо мифларга асосланган ясама «имонга» ишонинглар деб айтмайди.

Ибронийларга Мактуб имонга қуйидагича таърифни беради: «Имон — умидвор бўлган нарсаларни мужассамланишидир, имон билан биз кўринмайдиган мавжудотга амин бўламиз» (Ибр. 11:1). Имон бизнинг келажакка бўлган умид-орзуларимизни ўз ичига олади. Соддароқ қилиб айтганда, биз Худонинг илгари амалга оширганларидан келиб чиққан ҳолда ўз келажакимизни Унга ишониб топширамиз деганимиздир. Худо олдингидай бизнинг ишончимизга лойиқ бўлар экан, буни асоссиз ишонч деб аташ керак эмас. Худо ўтмишдаги сингари келажакда ҳам, Ўз сўзига содиқ бўлишига ишонишимиз учун барча асосларга эгамиз. Умидворликка бизда жуда аниқ сабаблар мавжуд.

Имон кўринмайдиган ишонч сифатида, аввалам бор, ундан мустасно бўлмаган келажакка тегишлидир. Ҳеч кимда келажак ҳақида беҳато башорат қилиб бера оладиган сеҳрли кристал йўқ. Биз ҳаммамиз, имонлилар ҳам, имонсизлар ҳам келажак тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ҳолда унга кириб борамиз. Биз нималаргадир умид боғлаб, режалар тузамиз. Ҳатто келажакни кўра олишимиз ҳам бизнинг тахминларимизга асосланган. Ҳеч ким келажак тўғрисида ўз тажрибасига таянган билимга эга эмас. Биз ҳозирни кўра биламиз ва ўтмишни эслашимиз мумкин. Баримиз ўтмишдаги ҳодисаларни ўрганишда ва баҳслашувда зўр мутахассислармиз. Бироқ шахсий келажакимиз ҳақидаги аниқ ишончни бизга фақат Худонинг ваъдалари бериши мумкин. Шу маънода

имон ғойибона ишонч ваъда қилади. Биз ўз келажагимизни Худога ишониб топширамиз.

Биз Худонинг мавжудлигига ҳам ишонамиз. Гарчанд Худо кўринмас бўлса ҳам, Калом «...Унинг кўринмас хусусиятлари, яъни абадий қудрати ва илоҳиёти, Ўз ижод маҳсулию борлиқни яратганидан англашилишини...» (Рим. 1:20) очиқ намоён қилади. Худо кўринмаса ҳам, биз Унинг мавжудлигига ишонамиз, чунки У Ўзини аниқ ва равшан қилиб яратилишида ва тарихда намоён қилган.

Имон Худонинг борлигига ишончни назарда тутати. Лекин Худонинг мавжудлигини шунчаки тан олиш далили арзимасдай туюлади. Ёқуб шундай ёзади: «Сен Худонинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонгани учун даҳшатдан титрайдилар» (Ёқуб. 2:19). Ёқуб сўзларида аччиқ киноя ошкора янграйди. Худонинг мавжудлигини жинлар ҳам тан олишади. Бироқ Худога ишониш бошқа-ю, Худога имон келтириш — бошқа. Худога ҳамма нарсада чексиз ишониш — масиҳийлик имонининг моҳиятидир.

### **Хулосалар**

1. Масиҳийлик — бу имондир, чунки у Худо очган билимлар тизимига асосланган.
2. Имон — юмуқ кўзлар билан зулматга сакраш эмас, балки бизни қоронғуликдан зиёга олиб чиқувчи Худога ишончдир.
3. Имон — оддий тушунча, бироқ уни сийқалаштирмаслик керак.
4. Имонни ишонч билан чалкаштирманг. Имон идрокли далил-исботларга ва тарихий гувоҳликларга асосланган.
5. Имон келажакка бўлган умидларимиз моҳиятини ташкил этади.
6. Имон кўринмас мавжудотга ишонишни англатади.
7. Имон Худонинг мавжудлиги далилини оддийгина англашдан кўра юксакроқдир. Имон — биз ҳамма нарсада Худога чексиз ишонишимизни англатади.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Рим. 1:16-32;

Рим. 5:1-11;

Рим. 10:14-17;

Гал. 3:1-14;

Эф. 2:8-9;

Ёқуб. 2:14-26.

## **65-боб**

### **Қутқарувчи имон**

Бир куни Исо, агар биз ёш болалар сингари ишонувчан бўлмасак, Осмон Шохлигига кира олмаймиз, деган эди. Болаларча содда ишонувчанлик — бу Осмон Шохлиги фуқаролигини олишнинг энг зарур шартидир. Бироқ болаларча содда ва юзаки ишончнинг фарқи бор. Муқаддас Китоб ёмонликда ёш боладай, ақлу фаросатда етук инсон бўлишга даъват қилади. Қутқарувчи имон — бу оддий тушунча, бироқ унга юзаки қараб бўлмайди.

Муқаддас Китоб фақат имон орқали оқланишни ўртади ва башарти имон қутқарилишнинг мажбурий шарт экан, демак, қутқарувчи имон нима эканлигини тушунишимиз даркор. Ёқуб нима қутқариш имонига кирмаслигини шундай тушунтиради: «Эй биродарлар, агар бирор киши имони борлигини айтса-ю, хайрли ишлар қилмаса, нима фойдаси бор?! Бундай имон уни Худо ғазабидан қутқарармикан?» (Ёқуб. 2:14). Бу ерда Ёқуб имон тасдиғи билан реал ёки ҳақиқий имонни ажратиб турувчи аниқ чегара чизилганини ўтказган. Ҳар қандай одам имонлиман дейиши мумкин. Тўғри, ҳаммамиз имон келтиришга даъват этилганмиз, аммо биргина имон келтиришнинг ўзи ҳеч кимни қутқара олмайди. Муқаддас Китобда ҳам одамлар оғизларида Масихни қанчалик улуғлашмасин, аммо қалблари Ундан узоқлигича қолавериши мумкинлиги

тўғрисида айтилган. Оғзаки хизматни имон маҳсуллари-  
сиз кутқарувчи имон деб бўлмайди.

Ёқуб яна шундай дейди: «Худди шундай амалсиз  
имон ҳам ўз-ўзидан ўликдир» (Ёқуб. 2:17). Ёқубнинг таъ-  
кидлашича, ўлик имон ҳеч қандай фойда келтирмайди.  
Бундай имон маҳсулсиз ва беҳудадир, унинг устига ҳеч  
кимни оқлай олмайди ҳам.

Лютер ва Реформациянинг бошқа арбоблари оқланиш  
фақат имон орқали келиши мумкинлигини баён қилиш-  
ганда, улар кутқариш имонига аниқ таъриф бериш керак-  
лигини тушунардилар. Уларнинг таъкидлашича, кутқа-  
рувчи имон бир қанча мажбурий элементларни ўз ичига  
олади. У билим, англаган розилик ва ишончдан ташкил  
топган.

Кутқарувчи имон ўз маъносига эга. Биз алланималар-  
га шунчаки ишонишимиз билан кутқарилишга эга бўла  
олмаймиз. Кимдир шундай деган экан: «Нимага ишо-  
нишинг унчалик муҳим эмас, фақат имонинг самимий  
ва мустаҳкам бўлсин». Бундай нуқтаи назар Муқаддас  
Китоб таълимотига мутлақо зиддир. Муқаддас Китоб  
таълимотига мувофиқ, нимага ишонишимиз ниҳоятда му-  
ҳимдир. Биз ўз самимийлигимиз туфайли оқланишга эга  
бўла олмаймиз. Гап самимийликда эмас, чунки самимий-  
ликда ҳам ниҳоятда жиддий янглишиш мумкин. Шундай  
қилиб, кутқарилиш имоннинг энг зарур компоненти —  
бу тўғри таълимотдир, жуда бўлмаганда, Инжилнинг  
асосий ҳақиқатларини тушунишдир. Биз Инжилга, Исо  
Масихга ва Унинг жасоратига эътиқод қиламиз. Бу кут-  
қарувчи имоннинг муҳим таркибидир. Агарда бизнинг  
таълимотимиз ўз моҳиятига кўра хато бўлса, биз кутқа-  
рила олмаймиз. Агар биз Масихга ишонсак, аммо Унинг  
илоҳийлигини рад этсак, унда бизда гуноҳкорни оқлашга  
қодир бўлган имон бўлмайди.

Бироқ кутқарилиш учун Инжил ҳақиқатларини тўғри  
тушунишнинг ўзи кифоя қилмайди. Диний семинария-  
нинг қандайдир талабаси масихийликнинг асосий ақида-  
ларини мукамал ўргатувчи барча фанлар бўйича энг

юксак балларни олиши мумкиндир, аммо шу билан бир вақтда уларнинг ҳаққонийлигини тан олмаслиги мумкин. Қутқарувчи имон Инжил ҳақиқатлари билан бирга англоланган розиликни ҳам ўз ичига олади.

Лекин одамлар ҳатто бу ҳақиқатларни билиб, унга розилик билдирган тақдирда ҳам, барибир улар олдингидай қутқарувчи имонга эга бўла олмайдилар. Инжилнинг ҳақиқат эканини иблис ҳам яхши билади, бироқ у бутун вужуди билан уни ёмон кўради. Қутқарувчи имонда ишонч элементлари мавжуд. Одам Инжил ҳақиқатларига суяниши ва уларнинг кучига итоат қилиши керак. Биз стулнинг етарли даражада мустаҳкам эканлигига ва бизнинг вазнимизни кўтара олишига ишонишимиз мумкин. Бироқ биз стулга ўтириб кўрмагуниimizча, унга бўлган ишончимизни ифодалаб бера олмаймиз.

Ишончга хоҳиш ҳам худди ақл-идрок ишидай зарурдир. Қутқариш имонига эга бўлиш учун Инжил ҳақиқатларини севиш лозим ва уларга асосланиб яшаш учун хоҳиш-истак бўлиши керак. Биз бутун вужудимиз билан Исо Масихнинг гўзаллигини ва қудратини қабул қилишимиз даркор.

Жиддий қилиб айтганда, ишонч тушунчаси англаб етилган ризолик тушунчасига киритилган ёки у билан бирлаштирилган бўлиши лозим. Иблис Инжилнинг айрим ҳақиқатларига розилик билдириши мумкин, аммо уларнинг барини қабул қила олмайди. Айти пайтда инсон Масихни севишга ва Унга эргашишига иблис тоқат қила олмайди. Бироқ биз англаб етилган ризолик ва ишонч тушунчаларини бўлиб ёки қўшиб юборишимиздан қатъий назар, далил далилликча қолаверади. Лютер тирик имон деб атаган қутқарувчи имон Масихга Қутқарувчи ва Раббий сифатида қатъий умид боғлашни талаб қилади.

### *Хулосалар*

1. Қутқарувчи имон болаларча содда бўлади, аммо юзакки эмас.

2. Одам фақатгина имонни тан олиши билан оқланмайди.
3. Қутқарувчи имон Инжил ҳақиқатларини тан олиш ризолигини талаб қилади.
4. Қутқарувчи имон Масихга ва Унга бўлган севгига умид боғлайди.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 18:3;  
Рим. 10:5-13;  
Эф. 2:4-10;  
1 Сал. 2:13;  
Ёқуб. 2:14-26.

## **66-боб**

### **Имон билан оқланиш**

Мартин Лютер оқланишни фақат имон бўйича олиш мумкинлигини айтган. Ислоҳотнинг бу асосий ақидаси Инжил учун жанг майдонига айланди ҳамда ҳанузгача Жамоатнинг муҳокама ва полемикасининг бош мавзуси бўлиб келмоқда.

Оқланиш — бу шундай ҳаракатки, унинг воситасида нопок гуноҳкорлар адолатли ва муқаддас Худо кўзи олдида солиҳ инсонларга айланишади. Гуноҳкорлар ҳаммадан ҳам солиҳликка муҳтож бўлишади. Имонга келган гуноҳкорларнинг айнан шу эҳтиёжларини Масих қондиради. Имон билан оқланиш бизнинг эзгу ишларимиз ёки ижобий ахлоқ-одоби билан эмас, балки солиҳлик ёки Масихнинг хочдаги жасорати билан оқланишни англатади.

Оқланиш борасидаги масала бизни хизматлар ва ҳузур-ҳаловат масаласига олиб келади. Фақат имон орқали оқланишга эга бўлиш учун бизнинг хайрли ишларимиз ҳеч қачон етарлича даражада бўлмайди. Павлус шундай дейди: «Зотан Қонун амрларини бажо қилиш билан ҳеч

кимса Худо олдида ўзини оқлай олмайди. Аксинча, Илоҳий Қонун инсонга ўз гуноҳкорлигини янада аниқроқ кўрсатади» (Рим. 3:20). Оқланиш — бу ҳакамнинг ҳукм чиқариш пайтида қўллайдиган терминидир. Яъни бизни солиҳ деб ҳисоблашади ёки солиҳ деб бизни эълон қилишади, чунки Худо Масиҳнинг солиҳлигини бизнинг зиммамизга юклайди. Бироқ бунинг зарур шарти сифатида бизнинг имонимиз ҳисобланади.

Протестант оқимининг тасдиқлашича, имон оқланишнинг шундай шартлари, унинг воситаси ёрдамида Масиҳнинг хизматлари бизники бўлиб қолади. Католик оқими шунга ўргатадики, оқланишнинг асосий шарти сувда имон келтиришдир, иккинчи, яъни қўшимчаси эса — тавба қилиш сиридир. (Рухий талофотга учраганлар — банда гуноҳини қилиб, оқланиш ҳузур-ҳаловатидан маҳрум бўлганлар учун католик оқими тавбани нажот топишнинг иккинчи воситаси сифатида қарайди.) Католикларда тавба қилиш гуноҳларни ювишни англатади. Яъни гуноҳкор эзгу ишлар қилиши орқали оқланишга муносиб бўлган одамга айланади. Католиклар эса одам фақат имон билан оқланишини қўллаб-қувватламайдилар. Шу билан бир қаторда оқланиш учун хайрли ишлар қилиш зарурлигини ҳам уқтиришади.

Оқлайдиган имон — бу шунчаки мазҳаб эмас, балки жонли имондир. Имон — бу қутқариш ишида фақат Масиҳга таянишга ва умид боғлашга ишончдир. Қутқарувчи имон — бу ҳам Масиҳни ўзининг Қутқарувчиси ва Раббийси деб тан олувчи имондир.

Муқаддас Китобнинг тасдиқлашича, биз хайрли ишларимиз туфайли оқланмаймиз, балки имонимиз шарофати билан тақдим этилган Масиҳ солиҳлиги билан оқланамиз. Бу синтез, яъни бирикишдир. Чунки синтез жараёнида асосий нарсага қандайдир янги нарса қўшилади. Бизнинг оқланишимиз ҳам синтездир, чунки бизга Масиҳнинг солиҳлиги берилади, яъни солиҳлик бизга бирикади. Худо бизга Масиҳ солиҳлигини топшириши туфайли, биз оқланишга эга бўламиз. Бу «ҳукукий уйдирма эмас»,

чунки Худо Масиҳга муяссар бўлган Унинг аниқ хизматларини бизнинг зиммамизга юклайди. Улар ҳақиқатдан ҳам бизнинг зиммамиздадир.

### *Хулосалар*

1. Оқланиш — бу ҳаракатдир. Ушбу ҳаракат туфайли гуноҳкорларга Масиҳнинг солиҳлиги юкланади ва Худо уларни солиҳлар, деб эълон қилади.
2. Ҳеч ким ўз ишлари билан оқланишга сазовор бўлмайди.
3. Имон — Масиҳ хизматларини одамга юклашнинг зарур шarti ҳисобланади.
4. Оқланиш тавба қилишнигина эмас, балки жонли ва самимий имонни талаб қилади.



### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Рим. 3:21-28;  
Рим. 5:12-19;  
2 Кор. 5:16-21;  
Гал. 2:11-21;  
Эф. 2:1-10;  
Флп. 3:7-11.

**Имон ва савоб**

Кўпчилик одамларнинг ўйлашича, улар диёнатли ҳаёт кечиришга интилишади, барча зарур шартларни бажаришади ва Осмон Шоҳлигига умид боғлашади. Улар ўзларининг қилаётган эзгу ишларига таянган ҳолда, Худонинг адолатли талабларини шу йўсинда бажаряпмиз, деб ўйлашади.

Бу — беҳуда умидлардир. Худо қонуни мукамалликни талаб қилади. Мадомики, биз номукамал эканмиз, Осмон Шоҳлигига кириш учун ҳарқанча фазилатли бўлишга ҳаракат қилмайлик, барибир бефойда. Шундай қилиб, биз ўз хатти-ҳаракатларимиз ва диёнатли ҳаётимиз билан ҳам ҳеч қачон мукамалликка эришолмаймиз. Биз бундай мақсадга фақат Масиҳнинг солиҳлигига умид боғлаган ҳолда эришамиз. Масиҳнинг Худо олдидаги хизматлари нақадар мукамалдир, имонимиз туфайли улар бизга насиб қилади.

Савоб ишлар билан оқланишга бўлган умид имонсизлик туфайли бизни ошкора бидъатчиликка, ёки қонунпарастликка олиб келади. Имон самарасини бермайдиган имон билан оқланишга бўлган умид ноқонуний бидъатчиликка олиб келади.

Имон ва савоб ишларни бир-биридан фарқлаш лозим, лекин ажратиб қўймаслик керак. Савобли ишлар Худо кўзи олдида имонимизнинг қимматини оширмайди, оқланишимизнинг биргина шarti фақат Масиҳдаги имонимиз бўлиши мумкин. Бироқ имонга кирганимиздан сўнг эзгу ишлар қилмасак, бу бизни оқлайдиган имоннинг бизда йўқлигининг яққол белгисидир. Ислоҳотчиларнинг таъкидлашларича, «оқланишнинг ягона воситаси имондир, бироқ оқланган одамда биргина унинг ўзи мавжуд эмас»\*.

---

\* Вестминстерлик имон тавбаси. 11-боб, 2-чи пуктининг қисқартирилган варианты. — *Илмий тухаррир изоҳи.*

Оқланиш ҳар доим покланишга олиб келади. Агар биз оқланишни қўлга киритган бўлсак, унинг кетидан покланиш ҳам келади. Агар покланиш юз бермаса, демак, амалда оқланиш ҳам бўлмаган. Бироқ оқланиш — бу покланишга боғлиқ дегани эмас. Оқланиш ҳақиқий имонга боғлиқ, бу ўз навбатида, шубҳасиз фаол итоаткорликка олиб келади.

Ёқуб, амалсиз имон ҳам ўз-ўзидан ўликдир, деб айтганда, у бундай «имон» оқланишга хизмат қилишга қодир эмаслигини, чунки у ўлик имон эканлигини назарда тутган. Жонли имон савобли ишларни келтириб чиқаради, аммо ҳеч қандай савобли иш оқланиш учун асос бўлиб хизмат қилолмайди. Фақатгина Исо Масиҳ хизматлари гуноҳқорга оқланиш бўлиши мумкин.

Исо Масиҳни Раббий сифатида эмас, балки Қутқарувчи деб тан олиб, оқланишни қўлга киритиш мумкинлиги ҳақидаги хато фикр — ноқонуний бидъатчиларнинг ҳозирги замондаги кўринишидир. Ҳақиқий имонли одам Масиҳни ҳам Қутқарувчи, ҳам Раббий сифатида тан олади. Қутқарилишда фақат Масиҳга умид боғлаш батамом Унинг измида бўлишни ва гуноҳларга тавба қилишни англатади. Бу эса ўз навбатида Масиҳ ҳукмига бўйсунгани ҳам англатади. Масиҳнинг ҳукмронлигини ҳаётнинг барча жабҳаларида рад этиш, имонда тавба-тазарруссиз оқланишни топиш истагидан гувоҳлик беради. Аммо бундай имон ўз моҳиятига кўра имон бўла олмайди.

Биз савобли ишларимиз туфайли қутқарилишга сазовор бўлолмаймиз. Лекин агар биз имон билан оқланган бўлсак, у ҳолда бизнинг савобли ишларимиз осмонда бизга берилишга ваъда қилинган мукофотларни олишимизга асос бўлади. Биз фақат имон билан Худонинг Шохлигига кириб борамиз. Ва савобли ишларимизга *асосланиб* самода мукофотга эга бўламиз. Августин айтганидай, бу Парвардигорнинг муруватли инъомларининг тожи бўлади.

## Хулосалар

1. Савобли ишлари билан ҳеч ким оқланиш ололмайди. Биз фақат Исо Масихга бўлган ишончимиз туфайли оқланишимиз мумкин.
2. Имон ва савобли ишларни фарқлай олиш лозим, лекин бирини иккинчисидан ажратиб қўймаслик даркор. Ҳақиқий имон доимо итоаткорликнинг ибратли самарасини олиб келади.
3. Имон оқланишнинг ягона воситасидир, бироқ оқланган одамда фақат унинг ўзигина мавжуд эмас.
4. Ўлик имон гуноҳларни оқлай олмайди.
5. Масихга ишонч Унинг Қутқарувчи эканлигини, *шунингдек*, Унга Раббий сифатида итоат этишни ҳам англатади.
6. Гарчанд биз қилган савоб ишларимизга асосланиб осмонда мукофот олсак ҳам, бу инъомлар бизга мутлақо марҳамат юзасидан берилади.

Савоб = оқланиш Ёлғон

Имон + савоб = оқланиш Ёлғон

Имон = оқланиш — савоб Ёлғон

Имон = оқланиш + савоб Ҳақиқат

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Рим. 3:9-4:8;

Флп. 2:12-13;

Ёқуб. 2:18-24;

2 Бут. 1:5-11;

1 Юҳ. 2:3-6;

1 Юҳ. 4:7-11.

## **68-боб**

### **Тавба-тазарру**

Яҳё пайғамбар ўз хизматини Исонинг даракчиси сифатида қуйидагича даъват билан бошлаган: «Тавба қилинг-

лар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашяпти». Бу даъват барча гуноҳкорларни тавба қилишга чорлаш бўлган. Кимки тавба қилишдан бош тортса, Худо Шоҳлигига кира олмайди. Тавба қилиш — кутқарилишнинг мажбурий шартидир.

Муқаддас Каломга мувофиқ, *тавба-тазарру* «фикрлаш тарзининг ўзгариши»ни англатади. Бундай ўзгариш — бу фикрларни осонликча бошқа мавзуга йўналтириш эмас, балки ҳаёт тарзининг ҳам бутунлай ўзгаришидир. Тавба қилиш, шунингдек, *гуноҳдан* бутунлай юз ўгириб, *Масихга* мурожаат қилишдир.

Тавба қилишни юқоридан туғилиш, ёки руҳан уйғониш сабаби деб ҳисобламаслик керак. Аксинча, у ўзида қайта туғилишнинг натижасини ёки уйғонишнинг самарасини ифодалайди. Гарчанд тавба қилиш юқоридан туғилишдан бошланса-да, у масиҳийни бутун янги ҳаёти давомида кузатиб бориши лозим. Мадомики, биз гуноҳ қилаверар эканмиз, Муқаддас Руҳ бизни ҳар сафар гуноҳимизни фош қилганда, тавба-тазарру қилишга даъват этилаверамиз.

Илоҳиётчилар тавба қилишнинг икки кўриниши хусусидаги фарқни келтиришади. Биринчиси — *юзаки тавба қилиш*, ёки *аттриция*. У жазо олиш ёки кут-баракани йўқотиш кўркувидан пайдо бўлади. Шўхлик ёки айб қилиб, қўлга тушиб қолган бола саваланишидан кўрқиб: «Мен бошқа қилмайман!» деганда, ҳар бир ота-она боласининг қилган тавба-тазаррусига гувоҳ бўлган. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб берилган бундай ваъдани, одатда ҳақиқий тавба-тазарру белгиси деб бўлмайди. Эсовнинг тавбаси шундай бўлган (қаранг: Ибт. 27:30–46). У гуноҳ қилгани учун эмас, балки ўзининг тўнғичлик ҳуқуқини йўқотгани учун афсусланган. Шундай қилиб, юзаки тавба-тазарру — муқаррар жазодан қандайдир йўл билан қочиш истагига асосланган тавба-тазаррудир.

Иккинчиси — *ҳақиқий тавба-тазарру* бўлиб, у Худонинг ҳақоратланганига чуқур афсусланишни англатади. Одам ўз хатти-ҳаракатларига изоҳ беришга ёки оқла-

ниш топишга уринмасдан, чинакам тавба қилиш билан ўз гуноҳларини эътироф этади. Гуноҳларни бундай тан олиш — етказилган зиённинг ўрнини бутлаш, шунингдек, гуноҳдан тамомила юз ўгиришга қатъий қарор қилиш истаги билан кузатилади. Довуд ўзининг Забурида тавба руҳини қуйидаги сатрларда намоён қилган:

Эй Худо, менда пок юракни яратгин,  
Ичимда янги, собит руҳни бунёд этгин.

< ... >

Худога маъкул бўладиган қурбонлик — бузилган кўнгилдир.  
Бузилган, эзилган кўнгилни Сен хорламассан, эй Худо.

*Заб. 50:12, 19*

Чин дилдан тавба-тазарру қилиб Худога мурожаат этганимизда, Худо бизни кечирешини ва бизнинг муносабатларимизни Ўзи орқали тиклашини ваъда қилади: «Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзида содиқ ва адолатлидир» (1 Юх. 1:9).

### *Хулосалар*

1. Тавба қилиш — қутқарилишнинг мажбурий шартидир.
2. Тавба қилиш ўзида қайта туғилишнинг натижасини ёки самарасини намоён қилади.
3. Юзаки тавба — жазодан қўрқишдан келиб чиқади.
4. Ҳақиқий тавба — самимий афсусланишдан келиб чиқади.
5. Ҳақиқий тавба гуноҳларга тўлиқ иқрор бўлишни, етказилган зарарни қоплашни ва гуноҳлардан юз ўгиришга қарор қилишни ўз ичига олади.
6. Худо кечиримни ва кимки қилган гуноҳларини самимий эътироф этса, уларнинг ҳаммасига йўқотганларининг барини қайтаришга ваъда беради.

## **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Ҳзқ. 18:30-32;

Лк. 24:46-47;

Ҳавор. 20:17-21;

Рим. 2:4;

2 Кор. 7:8-12.

## **69-боб**

### **Хизматлар ва марҳамат**

Хизмат ва марҳамат масаласи католиклар билан протестантлар ўртасидаги мунозараларда, баҳсларда марказий ўринни эгаллайди. Ислоҳотчиларнинг асосий тасдиғи *sola gratia* бўлди, бу — қутқарилиш фақат Худонинг марҳамати орқали берилади, деганидир. Имонлилар Худонинг ҳукмига ўзлари сазовор бўлган мукофотларни тақдим этолмайдилар, лекин Парвардигорнинг ҳузур-ҳаловатига ва марҳаматига умид боғласалар бўлади.

Хизматлар — бу юксак баҳога ёки шуҳрат қозонишга сазовор бўлишдир. Агар кўрсатилган хизмат ҳақиқатдан ҳам юқори даражада бўлса, албатта уни тақдирлаш адолат талабидир. Инсон ўз қадр-қимматининг ҳурматланиши ҳуқуқига эгадир. Агар хизматлари тан олинмаса, демак, адолатсизликка йўл қўйилган бўлади.

Католик илоҳиётчилар хизматнинг уч турини ажратиб кўрсатади. Биринчидан, бу албатта тақдирланиши керак бўлган *объектив* хизматлар. Улар шу қадар катта аҳамиятлики, бу ҳислатларга эга бўлган зотларни албатта тақдирлаш зарур. Шунингдек, *муносиб* хизматлар мавжуд бўлиб, уларни объектив хизматлар билан тенглаштириб бўлмайди. Тенглаштириб бўлмаса-да, улар шунинг учун ҳам «муносиб» хизматлар дейиладики, уларни Худо тан олиб, эгаларини муносиб даражада тақдирлайди. Муносиб хизматлар — бу савоб ишларнинг тавба қилиш билан

уйгунлигидир. Хизматнинг учинчи тури — бу *баракали* хизматлардир. Бу турдаги одамлар мажбуриятига қараганда, қуч-қудратига кўра бошқалардан ортиқроқ хизмат қилишга қодир инсонлардир. Бу авлиёларнинг хизматларидир. Бундай хизматлар умумий хизмат хазинасига қўшилади. Баъзи одамларнинг мункар нақирдан Арши Алога ўтишга ўз шахсий савоб ишлари камлик қилганда, Жамоат уларга ёрдам бериш учун ўша умумий хизмат хазинасидан фойдаланади.

Протестант илоҳиётчилар юқорида қайд этилган хизматнинг уч туридан биронтасини ҳам тан олишмайди. Уларнинг таъкидлашича, имонлилар фақат Исо Масиҳнинг хизматига таянадилар ва Унинг марҳамати имон-этиқод орқали бизга ўтади. Марҳамат — бу Худонинг *асоссиз* мурувватидир. Бу Худонинг бизга нисбатан рағбати ёки Унинг ҳаракатидир. Марҳамат — бу бизнинг қалбларимиздан ўрин оладиган руҳ эмас. Бизнинг марҳаматда ўсиб боришимиз танамизда мавжуд бўлган аллақандай руҳнинг сонини кўпайтириш орқали юз бермайди. Балки бизда яшаётган ва марҳаматли ҳаракат қилаётган Муқаддас Руҳнинг мурувати туфайли камол топамиз. Худонинг марҳамати Калом билан бир қаторда, Жамоатнинг сирлиги, ибодати, мулоқоти ва ғамхўрлиги билан бизга ёрдам бермоқда.

### **Хулосалар**

1. Қутқарилиш фақат Худонинг марҳамати, *sola gratia* орқали берилади.
2. Бизни қутқаришга Худони мажбур қилувчи хизматларимиз йўқ.
3. Католик илоҳиётчилар хизматларни уч турга бўлишади: *объектив*, *муносиб* ва *баракали*. Протестант оқими эса учала хизмат турини ҳам инкор этади.
4. Марҳамат — бу Худонинг бизга нисбатан *асоссиз* инояти ёки мурувватидир.

## ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Юҳ. 15:1-8;  
Рим. 4:1-8;  
Рим. 5:1-5;  
2 Кор. 5:17-19;  
Эф. 2:8-9;  
Тит. 3:4-7.

## **70-боб**

### **Азизларнинг имондан қайтмаслиги**

Кўпчилигимиз Масихга имон келтирган, Жамоат ҳаётида ва хизматида фаол қатнашган, бироқ кейинчалик имондан юз ўгириб, муртадларга айланган одамларни яхши биламиз. Бунаё ҳолатда беихтиёр қуйидагича савол туғилади: нажот топган одам вақт ўтиб имонини йўқотиши мумкинми? Имонли одам муртадга айланиши мумкинми?

Рим-католик жамоатининг таълимотига мувофиқ, одамлар имонни йўқотиши мумкин ва уни қўлдан чиқаряптилар ҳам. Агар одам бандалик гуноҳини бажо келтирса, бу ҳолда унинг қалбида яшаётган оқланиш имонини ҳам гумдон қилади. Мабодо инсон тавба-газарру қилиб, яна имонга эга бўлмай туриб ўлса, ундай ҳолда тўғри у дўзахга жўнайди.

Протестантларнинг кўпчилиги ҳам имонни йўқотиш мумкинлиги ҳақида айтадилар. Муқаддас Китобнинг баъзи парчаларига (қаранг: Ибр. 6; 1 Кор. 9:27, Павлуснинг «ярамас бўлиб қолмайин» деган сўзларига эътибор беринг; шунингдек, шоҳ Шоулнинг намунаси ва бошқалар) асосланиб, протестантлар имондан тўлиқ айирилиб қолиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бошқа томондан, ислоҳотга асосланган илоҳиётда азизларнинг имондан қайтмаслиги ҳақидаги таълимот мавжуд. Бу таълимот «абადий беҳатарлик» деб ҳам номланади. Ушбу таълимотнинг моҳияти шундан иборатки, агар сизнинг нажот

имонингиз бўлса, сиз уни ҳеч қачон йўқотмайсиз. Мабодо имондан айрилган бўлсангиз, демак, у сизда ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Юҳанно шундай ёзади: «Улар ўзимизнинг орамиздан чиқдилар, лекин улар бизга қарашли эмас. Агар бизга қарашли бўлганларида эди, биз билан қолган бўлар эдилар. Улар биздан айрилиб кетдилар, маълум бўлдики, ҳаммаси ҳам бизга қарашли эмас» (1 Юҳ. 2:19).

Биз шуни ҳам биламизки, баъзи одамларни масиҳийликдаги маълум бир жиҳат ўзига жалб этади, аммо амалда эса улар Исо Масиҳнинг ҳукмронлигини тан олмайдилар ва Унга тўлиқ итоат этолмайдилар. Ёш йигит-қизларни турли-туман ёшлар дастурлари ва тенгдошлари билан мулоқот ўзига тортиши мумкин. Одам ҳеч қачон Масиҳга мурожаат этмаслиги мумкин, лекин Жамоат дастурларига «этиборини» қаратади. Бундай одамлар ҳақида ҳаммага маълум ва машҳур уруғ сепувчи ҳақидаги масалда фикр юритилади:

«Уруғ сепувчи ўз уругини сепиш учун чиқибди. Сепаетганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушиб, поймол бўлибди. Осмондаги қушлар келиб, уруғларни чўқиб кетибди. Баъзи уруғлар тошлоқ ерга тушибди. Уруғлар кўкариб чиқибдию, лекин тупроқ намсиз бўлгани учун қуриб қолибди. Яна бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди. Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди. Яна баъзи уруғлар яхши ерга тушибди. Улар кўкариб чиқиб, юз марта кўп ҳосил берибди.» Исо буларни айтиб бўлиб: «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!» — деб хитоб қилди.

*Лк. 8:5-8*

Бу масал Хушхабарни эшитган ва уни қабул қилган, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай имонни йўқотган, ёки Каломни севинч билан қабул қилиб, лекин ислоҳотчи илоҳиётчининг тасдиқлашича, имони сохта бўлиб чиққан одамларга тегишлидир. Фақатгина яхши ерга тушган уруғ чидам билан ҳосил беради. Исонинг айтишича, бундай одамлар «...каломни яхши, соф юракда сақлайдилар»

(Лк. 8:15). Уларнинг имони ҳақиқий қайта туғилган юракдан келиб чиқади.

Азизларнинг имондан қайтмаслиги ҳақидаги таълимот, агар биз юқоридан туғилмаган бўлсак, бизга ёд бўлган охиригача бардош бериш қобилиятига асосланган. Тўғрироғи, у бизни Худонинг ҳузур-ҳаловатида асрашга асосланган. Павлус Филиппиликларга Мактубида шундай ёзган: «Худо сизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масихнинг келадиган кунигача тамом қилишига аминман» (Флп. 1:6). Масихийлар иноятда, фақат иноятда бардош бериб тура оладилар. Худо Ўзи бошлаган хайрли ишини поёнига етказди. Бизни танлаш борасидаги Унинг ниятлари албатта амалга ошишига У бизни ишонтиради.

Ҳаворий Павлуснинг Римликларга ёзган Мактубидаги ушбу сатрлар ана шундан далолат беради: «Худо азалдан бегилаган кишиларни даъват ҳам этди, даъват этган кишиларни эса оқлади, оқлаган кишиларни эса улуғликка ҳам сазовор қилди» (Рим. 8:30). Сўнгра Павлус шундай ишонтиради: «...на баландликлар ва на чуқурликлар ҳамда на яратилган бошқа бирон мавжудот Раббимиз Исо Масих шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас» (Рим. 8:39).

Биз чиндан ҳам ўз нажот топишимизга шубҳа қилмаслигимиз керак, чунки у — Раббимиздан, биз эса — Унинг ижодимиз. У бошлаганини тугатишга гаров сифатида ҳар бир имонлига Муқаддас Рухни беради. Шунингдек, У ҳар бир имонлида Муқаддас Рухни гавдалантиради. Биз Унинг ювилмас тамғаси билан белгиланганмиз ва бизнинг нажот топишимиз ниҳоясига етказилишига бизга кафолат берилган.

Нажот топишга ишончимизнинг сўнги асоси шундан иборатки, Исо Масих Олийруҳоний сифатида бизга воситачилик қилади. Худди шунингдек, Исо Бутруснинг имони қашшоқланмаслиги учун ибодат қилгани сингари (эътибор беринг, У Яхудо учун ибодат қилмади), биз қоқилиб, йиқилганимизда У бизнинг имонимиз мустаҳкамланиши

учун ибодат қилади. Биз маълум бир вақтга имонда суса-йишимиз мумкин, лекин ҳеч қачон ундан воз кечмаймиз. Исо қолдираётган шогирдлари учун шундай ибодат қилган: «Мен улар билан бўлганимда, Сенинг номинг билан уларни асрар эдим. Ҳа, Менга берган одамларнинг ҳаммасини омон сақладим. Фақат оят бажо бўлсин деб, пешанасига ҳалокат ёзилган одамдан бошқа улардан ҳеч ким ҳалок бўлмади» (Юҳ. 17:12). Масиҳнинг шогирдларидан фақат Яхудо ҳалок бўлган, чунки у бошиданок ҳалокат ўғли бўлган ва унинг имон-эйтиқоди сохта эди. Ҳеч ким Исонинг ҳақиқий шогирдларини Унинг қўлидан тортиб ололмайди (қаранг: Юҳ. 10:27-30).

### *Хулосалар*

1. Кўпчилик одамлар Масиҳга бўлган имон ҳақида гапиришади-ю, лекин кейинчалик Ундан юз ўгиришади.
2. Азизларнинг имондан қайтмаслиги Худонинг уларни сақлаши ҳақидаги ваъдасига асосланган.
3. Худо Ўз танлаганларининг нажот ишини Ўзи яқунлайди.
4. Имондан воз кечган одамлар ҳеч қачон ҳақиқий имонлилар бўлишмаган.
5. Биз нажотимизга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, чунки Муқаддас Рух орқали белгиланганмиз. Қутқарилишимиз ниҳоясига етказилиши учун Худонинг гарови сифатида У бизга берилган.
6. Биз барча синовларга дош бера олишимиз учун Масиҳнинг Ўзи воситачилик қилади.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 6:35-40;  
Рим. 8:31-39;  
Флп. 1:6;  
2 Тим. 2:14-19;  
Ибр. 9:11-15.

### Нажотга ишонч

Сиз нажот топганингизга ишонасизми? Баъзилар бундай ишончни ўта манманликнинг аломати, деб ҳисоблашади. Шундай бўлса-да, Муқаддас Китоб бизни нажот топганимизга шубҳаланмасликка даъват этади. Масалан, Бутрус бизга куйидагиларни буюради: «Шунинг учун, эй биродарлар, Худо сизларни танлаганини ва даъват этганини билиб, бунга муносиб бўлмоқ учун яна астойдил ҳаракат қилинглр. Бу йўлни тутсангиз, ҳеч вақт қоқинмайсизлар» (2 Бут. 1:10).

Шундай қилиб, биз нажот топганлигимиз ишончига эга бўлиш учун интилишга мажбурмиз. Буни кўнглимизнинг эрмаги учун эмас, балки имонимиз мустаҳкамланиши учун қилишимиз керак. Нажот топганлигига шубҳаланаётган масиҳийлар доимо Масиҳда ханузгача ўсишларига халақит бераётган турлича саволлар қийноғида яшаб келмоқдалар. Бу шубҳа-гумонлар уларни қоқилишга мажбур қилади, натижада улар шайтон ҳужумларига ҳимоясиз бўлиб қолишади. Шунинг учун ҳам биз нажот топганимизга комил ишонч ҳосил қилишимиз лозим. Одамлар мумкин қадар нажот топишга муносабатлари бўйича тўрт тоифага бўлинадилар.

*Биринчи тоифа.* Бу нажот топмаган ва бундан хабардор одамлардир. Ушбу тоифадаги одамларнинг юраклари Худога қаршилигини ўзлари тушунишади ва Масиҳ-Қутқарувчи билан ҳеч қандай муносабатда бўлишни онгли равишда хоҳлашмайди. Уларга Масиҳ керак эмаслигини улар очик-ойдин айтадилар. Одатда улар Инжилга нисбатан ҳам адоватларини ошкора намоиш қилишади.

*Иккинчи тоифа.* Бу тоифага нажот топганлар, аммо нажот топганларига ишонмайдиганлар киради. Аслида улар иноятга эгадирлар, бироқ буни билишмайди. Эҳтимол, улар қандайдир гуноҳлар билан курашаётган бўлишлари ҳам мумкин, аммо виждон уларни безовта қилиб,

қийнаётгани учун улар нажот топганликларидан шубҳаланадилар. Бу гуруҳга Худо томонидан танланганлигига ишонмайдиганлар ҳам киради.

*Учинчи тоифа.* Бу гуруҳни нажот топганлигини билувчи одамлар ташкил қилади. Улар ўзларининг танланганига ва даъват этилганликларига ишончлари комилдир. Улар нажот топиш учун нималар кераклиги ҳақида, қолаверса, мана шу барча талабларни бажаришда ҳам аниқ ва равшан тушунчага эгадирлар. Улар Худо фарзандлари эканликлари ҳақидаги Муқаддас Рухнинг гувоҳлигига ишонишади (қаранг: Рим. 8:16).

*Тўртинчи тоифа.* Бу нажот топмаган, лекин нажот топишларига ниҳоятда ишонган одамлардир. Улар ҳали нажот топмасалар ҳам, нажот топишга ишончлари комил одамлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг ишончлари сохтадир.

Мадомики, нажот топишда ўз умидларимизга алданиб қолиш эҳтимоли мавжуд экан, юқорида белгиланган тоифаларнинг қайси бирига тегишли эканлигимизни қандай билишимиз мумкин? Бунинг учун тўртинчи тоифага эътибор беришингиз ва нажот топишингизга нисбатан қандай қилиб янглишиш мумкинлигини тушунишингиз керак.

Сиз нажот топиш ҳақидаги сохта ақидага ишонган пайтингизда, ўз орзу-умидларингизда алданиб қолишингиз жуда осон бўлади. Мисол учун, агар одам универсалистларнинг нуқтаи назарига кўшилса, бунда у қуйидагича фикр юритади:

Ҳамма одамлар қутқарилган.

Мен инсонман.

Демак, мен ҳам қутқарилганман.

Мадомики, бу таълимот сохта экан, бундай одамларнинг ишончи пухта асосга эга эмас.

Нажотга амин бўлишнинг бошқа хато асоси — ердаги диёнатли ҳаёт натижасида осмонга кўтарилиш имкония-

тига ишонч бўлиши мумкин. Ўзларининг ибратли ҳаётлари билан муқаддас Худонинг талабларини қондириш мумкин, деб ўйлаган одамлар нажот топишга умидвор бўлишлари билан ўзларини алдашади.

Бироқ нажот ҳақидаги тасаввур тўғри бўлса-чи? Бу борада ўзингизга нисбатан адашишингиз мумкинми? Афсуски, ҳа. Одам қутқарилиш имонига эгаман, деб ўйлаши мумкин, аслида эса бу ундай эмас. Ишончимиз етарлича асосга эга эканлигини қуйидагича синаб кўриш мумкин. Биринчидан, Масихга ҳақиқатдан ҳам ишончга эга эканлигимизга амин бўлишимиз учун, биз ўз юрагимизни тадқиқ қилишимиз керак. Биз Муқаддас Китобдаги Масихни чин дилдан самимий севишимизга ишонч ҳосил қилишимиз даркор. Зеро, бизнинг англашимизча, юқоридан туғилмаган одам Унга нисбатан бундай севгани ҳис қилмайди.

Иккинчидан, имонимиз самара келтиришига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Эҳтимол, мўл-кўл самара келишини кутиш керак эмасдир, аммо ҳақиқий имонли одамда албатта итоаткорлик самараси бўлади. Агар бундай самара бўлмаса, демак имон ҳам йўқдир. Қутқарувчи имон бор жойда, албатта имон самараси ҳам бўлади.

Ва ниҳоят, ўз ишончимизга исботни Худонинг Каломида излашимиз керак. Муқаддас Рух Калом орқали биз Худо болалари эканлигимиз тўғрисида руҳимизга гувоҳлик беради.

### *Хулосалар*

1. Бизнинг бурчимиз ва вазифамиз — ўз нажотимизга ишонч ҳосил қилишга интилишдир.
2. Нажотга ишонч покланишга имкон беради.
3. Одамлар ўзларича нажот топишларига муносабатлари бўйича тўрт тоифага бўлинишади:
  - а) нажот топмаганлар ва бундан хабардорлар;
  - б) нажот топганлар, аммо бунга гумонсировчилар;
  - в) нажот топганлар ва нажот топганига ишонганлар;

- г) нажот топмаганлар, аммо нажот топишга ишонганлар.
4. Сохта ишонч, қоидага кўра, нажот топиш ҳақидаги сохта ақидага асосланган.
  5. Ҳақиқий ишончга эга бўлиш учун биз ўз юрагимизни тадқиқ қилишимиз ва унда имон самараси борлигига амин бўлишимиз керак.
  6. Тўла ишонч Худонинг Каломи билан биргаликда Муқаддас Рухнинг гувоҳлигида келади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мат. 7:21-23;

Юҳ. 3:1-21;

Рим. 8:15-17;

2 Кор. 1:12;

1 Юҳ. 2:3-6;

1 Юҳ. 5:13.

## **72-боб**

### **Оралик ҳолат**

«...У ўлган эмас, фақат ухлаб ётибди» (Лк. 8:52). Шундай деди Исо Яирнинг қизи ҳақида ўликдан тирилишидан олдин. Муқаддас Китобда кўпинча ўлим «уйқу» образида айтилади. Мана шу сабабга кўра, баъзи олимлар Янги Аҳд ўзида қалб уйқуси ҳақидаги таълимотни акс эттиради, деган хулосага келишган.

Қалб уйқуси деб айтилганда, одатда қалб ҳаётининг ўлимдан кейинги, то бизнинг танамиз қайта туғилгунга қадар ораликдаги вақт назарда тутилади. Имонлиларнинг танаси қайта тирилганда, уларнинг қалблари осмондаги янги ҳаётни онгли равишда бошлаш учун уйқудан туради. Ўлим билан сўнгги тирилиш ўртасида асрлар ўтиши мумкин, бироқ «уйқудаги» қалб вақт ўтишини сезмайди.

Шунинг учун ўлимдан осмонга бизнинг кўтарилишимиз бир лаҳзалик бўлиб кўринади.

Ортодоксал масиҳийликда қалб уйқуси ҳақидаги таълимот мавжуд эмас. Лекин масиҳийлар орасида унга эргушувчилар оз бўлса-да, лекин топилади. Қалбнинг оралиқ ҳолати тўғрисида гапириш анъанага айланган. Қалбнинг оралиқ таълимотига мувофиқ, имонлининг жони ўлим пайтида дарҳол Масиҳга кўтарилади ва то ўз танаси бутунлай қайта тирилгунча онгли равишда қувончли ҳаётдан роҳатланаверади. «Тананинг тирилиши» Ҳаворийларнинг эътиқоди рамзида Масиҳ танасининг тирилишини эмас (рамзда ҳам тасдиқланишича), балки Ҳукм кунида бизнинг таналаримизнинг тирилишини назарда тутлади.

Бироқ ўлим ва тирилиш оралиғидаги вақтда нима содир бўлади? Классик нуқтаи назарга мувофиқ, ўлим пайтида имонлиларнинг руҳи дарҳол улуғланар экан. Улар камолга эришадилар ва шу лаҳзадаёқ Худонинг Шоҳлиғига кириб боришади. Аммо имонлиларнинг танаси бутунлай тирилишни кутиб қабрда қолади.

Исо ёнидаги михланган жиноятчига шундай деди: «Сенга чиндан айтаманки, бугуннинг ўзида сен мен билан бирга жаннатда бўласан» (Лк. 23:43). Қалбнинг уйқуси ҳақидаги таълимотга ишонувчиларнинг таъкидлашича, Исо ўша куннинг ўзидаёқ жиноятчини жаннатда учрата олмас эди, чунки У уч кун давомида ўлик ҳолатида ётади ва шундан сўнггина Арши Аълога кўтарилади. Бироқ Масиҳ ҳақиқатдан ҳам ҳали Арши Аълога кўтарилмаганига қарамай, Унинг танаси қабрда эди, фақат У ўз руҳини Отасига топширди. Исо ўлган пайтида Унинг руҳи, Ўзи айтиб ўтганидек, жаннатга кўтарилганлиғига бизнинг ишончимиз комил. Қалб уйқуси таълимотининг тарафдорлари Муқаддас Китоб матнида битта вергул ўз жойида эмаслигини таъкидлашади. Улар юқорида келтирилган оятни қуйидагича ўқишади: «Сенга бугуннинг ўзида, чиндан айтаманки, сен Мен билан бирга жаннатда бўласан».

Вергулнинг кўчирилиши «бугуннинг ўзида» сўзлари Исо ва жинойтчининг жаннатдаги учрашувини эмас, балки уларнинг гаплашган пайтини тушуниш имконини беради. Бироқ тиниш белгисининг бундай ҳолати ниҳоятда шубҳалидир. Жинойтчи Исо қайси куни у билан гаплашаётганини жуда яхши биларди. Масиҳ «бугун» сўзини таъкидлашига умуман ҳожат йўқ эди. Хочга михланиб, ҳар бир нафас олганда чидаб бўлмас даражада азоб-уқубат чекаётган одамнинг ортиқча гап айтиши даргумондир. Тўғрироғи, Муқаддас Китобнинг оралиқ ҳолат ҳақидаги бошқа гувоҳликларига мувофиқ (қаранг: жумладан, Флп. 1:19-26 ва 2 Кор. 5:1-10), Исо жинойтчига ўша куни жаннатда учрашишни ваъда қилган.

Бизнинг ҳолатимиз ҳозиргига нисбатан ўлганимиздан кейин яхшироқ бўлади. Аммо бутунлай қайта туғилгандагичалик даражада рағбатли бўлмайди. Оралиқ ҳолатда биз Масиҳ ҳузурида анланган фароғатли ҳаёт кечиришдан лаззатланаверамиз.

Инсонни синаш ўлим билан якун топади. Бироқ унинг сўнгги қисмати ўлимигача ҳал этилган бўлади. Ўлгандан кейин тавба-тазарру қилишга имконият бўлмайди. Шунингдек, қисматни ўзгартириш мумкин бўлган поклаш жойи самода мавжуд эмас. Имонли учун ўлим — фоний ҳаёт қийинчиликларидан ва васвасаларидан зудлик билан қутулиш демакдир. Чунки у янги, бахтли ҳаётга кириб боради.

Гарчи ўлим қалбга тинчлик олиб келса ва Муқаддас Китоб кўпинча инсон ўлимини уйқу деб атаса ҳам, қалбнинг оралиқ ҳолатини унинг уйқуси ёки батамом қайта тирилишини кутишдаги онгсиз мавжудлиги деб ҳисоблаб бўлмайди.

### *Хулосалар*

1. Қалбнинг уйқусини қалбнинг бехушлик ҳолати, деб тушуниш керак. Чунки ўлим ва бутунлай қайта тирилиш орасидаги вақтда ҳаёт тўхтаб қолади. Бундай

фикр тарафдорлари ортодоксал масихийлик таълимоти-  
тидан чекинишади.

2. Оралиқ ҳолат — бу бизнинг танасиз қалбларимиз Арши Аълода Исо билан бирга бўлган, ўлим ва таналаримизнинг қайта тирилиши ўртасидаги пайтдир.
3. Оралиқ ҳолат — бизнинг ҳозирги ҳолатимиздан аъло-роқдир, лекин мангулик келажагимиздагичалик гўзал эмас.
4. Ўлгандан сўнг тавба-тазарру қилишнинг имконияти бўлмайди.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Лк. 8:49-56;

Лк. 23:43;

2 Кор. 5:1-10;

Флп. 1:19-26;

1 Салон. 4:13-18.

## **73-боб**

### **Багамом тирилиш**

Ҳар бир масихийни Арши Аълода қандай бўлиши масаласи ўйлантиради. Биз яхши кўрган одамларимизни, дўсту биродарларимизни таний оламизмикан? Қайта тирилган таналаримиз қандай бўлар экан, қарими ёки ёшми?

Бу саволларнинг кўпчилиги бизга сирлилигича қолади. Муқаддас Китобда бу саволга жавобнинг фақат имо-ишоралари бор, холос. Қайта тирилганимиздан кейинги ҳолатимиз қандай бўлишидан қатъий назар, у бизнинг барча орзу-умидларимиздан ҳам устунроқ бўлишини биз биламиз. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган, инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳаё қилган» (1 Кор. 2:9). Павлуснинг айтишича: «Шу сингари, биз ҳозир гўё хира ойнага қарагандек кўряпмиз, лекин у вақтда

юзма-юз кўражакмиз. Ҳозир мен қисман биляпман, лекин у вақтда ўзим билинганим каби билажакман» (1 Кор. 13:12).

Муқаддас Китоб бизга азизларнинг таналари тўла-тўкис қайта тирилишини эслатади. Марҳумлардан биринчи бўлиб қайта тирилган Исо Масихдир. Кейинчалик қолган марҳумлар ҳам қайта тирилиш иштирокчилари бўлишади.

Ўлаётган одамнинг фоний бадани ва бизга бериладиган қайта тирилган танаси ўртасида маълум бир ворислик алоқаси мавжуд. Ўлгандан сўнг бизнинг танамиз чиришга маҳкум. Ёки баъзида юз берганидек, бахтсиз ҳодисалар натижасида тана тилка-пора бўлади ёки йўқ бўлиб кетади. Тана сифат жиҳатидан ўзгариши мумкин, лекин ўз хусусиятларидан маҳрум бўлмайди.

Қайта тирилган ҳар бир тана турли жиҳатдан мукамал бўлади. Биз ҳеч нарса йўқотмаймиз, лекин кўп нарсага эга бўламиз. Таналаримиз ўзгарганига қарамай, бизни таниб олиш осон бўлади. Худо буларни қандай амалга оширишини биз ҳозирча билмаймиз, аммо шундай бўлишини шунчаки биламиз, холос.

Бизнинг янги таналаримиз Худо Шоҳлигидаги ҳаёт шароитига ажойиб тарзда мослашган бўлади. Ҳозирда биз эга бўлган таналаримиз янги ҳаётга мутлақо ярамайди. Худо Ўз кучи билан зарур бўлган ўзгаришларни амалга оширади. Бизнинг қайта тирилган таналаримиз олдингидай инсон қиёфасида бўлишини биламиз. Биз худоларга айланиб қолмаймиз. Аммо бизнинг янги таналаримиз чиришга, касалликларга, ғам-ғуссага ёки ўлимга дучор бўлмайди. Уларда Худонинг куч-қудрати, шони ва шуҳрати акс этиб туради. Улар Масихнинг улуғвор танасига ўхшаш бўлади.

Солиҳнинг янги танаси руҳий ва самовий тана бўлади. У янги ҳаёт шароитига мос бўлади. Эҳтимол, у ҳам Исонинг ўзгараётган пайтидаги Унинг танаси сингари нур сочиб, порлаб турса ажаб эмас.

## **Хулосалар**

1. Тирилгандан кейин бизнинг таналаримиз қандай бўлишини биз аниқ билмаймиз.
2. Бизнинг ҳозирги фоний баданларимиз ва қайта тирилган таналаримиз ўртасида маълум бир ворислик алоқаси мавжуд.
3. Биз Арши Аълода бир-биримизни таниб олишимиз мумкин.
4. Бизнинг янги баданимиз Арши Аълодаги ҳаётга мослашган бўлади.

## **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Рим. 8:11;  
1 Кор. 2:9;  
1 Кор. 15:1-58;  
Флп. 3:20-21;  
1 Салон. 4:13-18.

## **74-боб**

### **Улуғлаш**

Коллежда бутун команда билан баскетбол бўйича ўтказиладиган чемпионат олдидан мураббийимизнинг насихатларини тинглаган даврларим эсимга тушиб кетди. Бизни ғалабага руҳлантириш мақсадида у шундай деган: «Болалар, ўтган вақт мобайнида айнан мана шу лаҳзаларга тайёргарлик кўрдик. Энди боринглар ва ўзларингизни шон-шуҳратга бурканглар!» Биз худди шундай қилдик ҳам. Бу мусобақада биз ғолиб чиқдик ва шон-шарафга сазовор бўлдик. Аммо бундай шон-шуҳрат — ўткинчи ҳодисадир. Ҳар бир янги спорт мавсуми ва янги ўйинлар билан яна бошқатдан ғалаба учун кураш бошланади.

Бироқ бошқа, ҳақиқий ва буюк шон-шуҳрат ҳам мавжуд. Ушбу сўнмас шон-шуҳрат чуқур қониқиш келти-

ришга қодир. У ҳар бир солиҳни унинг руҳий саёҳати поёнида кутади. Муқаддас Китоб буни «улуғлаш» деб атайди. Улуғлаш — бу гуноҳни ювиш «олтин занжири» нинг сўнгги халқасидир. Бу ҳақда ҳаворий Павлус мана нималар деган:

Худо азалдан билган кишиларни Ўз Ўғлининг сурати-га айлантириш учун белгилади, токи Ўғил кўп биродарлар орасида Тўнгич бўлсин. Худо азалдан белгилаган кишиларни даъват ҳам этди, даъват этган кишиларни эса оқлади, оқлаган кишиларни эса улуғликка ҳам сазовор қилди.

*Рим. 8:29-30*

Улуғлаш ҳақидаги таълимот шу ҳақда гапирадики, Масиҳнинг Иккинчи бор келиши билан ҳақиқий имонлилар — яшаётганлар ҳам, марҳумлар ҳам ўз таналарининг тўлиқ ва тўла-тўқис гуноҳларини ювиб, комилликка эришадилар. Танлаб олинганларни қутқариш ниҳоясига етказилади. Павлус Коринф жамоатига ёзгани сингари: «Бу ўтқинчи баданимиз чиримайдиган, бу ўладиган вужудимиз ўлмайдиган вужудга бурканиши керак» (1 Кор. 15:53). Сўнгги душман ҳисобланмиш ўлимни ниҳоят «ғалаба ютиб юборади». Улуғлаш жараёни ўзининг поёнига етади.

Шундай қилиб, улуғлаш — бу ҳар бир имонлининг келажакка бўлган буюк умидидир. Худо барини тўғрилайди ва абадиятда ҳаммаси тўғри ва адолатли бўлади. Бироқ улуғлаш бизнинг заминий ҳаётимизда ҳам биз учун юпанч бўлади. Бу тубанлашган ва иллатли дунёда гуноҳ билан мурасасиз кураш олиб борилади. Худо ҳозир ҳам Ўзининг солиҳларини келгуси шон-шуҳратга ҳозирлаш ниятида поклаётган бир пайтда, биз тасалли топамиз. Имонли маълум бир маънода улуғланган, Муқаддас Рух билан муҳрланган ва ҳар доимо Худо фарзанди бўлиб қолаверади.

## *Хулосалар*

1. Улуғлаш — бизни кутқарилишга олиб борувчи йўлимизнинг сўнгги марраси.
2. Улуғлаш имонлиларнинг муқаддаслаштириш жараёнини поёнига етказди.
3. Бўлғуси шон-шуҳратнинг ваъдаси заминий ҳаётимизда бизга тасалли ва кўтаринки руҳ беради.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 17:13-23;

Рим. 8:29-30;

1 Кор. 15:50-54;

2 Кор. 3:18.

САККИЗИНЧИ  
ҚИСМ



**Ж**АМОАТ  
ВА МАРОСИМЛАР

## 75-боб

### Ҳаворийлар

Модомики Масиҳнинг ўн икки шогирди кейинчалик Унинг ҳаворийлари бўлишган экан, одамлар кўпинча *ҳаворий* ва *шогирд* — бу икки тушунчани (терминни) адаштириб юборишади. Гарчанд улар алмашувчан бўлса-да, бироқ уларни мутлақ маънодош (синоним) сўзлар деб бўлмайди. Муқаддас Китобда шогирд деб Исонинг таълимотига амал қилишга рози бўлган «издош» аталган. Барча ҳаворийлар Исонинг шогирдлари бўлишган, лекин ҳар бир шогирд ҳам ҳаворий бўла олмаган.

Янги Аҳд Жамоатида ҳаворий махсус вазифани бажарган. *Ҳаворий* «элчи» (вакил) маъносини англатади. Аммо ҳаворийлар шунчаки элчилар бўлишган, деб айтиб бўлмайди. Исо Масиҳнинг ҳаворийларига уларни Юборганининг номидан гапириш ва ифодалаш ҳуқуқи берилган. Янги Аҳддаги Бош Ҳаворий — Исо Масиҳнинг Ўзи. Уни Отаси юборган ва Отаси Унга берган ҳуқуқ орқали Исо гапирган. Исони рад этиш — бу Уни юборган Отани рад этишни англатади.

Шу тариқа ҳаворийлар ҳам Масиҳнинг Ўзи орқали Унинг номидан гапиришга даъват этилганлар. Ҳаворийлар ҳуқуқини рад этиш — уларни юборган Масиҳ ҳуқуқини рад этишни англатади.

Янги Аҳдда ўн икки шогирд ҳаворий сифатида хизмат қилишга чорланган. Ҳаворийлар Китоби Ишқариётлик Яхудонинг ўлиmidан кейин унинг ўрнига Жамоат Маттони танлагани ҳақида ҳикоя қилади. Шу қаторга Исо ҳаворий Павлусни ҳам қўшган, чунки унга махсус вазифа — бутпарастлар орасида олиб бориладиган ҳаворийлик мўлжалланган. Павлуснинг ҳаворийлиги анчагина баҳсларга сабаб бўлди, чунки у ҳаворийларга юкланган талабларнинг барчасига жавоб беролмас эди. Ҳаворийлар

Китобига мувофиқ, ҳаворий куйидаги талабларга жавоб бера олиши шарт бўлган: 1) у Масихнинг ердаги хизматлари вақтида Унга шогирдлик қилган бўлиши, 2) у Масихнинг тирилганига шоҳид бўлиши ва 3) бевосита Масихнинг Ўзи томонидан даъват этилган бўлиши керак эди. Павлус Исонинг биринчи шогирдлари қаторига кирмаган, чунки у тирилган Раббийни кўриши Масихнинг самога кўтарилгандан кейин содир бўлди. Павлус бршқа ҳаворийлар сингари Тирилишнинг гувоҳи бўлмаган. Бироқ Масихнинг Ўзи уни ҳаворийликка чорлаган. Унинг ҳаворийлик истеъдоди бошқа ҳаворийлар томонидан тасдиқланган ва унинг ҳаворий эканлигига шубҳа бўлмаган эди. Шунингдек, Худо ҳам мўъжизалар орқали Павлусга ҳаворий ва ваҳийнинг хабарчиси сифатида ҳукмронлик ва ваколат берди.

I аср охирида Жамоат оталари ўз ҳукмронликларини Масих ҳаворийларидан олганликларини тан олишди. Ҳозирги Жамоатда ҳаворийлар йўқ. Чунки бизнинг замонамизда ҳеч бир одам Муқаддас Китобнинг ҳаворийларга ва уларнинг хизматларига кўйилган талабларни бажара олмайдилар. Ёки Павлус билан бўлгани каби, Масихнинг биринчи ҳаворийларидан ҳаворийлик қилиш ҳуқуқини олишга қодир эмас. Бугунги кунда фақат Муқаддас Китоб ҳаворийлик ҳуқуқига ва ваколатларига эгадир.

## Хулосалар

1. *Шогирд* ва *ҳаворий* терминлари — синоним эмас.  
Шогирд = издош  
Ҳаворий = элчи (вакил), у ҳуқуқ берганнинг номидан гапиришга ва хизмат қилишга даъват этилган.
2. Исо «Отанинг Ҳаворийси» бўлган.
3. Муқаддас Китобга мувофиқ куйидагилар ҳаворий бўла олади:
  - а) Масихнинг шогирди;
  - б) Масих тирилганига гувоҳ бўлган одам;
  - в) бевосита Масих томонидан чорланган одам.

4. Павлуснинг ҳаворийлиги ўзига хос бўлган, у ҳаворийлик ҳуқуқи учун бошқа ҳаворийларнинг тасдиғини олишга мажбур бўлган.
5. Ҳозирги замон Жамоатида Муқаддас Китоб талабларига жавоб бера оладиган ҳаворий йўқ.
6. Бугунги кунда фақат Муқаддас Китоб ҳаворийлик ҳуқуқига ва ваколатларига эгадир.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Рим. 1:1-6;  
 Рим. 11:13;  
 1 Кор. 9:2;  
 1 Кор. 15:9;  
 Ибр. 3:1.

## **76-боб**

### **Жамоат**

Жамоат деганда Раббийга тегишли ва Масих қони билан гуноҳлари ювилган барча одамлар назарда тутилади. Шунингдек, Жамоатни таърифлаш учун бошқа образлар ва ифодалардан фойдаланилади. Масих Танаси, Худо оиласи, Худо халқи, танланганлар, Масих Қаллиғи, кечирилганлар йиғини, солиҳлар мулоқоти, янги Исроил Жамоат деб аталади.

Янги Аҳддаги юнонча *ecclesia* сўзи «жамоат» деб таржима қилинган бўлиб, бу сўздан «йиғилиш» деб таржима қилинган *эклезиология* сўзи келиб чиққан. Жамоат — бу танлаб олинганларнинг йиғинидир. Худо уларни танлаб, гуноҳлардан фориғ қилди ва ҳузур-ҳаловатга муяссар этди.

Мадомики, заминий Жамоат, Августин сўзи билан айтганда, «турлича Тана»ни намоён этар экан, кўриниб турадиган Жамоат билан кўринмайдиган Жамоат ўртасидаги фарқни билиш зарур. Кўриниб турадиган Жамоат-

да (имонга эътиқод қилувчи, сувда чўмдирилган ва аниқ бир жамоатга қатновчи одамлардан иборат) Исо айтганидай, бугдодан ажратиш қийин бўлган бегона ўтлар ҳам доимо мавжуддир. Гарчанд Жамоат ҳақиқатдан ҳам «Муқаддас бўлса-да, унда ҳар доим нопок одамлар учраб туради. Масиҳни тилида ҳурматловчиларнинг камдан-ками Уни дилида ҳурматлайди. Мадомики, Худогина инсон қалбини била олар экан, ҳақиқий танланганлар ҳам фақат Унга аёндир. Лекин қандайдир даражада уларни биз ҳам кўришимиз мумкин. Кўринмас Жамоат равшандир ва унда Худога сир бўлган ҳеч нарса йўқ. Худонинг танлаганлари кўринмас Жамоатни кўринадиган қилишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишлари лозим.

Жамоатни ягона, муқаддас, самовий ва ҳаворий деб аташади. Гарчанд Жамоат ичида турли конфессиялар мавжуд бўлса ҳам, ҳамма танланганлар ягона Раббий, ягона имон ва ягона чўмдириш орқали бирлаштирилган. Жамоат муқаддасдир, чунки уни Худонинг Ўзи мунаввар қилган ва унда Муқаддас Рух яшайди. Жамоат шунинг учун ҳам самовий деб аталадики, у бутун ер юзида тарқалган, дунёдаги барча халқларнинг вакиллари унинг аъзоларидир. Жамоат ҳаворий жамоати ҳисобланади, чунки унинг асосида Муқаддас Китобда акс этган ҳаворийлик таълимоти ётади.

Ҳар бир масиҳийнинг бурчи ва фахрли ҳуқуқи Масиҳ Жамоатига қўшилишдан иборатдир. Бизнинг муқаддас мажбуриятимиз шундан иборатки, биргаликда Худога хизмат қилишда иштирок этиб, солиҳларнинг йиғилишларига жиддий эътибор бериш ва жамоат интизомини қўллаб-қувватлашдир. Шунингдек, Масиҳ ҳақида фаол гувоҳлик бериш каби йўллар билан Жамоат вазифаларининг бажарилишига ёрдам беришдир.

Жамоат — бу нафақат ташкилот, балки организмдир. У тирик қисмлардан, ёки аъзолардан иборатдир. Шунинг учун ҳам у Масиҳ Танаси деб аталади. У ҳам худди инсон организми сингари бир-бирига боғлиқ бўлган қисмларнинг ўзаро таъсири воситасида биргаликда хизмат

қилади. Демак, Жамоат ўзида хилма-хилликнинг бирлигини намоён қилади. Ягона «Бошлиқ» — Исо Масих бошқараётган Тана кўплаб аъзога эга. Аъзоларнинг ҳар бири бутун Тананинг муваффақиятли ишлаши учун Худо томонидан берилган руҳий инъомлар ва қобилиятларга эгадир.

### **Хулосалар**

1. Жамоат Раббийга тегишли бўлган одамлардан иборатдир.
2. Муқаддас Китобда «жамоат» сифатида таржима қилинган юнонча *ecclesia* сўзи «йигилиш»ни англатади.
3. Заминий Жамоат — бу доимо имонлилар ва имонсизлардан ташкил топган хилма-хил Танадир.
4. Кўринмас Жамоат фақат Худого кўринади.
5. Жамоатни ягона, муқаддас, самовий ва ҳаворий жамоати деб аташади.
6. Жамоат — бу инсоннинг танасига ўхшаш организмдир.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Мат. 13:24-43;  
1 Кор. 12:12-14;  
Эф. 2:19-22;  
Эф. 4:1-6;  
Кол. 1:18;  
Ваҳ. 7:9-10.

## **77-боб**

### **Ҳақиқий Жамоатнинг белгилари**

Гарчанд дунёда ўзларини жамоатлар деб атовчи ташкилотлар беҳисоб бўлиб, шу ташкилотлар сингари айрим шахслар ҳам муртад бўлиши мумкин экан, мавжуд ҳақиқий Жамоатни ажратиб турувчи белгиларни билиш

жуда зарурдир. Ҳеч бир жамоат хато ёки гуноҳ қилишдан ҳоли эмас. Фақат осмондаги жамоатгина мукамалдир. Бироқ барча ташкилотлар гирифтор бўлган муртадлик ва тубанлик ўртасида сезиларли фарқ мавжуд. Шунинг учун таълимотнинг софлигини сақлаб қолиш ва Худо халқини ҳимоя қилиш ниятида Жамоатларнинг ҳақиқий белгиларини билиш жуда муҳим.

Анъанавий ҳақиқий Жамоат қуйидаги белгилар билан характерланади: 1) Худо Каломини тўғри тарғиб қилиш; 2) маросимларни Масиҳ белгиллаган қонун-қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда ўтказиш ва 3) жамоат тартиб-интизомига тўла риоя қилишдир.

1) *Худо Каломини тарғиб этиш.* Гарчи жамоатлар диний эътиқод ва таълимот софлигининг баъзи бир ўзига хос хусусиятларига кўра маълум даражада бир-биридан ажралиб турса-да, ҳақиқий Жамоат масиҳийлик таълимотининг асосий ақидалари ва қонун-қоидаларини эълон қилади ва ҳимоялайди. Шундай қилиб, қутқарилиш тушунчасига зарур бўлган нарсаларни — Масиҳнинг илоҳийлигини, Худонинг учлигини, имон билан оқланишни, Масиҳнинг дунёни қутқариши ва бошқа ақидаларни инкор этувчи жамоат ҳақиқий ҳисобланмайди. Масалан, масиҳийликнинг марказий доктринаси ҳисобланмиш қутқарилиш ҳақидаги ақида учун Ислоҳот арбоблари чинакамига қатъий туриб курашишларига тўғри келди.

2) *Маросимларни амалга ошириш.* Масиҳ жорий этган маросимларни амалга оширишни рад этиш ёки бадном қилиш Жамоат таълимоти бузулишидан далолат беради. Раббийнинг оқшом зиёфатини таҳқирлаш ёки ўзларини имонсиз деб билган одамларни онгли равишда қабул қилиш таклифини ҳам ноҳақиқий жамоатнинг белгиси сифатида ҳисоблаш мумкин.

3) *Жамоат иштироки.* Жамоат интизомини ҳимоя қилиш борасидаги чоралар нотўғри қўлланиши мумкин. Улар ҳаддан ташқари қаттиқ ёки юмшоқ бўлади. Ёки бўлмаса, интизом нақадар бузиб кўрсатилган шакл олиши мумкин, уни ҳатто қонуний ҳисоблаб бўлмай қолади.

Масалан, агар жамоатда ошкора ва жазосиз гуноҳ ҳукмронлик қилиб, ҳеч ким қилган гуноҳлари учун жиддий жазоланмаса, бундай жамоатни ҳақиқий деб бўлмайди.

Масиҳийлар фақатгина руҳ бўлинишига эрк беришнинг хавфли эканлигини билиб қолмасликлари, фақат баҳс ва жанжаллардан қочишни кўзламасликлари керак. Улар шунингдек, имонини сотган муртадлардан узоқлашиш ҳақидаги ўз мажбуриятларини ҳам билишлари керак. Ҳар бир ҳақиқий Жамоат ўзининг ҳақиқийлигини у ёки бу даражада намоён қила билиши лозим. Жамоатнинг такомиллашиб бориши — бу туганмас жараёндир. Биз Муқаддас Китобнинг Худо Каломини тарғиб этиш тўғрисидаги даъватига садоқатимизни сақлашимиз зарур. Турли маросимларни амалга оширишимиз ва жамоат интизомини қўллаб-қувватлашимиз лозим.

### ***Хулосалар***

1. Ҳақиқий Жамоат уни сохта ёки муртадлик жамоатидан фарқлаб турувчи характерли белгиларга эга бўлади.
2. Ҳақиқий Жамоат албатта Масиҳ Инжилини тарғиб қилади.
3. Маросимларни тўғри амалга ошириш ҳам ҳақиқий Жамоатнинг белгисидир.
4. Жамоат бидъат ва гуноҳга қарши туриш учун қаттиқ интизомга риоя қилишга мажбурдир.
5. Жамоат Худо Каломига мувофиқ равишда ҳамшиша такомиллашиб боришга эҳтиёж сезади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мат. 18:15-17;

Рим. 11:13-24;

1 Кор. 1:10-31;

Эф. 1:22-23;

1 Бут. 2:9-10.

## Жамоатдан четлаштириш

Масих Жамоатидан четлаштирилиш даҳшатли ҳодисадир. Шундай бўлишига қарамай, ягона бир гуноҳ мавжудки, унга йўл қўйган ҳар бир киши Масих Танасидан четлаштирилишга лойиқдир. Бу *тавба қилишни хоҳламасликдир*. Жазоланишга лойиқ кўпгина жиноятлар мавжуд. Жамоат жазолари бир нечта босқичдан иборат экан, сўнгиси Жамоатдан четлаштирилишдир. Тавбани рад этишдек биргина гуноҳ бизни мана шу босқичга гирифтор қилиши турган гап.

Четлаштириш — Жамоатда таъсир ўтказишнинг энг сўнгги чораси. У тавба қилмаган гуноҳкорни имонлилар йиғинидан четлаштиришни келтириб чиқаради. Бу чорани қўллаш Исонинг «боғланиш ва ечилиш» ҳақидаги таълимоти билан оқланган (қаранг: Мат. 16:19; 18:15-20; Юҳ. 20:23). Жамоат интизомини кузатиб бориш масъулияти Жамоатнинг ўзига юкланган. Матто баён этган Муқаддас Хушхабарда (18-боб) одамни Жамоатдан четлаштиришдан олдин босиб ўтиш шарт бўлган уч босқич санаб ўтилган. Дастлаб гуноҳкорнинг айбини юзма-юз гаплашиб, кўрсатиш лозим. Бу ҳам ёрдам бермаса, уни икки ёки уч шоҳиднинг гувоҳлиги билан фош этиш керак. Фош этувчи хато қилмаётганлигига ва айбланувчига тухмат ёғдирмаётганлигига гувоҳлар ишонч ҳосил қилишлари зарур. Шундан кейин гуноҳкор бутун жамоат олдида ҳозир бўлиши керак. Агар имонлилар Жамоатига ҳам қулоқ солмаса, унда Жамоат интизом бузувчи билан ҳар қандай мулоқот қилишга чек қўйиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бирор кимсани Жамоатдан четлатиш мутлақо ўч олиш мақсадида қилинмаслиги лозим. Четлатишга қадар амалга оширилган бу уч босқич — тавба қилмаган гуноҳкорни Жамоат бағрига қайтариш мақсадида таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади. Четлаштириш пайтида айбдор томон иблисининг ихтиёрига

топширилади. Бундай жазонинг мақсади — айбдорни жазолаш эмас, балки уни ўз гуноҳини тан олиб, тушуниш ҳолатига келтиришдир. Жан Кальвиннинг таъкидлашича, Жамоат интизомини сақлаш усуллари — бу унинг тартиб-интизомини, бирлигини ва оқилона таълимини, «Жамоатни асровчи қўшимча аъло даражадаги ёрдамчи воситаларнинг мавжудлиги»ни англатади.<sup>1</sup>

Вестминстерлик имон-эътиқодида четлаштириш учун беш сабаб санаб ўтилган:

Жамоатнинг таъсир этиш чоралари биродарларимизни тўғри йўлга солиши ва келгусида ҳам қилинажак жиноятлардан асраб қолиши учун; борлиқни бузиши мумкин бўлган ифлос ачитқидан поклаши учун; Масихнинг шаънини ҳимоя қилиши, муқаддас Инжилга эътиқод қилиши, агар Худонинг аҳди ва аҳд тасдиғи ўта қайсар ва ашаддий худобезорилар томонидан оёқ ости қилинадиган бўлса, Унинг ғазаби Жамоатга адолатли равишда ёғилишининг олдини олиши учундир<sup>2</sup>.

Бу рўйхатни, муҳим сабабларни инобатга олган ҳолда, иккитагача қисқартириш мумкин: гуноҳдорнинг қалби борасидаги ғамхўрлик ва Жамоатнинг соғломлиги ҳақидаги ғамхўрлик.

Масих Жамоатда тартиб-интизом сақланишини амр этган, шу сабабли бу масалага катта эътибор билан муносабатда бўлиш зарур. Шу тариқа Жамоат иккита жиддий хато қилиши мумкин. Жумладан, у заифлик қилиб, имонга иснод келтираётганларни жазоламаслиги мумкин, ёки бўлмаса, айбдорларга нисбатан Худонинг бизга амр этган меҳр-шафқатини кўрсатиш ўрнига, ўта қаҳр-ғазабли муносабатда бўлади.

Жамоат интизомини сақлашга оид чораларни унчалик жиддий ҳисобланмаган, айрим ҳолларда йўл қўйилган арзимас тартибсизликларга нисбатан қўллаш маъқул эмас. Майдагаплик (бачканалик) Худо халқига катта зиён етказиши мумкин. Биз бир-биримизга сабр-тоқат билан муно-

сабатда бўлишга даъват этилганмиз, зеро Худо бизга нисбатан ниҳоятда сабр-тоқатлидир. Калом бизни «кўплаб айбларни беркитадиган» меҳр-муҳаббатга даъват этади.

### **Хулосалар**

1. Четлаштириш — Жамоатда таъсир кўрсатишнинг энг сўнги чораси.
2. Тавба-тазаррудан воз кечиш — Жамоатдан четлатишга олиб келадиган ягона гуноҳдир.
3. Масиҳ гуноҳкор биродарларга нисбатан қандай муносабатда бўлишни Жамоатга ўргатади.
4. Четлаштиришнинг мақсади — гуноҳкорни Жамоат бағрига қайтариш ва Жамоатни ҳимоя қилишдан иборатдир.
5. Жамоатда интизом сақлаш чоралари жуда юмшоқ ёки ўта қаттиқ бўлмаслиги керак.
6. Масиҳийлар бир-бирларига меҳр-муҳаббат ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлишлари керак.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Мат. 7:1-5;

1 Кор. 5;

1 Кор. 11:27-32;

1 Тим. 5:19-20; 1 Бут. 4:8.

## **79-боб**

### **Маросимлар**

*Маросим* сўзи қадимдан дахлсизлик, сирлилиқ ва муқаддасликни намоён этиш учун ишлатиб келинган. Кенг маънода эса барча диний урф-одатлар маросим деб аталган. Вақт ўтиши билан *маросим* тушунчаси янада аниқроқ ва тор маъно касб этди. Маросим *кўринувчи белги* сифатида таърифлана бошлади ва бу белги орқали Худо

ваъда қилган хузур-ҳаловатларни тақдим этарди. Худо Аҳдда берган ваъдаларни белгилар гавдалантиради ва тасдиқлайди. Сирлилик маълум даражадаги кўринувчан элементлардан, масалан, сув, нон ёки шаробдан; Худо аломатлар орқали амалга оширишни амр этган маълум ҳаракатлардан; имонлига инъом этилган кечирим ҳадяси-дан, хузур-ҳаловатдан иборатдир.

Рим-католик жамоати еттита маросимни жорий қилган. Булар сувда имон келтириш, конфирмация (16 ёшга тўлган йигит ва қизларни жамоатга жалб этиш), Раббийнинг Оқшом зиёфати, тавба-тазарру, никоҳ, руҳонийлик ва муқаддас мой суртиш. Протестантлик икки маросим билан чекланган: сувда имон келтириш ва Раббий Оқшом зиёфати. Гарчи протестантлар бошқа урф-одатларни, масалан, никоҳни махсус урф-одат сифатида тан олишса-да, маросим деб юқорида таъкидлаб ўтилган икки маросим даражасида қабул қилишмайди. Маросим қуйидагиларга бўлинади: 1) бевосита Масиҳ томонидан ўрнатилган маросимлар; 2) ўз моҳиятига кўра жуда муҳим бўлган маросимлар; 3) абадий маросимлар; 4) эътиқод билан қабул қилинган ва имонлиларни жамоатга жалб этишга, фикрини ойдинлаштиришга ва гавдалантиришга қаратилган маросимлар.

Маросимлар — бу Худонинг ваъдасини олиб келувчи ва тасдиқловчи хузур-ҳаловатнинг реал воситасидир. Уларнинг кучи кўринувчанлик элементларида эмас, балки уларни Ўзининг аломатлари қилиб олган Худодир. Уларнинг кучи одамлар амалга ошираётган имонга ёки унинг сифатига боғлиқ эмас, балки фақат Худо Ўзлигининг яхлитлигига (бир бутунлигига) ва поклигига боғлиқдир.

Маросимлар — бу нооғзаки (невербальный; вербальный-оғзаки, имзосиз) мулоқот шакллари-дир. Улар ҳеч қачон Худо Каломига таянмасдан бажаришга мўлжалланмаган. Маросимлар Худо Каломини тасдиқлайди, бинобарин, маросимларни амалга ошириш ва Каломни тарғиб қилиш аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб амалга оширилади.

Ҳеч ким маросимлар туфайли нажот топмайди. Инсон кутқарилишни Масихга бўлган имони орқали олади. Бироқ имон бор жойда ҳеч қачон маросимларга бепарво муносабатда бўлмайди. Бу Худога эътиқод қилишнинг ва масихийча ҳаёт тарзи шаклланишининг муҳим қисмидир.

Гарчи маросимлар қандайдир ташқи шаклга ёки тартибга риоя қилишни мўлжалламаса-да, уларга юзаки, куруқ расмиятчилик билан муносабатда бўлмаслик керак. Улар ҳақиқатдан ҳам ҳеч нарсага арзимайдиган урф-одатларга айланиб кетиши мумкин, бироқ уларни сира ҳам инкор этиш мумкин эмас. Ҳа, бу урф-одатлар, лекин Худо ўрнатган урф-одатлардир. Шунинг учун ҳам уларни қувонч ва иззат-хурмат билан бажариш керак.

### *Хулосалар*

1. Маросимлар — бу Худо ҳузур-ҳаловатининг имонлилар учун белгилаган кўзга кўринарли иноятидир.
2. Рим-католик жамоати еттита маросимни тан олади; аини пайтда протестантларнинг кўпчилиги фақат иккитасини амалга оширади: сувда имон келтириш ва Раббийнинг Оқшом зиёфати.
3. Маросимлар нималарни англатишини тўғридан-тўғри ифодалаб беролмайди. Маросимлар моҳияти имон орқали қабул қилинади.
4. Маросимлар — бу бемаъни урф-одатлар эмас, уларни Масихнинг Ўзи ўрнатган.
5. Маросимлар Каломни тарғиб этиш билан қўшиб олиб борилади.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 28:19-20;  
Ҳавор. 2:40-47;  
Рим. 6:1-4;  
1 Кор. 11:23-34;  
Гал. 3:26-29.

## Сувда имон келтириш

Сувда имон келтириш — бу янги ахднинг белгисидир. Бу аломатни Худо Ўз танлаганларига муҳраб беради, шу билан бирга, танланганлар Худо билан хузур-ҳаловат аҳдига кирганларини кўрсатади.

Сувда имон келтириш бир неча маънога эга. Биринчи навбатда, бу гуноҳларимизнинг кечирилиши ва покланишимизнинг белгисидир. Сувда имон келтириш, шунингдек, одамнинг Муқаддас Рух туфайли қайта туғилганини, Масиҳ билан ўлиб кўмилганини, Исо Масиҳ шарофати билан қайта тирилганини, эндиликда эса унда Муқаддас Рух яшаётганлигини ва у Муқаддас Рух билан покланган бўлиб, Худонинг хонадонига қабул қилинганлигини англатади.

Сувда имон келтиришни Масиҳ жорий қилган ва у Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан амалга оширилади. Сувда имон келтиришнинг кўриниш белгиси у билдираётган воқеликни автоматик ёки сирли равишда англатмайди. Масалан, сувда имон келтириш қайта туғилишдан далолат берганига қарамай, у инсонга юқоридан туғилишни автоматик тарзда инъом қила олмайди. Сувда имон келтиришнинг кучи сувда эмас, балки Худонинг қудратидадир.

Унга ишора қилган бу сирлилиқ сувда имон келтиришдан кейин ёки унгача содир бўлиши мумкин. Эски Аҳдда Худо билан хузур-ҳаловат аҳдига кирганликнинг белгиси суннатдир. Булардан ташқари, суннат имоннинг тасдиғи ҳам бўлган. Катта ёшдаги одамлар, масалан, Иброҳим, ҳали суннат бўлмасдан олдин, имони туфайлигина Худо олдида оқланди. Сўнг имоннинг муҳри ўлароқ суннат белгисини қабул қилди. Лекин имонлиларнинг болаларида суннат қилиш уларнинг имони белгиси бўлади. Мисол тариқасида Исҳоқни келтириш мумкин. Шундай қилиб, Янги Аҳдга мувофиқ, ислоҳотчи илоҳиётчиларнинг талабларига кўра, катта ёшдаги одамлар имони

туфайли оқлангандан сўнг, сувда имон келтиришлари керак, ёш болалар эса ўз имонига иқрор бўлиб оқланмасларидан олдин сувда чўмдирилиб имонга киритилади.

Сувда имон келтириш чўмдирилишни талаб этади. Сувда имонга киритиш амри сувда чўмдирилишни, ёки сувга боши билан шўнғишни, ёхуд устидан сув сепиш йўли билан бажарилади. «Имонга киритиш» деб таржима қилинган юнонча сўз учала имконияти бор ҳаракатларни англатади.

Сувда имон келтиришнинг таъсирчанлиги уни амалга ошираётган хизматчининг фазилатига ёки обрў-эътиборига, ёхуд имонга киритилаётган одамнинг фазилатига боғлиқ эмас. Сувда имон келтириш — бу Масихга ишонган ҳар бир одамни Худо қутқаришига берган ваъдасининг белгисидир. Ҳолбуки, бу Худонинг ваъдаси экан, унинг таъсирчанлиги Худонинг Ўзига асосланганлигини билдиради.

Мадомики, сувда имон келтириш Худо ваъдасининг белгиси экан, уни одамда бир маротабагина ўтказиш мумкин. Сувда яна қайта имонга киритилиш Худо ваъдасининг ҳақиқийлигига ва тўғрилигига соя солади. Албатта, икки ёки уч маротаба сувда имон келтираётган одамлар Худонинг ҳақлигига ва содиқлигига шубҳа туғдиришга интилмайдилар, бироқ уларнинг бундай хатти-ҳаракатларининг ўзи шубҳа уйғотади. Лекин барибир, ҳар бир масиҳий сувда имон келтириши керак. Бу бемаъни урф-одат эмас, балки Раббимиз ўрнатган маросимдир.

### *Хулосалар*

1. Сувда имон келтириш — Янги Аҳднинг белгисидир.
2. Сувда имон келтириш бир неча маънога эга.
3. Сувда имон келтиришни Масих жорий қилган ва у Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан амалга ошири ади.
4. Сувда имон келтириш автоматик тарзда одамга юқоридан туғилишни инъом қила олмайди.
5. Сувда имон келтиришни сувга чўмиш, ёки боши билан шўнғитиш, ёхуд устига сув сепиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

6. Сувда имон келтиришнинг таъсирчанлиги Худо ваъдасининг тўғрилигига ва самимийлигига асосланади. Ва бу маросимни инсон фақат бир мартаба бажаради.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Рим. 4:11-12;

Рим. 6:3-4;

1 Кор. 12:12-14;

Кол. 2:11-15;

Тит. 3:3-7.

## **81-боб**

### **Чақалоқларни сувда имонга киритиш**

Чақалоқларни сувда имонга киритиш Жамоатнинг бутун тарихи давомида кўпчилик масиҳийлар томонидан амалга оширилиб келинган. Бироқ турли деноминациядаги (номини ўзгартирган) тақводор масиҳийлар чақалоқларни сувда имонга киритишнинг тўғрилигига кўпинча шубҳа билан қарашади. Чақалоқларни сувда имонга киритиш борасидаги шубҳа-гумонлар бир неча жиҳатларга асосланган. Янги Аҳдда чақалоқларни сувда имонга киритиш тўғрисида аниқ амр йўқ, шу билан бирга, тақиқлаш ҳам йўқ. Баҳс ва мунозаралар асосан сувда имонга киритиш масаласининг аҳамияти ва эски ёки қадимги ҳамда Янги Аҳд ўртасидаги ворислик даражаси бўйича олиб борилади.

Чақалоқларни сувда имонга киритиш рақибларининг энг асосий далили шундан иборатки, сувда имонга киритиш маросими Жамоат аъзоларида амалга оширилади, Жамоат эса — бу имонлиларнинг бирлашмасидир. Чақалоқлар ўз имонларини тасдиқлай олмас эканлар, уларни сувда имонга киритмаслик керак. Шунингдек, Янги Аҳдда қайд этилган барча сувда имонга киритилган ҳолларда бирорта ҳам сувда имонга киритилган чақалоқнинг йўқлиги далилини ҳам таъкидлаш лозим. Навбатдаги

далил сифатида қуйидагича тезис қўлланган: Эски Аҳд қон-қариндошчилик асосида кутқарилишни кафолатлаб бермаган бўлса-да, шунга қарамай, Исроил халқи билан тузилган маълум этник чекланишларни назарда тутган. Суннат қилиш белгиси бўлган аҳд авлоддан-авлодга, наслдан-наслга ўтиб келган. Бироқ Янги Аҳд олдинги аҳддан тубдан фарқ қилади, чунки юқорида айтиб ўтилган чекланишларга эга эмас ва имонлиларнинг бирлашмасига, шунингдек, нояҳудийларнинг киришига имкон беради. Иккала аҳд ўртасидаги ворислик алоқасини узилганлигини кўрсатувчи бу жиҳат сувда имонга киритишни суннатдан ажратиб туради.

Бошқа томондан, чақалоқларни сувда имонга киритиш тарафдорлари бу маросимнинг суннат қилиш маросими билан ўхшашлигини таъкидлайдилар. Гарчанд суннат қилиш ва сувда имонга киритиш бир хил бўлмаса-да, уларда кўплаб ўхшашликлар мавжуд. Уларнинг иккиси ҳам аҳд белгисидир ва иккиси ҳам имон аломатларидир. Иброҳим кексайганда суннат қилинган. Иброҳим ҳали суннат бўлмасдан, имони туфайлигина Худо олдида оқланган. Бошқа томондан, Иброҳимнинг ўғли Исҳоқ ҳали имонга келмасдан олдин аҳд белгисини олган. Исҳоқ суннат қилингани туфайли (барча чақалоқлар суннат қилингани сингари) аҳд белгисига эга бўлди.

Шу нарса ҳам муҳимки, Эски Аҳдда ҳали имоннинг ўзи пайдо бўлмасдан, *олдин* имон белгисига эга бўлишни Худо амр этган. Мадомики, Каломда бу ҳақда аниқ ва равшан қилиб айтилган экан, имоннинг ўзи пайдо бўлмасдан олдин имон белгисини қабул қилишнинг тўғрилигини билмасдан туриб тортишиш *принципиал* хатодир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Янги Аҳддаги сувда имонга киритиш ҳақидаги баёнларда илгари Худога ишонмаган катта ёшдаги одамлар ҳақида сўз юритилган. Бу масиҳийларнинг биринчи авлоди бўлган. Ҳар доимгидек катта одамлар имонга мурожаат қилган пайтда (чунки уларнинг ота-оналари ўз болаларининг кичкиналигида имонсиз бўлишган), имон белгиси ҳисобланган сувда

имонга киритишдан олдин ўз имонларига иқроп бўлишлари лозим эди.

Янги Аҳддаги сувда имонга киритиш ҳолатларининг тахминан тўртдан бир қисмида гап оила аъзоларининг бари сувда чўмдирилиб, имон келтириши ҳақида боради. Бу сувда имонга кираётганлар орасида чақалоқлар ҳам борлигини таъкидлашнинг эҳтимоли бўлмаса-да, ҳар ҳолда борлигига тахмин қилишга имкон беради. Янги Аҳд чақалоқларни аҳддан истисно қилмас экан (ва улар бир неча минг йиллар давомида, то аҳд белгиси суннат ҳисобланмагунча аҳдда иштирок этишган), дастлабки Жамоатда чақалоқлар ҳам аҳд белгисини олишган, деб тахмин қилиш табиий.

Тарих қуйидагича тахминни тасдиқлайди. Чақалоқларни сувда имонга киритишнинг дастлабки эсга олинishi тахминан милоннинг II асри ўрталарига тўғри келади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу гувоҳликдан чақалоқларни сувда имонга киритиш Жамоатнинг оммавий тажрибаси бўлган, деган тахмин келиб чиқади. Борди-ю дастлабки Жамоатда чақалоқлар сувда имонга киритилмаган бўлса, унда қандай қилиб ортодоксалликдан (бирор соҳада барқарор бўлган принцип ва қоидаларга содиқлик — *изоҳ тарж.*) «четга оғиш» шунчалик тез ва кенг тарқалиб кетиши мумкин? Қолаверса, бу тажриба шунчалик тез тарқалишига қарамай, бизгача етиб келган ўша даврнинг адабиётларида шу масалага доир бўлган баҳс ва мунозаралар тўғрисида ҳеч қандай эслатмалар мавжуд эмас.

Умуман олганда, янги аҳдда эскисига қараганда чеклашлар анчагина кам. Бироқ чақалоқларни сувда имонга киритишнинг тўғрилигига даъват этувчиларнинг ўзлари Муқаддас Китобда болаларни сувда имонга киритилмаслик тўғрисида аниқ тақиқ йўқлигига қарамай, унга қўшимча чеклашлар киритишади.

### **Хулосалар**

1. Янги Аҳдда чақалоқларни сувда имонга киритиш амри йўқ, шунингдек, таъқиқлаш ҳам йўқ.

2. Чақалоқларни сувда имонга киритиш рақиблари Эски ва Янги Аҳд ўртасидаги фарқни, шунингдек, сувда имонга киритиш имон белгиси эканлигини кўрсатишади.
3. Чақалоқларни сувда имонга киритиш тарафдорлари суннат қилиш ва сувда имонга киритиш ўртасидаги ворислик алоқасини имон белгилари сифатида таъкидлайдилар.
4. Янги Аҳдда қайд этилган кўпгина ҳолларда сувда имон келтириш чақалоқлигида амалга ошмаган имонга келганларнинг дастлабки авлоди ҳақида сўз юритилади.
5. Янги Аҳддаги сувда имонга киритиш ҳақидаги ҳикоялар «уй ичи» билан сувда имонга киритиш ҳоллари тўғрисида, яъни уларнинг ичида ёш болалар ва чақалоқлар ҳам бор бўлган бутун оиланинг имонга кириши тўғрисидаги вазиятлар эса олинади.
6. Жамоат тарихи милоднинг II асрида чақалоқларни сувда имонга киритиши бўйича қабул қилинган оммавий русм одат бўлиб қолган қоидалар ҳақида гувоҳлик беради.

*Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Ибт. 17:1-14;

Ҳавор. 2:38-39;

Ҳавор. 16:25-34.

## **82-боб**

### **Раббийнинг Қутлуғ зиёфати**

Маросим жараёнида нон ва шароб Масихнинг чинакам Танаси ҳамда Қонига айланиб, моҳиятини ўзгартиради. Аммо Мартин Лютер католикларнинг бу ўзгариш (трас-субстанция) ақидасини қабул қилмади. Лютер бундай ақидага зарурат сезмаган. Унинг таъкидлашича, Масихнинг иштироки шароб ва ноннинг *ўрнини босмаган*,

қайтанга нон ва шаробга *қўшилган*. Лютернинг тасдиқлашича, Масихнинг Танаси ва Қони қандайдир тарзда маросимдаги нон ва шароб ичида, улар билан бирга ва улар орқали иштирок этади. Одатда ушбу лютеранча нуқтаи назар *бирга иштирок этиши (консубстанция)* деб аталади, чунки унга биноан Масихнинг Танаси ва Қони нон ҳамда шаробнинг мавжудлиги билан бир қаторда иштирок этади. Аммо Лютеран илоҳиётчилари *консубстанция* терминини ёқтиришмайди ва унинг қўлланишига қарши чиқишади. Чунки бу термин католикларнинг ўзгариш (трассубстанция) ақидасига жуда ўхшаб кетади.

Бироқ шу нарса равшанки, Лютер Раббийнинг Қутлуғ зиёфатида Масихнинг ҳақиқатдан ҳам жисмоний ва моҳиятан мавжудлигини қаттиқ туриб талаб қилган. Ўз нуқтаи назарининг исботи тариқасида Лютер мисол қилиб кўпинча бу маросимнинг жорий бўлишида Исонинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Бу Менинг Танам бўлади». Лютер Исонинг бу сўзларининг кўчма маъносини ёки тасвирий равишдаги изоҳини назарда тутмаган. Ҳамма жойда мавжудликнинг илоҳий хусусияти Исонинг инсоний табиатига ўтган, деган таълимот бор эди. Бу таълимот бўйича, Исонинг Танаси ва Қони бир пайтнинг ўзида бир неча жойда иштирок этиши мумкин эди. Лютер ҳам ўша хусусиятларнинг ўтказилиши тўғрисидаги таълимотни қабул қилди.

Цвингли ва бошқа олимларнинг тасдиқлашича, Исонинг «бу Менинг Танам бўлади» деган сўзлари аслида «бу Менинг Танамни *намоён этади*» маъносини англатади. Исо кўпинча «бўлмоқ» феълидан кўчма маънода фойдаланган. У шундай дер эди: «Мен эшик *бўламан*», «Мен новда *бўламан*» ва ҳоказолар. Цвингли ва бошқа илоҳиётчиларнинг таъкидлашича, Раббий Қутлуғ зиёфатида Масихнинг Танаси реал асос сифатида иштирок этмайди. Қутлуғ Оқшом Зиёфати — бу Масих ўлимини хотирлашдир. Масихнинг унда иштирок этиши Муқаддас Руҳ кучи билан имонлилар даврасида Унинг одатдаги иштирокидан фарқ қилмайди.

Бошқа томондан, Жан Кальвин Католик жамоати ва Лютер билан қилган баҳсларида Раббийнинг Қутлуғ зиёфатидаги Масихнинг «асил» иштироки ҳақидаги нуқтаи назарга рози бўлмаган. Шундай бўлса-да, бироқ у Қутлуғ зиёфатни фақат Масих ўлимини эслаш маросимига айлантирган анабаптистларга қарши чиққан ва Зиёфатда Масихнинг «аслан» мавжудлиги ҳақидаги фикрда қатъий турган.

Бир қарашда бу Кальвиннинг ошкора ўзига-ўзи қарши чиқаётганлигини кўрсатиши мумкин. Аммо чуқурроқ ўрганилганда, Кальвин *аслий* терминини икки маънода қўллаганини кўриш мумкин. У католиклар ва лютеранларга юзланганда, *аслий* терминининг «жисмоний» маъносини қўллаган. У Қутлуғ зиёфатда Масихнинг жисмоний иштирокини рад этган. Бироқ Кальвин анабаптистлар билан суҳбатлашганда, «аслий» терминини «ҳақиқий» маъносида айтганлигида қатъий турган. Шундай қилиб, Кальвин Масихни Қутлуғ зиёфатда *ҳақиқатдан ҳам* ёки *чиндан ҳам* иштирок этганини тасдиқлаган, лекин жисмоний маънода эмас.

Кальвин Масихнинг илоҳий табиати хусусиятини Унинг инсоний табиатига ўтказиш ғоясини рад этган. Уни Масихнинг икки табиатини *бўлганликда* ва *ажратганликда*, шунингдек, 451 йилда Халкидон собори томонидан ҳукм қилинган несторианлик бидъатини қабул этганликда айблашди. Бунга жавобан Кальвин икки табиатни ажратмаганини, аммо улар ўртасидаги *фарқни* аниқлаб берганини баён қилди.

Масих-Одам ҳозирги вақтда осмонда яшаяпти. Унинг инсоний табиати илоҳий табиати билан мутлақ биргаликда қолади. Гарчи Унинг инсоний табиати бир ерда бўлса ҳам, Масихнинг *Ўзи* бир жойга бойланиб қолмаган, чунки Унинг илоҳий табиати ҳамон ҳамма жойда мавжуддир. Исо шундай деган: «...Мен ҳар куни дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан. Омин!» (Мат. 28:20). Қилган таваккалимиз тушунарсиз бўлиши мумкинлигига қарамай, юқорида айтиб ўтганларимизнинг қуйидагича схемасини сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз:



Кальвин таълимотига кўра, Масихнинг Танаси ва Қони осмонда бўлса ҳам, бироқ Исонинг ҳамма жойда мавжудлигининг илоҳий табиатига мувофиқ, улар руҳан биз билан «биргадир»<sup>1</sup>. Масихнинг илоҳий табиати қаерда бор бўлса, ўша ерда Унинг Ўзи ҳам мавжуддир. Бу нуқтаи назар Масихнинг Ўзи осмонга чиқиб кетган бўлса ҳам, аммо дунёнинг охиригача У биз билан бирга бўлиши ҳақидаги Унинг таълимотига мос келади. Раббийнинг Қутлуғ зиёфатида Масих билан учрашганимизда, биз У билан мулоқотда бўламиз. Масих ва Унинг илоҳий табиати тўғрисида суҳбатлашар эканмиз, биз шунингдек, мистик ва ақлга сиғмайдиган даражада Унинг инсоний табиати билан мулоқотга киришамиз, чунки Масихнинг илоҳий табиати Унинг инсоний табиати билан чамбарчас боғлиқдир. Илоҳий табиат бизни юксақдаги Масих ҳузурига олиб чиқади ва Раббийнинг Қутлуғ зиёфатида биз самонинг таъсирини ҳис этамиз.

### Хулосалар

1. Лютернинг таълимотига мувофиқ, Масихнинг Тана ва Қонининг моҳияти нон ва шаробга алоқадор бўлган моддий мавжудлик билан бирга иштирок этади.

2. Цвингли таълимотига биноан, Раббийнинг Қутлуғ зиёфати — бу Масих ўлимини хотирлашдир.
3. Кальвин Раббийнинг Қутлуғ зиёфатида Масихнинг жисмонан иштирокини рад этади, аммо Унинг ҳақиқий иштирокини тан олган.
4. Масих Одам осмонда бўлса ҳам, Унинг илоҳий табиати ҳамма жойда мавжуд.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 26:26-29;

1 Кор. 10:13-17;

1 Кор. 11:23-34.

## **83-боб**

### **Ўзгариш**

Жамоат ҳаётида Раббийнинг Қутлуғ зиёфатини амалга оширишдан ортиқроқ тантаналироқ ёки муқаддасроқ пайт бўлмаса керак. Бу муқаддас мулоқот (причащение) деб номланади, чунки ушбу маросим пайтида Исо ва Унинг халқи ўртасида махсус мулоқот бўлиб ўтади. Бу пайтда Исо ажойиб тарзда биз билан бирга бўлади.

Масала қуйидагидан иборат: Раббийнинг Қутлуғ зиёфатида Масих қандай қилиб биз билан бирга бўлади? Мана шу масала масихийлар ўртасида тугамас баҳслар мавзусига айланган. Бу мавзу нафақат протестантлар ва католикларнинг, балки Ислохотнинг таниқли ва кўзга кўринган арбоблари — Лютер, Кальвин ва Цвинглилар ўртасида, гарчи ўзаро битимга келишолмаса ҳам, мунозараларнинг асосий сабабчиси бўлиб келмоқда.

Рим-католик жамоати ўзгариш ақидасига ишонади. *Ўзгариш* — ёғ суртиш жараёнида мўъжиза содир бўлишини ва оддий нон ҳамда шароб Масихнинг Танаси ва Қонига айланишини англатади. Ташқаридан нон ва шароб ўзгаришгача қандай ҳолатда бўлса, ана ўша ҳолатда қолаверади. Лекин католикларнинг эътиқодига муво-

фик, гарчанд муқаддас инъомлар нон ва шароб олдингидай кўринишга эга бўлиб, таъми ва ҳиди бўйича нон ҳамда шаробга ўхшаса-да, улар Масиҳнинг ҳақиқий Тана ва Қонига айланади.

Ушбу мўъжизани тушуниш учун, Аристотелнинг фалсафасидан баъзи нарсаларни билишимиз даркор. Содда қилиб айтганда, Аристотель ҳар бир объект *субстанциядан* ва *акциденциядан* иборат бўлади, деб таълим берган. *Субстанция* — бу ҳодиса ва нарсаларнинг ички моҳияти. *Акциденция* — бу объектнинг аҳамиятсиз, ташқи белгиси ёки *ташқи шаклидир*. Бу белгилар биз кўриб, таъмидан ва ҳидидан ҳис қилиб турган объектнинг сифатларини ва хусусиятларини кўрсатади.

Аристотелнинг таълимотига кўра, объект ва унинг ташқи белгилари ўртасида узлуксиз алоқа мавжуд. Эман дарахти, масалан, ҳар доим ҳам ички моҳиятига, ҳам ташқи шаклига эга. Бирор нарса бир объектнинг субстанциясига, ёки ички моҳиятига ва бошқа объектнинг ташқи шаклига эга бўлиши учун мўъжиза юз бериши керак.



Субстанция = ички моҳият

Акциденция = биз кўра оладиган, ҳис этадиган ва фарқлай оладиган ташқи белгилар

Ўзгариш мўъжизаси худди мана шудир. Нон ва шаробнинг моҳияти Масиҳ Танаси ҳамда Қони моҳиятига айланиши билан ўзгаради, аммо айни пайтда нон ва шаробнинг ташқи хусусиятлари ўзгаришсиз қолаверади. Шунинг учун ёғ суртиш жараёнида биз Масиҳнинг Тана ва Қонининг моҳиятига, тана ва қоннинг ташқи белгиларисиз, нон ва шаробнинг моҳиятисиз нон ва шаробнинг ташқи белгиларига эга бўламиз.

Мўъжиза содир бўлишидан олдин биз нон ва шаробнинг моҳиятига ҳамда ташқи белгиларига эга бўламиз.



Нон ва шароб = моҳият ва ташқи белгилар биргаликда

Муъжиза содир бўлгандан кейин бизнинг олдимизда Масих Тана ва Қонининг моҳияти нон ҳамда шаробнинг ташқи белгилари билан намоён бўлади.

Исонинг инсоний табиатига тааллуқли ўзгариш масаласи анчагина баҳсларга сабаб бўлди. Тана ва қон Исонинг илоҳий табиатига эмас, балки инсоний табиатига хос бўлган. Модомики, ёғ суртиш дунёнинг турли бурчакларида бир вақтнинг ўзида амалга оширилар экан, қандай қилиб Масихнинг инсоний табиатидаги элементлар (Унинг Танаси ва Қони) бир пайтнинг ўзида бир неча жойда иштирок этиши мумкин, деган савол пайдо бўлади. Бир неча жойда иштирок этиш, яъни ҳамма ерда ҳозир у нозирлик одамга эмас, Худога хос бўлган хусусиятдир. Исонинг инсоний табиати бир пайтнинг ўзида бир неча жойда иштирок этиши учун, уни илоҳийлаштириш керак бўлади. Лютер, Рим-католик жамоати сингари куйидагиларни ўргатган: Масихнинг (бир пайтнинг ўзида ҳамма ерда иштирок этишига эга бўлган) илоҳий табиати бу қобилиятни Унинг инсоний табиатига беради. Шундай бўлгач, инсоний табиат, гарчи бир жойга боғлиқ бўлса-да, бир пайтнинг ўзида бир неча жойда иштирок этиши мумкин.

Бироқ бошқа илоҳиётчилар сингари, Кальвин учун илоҳий табиатнинг атрибутларини инсоний табиатга бериш ғояси Халкидон соборининг (451 й.) қарорларини бузиш ҳисобланади. Халкидон соборининг эълон қилишича, Масихнинг икки — инсоний ва илоҳий табиати силжимаган, ўзгартирилмаган, бўлинмаган ҳолатда алоқада бўлади ва табиатларнинг *ҳар бири хусусиятларини ўзида сақлаб қолади*. Шу сабабдан Кальвин ва Ислоҳотчи

арбобларнинг кўпчилиги учун ўзгариш ақидаси бидъатчиларнинг аллақандай шаклини намоён этади, холос.



Ички моҳият = Масиҳнинг танаси ва қони

Ташқи белгилар = нон ва шароб

### **Хулосалар**

1. *Ўзгариш* — ёғ суртиш жараёнида мўъжиза содир бўлиб, нон ва шароб Масиҳнинг Танаси ҳамда Қонига айланишини англатади. Ўша пайтда одамлар уларни одатдагидек нон ва шароб сифатида қабул қилаверадилар.
2. *Субстанция* — бу нарсанинг ички моҳияти, айти пайтда эса *акциденция* — бу унинг ташқи, биз қабул қиладиган белгиларидир.
3. Ўзгариш амалга ошиши учун Масиҳнинг инсоний табиати Унинг илоҳий табиатининг атрибутларига эга бўлиши ва Унинг Тана ҳамда Қони бир пайтнинг ўзида бир неча жойда иштирок этиши лозим.
4. Кальвин ўзгариш ҳақидаги ақидани Халкидон соборининг қарорини бузиш, деган маънода тан олмаган.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мк. 14:22-25;

1 Кор. 11:23-6.

## **84-боб**

### **Дам олиш куни**

Шанбанинг муқаддаслиги яратилишда белгиланган. Худо олти кун давомида ҳамма ишларини битириб бўлди ва еттинчи куни Ўзига дам берди. Худо еттинчи куни барча

яратиш ишларидан тингани учун, бу кунни муборак қилди ва бошқа кунлардан ажратди. Шанба кунини У муқаддас деб эълон қилди. Дам олиш кунига тўғри риоя қилиш ҳақида Худо Синай тоғида Исроил халқига берган ўнта амрнинг тўртинчисида ёритилган. Шуни ҳам ёдда тутиш муҳимки, шанба кунини муқаддас деб эълон қилиш яратилиш аҳдининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Эски Аҳдда дам олиш кунига риоя қилмаслик оғир жиноят ҳисобланган.

Shabbath сўзи «еттинчи» маъносини англатади. Мана шунинг учун баъзилар дам олиш кунини айнан шанбада ўтказишни талаб қиладилар ва якшанба кунини дам олишни нотўғри деб ҳисоблайдилар. Бироқ масиҳийлар, одатга кўра, якшанбада дам олишни маъқул кўрадилар, чунки Янги Аҳдда айнан якшанба — Масиҳ Тирилган кун «Раббий куни» деб аталган. Бироқ дам олиш кунининг (шанбанинг) принципи етти куннинг бири эканлигича ўзгармай қолаверади. Дам олиш кунига оламнинг яратилишидан бошлаб риоя қилиб келинади; у ҳаворийлар томонидан ҳам бузилмаган.

Илоҳиётчилар дам олиш кунига тўғри риоя қилиш борасида ҳанузгача баҳслашиб келмоқда. Кўпчилик дам олиш кунини энг муҳим ҳисобланган юмушлардан бошқа ҳамма ишлардан одам ўзини тийиши кераклигини маъқуллашади. Раббий куни (кўпчилик масиҳийларда якшанба) — бу ҳам Худога биргаликда ибодат қилиш ва Худо Каломини диққат билан ўқиб-ўрганишга ажратилган вақтдир. Шунингдек, бу кун Масиҳнинг тирилиши муносабати билан хурсандчилик қилиш ва самодаги хузур-ҳаловатга умид боғлаш кунидир.

Раббий кунини меҳр-мурувват кўрсатиш ёки кўнгилхушлик қилиш борасида ҳам баҳслар тинмаяпти. Баъзилар ўйин-кулги қилиш — дам олиш кунини бузишдир деб ҳисобласалар, шу пайтда эса бошқалар айнан шу кунда хордиқ чиқариб, янги куч тиклаш муҳимлигини таъкидлашади. Муқаддас Китобда бу кунда ўтказилиши мумкин бўлган кўнгилхушликлар ҳақида, ёки бўлмаса ўйин-кул-

гини таъқиқловчи аниқ кўрсатмалар йўқ. Бироқ муқаддас ҳисобланмиш дам олиш кунини кўнгилхушлик қилиш билан банд этмасликни эҳтимол пайғамбар Ишаё китобининг қуйидаги оятларида кўриш мумкиндир: «Агар Шаббатда шаҳватдан қадамингизни тийсангиз, Шаббат кунини «шарафли», деб билсангиз, ўзингиз истаган йўлдан кетмасангиз, ўзингизга ёққан ишни ё айтганингизни қилмасангиз, шодлигингизни Эгамда топасиз, сизни юртнинг баланд чўққиларига олиб чиқаман, отангиз Ёқубнинг мулкига тўйдираман...» (58:13-14).

Бу кунда меҳр-шафқат қилиш борасидаги мунозара ва баҳслар унчалик қизгин бўлмаса-да, лекин олиб бориляпти. Кўпчилик Исо Масих ибратига таянган ҳолда, Раббий кунда ҳамма масиҳийлар эзгу ишлар билан шуғулланиши кераклигини амр сифатида қабул қилишади, масалан, беморларни ҳолидан хабар олиш шулардан биридир. Бошқалар эса Исо мисолида якшанба кунда яхшилик қилиш мумкинлигини, бироқ бунини амр сифатида қабул қилмаслик керак, деб ҳисоблашади (ўз-ўзидан равшанки, эзгу ишлар билан фақатгина дам олиш кунда эмас, балки бошқа кунларда ҳам шуғулланиш керак).

### Хулосалар

1. Шанба, яъни муқаддас дам олиш куни яратилиш пайтида белгиланган. Бу кунга амал қилиш амри ҳозирга қадар ўз кучини сақлаб қолган.
2. *Shabbath* сўзи «еттинчи» маъносини билдиради ва етти куннинг бирини англатади.
3. Илк жамоат дам олиш кунини Раббий кунда, яъни шанбани якшанба (ҳафтанинг биринчи куни) га кўчирган ҳолда нишонларди.
4. Дам олиш кунда (энг зарурларидан ташқари) иш билан машғул бўлиш мумкин эмас. Бироқ Худога биргаликда ибодат қилиш учун жамоат йиғинларида қатнашиш лозим.
5. Дам олиш кунда кўнгилхушлик қилиш ва меҳр-шафқат ишларини амалга ошириш борасида кўплаб келишмовчиликлар мавжуд.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Ибт. 2:1-3;  
Чик. 20:8-11;  
Ишаё 58:13-14;  
Мат. 12:1-14;  
Хавор. 20:7;  
1 Кор. 16:1-2;  
Ваҳ. 1:10.

## **85-боб**

### **Қасам ва ваъдалар**

Джорж Вашингтон ва олча дарахти воқеаси ёшлиқдан ёдимда қолган. Жаҳли чиққан ота олча дарахтини ким ва нима учун нобуд қилганини ёшгина ўғли Джорждан сўраганда, бола шундай жавоб берди: «Мен ёлғон гапиролмайман. Дарахтни мен чопиб ташладим».

Джорж Вашингтоннинг иқрори аслида ғирт ёлғон эканлигини тушунишимга бир неча йиллар керак бўлди. «Ёлғон гапира олмайман» дейиш — бу ўзининг ёлғон гапиришга ноқобиллигини намоён қилиш демакдир. Аслида эса бу ёлғон. Джорж Вашингтон ҳақиқатдан ҳам кўп нарсага ноқобил эди: у уча олмасди, бир пайтнинг ўзида бир неча жойда иштирок эта олмасди ва ҳоказолар. Лекин Джорж Вашингтон ёлғон гапира оларди. У одам эди. Каломнинг тасдиқлашича, «бутун инсоният ёлғончиликдир» (Заб. 115:2). Бу ҳамма одам доим ёлғон гапирарди, дегани эмас. Шукурки, биз рост гапириш қобилиятига ҳам эгамиз. Бизни бошқа одамларнинг гапларига ишонишга ундашганда, муаммо келиб чиқади. Чунки уларнинг рост гапиришаётганига бизнинг ишончимиз комил эмас.

Ўз ваъдаларимизнинг ва гувоҳликларимизнинг ҳақиқатлигини тасдиқлаш мақсадида биз ваъда беришга ва қасам ичишга ошиқамиз. Суд жараёнида кўрсатма беришдан олдин гувоҳ фақат рост гапиришга қасам ичади. У «фақат ҳақиқатни, ҳа, фақат ҳақиқатни айтаман, ҳақи-

қатдан бошқа нарса айтмайман, бунда менга Худо ёрдам беради», деб ваъда беради.

Қасам ичиш жараёнида одам Худога, унинг сўзларининг ростлигига олий гувоҳлик қилаётган ягона Худога мурожаат қилади. Худо унинг қасами ва ваъдаларига кафил бўлади. Ҳар қандай ҳақиқатнинг манбаи Худонинг Ўзидир, У ёлғон гапирмайди. Джорж Вашингтон ҳақида айта олмаган гапларимизни, Худо ҳақида айта оламиз, зеро У ёлғон гапирмайдиган Худодир (қаранг: Тит. 1:2; Ибр. 6:17-18). Худо ҳам ёлғончиларга тоқат қилмайди. У шошмашошарлик билан ваъда беришга, ёхуд қасам ичишга қаршидир ва шундай деб огоҳлантиради: «Ваъда бериб, уни бажармасликдан кўра умуман ваъда бермаслик яхшироқдир. Шундай пайтда тилинг сени гуноҳга етакламасин. Руҳонийга: «Назр атаб, хато қилдим», — деб айтмагин. Шундай қилиб Худонинг қаҳрини келтирсанг, ўз кўлларинг билан қилган ишларингни Худо бузиб ташлаши мумкин» (Воиз 5:4-5). Ўнта амрнинг биттаси ёлғон гувоҳлик беришни ман этади (қаранг: Чик. 20:16).

Гарчи Худо билан муносабатларимизнинг асосида аҳд ваъдалари турар экан, Худо бизнинг қасамларимизни, ниятларимиз ва ваъдаларимизни табаррук қилади. Бир-биримизга бўлган ишонч (айниқса оилада ва амалий ишларда) жамият равнақи учун ниҳоятда зарур. Чин дилдан қилинган қасамёд Худога эътиқод этишнинг бир қисмидир, чунки одамлар ўз сўзларининг ҳақиқатлигини тасдиқлаш ниятида ва берган ваъдаларининг гувоҳи сифатида Худога мурожаат этадилар. Бу билан улар ичган қасамлари ёлғон бўлиб чиқса, Худо зудлик билан уларни қаттиқ жазолашини айтмоқчи бўлишади.

Масиҳийлик Жамоати ҳар доим қасам ва ваъдаларининг аҳамиятли эканлигини тасдиқлаб келади. Вестминстер илоҳиётчилари қасам ичишда Муқаддас Китобнинг қуйидаги талабларини санаб ўтишган:

Қасамёд қилувчи бундай тантанали ҳодисанинг муҳимлигини ҳисобга олиши лозим ва бу масалада фақат ўзи ҳақиқатга тўла ишонч ҳосил қилгандагина кафил бўлиши

керак. Олийжаноб ва адолатли бўлган нарсага нисбатангина, ўзи ишонган, бажаришнинг уддасидан чиққан, мақсад қилиб қўйган нарса билангина ўзини қасам билан боғлаши мумкин. Шунинг учун қонуний ҳокимият бирор нимада адолат ва эзгуликка ундовчи қасамёд қилишни юклаганда, ундан бош тортиш гуноҳдир<sup>1</sup>.

Яна бир талаб шундан иборатки, қасам ичилаётганда унга икки хил маънони англаувчи тушунчани киритмаслик ёки ҳаёлан шарт қўймаслик керак. Қасамга енгилтак муносабатда бўлиш ярамайди. Қасамёд ва ваъдаларни тантанали воқеалар ва вазиятларга асраб қўйиш лозим. Ҳатто ҳукуматлар ҳам никоҳ қайд этилаётганда ва гувоҳлик кўрсатмалари берилаётганда қасам ичиш зарур эканлигини тан олишади. Аммо унчалик тантанали ҳисобланмаган вазиятларда ҳам имонлилар виждонли, ҳалол бўлишга даъват этилганлар, токи улар «ҳа» деганларида ҳам сўзлари ўтсин, «йўқ» деганларида ҳам сўзлари ўтсин. Бу Масихга содиқ шогирднинг мажбуриятидир.

### ***Хулосалар***

1. Барча одамлар ёлғон гапириш хусусиятига эгадирлар.
2. Худо — ҳар қандай ҳақиқат манбаи, У ёлғон гапирмайди ва ҳақиқат кафолатчисидир.
3. Қасам ва ваъдалар — бу Худога этиқод қилишимизнинг қонуний қисмидир.
4. Фақат Худо номи билан қасам ичиш мумкин. Яратилган жонзотлардан ҳеч бири ҳақиқатнинг олий гувоҳи бўлолмайди.
5. Шошмашошарлик ёки ҳаёлан шарт қўйиш билан қасамёд қилиш мумкин эмас.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Амр. 10:20;  
2 Сол. 6:22-23;  
Эзр. 10:5;  
Мат. 5:33-37;  
Ёқуб. 5:12.

ТЎҚҚИЗИНЧИ  
ҚИСМ



# ҲОЗИРГИ ДУНЁДА РУҲИЯТ ВА ҲАЁТ

## 86-боб

### Руҳ самараси

Муқаддас Руҳ самараси — Муқаддас Китоб таълимотида поклашнинг энг эътиборсиз нуқтаи назаридир. Бунинг бир нечта конкрет сабаблари мавжуд:

1. *Ташқи кўрсаткичларга ниҳоятда катта урғу бериши.* Талабалар имтиҳон ва синовлар топширишаётганда кўпинча ҳаяжонланишади ва нолишади, аслида эса бундай синовлардан қувонишади. Газета ва журналларда одамларга ўз кўникма ҳамда билимларини, муваффақиятларини баҳолашга ёрдам берувчи тестлар тез-тез чоп этиб турилади. Одамларга ўзларини нимага қодир эканликларини билиш ёқади. Мен маълум бир юксакликларга эришдимми ёки унча қобилиятга эга бўлмасдан қотиб қолдимми?

Бу борада масиҳийлар бошқа одамлардан ҳеч нима билан фарқ қилмайди. Биз юксалишларимизга сиртдан қараган ҳолда покланиш жараёни муваффақиятли даражада боряптимики, деб баҳолашга мойил бўламиз. Биз сўқиямпизми? Спиртли ичимликларни қабул қиляпмизми? Киноларга бориб турибмизми? Айнан мана шундай кўрсаткичларга таянган ҳолда биз ўз руҳиятимиз савияси ҳақида фикр юритамиз. Бироқ ҳақиқий синов — Муқаддас Руҳ самарасининг мавжудлигини тасдиқлаш кўпинча инкор этилади ёки бўлмаса, минимумга олиб келинади. Фарзийлар ўз вақтида айнан шундай тузоққа тушган эдилар.

Биз қуйидагича текширишдан ўзимизни олиб қочишга ҳаракат қиламиз, чунки Муқаддас Руҳ самараси ниҳоятда ноаниқ тушунча. Бу самарани қўлга киритиш учун биз ташқи талабларга жавоб берибгина қолмай, балки шахсиятимизда ҳам чуқур ўзгаришларга дош беришимиз

керак. Ўзимизда тақводор сабр-тоқатни пайдо қилишдан кўра, сўкинмаслик бирмунча енгилроқдир.

2. *Рухий инъомларга бўлган ҳаддан ташқари эътибор.* Бизни муқаддасликка етаклаб олиб борадиган ва бизда Ўз самарасини ҳосил қиладиган ўша Муқаддас Рух имонлиларга, шунингдек, руҳий инъомларни ҳаётада. Одам инъомларга эга бўлиб, аммо руҳий муносабатларда ноетук бўлиши мумкинлиги ҳақидаги Муқаддас Китобнинг аниқ таълимотига қарамай, афтидан, бизни Муқаддас Рухнинг самарасидан кўра, Унинг инъомлари кўпроқ қизиқтиради. Павлуснинг Коринф жамоатига мактубида мана шу таълимот жуда равшан баён этилган.

3. *Диёнатли номасиҳийлар билан боғлиқ муаммолар.* Агар Рух самараси сингари маълум ҳисобланмиш марҳаматлар баъзида номасиҳийлар томонидан юқори даражада намоён этилганда, бизнинг улуғланишимиз нечоғлик муваффақиятли содир бўлишини баҳолаш қийин. Биз ҳаммамиз масиҳийларга нисбатан итоатгўйлик, мўминлик ёки сабр-тоқат қилувчи кўплаб номасиҳий одамларни биламиз. Агар одамлар Рухнинг Ўзисиз «Рух самараси» га эга бўла ололсалар, у ҳолда биз ўз руҳий ривожимиз даражасини қандай белгилай оламиз?

Муқаддас Рух бизда уйғотадиган меҳр-муҳаббат, қувонч, осойишталик, сабр-тоқат ва ҳоказо фазилатлар ҳамда имонга келмаган одамлар ўзларининг одоб-ахлоқларини намоён қилишлари ўртасида *сифат* тафовути мавжуд. Имонга келмаганлар худбинликдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишади. Лекин имонли одамлар Рух самарасини намоён этганларида, улар Худога ёқиш ва одамларга хизмат қилиш истагида ҳаракат қиладилар. Агар одам Рухга тўлган бўлса, унинг ҳаётини Муқаддас Рух бошқараётганидан дарак беради; имонсизлар эса бундай руҳий фазилатларни фақат башарий табиати доирасидагина намоён қила олади, холос.

Павус Галатияликларга мактубида қандай ҳислатлар Рух самараси бўла олишини тушунтиради: «Илоҳий Рухнинг самараси эса — муҳаббат, севинч, хотиржамлик,

сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат, мулойимлик ва ибодир. Бу хислатларга қарши бирор қонун йўқ» (Гал. 5:22-23). Ҳар бир масиҳий мана шу хислатларга эга бўлиши лозим. Агар биз Муқаддас Рухга тўлган бўлсак, биз Унинг самарасини намоён этамиз. Ахир, гап бир кечада содир бўладиган юзаки ўзгаришлар ҳақида бормаяпти-ку. Бу ерда қалбнинг интилишлари ва мойилликларнинг ўзгариши талаб этилади, бу эса Рухнинг бир умрлик покланиш жараёнидир.

### ***Хулосалар***

1. Биз Муқадас Рух самараси ҳақидаги таълимотни инкор этишга мойилмиз, чунки 1) ташқи кўрсаткичларга ниҳоятда катта ургу берамиз; 2) руҳий инъомларга ҳаддан ташқари эътибор қиламиз ва 3) кўплаб имонсизларнинг масиҳийларга нисбатан юқори даражадаги руҳий фазилатларини намоён этишларини тан оламиз.
2. Ташқи кўринишларга эътибор қилиб, Муқаддас Рух самарасининг мавжудлигини англашдан кўра, ўз руҳий ўзгариш даражасини белгилаш осондир.
3. Биз руҳий инъомларга эга бўлсак-да, лекин руҳан ноетуклигимизча қолишимиз мумкин.
4. Масиҳий ва имонсиз одамларнинг руҳий фазилатлари ўртасида сифат тафовути мавжуд. Имонсизларнинг фазилатлари — бу фақатгина башарий табиатнинг ишлари, холос. Масиҳийларга келсак, уларнинг руҳий хислатлари — бу башарий табиатнинг ишларидан устун турувчи Муқаддас Рухнинг самарасидир.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Рим. 12:1-21;

1 Кор. 12:1-14:40;

Гал. 5:19-26;

Эф. 4:1-6:20.

## Севги

Бизнинг жамиятимизда севги деб аллақандай ўзига хос, бизни бирдан қамраб оладиган, бизга асло бўйсунмайдиган ва қисмангина назорат қилишимиз мумкин бўлган ҳиссиётни айтиш одатга айланган. Бундай ҳис-туйғуни қандайдир тугмачани босиш билан ёки онгли равишдаги прода кучи билан пайдо қилиб бўлмайди. Биз кимнидир севиб қолишга қарор қабул қила олмаймиз.

Бироқ Муқаддас Китоб севги ҳақида бутунлай бошқача гапиради. Севги тушунчаси Каломда кўпинча отдан кўра феъл шаклида берилади. Севги — бу биз амалга оширишимиз керак бўлган бурч, фаолиятдир. Худо ўз яқинларимизни, турмуш ўртоқларимизни, ҳатто душманларимизни ҳам севишимизни амр этади. Душманларга нисбатан севги ва меҳр-муҳаббат ҳисси ҳақида гапириш бошқа-ю, уларга нисбатан севги ила муносабатда бўлиш — умуман бошқа нарса.

Муқаддас Китобда севги тушунчаси бир неча сўз орқали берилган. Эски Аҳдда севги тушунчасини ифодалаш учун асосан қадимги ибронийча *ahab* сўзидан фойдаланилган. Янги Аҳдда эса севги тушунчасини ифодалашда кўпинча севги маъносини англатувчи икки юнонча сўз қўлланилади. Булар *phileo* ва *agape* сўзларидир. *Phileo* сўзидан Филадельфия шаҳрининг номи келиб чиққан, у «биродарларча меҳрибонлик шаҳри» деган маънони англатади. Бу юнонча сўз биродарларнинг меҳрибонлик ҳис-туйғусини ифодалайди. Муқаддас Китобда ишлатилмаган юнонча *eros* сўзи кўпроқ эҳтирос, тана севгисига тааллуқлидир. Бу шундай севгики, биз уни кўпинча хаёлий ҳис-туйғулар билан боғлаймиз. Севгининг бу икки тури барча одамларга яхши маълумдир. Улар, қоидага кўра, хоҳишни қондириш ва ўзларини хотиржам сезиш ниятидаги худбинларча интилишларга асосланган.

Бироқ Янги Ахдда севгининг яна бир тури таърифланган. *Агапе* севгиси одамзоднинг бошқа кўнгилхушликларига ўхшамайди. Севгининг бу турини бошқалардан ажратиб турувчи хусусияти — бу худбинларча асоснинг мутлақо йўқлигидир. Бундай севги одамларга хизмат қилиш истагида ғамхўрликка тўлиб-тошган чин юракдан келиб чиқади. Павлус Коринфликларга мактубнинг ўн учинчи бобида бу севги турининг хислатларини санаб ўтган. «Анапе» севгиси сабрли ва кўнгилчандир. Севги ҳасад қилмас, кеккаймамас, шишинмас. Севги бебошлик қилмас, худбинлик қилмас, аччиқланмас, кек сақламас. Севги ноҳақликка севинмас, аксинча, ҳақиқат ила шод бўлур. Севги ҳар нарсани кўтарар, ҳар йўлда ишонч ҳосил қилар, ҳар шароитда умид сақлар, ҳар нарсага тоқат қилар. Севги асло адо бўлмас.

Муқаддас Китоб севгиси шунга кўра оддий ҳис-туйғулардан устундир. У серғайратдир. Масихийлар фақатгина ўз яқинларига меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этилмаганлар. Кўп ҳолларда бу уларнинг ҳукмида бўлмайди. Аммо биз бошқа одамга нисбатан ўз ҳатти-ҳаракатларимизни ва таъсиримизни назорат қила оламиз. Масихий *севгувчи бўлиши керак*, Худога бўлган фидокорона севгисини кўзгудагидек акс эттира олиши керак.

Шундай қилиб, яқинларга бўлган муҳаббат, «агапе» севгиси Муқаддас Рухнинг энг буюк самарасини намоён этади. Павлуснинг ёзишича: «Эндиликда бу уч нарса қолади: ишонч, умид, севги. Севги эса энг аьлосидир» (1 Кор. 13:13).

Мадомики, «агапе» севгиси Худонинг бизга бўлган севгиси моҳиятини кўзгудек акс эттирар экан ва ўз танлаганига нисбатан ҳамиша садоқатини сақлаб қолар экан, уни энг юксак севги деб аташ мумкин. Бундай севги ишончга асосланган садоқат ила таърифланади. Бундай севги ҳақиқий ва ўзгармасдир.

## Хулосалар

1. Муқаддас Китоб севгиси серғайратдир.
2. Муқаддас Китоб севгиси — Худо амрларига биноан биз бажаришимиз шарт бўлган бурчдир.
3. Севги маъносини ифодалайдиган барча юнонча сўзлардан муҳим деб ҳисобланган учтасини белгилаш лозим:
  - а) *phileo* = биродарларча меҳрибонлик;
  - б) *eros* = ҳиссий ёки хаёлий севги;
  - в) *agape* = диёнатли ёки руҳий севги.
4. «Агапе» севгиси Худонинг барқарор севгисини акс эттиради ва ҳар доим *бошқаларга* қаратилган бўлади.

## Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар

Амр. 6:4–5;  
Мат. 5:43–48;  
1 Кор. 13:1–13;  
Эф. 5:25–33;  
1 Юҳ. 4:7–21.

## 88-боб

### Умид

Биз кўпинча бу дунёда нималаргадир «умид қилиб» яшаймиз. Биз маошимиз оширилишига умид қиламиз. Суюкли командамиз жаҳон чемпионатида ғолиб бўлишига умид боғлаймиз. Бундай умидлар инсон келажақдан нималар кутаётганлигини намоён қилади. Биз ниҳоятда омонат ва ўзгарувчан нарсаларга ҳам умид қилаверамиз. Орзу қилган умидларимиз бажарилишини билмаймизу, лекин барибир умид қилаверамиз.

Бироқ Муқаддас Китоб умид ҳақида гапирганда, у бутунлай бошқа нарсани назарда тутади. Муқаддас Китоб

умиди — бу Худо берган ваъдаларнинг албатта бажарилиши. Умид — бизнинг хоҳиш-истакларимизнинг тасвиригина эмас, балки уларнинг *бажарилишига* бўлган *ишончдир*. «...Умидимиз жон лангаридай ишончли ва мустаҳкамдир, биз бу умид орқали Маъбад пардасининг орқа томонига ҳам ўтиб кирамиз» (Ибр. 6:19).

Павлус Коринфликларга мактубда (13:13) айтганидай, умид — масиҳийлик фазилатининг бири сифатида ишонч ва севги билан бир қаторда туради. Умид — бу келажакка қаратилган ишончдир.

Муқаддас Китобда умид ҳақида икки вазиятда гапирилади. Биринчидан, бизнинг умидимиз объектини кўрсатиш. Исо Масиҳ — абадий ҳаётга бўлган умидимиздир. Иккинчидан, кўпинча Худонинг берган ваъдаларининг бажарилишига бўлган умид ва ишонч. Масиҳий Худо халқининг тирилишига ва Худонинг Шоҳлигининг келишига комил ишонч билан умид қилишга даъват этилган. Умид эсхатология, яъни олам ва одам сўнгги қисмати тўғрисидаги таълимоти билан чамбарчас боғланган.

Павлуснинг масиҳийларга эслатишича, Осмондаги Шоҳлик келгунга қадар имонлилар бу ваъданинг бажарилишига қатъий умид қилишлари мумкин. Улар «кўриш билан эмас, эътиқод билан яшашлари» лозим (2 Кор. 5:7). Бу умид асоссиз ҳам эмас, заминсиз ҳам эмас. Гарчи масиҳийнинг ҳаётида тантаналарга нисбатан ғам-ташвишлар кўп бўлса-да (қаранг: 1 Кор. 4:8-13; 2 Кор. 4:7-18), унинг умидлари асоси Худодир.

Биринчидан, имонли одам Масиҳнинг ўлимини ва тирилишини кўради. Масиҳнинг ўлими Унинг шогирдлари учун энг қайғули палла бўлган эди. Ёғ суртилган Масиҳ ўлди, Унинг Шоҳлиги ўрнатилишига бўлган умид ҳам ҳалок бўлгандек эди. Бироқ Тирилиш билан умидсизлик яна қайта умидга айланди. Азоб-уқубатларга қарамай масиҳийлик умиди ҳаммасини енгади. Қодир Худо қудратли ва адолатлидир.

Иккинчидан, имонлида бўлажак Шоҳликка гаров бўлиб хизмат қиладиган Муқаддас Руҳ бор. Унинг мавжудлиги Худо Шоҳлигининг албатта келишига бизда ишонч уйғотади. Руҳ нафақат умидимизнинг аломати, балки унинг кафолати ҳамдир. Муқаддас Руҳ имонлига куч ва умид ато этиб, Юпатувчи вазифасини ҳам бажаради. Айнан Руҳ имонлини Отага ибодат қилишга руҳлантиради: «Сенинг Шоҳлигинг келсин».

### **Хулосалар**

1. Муқаддас Китоб умиди — хоҳишдан кўра, кўпроқ ишонч демакдир.
2. Умид — бу заифлик эмас, фазилатдир.
3. Имон — бу Худонинг амалга оширган ишларига асосланган ишончдир. Умид — Худо бизга келажакда ваъда қилган эзуликларга бўлган ишончдир.
4. Масиҳнинг тирилиши барча азоб-укубатларга қарамай бизда умид уйғотади.
5. Муқаддас Руҳ, Юпатувчимиз бизга умид бағишлайди. Унинг мавжудлиги — келажакдаги Худо Шоҳлигининг кафолатидир.

Ўтмишдаги  
воқеалар

ИШОНЧ

УМИД

Бўлажак  
ходисалар

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

Аюб. 13:15;

Рим. 5:1-5;

Рим. 8:18-25;

Тит. 2:11-14;

1 Юҳ. 3:1-3.

## Ибодат

Биз Худо билан гаплаша оламиз. У бизга Каломдаги сўзлар орқали сўзсиз, Ўзининг очик кўнгли билан мурожаат қилади. Биз У билан ўз ибодатларимиз воситасида мулоқот қиламиз. Чарлз Ходж «ибодат — бу қалбларимизнинг Худо билан сўзлашуви» деган. Ибодатимизда ва у орқали биз Худога бўлган иззат-ҳурматимизни ва Унга бўлган эҳтиромимизни намоён қиламиз, биз Унинг ҳузурида тавба-тазарру қилиб қалбимизни очамиз, олийжаноб юракларимизнинг чуқур миннатдорчилигини изҳор қиламиз, ўз илтижо ва ўтинчларимизни Унга йўллаймиз.

Ибодат қилаётиб биз Худонинг танҳолигига ва қудратига гувоҳ бўламиз. У одамларнинг ибодатларини эшитади ва уларга жавоб қайтаради. Каломнинг таълим беришича, бир томондан, бизнинг ибодатларимиз қудратли кучга эга, иккинчи томондан, Худо бизнинг ҳаёти-миздаги барча жиҳатларни мустақил равишда белгилаб қўйган. Бу ерда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ, чунки Худо чоралар кўради ва бир вақтнинг ўзида Ўз илоҳий ниятларининг бажарилишини белгилайди. Ибодат — бу шундай воситаки, унинг ёрдамида Худо Ўз мустақил иродасини амалга оширади.

Учликдаги Илоҳийликка, ёки Илоҳийликнинг ҳар бир шахси — Ота, Ўғил ёки Муқаддас Рухга мурожаат қилган ҳолда фақат Худога ибодат қилиш керак. Ҳар қандай жонзотга қаратилган ибодат — бутпарастликдир.

Тўғри ибодат бир неча талабга жавоб бермоғи лозим. Биринчидан, бизнинг Худога қилган мурожаатимиз самимий бўлиши лозим. Мантиқсиз ва қуруқ гаплар Худонинг устидан кулишдир. Диёнатли имондан узоқ бўлган бундай ибодат Худони таҳқирлашдан бошқа нарса эмас.

Иккинчидан, биз Худога иззат-ҳурмат билан мурожаат қилишимиз керак. Ибодат қилаётиб биз Ким билан гаплашаётганимизни доимо ёдда тутишимиз керак.

Дўстларимиз билан суҳбатда биз йўл қўядиган адабсизлик, илтифотсизлик, ҳурматсизлик Худога мурожаат қилишимизда Унга нисбатан нафратли ёки бетамиз муносабат сифатида қаралади. Одамлар ердаги шоҳларга иззат-эҳтиром билан мурожаат қилишади. Биз ҳам Худонинг улуғворлигини ёдда сақлаган ҳолда, Унга ана шундай муносабатда бўлишимиз даркор.

Учинчи шарт табиий равишда юқорида келтирилган иккала шартдан келиб чиқади. Биз Худога мўминлик билан яқинлашишимиз керак. Биз Унинг Кимлигини эсда тутибгина қолмай, балки ўзимизнинг кимлигимизни ҳам унутмаслигимиз лозим. Биз — Унинг фарзандларимиз. Бироқ биз гуноҳкор жонзотларимиз ҳам. Биз Унга такаббурлик билан эмас, балки шижоат билан яқинлашишимизни хоҳлайди.

Худо бизга илтижоларимизда ғайратли ва саботли бўлишимизни амр этади. Айти пайтда биз Унинг ирода-сига тўла бўйсунган ҳолда Унга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Агар биз: «Сенинг айтганинг бўлсин» десак, бу имонимизнинг заифлигини англатмайди. Биз ибодатда ифодаляйдиган имон Худо бизнинг ибодатларимизни тинглаётганини ва уларга жавоб бериш ниятида эканлигини ўз ичига олиши лозим. Бордию, Худо илтижоларимизни рад этадиган бўлса, бизнинг имонимиз Унинг донолигига бўлган ишончда намоён бўлади. Унга илтижо билан мурожаат қилган ҳар бир инсон доимо Унинг донолигини ва саховатлилигини ёдда тутиши керак.

Биз Исо Масих номига ибодат қиламиз, чунки шу йўсинда У бизнинг Воситачимиз эканлигини тан оламиз. Биринчи Руҳоний сифатида Масих Ота олдида биз учун воситачилик қилади, Муқаддас Руҳ эса ибодатларимизда бизга ёрдам беради.

Тўғри ибодат қилишни ўрганиш учун ибодат ўз ичига қуйидаги тўрт асосий элементни киритишини эслаб қолиш даркор: сажда, тавба, миннатдорчилик ва илтижо.

## **Хулосалар**

1. Ибодат — бу Худо билан мулоқотдир.
2. Ибодат фақат Худога қаратилган бўлиши керак.
3. Ибодат самимий, эҳтиромли ва итоатли бўлиши лозим.
4. Бизга ибодатда ғайратли ва саботли бўлиш амр этилган.
5. Имон ибодати — бу Худонинг донолигига ва самимийлигига бўлган умид ибодатидир.
6. Ибодат ўз ичига тўрт муҳим элементни — саждани, тавбани, миннатдорчиликни ва илтижони қамраб олиши керак.

## ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Заб. 5:1-4;

Юҳ. 14:13-14;

Рим. 8:26-27;

Флп. 4:6-7;

1 Юҳ. 5:14-15.

## **90-боб**

### **Антиномизм**

*Антиномизм* сўзи айнан «қонунга қаршилик»ни англатади. У имонлининг ҳаётида Худо қонун-қоидаларини рад этади ёки менсимади, ўзида қарама-қарши бидъат қонунчилигини намоён қилади.

Антиномизм қонунга итоат этмасликни кўзда тутади. Бу бидъатнинг тарафдорлари Худонинг илоҳий ахлоқ қонунига риоя қилиш зарурлигини рад этишади, чунки Исо уларни ҳар қандай қонунлардан халос қилган, деб ҳисоблашади. Уларнинг эътироф этишича, ҳузур-ҳаловат имонлиларни нафақат Худо қонунининг лаънатидан озод этди, балки уни бажариш мажбуриятидан ҳам халос

қилган эмиш. Шундай қилиб, хузур-ҳаловат итоатсизликнинг гарови (лицензияси) бўлиб қолади.

Таажжуб, ҳаворий Павлус ўз вақтида бундай кайфиятларга кескин қарши чиққанига қарамай, одамлар шундай ҳолатни қўллаб-қувватлайверишади. Янги Аҳд муаллифларининг ҳеч бири Павлус сингари қонун ва хузур-ҳаловат ўртасидаги фарқни аниқ таъкидлай олмаган. Павлус Худо халқига инъом этилган Янги Аҳд билан ниҳоятда фахрланар эди. Шунга қарамай, у антиномизм бидъатини аёвсиз қоралаган. Масалан, у шундай деган: «Демак, биз бу имон туфайли Илоҳий қонунни бекор қиляпмизми? — Асло! Аксинча, қонунни тасдиқляпмиз» (Рим. 3:31).

Фақат имон орқали оқланиш ҳақидаги ақидани шакллантирган Мартин Лютерга ҳам антиномизм тарафдорларининг ҳужумларини қайтаришга тўғри келди. У Ёқубнинг фикрини қабул қилган ҳолда «фаолиятсиз имон ўликдир», деб тасдиқлади. Ушбу масала бўйича Лютер Иоанн Агрикола исмли талаба билан қизгин бахслашди. «Имонлига қонун керак эмас», — дейди Агрикола. У ҳатто гуноҳкорни хузур-ҳаловатларни қабул қилишга қонун тайёрлаши ҳақидаги далилни ҳам рад этади. 1539 йилда Лютер Агрикола ҳужумларига ўзининг «Антиномистларга қарши» деб номланган асари билан жавоб қайтарди. Сўнгра Агрикола антиномизм бидъатларидан воз кечди, ammo муаммонинг ўзи очиқлигича қолаверди.

Кейинчалик лютеран илоҳиётчилар Лютернинг қонун хусусидаги қарашларини маъқуллашди. Имоннинг охириги классик лютеранча рамзида, яъни *келишув Формуласида* (1577 й.) улар қонуннинг уч вазифасини аниқладилар: 1) гуноҳни аниқлаш; 2) жамоатда хулқ ва одоб сақлаш умумий қоидаларини ўрнатиш; 3) Масихга бўлган имон орқали қайта туғилганлар учун ҳаёт қонунларини ўрнатиш.

Антиномистларнинг энг асосий хатоси шундан иборатки, улар оқланишни покланиш билан адаштирадилар. Биз фаолиятимиздан қатъий назар, фақат имон орқали оқланамиз. Бироқ барча имонлилар Худонинг муқаддас

амрларига риоя қилиш воситасида имонда ўсишади. Улар хайрли ишларни Худога яхши кўриниш учун эмас, балки Исо Масиҳнинг хочда кўрсатган жасорати ила берилган хузур-ҳаловатга меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини билдириш ниятида амалга оширадилар.

Эски Аҳдни — қонунлар аҳди, Янги Аҳдни — хузур-ҳаловат аҳди деб аташ мутлақо нотўғри. Эски Аҳд Худонинг Ўз халқига бераётган ажойиб марҳаматларининг улкан гувоҳидир. Ваҳоланки, Янги Аҳд амрлар ва панду насиҳатларга тўлиб- тошган. Биз қонун ишлари билан кутқарилмаймиз, лекин Худо амрларига бўйсунганимиз билан Масиҳга бўлган меҳр-муҳаббатимизни намоён қиламиз. «Агар Мени севсангиз, — дейди Исо, — Менинг амрларимга риоя қилинг» (Юҳ. 14:15).

Кўпинча бизнинг қулоғимизга қуйидагича гаплар чақилиб туради: «Масиҳийлик — бу амрлар ва таъқиқлар ҳамда қонунлар тўплами эмас». Бу фикрда ҳақиқат бор, қолаверса, масиҳийлик — ҳақиқатдан ҳам фақат қонунлар тўплами эмас, балки ундан зиёдрокдир. Бу, ўз моҳиятига кўра, Масиҳнинг Ўзи билан мулоқотда бўлиш демакдир. Шундай бўлса-да, масиҳийлик маълум қонун-қоидаларга риоя қилишни англатади. Янги Аҳдда аниқ амр ва таъқиқлар мавжуд. Масиҳийлик — бу ҳар бир одамга хоҳлаган нарчасини қилишга ҳуқуқ берадиган эътиқод (дин) эмас. Аксинча, масиҳийлик ҳеч қачон ва ҳеч кимга нотўғри иш қилишга ҳуқуқ бермайди.

### *Хулосалар*

1. Антиномизм — бу Худо қонунларига масиҳийларнинг бўйсунгани шарт эмас, деб таъкидловчи бидъатдир.
2. Қонун гуноҳларни ошкор қилади, жамиятнинг одоб-ахлоқ асоси ва масиҳийлик ҳаётининг қўлланмаси ҳисобланади.
3. Антиномистлар оқланишни покланиш билан адаштирадилар.
4. Қонун ва марҳаматлар иккала Аҳдда — ҳам Янги, ҳам Эски Аҳдда мавжуд.

5. Худо қонунига бўйсуннишни оқланишга етишишимизнинг сабабчиси деб айтиб бўлмайди. Лекин оқланган одам Худонинг барча амрларини ғайрат билан бажаришга интилишини тасаввур қилиши табиийдир.

*Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Юҳ. 14:15;  
Рим. 3:27-31;  
Рим. 6:1-2;  
1 Юҳ. 2:3-6;  
1 Юҳ. 5:1-3.

## **91-боб**

### **Легализм**

Легализм — антионизмга қарши бўлган бидъат. Антиномизм, юқорида айтиб ўтганимиздек, ахлоқий қонунларга риоя этиш зарурлигини рад қилади, қонунийлик (ёки легализм) аксинча, қонунни марҳаматдан устун қўяди. Исо даврида қуйидагича нуқтаи назарни фарзийлар эгаллаган эдилар, Исо бу учун уларни қаттиқ койиган. Қонунчиларнинг асосий хатоси — имонлининг ўз хатти-ҳаракати билан қутқарилишга етишишга ва самовий ҳаётга эришишга бўлган ишончдан иборат эди. Фарзийлар, улар Иброҳимнинг болалари бўлсалар ва амрларни пухта бажарсалар, Худонинг фарзандларига айланадилар, деб ишонишарди. Легализм аслида Инжил ҳақиқатларини рад этади.

Қонуннинг ҳар бир ҳарфига ўта қаттиқ риоя қилишдан тортиб унинг руҳини рад қилиш легализмга ихлосмандликнинг табиий натижасидир. Биз қонунга қаттиқ риоя қиламиз, деб мақтанган фарзийлар дастлаб қонунни торайтиришларига ва бироз қаттиқ талабларни келтириб чиқаришларига тўғри келди. Бу вазиятни бой йигит тарихи жуда яхши тасвирлайди. Ёш йигит қандай қилиб аба-

дий ҳаётга эга бўлиш мумкинлигини Исодан сўради. Исо унга шундай жавоб қилди: «Агар комил бўлишни иста-санг, бор, ҳамма мол-мулкингни сотиб, пулини камбағал-ларга тарқат. Шундагина кўкда хазинанг бўлур. Ва кел, Менинг ортимдан эргаш» (Мат. 19:21). Бой йигит бу сўз-ларни эшитиб, қайғу ичида у ердан чиқиб кетди.

Фарзийлар легализмнинг бошқа шаклида ҳам айбдор эдилар. Худо қонунини улар ўз қонун-қоидалари билан тўлдиришган эди. Уларнинг «анъаналари» Худо қону-ни даражасигача бориб етди. Худо одамларни эркин қолдирган жойларда, фарзийлар уларни эркинликдан маҳрум этишди, кишанлаб, занжирбанд қилиб қўйишди. Легализмнинг бундай тури биргина фарзийларга хос эмас эди. Жамоат ўзининг бутун тарихи мобайнида ушбу офат билан курашиб келди ва курашишни давом эттирмоқда.

Легализм кўпинча антионизмга қарши жараён сифа-тида пайдо бўлади. Антиномизм гуноҳига ботиб қолмас-лик учун, одатда биз Худо қонунларидан ҳам қаттиқроқ қонунларни ўйлаб топамиз. Бундай ҳолатда легализм Худо халқини жабр-зулмга олиб келади.

Антиномизм ҳам кўпинча худди шу тариқа ва шу шаклда легализмга қарши туришга уриниш сифатида пай-до бўлади. Қонун душманлари одатда ҳар қандай тазйиқ-дан озод бўлиш учун жонбозлик кўрсатишади. Эркин-ликка кўр-кўрона интилиш ҳақиқий эркинлик йўлида тўсиқ бўлади. Ўз эркинлигини сақлаб қолмоқчи бўлган масиҳийлар ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари ва эркинликни ўзбошимчалик билан адаштириб юбормасликлари керак.

Легализмнинг бошқа шакли бу арзимаган нарсаларга катта эътибор беришдир. Фарзийлар ушр бериб қонун-нинг арзимаган талабларини зўр бериб бажаришади-ю, лекин Илоҳий Буйруқнинг ниҳоятда муҳим амрларига эътибор бермай қўйганликларини Исо қоралайди (қаранг: Мат. 23:23-24). Бундай жараён Жамоат учун катта хавф туғдиради. Биз ўз кадр-қимматимизни тақводорликнинг олий даражасигача олиб чиқишимиз ва нуқсон-камчилик-ларимизни камайтириб кўрсатиб, уларни арзимас деб

ҳисоблаймиз. Масалан, мен ихтиёрий равишда рақслардан воз кечишимни улкан руҳий ҳиммат, таъмагирлик ва очкўзликни эса шунчаки арзимас камчилик деб ҳисоблашим мумкин.

Легализм ва антиномизм захридан қутулишнинг ягона йўли — Худо Каломини жиддий ўқиб-ўрганишдир. Фақат мана шу йўл билангина Худога нима хуш келади-ю, нима номаъқул эканлигини тўғри тушуна оламиз.

### **Хулосалар**

1. Легализм антиномизмнинг қарама-қарши тушунчаси бўлган ҳолда, Худо қонунларини бузиб кўрсатади.

Антиномизм ←— ХУДО ҚОНУНИ —→ Легализм

2. Легализм инсоний анъаналарни Худо қонунлари даражасигача юксалтира олади.
3. Худо Ўз халқига эрк берган жойда, легализм Худо халқини ўша жойда ўзига қарам қилиб олади.
4. Легализм арзимас нарсаларга катта эътибор беради ва Худонинг муҳим ҳамда асосий қонун-қоидаларини аҳамиятсиз қилиб кўрсатади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мат. 15:1–20;

Мат. 23:22–29;

Ҳав. 15:1–29;

Рим. 3:19–26;

Гал. 3:10–14.

## **92-боб**

### **Қонуннинг уч томонлама мақсади**

Ҳар бир масиҳий Эски Аҳд қонунлари ўзининг ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканлигини билгиси келади. Қонун-

ларнинг бизга қандай алоқаси бор ва биз қисман бўлса-да, уларга риюя қилишимиз керакми? Жамиятимизда антиномизм бидъатлари тобора кенг тарқалиб бораётган шароитда, бу саволларга батафсил жавоб бериш зарурлиги шунчалик аён бўлиб қолмоқда.

Ислоҳот қонун билан эмас, ҳузур-ҳаловат билан асосланган. Бироқ Ислоҳот намояндалари Худо қонунидан воз кечмадилар. Жан Кальвин, масалан, қонунни масихий ҳаётида муҳим эканлигини кўрсатиш учун «қонуннинг уч томонлама мақсади» тўғрисидаги тезисни олиб чиқди<sup>1</sup>.

Қонуннинг биринчи мақсади — кўзгу сифатида хизмат қилишдир. Бир томондан, Худонинг қонунида Худонинг ҳақиқий марҳамати кўзгудай акс этиб туради. Қонундан биз Худо тўғрисида кўп нарсаларни билиб оламиз. Бироқ қонун инсоннинг гуноҳини очиб ташлайди ва буниси, эҳтимол, муҳимроқ далил бўлса керак. Августин шундай деган: «Биз Худодан ёрдам сўрашимизни қонун буюради, чунки биз қонун-амрларни бажаришга уриниб, ўз ожизлигимиз туфайли муваффақиятсизликка учраймиз»<sup>2</sup>. Куч фақат Масихда эканлигини биз англаб етишимиз учун қонун бизнинг заифликларимизни фош қилади. Қонун бундай шароитда одамни Худога олиб келувчи қаттиққўл мураббий сифатида ҳаракат қилади.

Қонуннинг иккинчи мақсади шуки, у бизни ёвузликдан сақлаб қолади. Қонун ўз-ўзидан инсон юрагини ўзгартира олмайди. Аммо у солиҳларни нопоклардан ҳимоя қила олади. Кальвиннинг айтишича, қонуннинг иккинчи мақсади — «фақат мажбурият юзасидан хайрли ишлар қиладиганларга даҳшатли дўқ-пўписа қилиш ва ниҳоятда қаттиқ жазо бериш орқали ёвузликдан қайтаришдан иборатдир»<sup>3</sup>. Қонун сўнгги ҳукм келмагунча адолатни маълум даражада сақлаб туради.

Қонуннинг учинчи мақсади — Худога нима маъқуллигини билишдан иборатдир. Юқоридан туғилган Худо болаларига биз хизмат қилишга интиланган Отамизга нима маъқул келишини қонун бизга кўрсатиб беради.

Масихийлар қонунда, худди Худонинг Ўзи сингари, хузур-ҳаловат топадилар. Исо шундай деган: «Агар мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар» (Юҳ 14:15). Қонуннинг олий хизмати шундан иборатки, қонун ёрдамида Худо халқи ўзининг иззат-эҳтиромини Худога намоеъ қилишда ва Уни улуғлашда Қонун восита сифатида хизмат қилади.

Худо қонунини ўрганиш ва у ҳақда мулоҳаза юритиш орқали, биз солиҳлик мактабида таълим оламиз. Худога нима маъкул экану, нима Уни таҳқирлаётганини биз тушуна бошлаймиз. Худо Каломда бизга очиб берган илоҳий ахлоқ қонунга риоя қилиши зарур. Биз Худо қонунининг лаънатидан халос бўлганмиз, лекин унга бўйсунуш зарурлигидан қутулмаганмиз. Биз Худо қонунига итоат этганлигимиз учун оқланмаганмиз, балки унга бўйсунуш учун оқланганмиз. Масихни севиш — Унинг амрларига риоя қилиш демакдир. Худони севиш — Унинг қонунларига бўйсунуш демакдир.

### *Хулосалар*

1. Ҳозирги Жамоатда тарқалган антиномизм Худо қонунини ўз кучидан маҳрум қилади, уни бузиб кўрсатади ёки инкор этади.
2. Худо қонунида Худонинг муқаддаслиги ва бизнинг носолиҳлигимиз кўзгудагидек аниқ акс этади.
3. Худо Қонуни бизни гуноҳ қилишдан сақлайди.
4. Худо қонуни Худога нима маъкул, нима номаъкул эканлигини тушунишимизга ёрдам беради.
5. Масихийлар Худонинг қонунларини севишлари ва Худонинг илоҳий ахлоқ қонунига бўйсунушлари керак.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Заб. 18:8-12;  
Заб. 118:9-16;  
Рим. 7:7-25;

Рим. 8:3-4;  
1 Кор. 7:19;  
Гал. 3:24.

## 93-боб

### Перфекционизм

Перфекционизм — ақидадир. Ушбу ақидага кўра, ҳар бир масиҳий Худонинг марҳамати туфайли қасддан қилган гуноҳидан халос бўлади ва бу ҳаётда мўътабарликка ҳамда комил севгига эга бўлади. Қуйидаги ақида Жон Уэсли таълимоти асосида пайдо бўлиб, эллигинчилар ҳаракатининг илк даврида янада ривож топди. Бу сингари руҳий комилликка эга бўлиш имонлининг қалбида бирданига содир бўладиган марҳаматнинг иккиламчи таъсири сифатида қаралади.

Перфекционизмнинг мўътадил тури тарафдорларининг таъкидига кўра, мана шу иккиламчи иноят таъсиридан кейин имонли «қасддан қилинган гуноҳ» устидан янада ишончлироқ ғалабаларни қўлга киритмоғи лозим. Мабодо имонли гуноҳ қилгудай бўлса, уни тўсатдан ёки билмасдан содир қилади. Бу нуқтаи назарнинг ноаниқлиги иккита хатода яширинган. Биринчидан, унинг тарафдорлари Худо қонунининг қаттиқ талабини юмшатиб кўрсатишади. Худо қонунининг ҳақиқий маъносини тушуниш, перфекционизмга қизиқиш хавфининг олдини олади. Иккинчидан, улар одамнинг руҳий ўсишини ниҳоятда ошириб юборадилар. Бу таълимотни қабул қилиш учун одам ўзининг солиҳлигини албатта бўрттириб кўрсатиши керак.

Жамоатнинг бутун тарихи давомида Инжил жамоатларининг кўпчилиги, хусусан, Ислоҳот жамоати перфекционистлар нуқтаи назарини Муқаддас Китоб таълимотига зид, деб ҳисоблаган. Ҳатто эллигинчилар ҳам амалда бу ақидадан юз ўгиришган. Мартин Лютернинг

таъкидлашича, юқоридан тугилган имонлилар — бир вақтнинг ўзида ҳам имонлилар, ҳам гуноҳкорлардирлар. Имонлилар фақатгина Худонинг кўз ўнгида солиҳ ҳисобланадилар. Масиҳ уларни ҳар қандай гуноҳдан поклаган ва Худо уларга Масиҳнинг шу солиҳлигини юклайди. Худо имонлиларни солиҳ деб «Масиҳда» билади. Бироқ Масиҳнинг хизматини ҳисобга олмаганда, имонлиларнинг ўзлари гуноҳкорлигича қолаверадилар. Оқланиш жараёнида гуноҳкорнинг ҳақиқатдан ҳам борган сари гуноҳ қилиши камайиб бораверади, аммо бу жараён имонлининг ўлгунига қадар, то у улуғлангунча давом этади.

Масиҳийлар комилликка интилишлари зарур. Комиллик бизга ер юзида имконсиздир, деган далилни гуноҳнинг оқланиши, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Биз, Худонинг халқи, Исо Масиҳдаги Илоҳийлик деган олий унвонга мушарраф бўлишга интилишимиз керак.

### *Хулосалар*

1. Перфекционистларнинг таълим беришича, иноятнинг иккинчи таъсири мавжуд бўлиб, шунинг натижасида имонлилар бу ҳаётда ҳақиқий илоҳийлик ва севгига эга бўлишлари мумкин.
2. Мўътадил перфекционистларнинг тахмин қилишларича, масиҳийлар қасддан қилинаётган гуноҳлар устидан ғалаба қозонишлари мумкин.
3. Перфекционизм Худо қонуни талабларини камайтириб ва одамнинг руҳий ўсишини бўрттириб кўрсатишга асосланган.
4. Гарчанд биз гуноҳкорлигимизча қолсак-да, Худо бизни оқляпти.
5. Оқланиш пайтида покланиш жараёни бошланиб, у умримиз тугагунча давом этади.
6. Масиҳийлар фақат ўлгандан кейингина улуғланиб, комилликка муяссар бўлишади.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

- Рим. 5:0;  
1 Кор. 15:42-57;  
2 Кор. 7:1;  
Флп. 3:7-14;  
1 Юх. 1:5-10.

## **94-боб**

### **Давлат ҳокимияти**

Америкада Жамоатни давлатдан ажратиш ҳақида жуда кўп гапирилади. Бу жараён Худонинг Ўзи ўрнатган ва Унинг ҳукмронлиги остида бўлган ташкилотнинг икки шаклига эътиборимизни қаратади. Уларнинг пайдо бўлиши Худо томонидан белгиланган. Уларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси бор, лекин бирортаси бошқасининг таъсир доирасини зўрлик билан эгаллаб олишга ҳақи йўқ. Жамоат вазифаси Инжилни ваъз қилиш, маросимларни ўтказиш, имонлиларнинг қалблари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва ҳоказолардан иборат. Давлат бундай ишлар билан шуғулланмайди. Давлат зиммасига тартиб ўрнатишни таъминлаш, солиқлар йиғиш, иқтисод ва жамиятни бошқариш, салоҳиятли армияни сақлаш, ўз фуқароларининг ҳаёти ва мол-мулкларини ҳимоя қилиш киради. Жамоат бундай ишларда иштирок этмайди. Давлатга «қилич» дан фойдаланиш ҳуқуқи берилган, Жамоатда эса бундай ҳуқуқ йўқ. Ҳаворий Павлус шундай деган:

Ҳар бир одам ҳукмрон ҳокимиятга бўйсунсин. Чунки Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятларнинг ҳаммасини ҳам Худо тайин этган. Шунинг учун ҳокимиятга қаршилик кўрсатган Худонинг амрига қарши чиққан бўлади. Қаршилик қилувчилар эса ўзларини ўзлари ҳукмга дучор қиладилар. Яхшилик қилганлар эмас, ёмонлик қилганлар бошлиқлардан қўрқишлари керак. Ҳокимиятдан

кўрқмасликни истайсанми? Унда яхши иш қилиб юр, шунда бошлиқнинг мақтовига сазовор бўласан. Чунки бошлиқ сенинг манфаатинг учун Худонинг хизматкоридир. Аммо ёмон иш қилсанг, кўрқ. Чунки у қилишни беҳуда кўтариб юрмайди. У ёмонлик қилганга ғазабнок жазо берувчи сифатида Худонинг хизматкоридир.

*Рим. 13:1-4*

Павлуснинг таъкидлашича, давлат ҳокимиятини Худо ўрнатган. У ёки бу ҳукмдорга ҳокимият бўлиб берилар экан, у ҳақиқатда Худо хизматкори сифатида «иштирок» этади. У Худодан мустақил равишда ҳаракат қилолмайди. Вестминстерлик имон тавбасида шундай дейилган:

Бутун дунёнинг энг буюк Раббийси, Шоҳи бўлган Худо Унга бўйсунган одамлар устидан фуқаролик ҳокимиятини Ўзининг шон-шухрати ва нажотбахшлиги учун ўрнатди; шу мақсадда эзгулик қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ва жинойтчиларни жазолаш учун уларнинг қўлларига ҳокимлик қилишни берди... Фуқаролик ҳокимияти ўз зиммасига Калом хизматини ва маросимларни амалга ошириш вазифасини ололмайди ёки Осмон Шоҳлигининг калитига эга бўлолмайди<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунларда Жамоатни давлатдан ажратиш концепцияси давлатни Худодан ажратиш сифатида кенг (устига устак ногўгри) талқин қилинмоқда. Давлат Худодан назоратидан чиқиб кетишга уринмоқда. У мустақилликка интилмоқда. Амалдаги ҳокимият ахлоқий-этик меёрларни бузаётганлиги ҳақида Жамоат огоҳлантирилганда, уни давлат ишларига аралашаётганлиги учун танқид қилишади. Бироқ Жамоат давлат вазифасини бажаришга уринмайди. У фақат башорат йўли билан давлатни фош қилади ва ҳукуматни Худо хоҳишларига монанд иш тутишга даъват этади.

Инжилни муайян маънода ҳақиқатдан ҳам сиёсий куч сифатида баҳолаш мумкин. У Масиҳни Шоҳлар Шоҳи ва ҳукмдорларнинг Раббийси деб эълон қилади. Масиҳ олий

ҳокимиятга эга. Қолган жамики бошқарувчилар ва бошлиқлар ўз ҳокимликларини қандай татбиқ этаётганлари ҳақида жавоб тайёрлайдилар ва Унга ҳисобот берадилар.

Ҳокимларга ва мансабдор шахсларга «қилич» дан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Уларга адолат ўрнатиш ва давлат чегараларини ҳимоя қилиш учун куч қўллаш ҳуқуқи берилган. Ҳукумат илтимослар ва таклифлар орқали ҳаракат қилмайди. У куч ишлатиш назарда тутилиши мумкин бўлган қонунларга асосланиб ҳаракат қилади. Гарчанд ҳукумат ўлим жазосини қўллаш ёки адолатли уруш эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, у ҳар доим ва ҳамма масалада Худога ҳисобот бериши лозим.

Муқаддас Китоб масиҳийни иложи борица ҳамма жойда итоаткор фуқаро намунаси бўлишга даъват этади. Биз ҳокимият тепасида турувчилар учун ўз ибодатларимиз, итоаткорлигимиз ва бизнинг устимиздан тайинланган ҳокимиятга бўйсунганимиз билан Масиҳни улуғлаймиз. Биз ҳокимиятга то у Худо тақиқлаган нарсаларни амалга оширишга талаб қилгунга қадар, ёки бўлмаса, Унинг амрларини бажаришимизга тўсқинлик қилишигача бўйсунганимиз керак. Иккала ҳолат юз берганда, биз бундай ҳокимиятга нафақат итоатсизлигимизни кўрсатишимиз мумкин, балки шарт ҳамдир.

### *Хулосалар*

1. Жамоат ва давлат — бу Худо томонидан яратилган ва Унга ҳисоб берувчи икки турлича шаклдаги ташкилотлардир.
2. Давлат ҳокимияти Худо томонидан ўрнатилган.
3. Ҳеч бир давлат Худодан ажрай олмайди ва Ундан мустақил равишда ҳаракат қила олмайди.
4. Давлат Худодан мустақил бўлишга интилганда, Жамоатнинг вазифаси уни фош этишдир.
5. Ҳокимиятга бўйсунуш ҳар бир масиҳийнинг муқаддас бурчидир. Агар давлат қонунлари Худо Каломига зид бўлмаса, биз уларга риоя қилишимиз керак.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

2 Сол. 26:16-20;

Заб. 2:10-12;

Рим. 13:1-7;

1 Тим. 2:1-4;

1 Бут. 2:13-17.

## **95-боб**

### **Никоҳ**

Никоҳ олам яратилиши пайтида Худо томонидан жорий этилган. Жалиладаги Кана шаҳрида бўлган никоҳ базмида Масих Ўзининг иштироки ва Ўзининг ҳаворийлари орқали бизга берилган панду насихатлари билан никоҳни поклади. Кўпгина тўй маросимлари никоҳнинг илоҳий келиб чиқишини тан олинганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ ҳозирги замон никоҳ шартномаларида ва келишувларда одамлар кўпинча никоҳ Худо амри билан бошқарилиб турилиши далилини эътиборга олмайдилар ёки етарлича баҳоламайдилар. Худо қонуни никоҳнинг қонунийлигини ва аҳамиятини аниқ, равшан қилиб таъкидлаб келади.

Никоҳ бир аёл ва бир эркак ўртасидаги алоҳида алоқаларни назарда тутаяди, шунинг натижасида уларнинг иккови «бир тан бўлади». Никоҳда эр-хотин жисмонан, ҳистуйғу билан, ақлан ва руҳан қўшилишади. Бу иттифоқ бир умрга тузилади. Никоҳ муқаддас қасамёд ва аҳдлашув билан, шунингдек, эр-хотиннинг жисмоний бирлиги билан тасдиқланади. Каломда фақат икки ҳолатда никоҳнинг бекор қилиниши айтилади: бевафолик қилиш ва эр-хотиндан бирининг оиладан кетиб қолиши.

Бевафолик никоҳ иттифоқида ман этилади. Никоҳ институти, эркак ва аёл бир-бирини ўзаро тўлдирсин, Худонинг яратувчилик ишида иштирок этиб, инсоният

наслини тикласин, деб Худо томонидан яратилган. Жисмоний бирлик наслни давом эттириш учун жуда зарур, лекин у руҳий аҳамиятга ҳам эга. Жисмоний бирлик эр билан хотиннинг руҳий бирлиги рамзини ифодалайди ва намоён этади. Павлус никоҳ иттифоқи образидан Масих ва Унинг Жамоати ўртасидаги муносабатларни таърифлаш учун фойдаланади. Эски Аҳд ҳам Худо билан Исроил ўртасидаги аҳд муносабатларини тасвирлашда мана шу образга мурожаат қилади. Садоқат, ўзаро севги, гамхўрлик ва мадад ўзида никоҳнинг ўзаро муносабатлари асосини акс эттиради. Эр-хотиннинг бевафолиги эса аҳд шартларини бузади, бунинг оқибатида эса иттифок барҳам топади.

Бундан ташқари, Павлуснинг айтишича, агар имонлини умр йўлдоши ташлаб кетса, у ўзини эркин ҳисоблашга ҳақи бор (қаранг: 1 Кор. 7:12–16). Эр-хотиндан бирортаси оиласини ташлаб кетгудек бўлса, унинг бу ҳаракати бевафолик сингари, Худонинг никоҳга бўлган эзгу ниятини бузиш каби баҳоланади.

Никоҳ — бу яратилиш жараёнида ўрнатилган мўъжизадир. Никоҳни дуо қилиш учун эр билан хотин иккаласи ҳам масиҳий бўлиши керак. Эркак ва аёлларнинг барчаси оила қуриши мумкинлигига қарамай, масиҳийлар фақат «Раббийда» бўлганларга уйланишга ёки турмушга чиқишга даъват этилганлар. Калом масиҳийларни номасиҳийлар билан оила қуришларини очиқ-ойдин ман этади.

Худонинг амрига биноан, эр ўз хотинининг «боши» бўлмоғи керак. Хотин Раббийга бўлгани сингари, эрига итоат этишга даъват қилинган. Эр ҳам ўз хотинини худди Масих Ўз Қаллиғини — Жамоатни севиб, Ўзини унга бахшида қилгани сингари севиши керак.

### *Хулосалар*

1. Никоҳ Худо томонидан жорий этилган ва Худонинг амрлари орқали бошқарилади.

2. Уйланиш ёки эрга тегиш бир никоҳликка асосланган бўлиши керак.
3. Никоҳда рухсат ва қайд этилган жисмоний бирлик эр билан хотиннинг руҳий бирлигини акс эттиради.
4. Никоҳ иттифоқининг образи Каломда Худо ва Унинг Жамоати ўртасидаги муносабатларни таърифлаш учун ишлатилади.
5. Яратилиш даврида жорий қилинган никоҳ ҳамма одамлар учун мўлжалланган. Жамоат имонлиларнинг имонсизлар билан бўлган никоҳини тан олади. Аммо масиҳийларга фақат «Раббийда» бўлганлар билан никоҳ қуришни амр этади.
6. Никоҳ иттифоқининг тузилишини Худонинг Ўзи белгилаган. Эр-хотиннинг иккисига ҳам Худонинг алоҳида амрлари берилган.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Ибт. 2:24;  
 Мат. 19:1-9;  
 1 Кор. 7;  
 Эф. 5:21-33;  
 1 Сал. 4:3-8;  
 Ибр. 13:4.

## **96-боб**

### **Ажралиш**

Ажралиш ҳақидаги масала ҳозирги жамиятда жуда долзарб бўлиб қолди. Ажралиш ҳоллари шу кунларда бениҳоят кўпайиб кетдики, уни ҳақиқий эпидемия деб аташ мумкин. Ажралишлар сонининг кўпайиб кетиши натижасида бу масала билан боғлиқ бўлган никоҳни бекор қилиш ҳуқуқий жараёни ниҳоятда тезлашиб кетди. Ҳатто ажралишаётган томонларга қўйилаётган айбларни ҳам

талаб қилишнинг ҳожати қолмади. Мадомики, ажралиш борган сари осонлашиб кетаверар экан, ажралишларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлган масала ҳам тобора кескинлашаверади.

Муқаддас Китоб никоҳни бекор қилиш масаласига ниҳоятда жиддий муносабатда бўлади. Исонинг ажралиш ҳақидаги таълимоти I асрдаги раввийлар мактаблари ўрта-сида мунозаралар контекстида кўрсатилган. Либераллар ва консерваторлар ажралишнинг қонуний асосларига оид масалада сира ҳам бир фикрга келишолмаган. Исонинг ҳам шу мунозарада иштирок этишига тўғри келган:

Исони синаш ниятида баъзи фарзийлар Унинг олдига келиб:

— Эркак ҳар қандай сабабга кўра ўз хотинидан ажралиши мумкинми? — деган саволни бердилар. Исо уларга жавобан: — Тавротда ўқимагансизларми? — деди. — Парвардигор бошданок одамларни эркак ва аёл қилиб яратди ва деди: «Эр киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўлади». Шунга кўра улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланадилар. Худо бирга кўшганини бандаси ажратмасин.

*Мат. 19:3-6*

Эътибор беринг-а, фарзийлар Исодан ажралишга нимани етарли асос деб ҳисоблаш мумкинлигини сўрашганда, У дарров Тавротга ва Худонинг никоҳга оид бўлган дастлабки қонун-қоидаларига мурожаат қилди. Никоҳ — бу икки инсоннинг умрбодлик иттифоқи далили эканлигини Исо алоҳида таъкидлайди. Исо эркак ва аёлнинг иттифоқи икковининг бир тан бўлишини ва инсоний қонунлар бу бирликни ажрата олмаслигини айтади. Фақат Худогина никоҳни бекор қилишга асос бўла оладиган далилни белгилаш ҳуқуқига эга.

Фарзийлар Исога саволлар беришни давом эттиришди:

Улар Исога:

— Ундай бўлса, Мусо нима учун: «Эркак хотини билан ажралса, талоқ хатини ёзиб берсин», деб амр этганлар? — дейишди. Исо уларга деди:

— Багри тош одамлар бўлганингиз учун Мусо сизларга хотинларингиз билан ажралишга ижозат берган. Лекин бошдан бундай эмас эди. Мен сизларга шуни айтайин: ким бевафоликдан бошқа сабаб туфайли хотинидан ажралиб, ўзгага уйланса, зино қилган бўлади. Шунингдек, эридан ажралган хотинга уйланган ҳам зино қилган бўлади.

*Мат. 19:7-9*

Агар биз Исонинг берган жавобини чуқур ўйлаб кўрадиган бўлсак, У фарзийларнинг Эски Аҳд қонунлари талқинини шубҳа остига қўйганлигини пайқаймиз. Мусо ажралишни «амр этмаган», балки ўзгарган вазиятларга биноан ажралишга *ижозат берган*. (Мусо Худонинг вакили эканлигини биз ҳаммамиз биламиз. Айнан Худо никоҳга нисбатан мавжуд низоларга зид бўлган гуноҳ юзага келгани сабабли Ўзининг дастлабки ниятидан қайтди.) Исроилликларга ажралиш тўғрисидаги рухсат багри тошлик туфайли берилганини ва бу рухсат никоҳ иттифоқига нисбатан мавжуд бўлган дастлабки ниятларни ҳеч бир ҳолатда бекор қилмаганини фарзийларга эслатди.

Сўнгра Исо бу масала бўйича Шахсий хулосасини айтди. Фақат эр хотинга ёки хотин эрга ҳиёнат қилган тақдирдагина ажралиш мумкинлигини У ҳисобга олди. Қайта никоҳ қураётганлар бузуқликка йўл қўйишлари ҳақида Унинг сирли сўзлари никоҳини ноқонуний тарзда бекор қилганларга тааллуқлидир. Агарда одамлар Худо рухсат бермаган тақдирда ажрашсалар, улар Худонинг кўзи ўнгида қонуний эр-хотинлигича қолаверадилар. Шунинг учун ноқонуний ажрашган одамларнинг такрорий никоҳи зинога йўл қўйилганлигини намоён этади.

Кейинроқ, юқоридаги бобда айтиб ўтганимиздек, Павлус ажралишнинг яна бир узрли сабабини кўрсатиб бер-

ди. Унинг фикрича, агар имонли хотин ёки эр имонсиз турмуш ўртоғи томонидан ташлаб кетилса, никоҳ бекор қилиниши мумкин (қаранг: 1 Кор. 7:10–15). Вестминстерлик имон тавбасида қуйидагича хулоса қилинган:

Никоҳдан кейин хиёнат қилинган тақдирда бегуноҳ томон қонуний ажралишни талаб этиши мумкин ва ажралгандан кейин эр ёки хотин вафот этгандан сўнг каби, яна такроран никоҳ қуришга ҳақлидир. Одамзоднинг гуноҳкорлиги шунақангича, гарчанд у гуноҳни бекор қилиш учун далилларни келтиришга шай бўлиб турса-да, Худо никоҳ орқали бирлаштирганларни ажратиш мумкин эмас; шунинг учун эрнинг хотинга, ёхуд хотиннинг эрга хиёнат қилишидан ёки оилани ташлаб кетиш кўзда тутилган ҳолатдан ташқари ҳеч бир сабаб никоҳнинг бузилишига етарлича асос бўла олмайди ва бундай ҳолатни энди на Жамоат, на фуқаролик ҳокимияти ўзгартира олмайди. Никоҳни бекор қилиш ошқора ва қонуний тарзда ўтказилиши керак. Бундай масалаларни ҳал қилишни эр-хотиннинг ихтиёрига қолдириб бўлмайди<sup>1</sup>.

### *Хулосалар*

1. Муқаддас Китоб асосли далилларсиз ажралишга йўл қўймайди.
2. Исо фарзийларнинг ажралишга либералларча нуқтаи назарларини тан олмаган.
3. Мусо ажралишни амр этмаган, аммо ажралишга ижозат берган.
4. Эр хотинга ёхуд хотин эрга бевафолик қилган тақдирдагина Исо ажралишга рухсат берган.
5. Исо ноқонуний ажрашганларнинг такрорий никоҳини зино деб атаган.
6. Павлуснинг айтишича, агар имонлини имонсиз умр йўлдоши ташлаб кетса, бу тарзда никоҳни бекор қилиш мумкин.

***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мат. 5:31-32;

Мат. 19:3-9;

Рим. 7:1-3;

1 Кор. 7:10-16.

Ўнинчи  
қисм



ОХИРГИ ЗАМОН

## 97-боб

### Дажжол

Муқаддас Китобда дажжол образи нафақат масихийлар доирасида, балки дунёвий жамият орасида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бу образ Голливуд фильмларининг ва ажиб экцентрик романларнинг энг севимли персонажидир. Дажжол — ўтакетган ёлғончи, шайтон кучи билан сеҳргарлик қиладиган ёвуз дунё ҳукмрони.

Дажжолнинг Янги Аҳддаги образи бениҳоят сирлидир. Унинг вазифаси ва табиати тўғрисида кўплаб мунозараю мулоҳазалар мавжуд. Дажжол русчада антихрист деб айтилади. Бу сўздаги *анти*-олд кўшимчаси қарама-каршилиқ, душманлик, кимгадир ёки нимагадир қарши маъносини англатади. Дажжол — бу нафақат «сохта Масихдир», балки ер юзида Масихнинг ўрнини эгаллашга интиладиган ёвуз, «қонунсиз одамдир». Дажжол ўзини Худо қилиб кўрсатиб, Масихнинг ўрнини босмоқчи бўлади. Шундай қилиб, дажжол — бу сохта Масих, у ёлғон ишлатиб ўзини ҳақиқий Масих эканлигига одамларни ишонтирмоқчи бўлган фирибгардир.

Шунингдек, дажжол аслида ким ёки нима эканлиги ҳақида ҳам жуда кўп гап-сўзлар мавжуд. Дажжол одам қиёфасидаги шахсми? У эгасиз кучми ёки бирон бир ташкилотми? У диний ёки сиёсий арбобми, ёхуд унисига ҳам, бунисига ҳам эга шахсми? Биргина дажжол мавжудми ёки улар кўпчилиқни ташкил қиладими? Масихийлар турли даврларда Нерон, Гитлер, Муссолини ва бошқа арбобларни ҳам дажжол деб аташган. Кўплаб протестантлар папани дажжол деб ҳисобласалар, айти пайтда бошқа масихийлар унинг келишини ва унинг ҳоқимияти ўрнатилишини кутиб яшамоқдалар. Юҳанно ҳозирданоқ «кўплаб дажжоллар пайдо бўлгани» (1 Юҳ. 2:18), ҳамда «(Одам вужуди билан дунёга келган) Исо Масихни тан

олмовчи ҳар қандай руҳ Худодан эмас. Бу — дажжол руҳи. Дажжол келишини сизлар эшитган эдингизлар. Мана, ҳозирдан у дунёда» (1 Юҳ. 4:3) эканлиги тўғрисида айтади. Бундан ҳаворийлар давридан то Масихнинг ерга қайтгунига қадар дажжолларнинг кўпайиши, ҳеч бўлмаганда унинг руҳи ва кучи намоён бўлиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ҳаворий Павлуснинг тасдиқлашича, Масихнинг Иккинчи бор ер юзига қайтиши арафасида дажжол ўзини жуда бошқача намоён қилади. «Тақдири ҳалокат бўлган дажжол» ер юзига «шайтон кучи билан» келади ва «Худонинг Маъбадида ўтириб, ўзини Худо қилиб кўрсатади» (қаранг: 2 Сал. 2:1-12). Баъзилар, бу ҳолат қачон Исроил давлатидаги Маъбад қайта тикланиб, унда тоат-ибодатлар бошланса, ана ўшандагина содир бўлади, деб ҳисоблашади. Бошқалар эса, гап бу ерда Янги Аҳд Маъбадини, яъни масихий Жамоатнинг пайдо бўлишини назарда тутадилар.

Дажжолнинг келиб чиқиши Жамоатдаги одамларнинг оммавий суръатда Худодан юз ўгириши билан боғланади. Эҳтимол, бу ерда дунёвий ҳокимиятнинг диний институтлар билан бирлашиши назарда тутилаётган бўлса керак. Дажжолнинг мақсади — Худо халқига уруш эълон қилиш, Масих ва Унинг Шоҳлигини йўқ қилиб юборишга уриниб кўришдир. Бироқ Муқаддас Китоб дажжолнинг улкан куч-қудрати ва таъсирига қарамасдан, унинг енгилиши, мағлубиятга учраб ҳукм қилиниши муқаррарлигига бизни ишонтиради. Пировардида, дажжолни ҳақиқий ва тирик Масихнинг муносиб душмани деб асло айтиб бўлмайди.

### *Хулосалар*

1. Дажжол Масихга қарши чиқиб, Унинг ўрнини эгаллашга интилади.
2. Жамоатнинг бутун тарихи давомида дажжол айрим шахслар ва ташкилотлар кўринишида намоён бўлган.

3. Охир замонда дажжол шайтоннинг кучи билан келишини, турли кудратли ишлар ва сохта мўъжизалар кўрсатишини Муқаддас Китоб башорат қилади.
4. Дажжол Масиҳга қарши курашда, шубҳасиз, мағлубиятга учрайди.

### **Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар**

- 2 Сал. 2:1-12;
- 1 Юҳ. 2:18-23;
- 1 Юҳ. 4:1-6;
- 2 Юҳ. 1:7.

## **98-боб**

### **Масиҳнинг қайтиши**

Жамоат ҳамма давр ва замонда Масиҳнинг қайтиши ҳақидаги ваъдасини қувончли ҳаяжон билан кутади. Унинг Биринчи келиши бизга нажот олиб келди. Масиҳнинг Иккинчи бор келиши эса Унинг Шоҳлигининг тамомила ўрнатилишига Жамоатнинг қилаётган умидини рағбатлантириш бўлади.

Исонинг ерга қайтиб келиши ҳақида сўз кетганда, Янги Аҳдда кўпинча *parousia* термини қўлланилади. Ушбу термин Исонинг охир замонда «пайдо бўлишини», «кўринишини» ёки «келишини», шунингдек, Жамоат Масиҳнинг Иккинчи бор келиши ҳақидаги ваъдасини амалга ошишини кутаётганлигини англатади.

Муқаддас Китобда айтилишича, Исонинг келиши яққол ва аниқ кўриниб туради. У куч-қудрат ва шон-шуҳрат билан булут орасида келади. Бу фақатгина Унинг кудратининг зоҳир бўлиши эмас. У Ўз танасида зоҳир бўлади. У сирли ва кўринмас ҳолатда пайдо бўлмайди. Исо кўкка кўтарилгандаги каби шон-шуҳрат булути қуршовида келади. Самодан Худо карнайининг овози ва бош фариштанинг садоси эшитилади.

Масих келиши пайтида Жамоат завқ-шавққа тўлиб, Раббий истиқболига пешвоз чиқиб, Уни кутиб олиш учун ҳавода парвоз қилади. Жамоатнинг кўкларга кўтарилиши ёки қувончи ҳам ошкора ва яққол намоён бўлади. То Масих Иккинчи марта қайтиб келмагунча, Худонинг танлаганлари ер юзида вақтинча завқланмайдилар. Аксинча муқаддаслар Исо билан учрашиш учун кўкларга кўтарилдилар ва У осмонда тантанаворлик билан ерга тушишида Унга ҳамроҳлик қилдилар. Шунингдек, Унинг келишида марҳумларнинг оммавий тирилиши, сўнгги ҳукм ва охир замон юз беради.

Масихийларнинг ҳар бир авлоди бедор ва ҳушёр бўлиб, Масихнинг Иккинчи бор келишини кутиши учун даъват этилгандир. Чунки ўғри кечаси қандай келса, маҳшар куни ҳам шундай келади. Кундалик ишларимизда ва ғам-ташвишларимизда бизга юпанч бўлиб хизмат қилиши учун биз ҳам бўлажак шон-шуҳратни эслаб туришга чорланганмиз.

Масихнинг қайси кун ва қайси вақтда келишини ҳеч ким билмайди Кўпчилик бу вақтни ҳисоблаб, аниқлашга уриниб кўрди, лекин уларнинг барча қилган башоратлари сохта бўлиб чиқди. Муқаддас Китоб биз ҳар доим ҳушёр бўлишимизни маслаҳат беради. Биз Унинг келиши вақти яқинлашаётганининг белгиларини кузатиб боришимиз лозим. Масихнинг қайтиб келиши бир неча асрларга чўзилиб кетганлиги сабабли, баъзи бир одамларнинг умиди сўниб бораётган бўлса-да, ўтаётган ҳар бир кун Унинг узоқ кутилаётган келишига бизни тобора яқинлаштиради.

### *Хулосалар*

1. Жамоат Масихнинг ваъда қилган қайтишини ишонч билан кутмоқда.
2. Масихнинг Иккинчи бор келиши аниқ ва ошкора бўлади.
3. Масих самога кўтарилгани сингари, шон-шуҳрат булутлари ичида келади.

4. Жамоат Масихни тантанаворлик билан ерга тушиши жараёнида Унга ҳамроҳлик қилиш учун, Уни ҳавода кутиб олади.
5. Жамоат хушёр бўлиб, Масихнинг қайтишини кутиши лозим. Шу билан бир вақтда, Унинг қайси кун ва қайси вақтда келишини айтиб беришга уринмаслиги керак.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Мат. 24:1-25:46;

Мат. 26:64;

Лк. 21:5-36;

Ҳав. 1:4-11;

1 Сал. 4:13-5:11;

Тит. 2:11-14.

## **99-боб**

### **Худо салтанати**

Дунё тарихи бизга давлат тузуми ва идоранинг турлича усулларини мисол орқали беради. Уларнинг энг кўп тарқалганларини санаб ўтиш жоиз: ҳарбий кучлар мададига таянган диктатура, қонун билан бошқариладиган республика, кўпчиликнинг ҳукмронлигини тан олишга асосланган демократия, шунингдек, якка ҳокимликнинг икки тури — конституцион (бунда ҳокимият конституция билан чегараланган) ва мутлақ ҳокимлик (бунда ҳокимнинг сўзи қонундир).

Худо салтанати — бу мутлақ ҳукмронликдир. Бунда Худодан ташқарида Уни боғлаб турадиган ёки чегаралайдиган ҳеч қандай қонун мавжуд эмас. Худонинг Ўз Шоҳлигидаги фуқаролардан уларни қандай бошқариш тўғрисида йўл-йўриқ сўрашининг ҳожати йўқ. Унинг Шоҳлиги ҳеч қандай референдумга боғлиқ эмас ва ишонч билдиришларига ҳам муҳтож эмас. Унинг сўзи қонун; чекланмаган олий ҳокимият Унинг ихтиёридадир.

Якка хукмдорга иззат-хурмат ва содиқлик ҳар қандай монарх давлатида жуда муҳимдир. Бундай хислатлар бошқа якка ҳокимиятли давлатларга қараганда, Худо Салтанатида ниҳоятда эъзозланади. Одамларнинг энг катта гуноҳи — бу Худони идрок этган ҳолда, Уни Худо сифатида улуғламаганлари ва Унга шукрона айтмаганликларидан иборат (қаранг: Рим. 1:21).

Худо Ўз халқи устидан хукмронлигини таъкидлаган ҳолда, Худо Шоҳлигининг мавзуси Эски ва Янги Аҳдда қизил ипдай оралаб ўтган. Самодаги тахтда Подшоҳлар Подшоҳи ва хукмдорлар Раббийси бўлиб ўтирадиган Келгуси Масиҳни Худо мой суртилган Шоҳ деб эълон қилди.

Эски Аҳдда Худонинг келажакдаги Шоҳлиги тўғрисида бир неча бор айтилади. Янги Аҳд Яҳё пайғамбарнинг: «Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди!» (Мат. 3:2), деган хитоби билан бошланади. Тарихий ҳодисани тасвирлаш учун ҳозирданоқ дарахтлар илдизида ётган «болта» (қаранг: Мат. 3:10), Ўз хирмонини шопириб ташлаш учун Унинг қўлида тайёр турган «паншаха» (қаранг: Мат. 3:12) образи қўлланади. Бу иккита тимсол ҳақиқатдан ҳам Осмон Шоҳлиги яқинлашиб келаётганлигидан дарак беради. Янги Аҳд Хушхабарининг эълон қилиниши Худо Салтанатига кириб боришнинг бошланганлигидан дарак беради. Яҳё пайғамбарнинг «Осмон Шоҳлиги яқинлашди!» деб айтган сўзлари охирзамоннинг санок боши бўлиб қолди.

Исо ҳам Ўз ваъзларида Шоҳлик Хушхабарининг эълон қилинишига урғу берган. Исо айтадики, Менинг Шоҳлигим халқим орасида қудратли равишда зоҳир бўлади. Кўкка Кўтарилиш пайтида Исо Ўз шогирдларига бутун дунё бўйлаб Унинг шоҳидлари бўлишларини амр этди. Улар барча одамларга Исонинг хукмронлиги, Шоҳлар Шоҳи эканлиги тўғрисида гувоҳлик берадилар. Исо Масиҳнинг Олам Шоҳи сифатидаги ҳақиқий хукмронлиги ҳали кўринганича йўқ. Дунё ҳали ҳам Унинг мустақил ҳокимиятини ё билмаяпти, ёки уни тан олгиси келмаяпти.

Жамоатнинг вазифаси — кўринмайдиган шоҳлик тўғрисида кўришиб турадиган гувоҳликни зоҳир қилишдир.

Исо тантанали равишда Худо Салтанатининг кириб келганлигини эълон қилди. У аллақачон самовий тахтда ўтирибди. Лекин ҳозирча Уни қувгинда Ўз вақтини бир неча Ўзига содиқ табаалар билан кутаётган Шоҳга қиёслаш мумкин. Лекин қайтиб келгач, У Ўз ҳокимиятини мукаммал ўрнатади.

Янги Аҳнинг таъкидлашича, Худо Салтанати бир томондан, аллақачон келган, бошқа томондан эса энди юз беради. У «аллақачон бор» ва «ҳали йўқ». Масиҳийлар бу икки муҳим жиҳатни тушуниб олмоқлари лозим. Шоҳликни аллақачон ўрнатилган ёки келажакда тўлиқ намоён бўлади деб ҳисоблаш — Янги Аҳд таълимотини бузиб кўрсатишдир. Биз аллақачон самовий тахтда Ўтирган Шоҳга хизмат қиляпмиз. Бироқ шундай бўлса-да, биз Уни шоншухратда тантанавор келишини ва ўшанда Унинг қарши-сида ҳар бир киши тиз чўкиб туришини ҳамон кутяпмиз.

### *Хулосалар*

1. Худо Салтанати — бу мутлақ ҳукмронликдир.
2. Эски ва Янги Аҳд Осмон Шоҳлиги мавзуси билан бирлаштирилган.
3. Янги Аҳд Исонинг келиши билан Худо Салтанати ўрнатилганлигини ва Унинг келажакдаги ҳукмронлигини эълон қилади.
4. Худо Шоҳлиги аллақачон мавжуд, лекин Масиҳнинг тантанавор равишда қайтганидан кейин у тўлиқ намоён бўлади.

### *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

Заб. 9:37-39;  
Заб. 21:28-32;  
Дон. 2:44;  
Юх. 18:36;  
Ибр. 1:8-14.

## 100-боб

### Самовий ватан

Одамлар кўпинча севган кишиси билан қилинган суҳбатни жаннатда бўлгани билан қиёслайдилар. Ҳақиқатдан севги — буюк марҳаматдир. Бироқ ер юзидаги вазият ва ғам-ташвишларни дўзах азоби ёки самовий роҳат-фароғат билан солиштириб бўлмайди.

Муқаддас Китобда таърифланган дўзахнинг қоронғу, кўрқинчли образлари ва ёруғ умид ҳадыя этувчи самовий образлари ҳаммамизга маълум. Самоларни жаннат, Иброҳимнинг оромгоҳи, Худо ҳузуридан тушаётган табаррук шаҳар деб аташади. Азиз Пир Юҳаннонинг таъкидлашича, Қуддус шаҳри Худонинг улуғвор жамоли билан балқир, унинг сайқали қимматбаҳо тош, биллур олмосга ўхшар, деворлар олмосдан қурилган бўлиб, шаҳарда абадий хурсандчилик ва ҳузур-ҳаловат ҳукмрон эди.

Осмонда куйидагилар бўлмайди: 1) кўз ёшлари, 2) ғам-ташвишлар, 3) ўлим, 4) дард-касалликлар, 5) зулмат, 6) муртад одамлар, 7) гуноҳ, 8) маъбад, 9) ой ва куюш ва 10) Одам Атонинг қилган гуноҳи учун лаънат (қаранг: Ибт. 3:16–19).

Самоларда 1) азизлар, 2) оби-ҳаёт дарёси, 3) ҳаёт дарахти, 4) Худо кўзиси, 5) Худога итоат, 6) Кўзи ва Қаллиқнинг никоҳ зиёфати, 7) Худонинг ошкора иштироки ва 8) ҳақиқат Қуюши бўлади. Самовот — бу Масихнинг истиқомат қилиш жойи. Бу Одам-Худо билан бўладиган абадий роҳатбахш мулоқотнинг ҳузур-ҳаловатидир. Жонатан Эдварс имонлиларнинг самодаги хурсандчилигини тасаввур қилишга уриниб, шундай ёзади: улар...

...Худо севгиси уммонида чўмиладилар ва тоабат ёруғликдан, мулойим ва нафис ёғдудан баҳра оладилар. Улар доимо нурдан баҳраманд бўладилар ва ҳар томондан нур билан қамраб олинадилар, нурга тўлиб-тошадилар ва уни акс эттириб ёруғлик манбаига қайтардилар<sup>1</sup>.

Азизлар нафақат ўзларининг Худочси ва Қутқарувчиси билан бўлган мулоқотдан роҳатланадилар, балки олдин заминда бўлган муқаддасларни танийдилар ва улар билан суҳбат қурадилар. Самовот — бу жамики эзгулик ва марҳаматлар маконидир.

Самоларда ҳузур-ҳаловатнинг даражаси турлича бўлади. Буларни билишга кўмаклашиш ниятида Павлус улуғворликда фарқ қиладиган, аммо битта осмонда чақнаб турувчи юлдузлар ҳақида гапиради. Бироқ ушбу масалага ойдинлик киритувчи бир нечта нуқтаи назарларни айтиб ўтишга тўғри келади. Биринчидан, барча юлдузлар чарақлайверади. Яъни бошқача қилиб айтганда, осмонда бахтсизлар ёки норозилар бўлмайди. Биз ўзимиз ўйлагандан ҳам ортиқроқ бахт-саодатга эга бўламиз. Иккинчидан, Масихнинг қутқарувчилик меҳнати барча азизларга теппа-тенг нажот олиб келади. Ва ниҳоят, имонлиларнинг озми-кўпми, ҳузур-ҳаловатга «эришиш» учун қилган «хайрли ишлари» ўзича ҳеч насага арзимади. Аслида, бу ишлар Худонинг мустақил иродасига биноан эътиборга олинishi мумкин. У буни фақат Масихни деб қилади. Дўзах азобининг янада даҳшатлиси — бу азоб-уқубатларнинг абадийлигидир. Худди шунингдек, осмондаги улкан ҳузур-ҳаловатларнинг бири — унинг сира ҳам адо бўлмаслигига ишонидир. Сўнги душман ҳисобланмиш ўлим йўқ қилинади. Имонлиларга ҳадя этилган бу мукофот осмонда абадий бўлади, деб ишонтиради бизни Хушхабарчи Лука (қаранг: Лк. 20:34-38).

Самоларда бизни улкан бахт — жаннат ҳузур-ҳаловатини кўриш ва Худонинг жамолига тўйиш қувончи кутмоқда. Аммо бу ифодалаб бўлмайдиган шоду хуррамлик фақатгина қалб кўзларигагина кўрингусидир. Худо — Рухдир, танлаб олинганлар Уни фақат руҳда кўра оладилар. Масих муяссар бўлган бу мукофот Унинг болалигига инъом қилинади.

## *Хулосалар*

1. Азоб-уқубат ва ўлим келтирувчи нимаики бўлса, бари осмонда йўқ бўлади.
2. Осмон шундай маконки, унда гуноҳ ҳам, гуноҳ самараси ҳам бўлмайди.
3. Осмон имонлиларнинг Масих билан бевосита қилган мулоқотларидан ҳузурланадиган жойдир.
4. Осмонда бизга жаннат ҳузур-ҳаловати берилади ва бу фоний дунёда кўролмаган Худо жамолини биз у ерда кўришга мушарраф бўламиз.
5. Осмонда Худо инъом этган меросдан биз абадий баҳраманд бўлиб яшаймиз.
6. Заминий билимлар ёки таассуротлар бизга осмонда инъом этилажак чексиз бахт-саодатга сира ҳам тенг кела олмайди.

## *Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар*

1 Кор. 15:50-57;

2 Кор. 5:1-8;

1 Бут. 1:3-9;

Ваҳ. 21-22.

## **101-боб**

### **Жаннат ҳузур-ҳаловатини кўра билиш**

Мен кўриб бўлмайдиган Худога қандай қилиб хизмат ва сажда қилиш кераклигини сира тушунолмаган бир бола ҳақидаги воқеани эшитганман. Бола жуда кўп ўйла-ниб кўргач, қуйидаги мақолнинг тўғрилигини тан олди: «Меҳр аслида кўзда бўлади». Жавобсиз саволлардан чарчаган бола саросимада бақирди: «Мен қўлим билан ушлаб кўрадиган Худони хоҳлайман!»

Эҳтимол, инсоният ҳам қўл билан ушласа бўладиган Худога хизмат қилиш истагида бутпарастликка берилиб кетишига мана шу сабаб бўлган бўлса керак. Дарахт ва

тошлардан ясалган бутлар соқов, кар ва сўқирдир. Улар одамга ҳеч ҳам ёрдам бермайди, жуда бўлмаганда уларни ушлаб кўриш мумкин. Бу сохта, ясама бутлар Худонинг улуғворлигини кўришга интиқ кўзларимизнинг хоҳиш-истагини қондиришга мўлжалланган.

Павлуснинг айтишича, одамлар «Мангу барҳаёт Худонинг улуғвор жамолини дунёдан ўткинчи инсон... сура-тидаги бутларга алмаштириб» (қаранг: Рим. 1:23) гуноҳ қилдилар ва «Худонинг ҳақиқатини ёлғон билан алмаштириб, Холиқ ўрнига махлуққа сиғиниб топиндилар. Холиқи оламга эса абадий шон-шарафлар бўлсин! Омин» (қаранг: Рим. 1:25).

Ҳатто Масихнинг шогирдлари ҳам Худо жамолини кўриш истагини билдиришган. Уларга ҳам Худонинг кўринмаслиги тўсиқ бўлган. Исо кечки овқат пайтида Ўз шогирдлари билан учрашганда, Филипп шундай деди: «Раббий, бизларга Отани кўрсат, шу биз учун етарли!» (Юҳ. 14:8). Филипп барча имонлиларнинг хоҳишини гапирди. Кўзимизнинг қири билан Худонинг жамолини бир маротаба кўрсак, биз учун ҳақиқатдан ҳам шунинг ўзи кифоя. Унинг илоҳий қудратини ва шон-шуҳратини кўрсак, бас. Бундан кўнглимиз хотиржам бўларди, безов-таланган руҳ эса тинчиб қоларди.

Бу илтимосга жавобан Исо тоқатсизлик ва афсус билан деди: «Филипп, Мен шунча вақтдан бери сизлар билан биргаману, Мени танимайсанми? Мени кўрган Отамни кўрган бўлади. Энди сен қандай қилиб, «Отани бизларга кўрсат», деяпсан?» (Юҳ. 14:9).

Анча илгарироқ Исо Ўзининг Тоғдаги ваъзини ҳузур-ҳаловат амрларидан бошлаган. У покдил бўлганларни бахтлидир, деб эълон қилди, чунки улар Худони кўришга муяссар бўладилар. Одамлар севган ва сажда қилаётган Худоларини бутун шон-шуҳратга бурканган ҳолда кўришни истар эдилар. Худо Адан боғига кириш дарвозасининг олдига алангали қилич тутган карубни кўйгандан бошлаб бирор инсон Уни кўриш имконига эга эмас эди. Ҳатто, Ўзининг улуғворлигини менга зоҳир қил, деб

илтижо этган Мусога ҳам Худо шундай деди: «...Сен Мени орқамдан кўрасан. Юзимни эса кўрмайсан» (Чиқ. 33:23).

Лекин барибир гуноҳдан фориғ бўлганлар (покланганлар) сирли пардани кўтариб, Худонинг пок улуғворлигини кўриш бахтига муяссар бўлиш пайтини кутмоқдалар. Биз Худонинг улуғворлигини кўзларимиз ёмон кўриши туфайли эмас, балки қалбларимиз етарлича даражада пок бўлмаганлиги учун кўролмаимиз. Қачонки биз осмонда улуғланиб, қалбларимиз покланса, таърифга сиғмас ҳузур-ҳаловатдан лаззатлана оламиз, чунки биз Унинг улуғворлиги имконига эга бўламиз.

Бу кўриш жаннат ҳузур-ҳаловатини кўриш деб аталади, чунки бу инсон қалби учун Ўзи билан юксак роҳат-фароғат олиб келган Худони кўришдир. Исроил халқини қандай дуо қилишганини бир эслаб кўринг-а: «Эгам сенга барака берсин, сени Ўз паноҳида асрасин! Эгам сенга очиқ юз билан боқсин, сенга илтифот қилсин. Эгам назарини сенга солсин, сенга тинчлик ато этсин!» (Саҳ. 6:24-26).

Юҳаннонинг айтишича, келажакда нима бўлишимиз ҳануз ноаниқ, лекин бизга шу нарса аниқ ва равшанки: «...Исо Масиҳ зоҳир бўлганда, биз У сингари бўламиз; У қандай бўлса, Уни шундай ҳолда кўрамиз» (1 Юҳ. 3:2).

Бу ваъда бизга шундай ишонч бағишлайдики, Худо осмонларда Ўзини зоҳир қилади. Бу зоҳирлик худди Худо ёнаётган бута орасидан Мусони чақиргани сингари, инсонга Худонинг бутун шуҳрати намойиш қилинишига ўхшайди, яъни Худо намоён бўлишининг ҳамма ҳодисалари устунлик қилади. Бу намоён ёниб турган тоғолча дарахтидан ёки булут устунидан афзалроқ намоён бўлади. Биз зоҳирий тасвир ёки акс этган образдан улканроғини кўрамиз. «У қандай бўлса», биз Уни шундай ҳолда кўрамиз. Биз ўз Худомизнинг асл моҳиятини қандайдир суратда яхшилаб кўриб олишимиз мумкин. Ана шундагина бизда Уни «ушлаб кўриш» истаги бўлмайди.

## **Хулосалар**

1. Худонинг кўринмаслиги далили кўпинча одамларни бутпарастликка ундайди.
2. Масиҳ Худонинг баркамол образини Ўзида зоҳир қилди, Уни кўриш — бу Отани кўриш демакдир.
3. Покдил бўлганлар Худони кўрурлар.
4. Самоларда мукамал покликка эришмагунча, ҳеч бир банда Худонинг жамолини кўролмайди.
5. Келажакда Худони кўриш — жаннат ҳузур-ҳаловатини кўриш деб аталади, чунки У қалбларимизни таърифлаб бўлмайдиган бахт-саодатга тўлдиреди.

## ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Чиқ. 32:1–33:23;

Саҳр. 6:24–26;

Мат. 5:8;

Юҳ. 14:1–11;

Ваҳ. 22:1–5.

## **102-боб**

### **Дўзах**

Биз ҳаммамиз «уруш — бу ҳақиқий дўзах» ёки «мен чинакам дўзах азобини бошимдан кечирдим» дейилган ибораларни бир неча бор эшитганмиз. Табиийки, ҳеч ким бу ибораларнинг асл маъносини тушунмайди. Тўғрироғи, улар *дўзах* сўзини инсон қисматига тушган ниҳоятда оғир, ваҳимали азоб-уқубатларни ифодалаш учун қўллайдилар. Бироқ ердаги изтироблар ёки кулфатлар гуноҳкорларни дўзахда кутаётган азлб-уқубатлар билан асло солиштириб бўлмайди. Ҳатто ер юзида мавжуд энг оғир жафоларни кўз олдимизга келтириб тасаввур қилсак-да, дўзахнинг ҳақиқий манзарасини тасвирлашга бизнинг тасаввуримиз ожизлик қилади.

Одамлар дўзах ҳақиқатларини етарлича баҳолай олмайдилар, уларга енгил-елпи ёки масхараомуз муносабатда бўладилар. Нимаики бизни хавфга солиб кўрқитса, шу ҳақда биз хазиллашамиз. Чунки шу йўсинда бизга хавф солувчи даҳшатни юмшатишга ва дўзахнинг ваҳимали, кўрқинчли образларидан бутунлай қутилишга ҳаракат қиламиз.

Муқаддас Китобда бутун вужудингизни титратиб, дағдағ қалтиратадиган дўзах тушунчасидан ёвузроқ тушунча йўқ. Дўзах билан боғлиқ нимаики бўлса, нақадар жўн ва соддаки, то Исонинг сўзлари одамларни мажбур қилмагунча, кўпчилик бу муаммо тўғрисида ўйлаб бош қотиргиси ҳам келмайди.

Дўзах ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимотининг деярли бариси Масихнинг Ўзидан келиб чиқади. Эҳтимол, бошқалардан кўра кўпроқ худди шу таълимот қабул қилинганлиги Унга эргашувчиларнинг садоқатидан гувоҳлик беради. Ҳозирги замон масихийлари Масих таълимотини қандайдир четлаб ўтиш ёки бошқачароқ талқин қилиш мақсадида, дўзах тушунчасини бироз юмшатиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Муқаддас Китоб эса дўзахни ташқи қоронгулик, олов кўли, тишларни ғижирлатиб аюҳаннос соладиган жой, Худо марҳаматидан мангу ажралган муртадлар макони, озодликдан маҳрум этилганларнинг ҳамда дўзахиларнинг қурти ҳам ўлмайдиган, ўти ҳам сўнмайдиган макон, деб таърифлайди. Мангу жазоларнинг бу ёрқин образлари қуйидагича саволни келтириб чиқаради: биз уларни қандай қабул қилишимиз керак — айнанми ёки рамзий маънодами?

Хўп, уларни рамз деб фараз ҳам қилдим, лекин бундан мен ҳеч ҳам енгиллик сезмайман. Бироқ буни *фақатгина* рамз деб тушунмаслик керак. Эҳтимол, дўзахдаги гуноҳкор доимий истиқомат жойи сифатида Муқаддас Китобда тасвирланган олов кўли образидаги реал жаҳаннамдан кўра, ҳақиқий олов кўлини афзалроқ кўрар. Агар бу образлар ҳақиқатдан ҳам жаҳаннамнинг рамзий аломати бўлса, у ҳолда биз ҳақиқийлик ўзининг символик тасвирига қараганда даҳшатлироқдир, деган хулосага

келишимиз керак экан-да. Рамзнинг вазифаси — бу рамз тасвирдан каттароқ бўлган, аллақандай ҳақиқатни кўрсатишдан иборатдир. Дўзахни тасвирлашда Исо имкон қадар мавжуд бўлган ёвуз образлардан фойдаланганлиги бу образларни фақат рамзий маъно сифатида қабул қилувчиларга тасалли бўлиб хизмат қилмайди.

Одамларга дўзах — бу Худодан юз ўгириш рамзи деб айтилганда, улар енгил тортиб нафас олишади. Худодан умрбод юз ўгириш тавба қилмаган банда учун жиддий гуноҳ ҳисобланмайди. Аксинча, нопок одамлар иложи борича Худодан узоқроқ юришни хоҳлашади. Бироқ Худодан узоқлашиш уларга жазо бўлмайди, балки Худонинг мавжудлиги нопокларга азоб-уқубат келтиради. Қиёматда Худо Ўзининг илоҳий қаҳр-ғазабига тўлган ҳолда зоҳир бўлади. Ҳукм қилинганлар муносиб жазоларини олишлари учун У ўша ерда бўлади. Гуноҳкорлар Уни ютиб юбораётган олов сингари қабул қиладилар.

Биз дўзахни қандай кўринишда қабул қилмайлик, у барибир оғир ва ғайриоддий жазолаш макони бўлиб қолаверади. Фақат, дўзахда шафқатсизликка йўл кўйилмайди, деган ишонч бизга тасалли сифатида хизмат қилиши мумкин. Худо бешафқат бўлолмайди. Шафқатсизлик гуноҳкорга мос бўлган жазодан кўра оғирроқ ёки қаттикроқ жазони назарда тутаяди. Ушбу маънода шафқатсизлик — бу адолатсизликдир. Худо ҳеч кимни ноҳақ ҳукм қилмайди. Бутун оламнинг Ҳаками ҳеч кимни адолатсиз жазоламайди. Бегуноҳ одам ҳеч қачон Унинг қўлларидан зарар кўрмайди.

Балки, дўзахнинг энг кўрқинчли аспекти — бу дўзах ўтининг сўнмаслигидир. Агар одамлар пировардида азоб-уқубатларнинг барҳам топишини билсалар, улар ҳар қандай оғир жазоларга ҳам дош бера оладилар. Дўзахда эса бундай умид йўқ. Муқаддас Китоб жазонинг мангу давом этиши тўғрисида аниқ ва равшан қилиб айтган. Абадий ҳаёт ва абадий ўлимни тавсифлаш учун бир сўздан фойдаланилади. Жазо оғриқни кўзлайди. Одамни йўқ қилиш, баъзилар кутганидай, ҳеч қандай оғриқни назарда тутмай-

ди. Жонатан Эдварс Ваҳий Китоби (6:15–16) мавзусига бағишлаб қилган ваъзиди шундай деган: «Нопок одамлар мамнуният билан Худонинг қаҳр-ғазабидан қочиш учун ҳеч нимага айланиб, ўзларининг ўлимига рози бўлар эдилар»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, дўзах — бу фақатгина Худонинг солиҳ ва куйдирувчи ғазаби мавжуд бўлган абадийликдир. Бу оғир азоб-уқубатлардан енгиллашишнинг ёки қутулишнинг сира ҳам иложи йўқ. Биз Масиҳ жасоратини қадрлашимиз ва Унинг Хушхабарини ваъз қилишимиз учун буни тушунишимиз жуда зарур.

### ***Хулосалар***

1. Дўзахдаги азоб-уқубатларни заминдаги ҳеч қандай азоб ва изтироблар билан қиёслаб бўлмайди.
2. Исо Ўз таълимотида дўзах ҳақида аниқ ва равшан айтган.
3. Агар Муқаддас Китоб дўзахни фақатгина рамз сифатида тасвирлаган бўлса, у ҳолда реал дўзах рамзларга қараганда анчагина ваҳималироқ бўлади.



4. Дўзах — бу Худонинг қаҳр-ғазаб билан зоҳир бўлиши ва У кўрсатадиган жазодир.
5. Дўзахда ноҳақлик йўқ. Бу мукамал адолат маконидир.
6. Дўзах абадийдир. Ўлимдан кейин на тавба қилиш, на аннигиляция гуноҳкорни дўзах азоб-уқубатларидан қутқара олади.

### ***Муқаддас Китобдан мулоҳаза учун олинган парчалар***

Мат. 8:11-12;  
Мк. 9:42-48;  
Лк. 16:19-31;  
Ибр. 1:3-13;  
Ваҳ. 20:11-15.

## ИЗОҲЛАР

### Кириш

- <sup>1</sup> J. V. Langmead Casserley, *Apologetics & Evangelism* (Louisville: Westminster, 1970).
- <sup>2</sup> Стотт, Джон. *Великий спорщик*. СПб: Мирт, 2000.
- <sup>3</sup> Буньян, Джон. *Путешествие пилигрима в Небесную страну*. СПб: Свет на Востоке, 1991. С. 38–43.
- <sup>4</sup> Allan Bloom, *The Closing of the American Mind* (New York: Simon & Schuster, 1987).
- <sup>5</sup> C. S. Lewis, «On the Reading of Old Books», in *God in the Dock: Essays on Theology and Ethics* (Grand Rapids: Eerdmans, 1970), 204-205.

### 3–боб

- <sup>1</sup> Кальвин, Жан. *Наставление в христианской вере* (М.: Изд-во Российского государственного гуманитарного университета, 1977), Книга I, глава III: 1, стр. 39.

### 9–боб

- <sup>1</sup> Бейнтон, Роланд. *На сем стою*. Заокский: Источник жизни, 1966. С. 179.

### 20–боб

- <sup>1</sup> Вестминстерское исповедание веры (Одесса: Христианское просвещение, 2000), гл. 5, разд. 1.

### 26–боб

- <sup>1</sup> Вестминстерское исповедание, гл. 8, разд. 1.

### 33–боб

- <sup>1</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга II, глава XVI: 14, стр. 525.

### 35–боб

- <sup>1</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга I, глава XV, стр. 495–504.

### 39–боб

- <sup>1</sup> Лютер, Мартин. *Рабство воли* // Фонд лютеранского наследия. СПб, 1997.
- <sup>2</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга I, глава VII: 4–5, стр. 72–74.

### 44–боб

- <sup>1</sup> Шекспир, Вильям. *Макбет* // Комедии, хроники, трагедии, сонеты, том 2 (М.: Рипол, 1998, пер. Ю. Корнеева), сцена 5, стр. 635.

**50-боб**

- <sup>1</sup> Вестминстерский большой катехизис (Одесса: Христианское просвещение, 2000), вопрос 24.
- <sup>2</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга II, глава III:6, стр. 294–295.

**51-боб**

- <sup>1</sup> Вестминстерское исповедание, 6:1.
- <sup>2</sup> Вестминстерское исповедание, 6:1–4.

**53-боб**

- <sup>1</sup> Бейнтон, Роланд. *На сем стою*. Заокский: Источник жизни, 1966. С. 179.

**60-боб**

- <sup>1</sup> Колсон, Чарлз. *Рождённый заново*. СПб: Кредо, 1997.

**63-боб**

- <sup>1</sup> Edwards, *The Freedom of the Will*, ed. Paul Ramsey (New Haven: Yale University Press, 1973), 173.
- <sup>2</sup> Edwards, *The Freedom of the Will*, 156.

**78-боб**

- <sup>1</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга IV, глава XII: 4, стр. 221.
- <sup>2</sup> Вестминстерское исповедание, 30:3.

**82-боб**

- <sup>1</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга IV, глава XVII:28, стр. 378–379.

**85-боб**

- <sup>1</sup> Вестминстерское исповедание, 22:3.

**92-боб**

- <sup>1</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга II, глава VII:6–12, стр. 354–360.
- <sup>2</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга II, глава VII:9, стр. 356.
- <sup>3</sup> Кальвин, *Наставление*, Книга II, глава VII:10, стр. 358–360.

**94-боб**

- <sup>1</sup> Вестминстерское исповедание, 23:1, 3.

**96-боб**

- <sup>1</sup> Вестминстерское исповедание, 24:5, 6.

**100-боб**

- <sup>1</sup> Jonathan Edwards, *The Works of Jonathan Edwards*, vol. 2 (Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1979), 29.

**102-боб**

- <sup>1</sup> John H. Gerstner, *Heaven & Hell* (Orlando: Ligonier Ministries, 1991), 75.

## ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР

### БОШЛОВЧИЛАР УЧУН

#### I. Ҳақиқат

North, Gary. *The Hoax of Higher Criticism*. Tyler: Institute for Christian Economics, 1989.

Radmacher, Earl D. *Can We Trust the Bible?* Wheaton, Ill.: Tyndale House Publishers, Inc., 1979.

#### II. Худонинг табиати ва сифатлари

Brown, Stephen. *If God Is in Charge*. Nashville: Thomas Nelson Publications, 1983.

Colson, Charles W. *Loving God*. Grand Rapids: Zondervan Publishing House, 1987.

Колсон, Чарлз. *Любить бога...* Чикаго: SGP, 1990.

#### III. Худонинг ишлари ва амрлари

Ramsbottom, B. A. *Bible Doctrines Simply Explained*. London: Gospel Standart Trust Publications, 1986.

Robertson, O. Palmer. *Covenants: God's Way*. Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1987.

#### IV. Исо Масих

Lloyd-Jones, D. M. *The Cross of Christ*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1986.

Макдауэлл, Джош. *He просто плотник*. М.: Новая жизнь. 2001.

Sproul, R. C. *Following Crist*. Wheaton, Ill.: Tyndale House Publishers, Inc., 1991.

#### V. Муқаддас Рух

Green, Michael. *I Believe in the Holy Spirit*. Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1989.

Stott, John R. *The Baptism and Fullness of the Spirit*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1976.

#### VI. Инсон ва гуноҳ қилиш

Alien, Roland B. *The Majesty of Man: The Dignity of Being Human*. Portland, Oreg.: Multnomah, 1984.

Brand, Paul abd Yancey, Philip. *Fearfully & Wonderfully Made*. Grand Rapids: Zondervan Publishing House, 1987.

Lewis, C. S. *The Abolition of Man*. New York: Macmillan Publishing Company, Inc., 1978.

Льюис, К. С. *Человек отменяется*/ Собр. соч. в 8 тт.: т. 3, М.: Фонд им. Меня, СПб: Библия для всех, 1999.

## **VII. Қутқарилиш**

Horton, Mishael Scott. *Putting Amazing Bask into Grace: An Introduction to Reformed Theology*. Nashville: Thomas Nelson Publications, 1991.

Palmer, Edwin H. *The Five Points of Calvinism: A Study Guide*. Grand Rapids: Baker Book House, 1972.

Стотт, Джон. *Основание христианства*. М.: Триада, 1998.

## **VIII. Жамоат ва маросимлар**

Barss, Jerran. *Sherheds and Sheep: A Biblical View of Leading and Following*. Downers Grove, Ill.: Inter Varsity Press, 1983.

Sartelle, John P. *Infant Baptism: What Christian Parents Should Know*. Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1985.

## **IX. Ҳозирги дунёда руҳият ва ҳаёт**

Kelly, Douglas. *If God Already Knows, Why Pray?* Brentwood: Wolgemuth & Hyatt Publishers, Inc., 1989.

Sproul, R. C. *Following Christ*. Wheaton, Ill.: Tundale House Publishers, Inc., 1991.

Sproul, R. C. *The Intimate Marriage*. Wheaton, Ill.: Tundale House Publishers, Inc., 1986.

## **X. Охир замон**

Clouse, Robert G., ed. *The Meaning of the Millenium: Four Views*. Brethren Missionary Herald Inc., 1978.

Erickson, Millard J. *Contemporary Options in Eschatology: A Study of the Millenium*. Grand Rapids: Baler Book House, 1977.

## **ЎРТА ДАРАЖАДАГИЛАР УЧУН**

### **I. Ҳақиқат**

Sproul, R. C. *Knowing Scripture*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1977. Stott. John R. *The Authority of the Bible*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1974.

Стотт, Джон. *Постигая Священное Писание*. СПб.: Северо-Западная библейская комиссия, 1994.

### **II. Худонинг табиати ва сифатлари**

Пакер, Джеймс. *Познание бога*. СПб: Мирт, 1977.

Pink, Arthur W. *Attributes of God*. Grand Rapids: Baker Book House, 1975.

Sproul, R. C. *One Holy Passion: The Consuming Thirst to Know God*. Nashville: Thomas Nelson Publications, 1987.

Спраул, Роберт. *Святость бога*. СПб: Мирт, 1996.

Storms, C. Samuel. *The Grandeur of God*. Grand Rapids: Baker Book House, 1984.

### **III. Худонинг ишлари ва амрлари**

Boice, James M. *Our Sovereign God*. Grand Rapids: Baker Book House, 1977.

Bridges, Jerry. *Trusting God*. Colorado Springs: NavPress, 1991.

Robertson, O. Palmer. *The Christ of the Covenants*. Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1981.

### **IV. Исо Масих**

Bruce, F. F. *Jesus: Lord and Savior*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1986.

Спраул, Роберт. *Слава Хрисма*. СПб: Мирт, 2002.

Stott, John. *The Cross of Christ*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1986.

Warfield, Benjamin B. *The Savior of the World*, Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1960.

### **V. Муқаддас Рух**

Packer, J. I. *Keep in Step with the Spirit*. Tarrytown: Fleming H. Revell Co., 1984.

Palmer, Edwin H. *The Holy Spirit: His Person and Ministry*. Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Co., 1985.

Спраул, Роберт. *Тайна Святого Духа*. СПб: Мирт, 1997.

### **VI. Инсон ва гуноҳ қилиш**

Machen, J. Gresham. *The Christian View of Man*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1984.

Packer, J. I. *Knowing Man*. Wheaton, Ill.: Good News Publishers, 1979.

Sproul, R. C. *The Hunger for Significance*. Ventura, Calif.: Gospel Light Publications, Inc., 1991.

### **VII. Қутқарилиш**

Murray, John. *Redemption: Accomplished and Applied*. Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1961.

Murray, John. *The Sovereignty of God*. Edited by Jacob T. Hoogstra. Grand Rapids: Zondervan Publishing House, 1940.

Pink, Arthur W. *The Sovereignty of God*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1988.

Пинк, Артур. *Божественный суверенитет*. Мн.: Альфом, 1998.  
Спраул, Роберт. *Избранные Богом*. СПб: Мирт, 2001.

### **VIII. Жамоат ва маросимлар**

Adams, Jay E. *The Meaning and Mose of Baptism*. Phillipsbing: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1975.

Kuiper, R. B. *The Glorious Body of Chirst*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1987.

Stott, John. *One People: Helping Your Church Become a Caring Community*. Harrisburg: Christian Publications, 1982.

### **IX. Ҳозирги дунёда руҳият ва ҳаёт**

Bridges, Jerry. *The Pursuit of Holiness*. Colorado Springs: Nav-Press, 1978.

Бриджес, Джерри. *Стремление к святости*. М.: Духовное возрождение, 1977.

Ferguson, Sinclair. *A Heart for God*. Carlisle, Pf.: Banner of Trunh, 1987.

Pratt, Richard L. Jr. *Pray with Your Eyes Open: Looking at God, Ourselves, and Our Prayers*. Grand Rapids: Baker Book House, 1988.

Спраул, Роберт. *Как угодить Богу*. СПб: Мирт, 2001.

### **X. Охир замон**

Campbell, Roderick. *Israel' and rhe New Covenant*. Tyier Geneva Ministries, 1982.

Gerstner, John H. *Jonathan Edwards on Heaven and Hell*. Grand Rapids: Baker Book House, 1980.

Gilmore, John. *Probing Heaven*. Grand Rapids: Baker Book House, 1989.

Hendriksen, William. *The Bible on the Life Hereafter*. Grand Rapids: Baker Book House, 1959.

## **ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИЛАР УЧУН**

### **I. Ҳақиқат**

Bryce, F. F. *The Foundation of Biblical Authority*. Edited by James M. Boice. Grand Rapids: Zondervan Publishing House, 1978.

Bryce, F. F. *Canon of Scripture*. Downers Grove, 111.: InterVarsityPress, 1988.

Montgomery, John WarWick. *God's Inerrant Word*. Minneapolis: Bethany Fellowship, 1974.

Warfield, B. B. *The Inspiration and Authority of the Bible*. Grand Rapids: Baker Book House, 1964.

## **II. Худонинг табиати ва сифатлари**

Bavinck, Herman. *The Doctrine of God*. Translated by W. Hendricksen. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1977. Boice, James. *Foundations of the Cristian Faith*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1986.

Charnock, Stephen. *The Existence and Attributes of God*. Grand Rapids: Baker Book House, 1979.

Clark, Gordon. *The Trinity*. (Trinity Papers: No. 8.) Jefferson: The Trinity Foundation, 1985.

## **III. Худонинг ишлари ва амрлари**

Ames, William. *The Marrow of Theology*. Durham: The Labyrinth Press, Inc., 1983.

Bates, William. *Harmony of the Divine Attributes*. Harrisonburg: Sprinkle Publications, 1985.

Warfield, B. B. *Counterfeit Miracles*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1986.

Witsius, Herman. *The Economy of the Covenants between God and Man*. Distributed by Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1990.

## **IV. Исо Масиҳ**

Morris, Leon. *The Apostolic Preaching of the Cross*. Grand Rapids: William B. Eerdbans Publishing Company, 1976.

Morris, Leon. *The Cross of Jesus*. Grand Rapids: William B. Eerdbans Publishing Company, 1988.

Оуэн, Джон. *Жизнь через его смерть*. The Roundwood Trust, Bedford, 1998.

Smeaton, George. *The Doctrine of the Atonement according to the Apostles*. Peabody: Hendrikson Publications, Inc., 1988.

Warfield, B. B. *The Person and Work of Chirst*. Distributed by Grands: Baker Book House; published by Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1950.

## **V. Муқаддас Рух**

Kuuper, Abraham. *The Work of the Holy Spirit*. Grand Rapids: William B, Eerdmans Publishing Company, 1956.

Owen, John. *The Holy Spirit, His Gifts & Power*. Melbourne: Kregel Publications, 1977.

Smeaton, George. *The Doctrine of the Holy Spirit*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1988.

## **VI. Инсон ва гуноҳ қилиш**

Klark, Gordon H. *The Biblical Doctrine of Man*. Jefferson: The Trinity Foundation, 1984.

Cosgrove, Mark P. *The Essence of Human Nature*. Grand Rapids: Zondervan Publishing House, 1977.

Hoekema, Anthony. *Created in God's Image*. Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1986.

Machen, J. Gresham. *The Christian View of Man*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1984.

## **VII. Қутқарилиш**

Crampton, Kenneth, and Gary Talbot. *Calvinism, Hyper-calvinism and Arminianism*. Lakeland: Whitefield Publishing, 1990.

Morris, Leon. *The Atonement*. Downers Grove, Ill.: InterVarsity Press, 1983.

Wallace, Ronald S. *The Atoning Death of Christ*. Wheaton, Ill.: Good News Publishers, 1981.

## **VIII. Жамоат ва маросимлар**

Bannennan, D. Douglas. *The Scripture Doctrine of the Church*. Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1955.

Marcel, Pierre. *The Biblical Doctrine of Infant Baptism*. Translated by James Clarke. London: James Clarke & Company, 1953.

McNair, Donald J. *The Challenge of Eldership: A Handbook for the Elders of the Church*. Philadelphia: Great Commission Publications, 1984.

Мюррей, Джон. *Христианское крещение*. Общество «Реформация», М., 2001.

## **IX. Ҳозирги дунёда руҳият ва ҳаёт**

Burroughs, Jeremiah. *The Rare Jewel of Christian Contentment*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1979.

Edwards, Jonathan. *Charity and Its Fruits*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1978.

Owen, John. *The Grace and Duty of Being Spiritually Minded: Stated and Practically Improved*. Grand Rapids: Baker Book House, 1977.

Оуэн, Джон. *Размышляя о духовном*. СПб: Мирт, 2000.

Warfield, Benjamin B. *Perfectionism*. Grand Rapids: Baker Book House, 1981.

## **X. Охир замон**

Hoekema, Anthony A. *The Bible and the Future*. Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1979.

Ridderbos, Herman. *The Coming of the Kingdom*. Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1962.

Vos, Geerhardus. *The Kingdom of God and the Church*. Phillipsburg: Presbyterian & Reformed Publishing Company, 1972.

## КЛАССИК ИЛОҶИЁТ

Ансельм Кентерберийский. *Почему Бог стал человеком*. Высшая религиозно-философская школа Спб, 1999.

Ансельм Кентерберийский. *The Virgin conception and Original Sin*. (Anselm of canterbury series, Vol. 3.) Translated by Jasper Hopkins and Herbert Richardson. Lewiston: Edwin Mellen Press, 1976.

Фома Аквинский. *Сумма против язычников*. Вестком, Долгопрудный, 2002.

Фома Аквинский. *Сумма Теологии*. Эльга, Ника-центр, Киев, Элькор-МК, Москва, 2002.

Блаженный Августин. *Исповедь*. Алетейя, Спб, УЦИММ-Пресс, Киев, 1998.

Блаженный Августин. *Град Божий*. Алетейя, Спб, УЦИММ-Пресс, Киев, 1998.

Augustine, St. *The Trinity*. (Fathers of the Church series, Vol. 45). Translated by Stephen McKenna. Baltimore: Catholic University of America Press, 1963.

Кальвин, Жан. *Наставление в христианской вере*. Изд-во Российского государственного гуманитарного университета, М., 1997.

Эдвардс, Джонатан. *Свобода воли*. Шандал, 2003.

Edwards, Jonathan. *Religious Affections: How Man Will Affect His Character before God*. Edited by James M. Houston. Portland, Oreg.: Multnomah Press, 1990.

Edwards, Jonathan. *Original Sin*. (Works of Jonathan Edwards series, Vol. 3) Edited by Clyde A. Holbrook. New Haven, Conn.: Yale University Press, 1970.

Hodge, A. A. *Outlines of Theology*. Carlisle, Pa.: Banner of Truth, 1983.

Hodge, Charles. *Systematic Theology*. Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1960.

Лютер, Мартин. *Рабство воли*. «Фонд лютеранского наследия», Спб, 1997.

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА . . . . .	3
КИРИШ . . . . .	5
БИРИНЧИ ҚИСМ. ҲАҚИҚАТ . . . . .	25
1-боб. Илоҳий ҳақиқат . . . . .	27
2-боб. Зиддият, сирлилик ва қарама-қаршилик . . . . .	32
3-боб. Бевосита ва билвосита умумий ваҳий . . . . .	35
4-боб. Алоҳида ваҳий ва Муқаддас Китоб . . . . .	39
5-боб. Илоҳий Қонун . . . . .	41
6-боб. Худонинг пайғамбарлари . . . . .	44
7-боб. Муқаддас Ёзув қонун-қоидалари . . . . .	46
8-боб. Муқаддас Китобни талқин қилиш . . . . .	51
9-боб. Хусусий равишда талқин қилиш . . . . .	54
ИККИНЧИ ҚИСМ. ХУДОНИНГ ТАБИАТИ ВА СИФАТЛАРИ . . . . .	57
10-боб. Худонинг сирлилиги . . . . .	59
11-боб. Худонинг Учбирлиги . . . . .	62
12-боб. Худонинг мукамаллиги . . . . .	64
13-боб. Худонинг қудратлилиги . . . . .	66
14-боб. Худонинг ҳозир нозирлиги . . . . .	69
15-боб. Худо ҳамма нарсани бошқаради . . . . .	72
16-боб. Худонинг Муқаддаслиги . . . . .	75
17-боб. Худонинг эзгулиги . . . . .	77
18-боб. Худонинг адолатлиги . . . . .	80
УЧИНЧИ ҚИСМ. ХУДОНИНГ ИШЛАРИ ВА АМРЛАРИ . . . . .	83
19-боб. Яратилиш . . . . .	85
20-боб. Олдиндан кўра билиш . . . . .	89
21-боб. Мўъжиза . . . . .	92
22-боб. Худонинг иродаси . . . . .	95
23-боб. Аҳд . . . . .	99
24-боб. Аҳд вазифалари . . . . .	101
ТўРТИНЧИ ҚИСМ. ИСО МАСИХ . . . . .	105
25-боб. Масихнинг илоҳий табиати . . . . .	107
26-боб. Масихнинг итоаткорлиги . . . . .	109
27-боб. Масихнинг инсоний табиати . . . . .	112
28-боб. Масихнинг бегуноҳлиги . . . . .	114

29-боб. Айбсиз ҳомиладорлик . . . . .	117
30-боб. Исо Масиҳ Ягона Ўғил сифатида . . . . .	119
31-боб. Масиҳнинг сувда чўмиб имон келтириши . . . . .	123
32-боб. Масиҳнинг улуғворлиги . . . . .	125
33-боб. Масиҳнинг осмонга Кўтарилиши . . . . .	127
34-боб. Исо Масиҳ Худо ва одам ўртасидаги Воситачи сифатида . . . . .	131
35-боб. Масиҳнинг уклик хизмати. . . . .	133
36-боб. Исонинг исмлари. . . . .	135

БЕШИНЧИ ҚИСМ. МУҚАДДАС РУҲ . . . . .	141
37-боб. Муқаддас Руҳнинг илоҳийлиги. . . . .	143
38-боб. Муқаддас Руҳнинг шахсга оид табиати . . . . .	145
39-боб. Муқаддас Руҳнинг ички гувоҳлиги. . . . .	147
40-боб. Муқаддас Руҳдан зиё олиш. . . . .	149
41-боб. Муқаддас Руҳни қабул қилиш. . . . .	152
42-боб. Муқаддас Руҳ — Юпатувчи . . . . .	155
43-боб. Муқаддас Руҳ — Покловчи . . . . .	157

ОЛТИНЧИ ҚИСМ. ИНСОНВА ГУНОҲ ҚИЛИШ. . . . .	161
44-боб. Ўзликни билиш ва Худони англаш. . . . .	163
45-боб. Инсон Худо суратида яратилган . . . . .	167
46-боб. Инсон тана ва қалб сифатида . . . . .	169
47-боб. Инсон тана ва руҳ сифатида . . . . .	173
48-боб. Шайтон . . . . .	176
49-боб. Ёмон руҳлар . . . . .	179
50-боб. Гуноҳ . . . . .	181
51-боб. Бирламчи гуноҳ. . . . .	184
52-боб. Одамнинг ахлоқсизлиги . . . . .	188
53-боб. Инсоннинг виждони . . . . .	191
54-боб. Кечирилмайдиган гуноҳ . . . . .	193
55-боб. Синкретизм . . . . .	195

ЕТТИНЧИ ҚИСМ. НАЖОТ ТОПИШ . . . . .	199
56-боб. Нажот топиш. . . . .	201
57-боб. Олдиндан белгилаш . . . . .	204
58-боб. Олдиндан белгилаш ва абадий ҳукм. . . . .	207
59-боб. Таъсирчан даъват. . . . .	211
60-боб. Юқоридан туғилиш . . . . .	213
61-боб. Гуноҳларни ювиш . . . . .	216
62-боб. Чекланган гуноҳни ювиш . . . . .	219
63-боб. Ироданинг эркинлиги . . . . .	224
64-боб. Имон . . . . .	228

65-боб. Қутқарувчи имон . . . . .	231
66-боб. Имон билан оқланиш . . . . .	234
67-боб. Имон ва савоб . . . . .	237
68-боб. Тавба-газарру . . . . .	239
69-боб. Хизматлар ва марҳамат . . . . .	242
70-боб. Азизларнинг имондан қайтмаслиги . . . . .	244
71-боб. Нажотга ишонч . . . . .	248
72-боб. Оралиқ ҳолат . . . . .	251
73-боб. Батамом тирилиш . . . . .	254
74-боб. Улуғлаш . . . . .	256
75-боб. Ҳаворийлар . . . . .	260
76-боб. Жамоат . . . . .	262
77-боб. Ҳақиқий Жамоатнинг белгилари . . . . .	264
78-боб. Жамоатдан четлаштириш . . . . .	267
79-боб. Маросимлар . . . . .	269
80-боб. Сувда имон келтириш . . . . .	272
81-боб. Чақалоқларни сувда имонга киритиш . . . . .	274
82-боб. Раббийнинг Қутлуг зиёфати . . . . .	277
83-боб. Ўзгариш . . . . .	281
84-боб. Дам олиш куни . . . . .	285
85-боб. Қасам ва ваъдалар . . . . .	287
86-боб. Руҳ самараси . . . . .	293
87-боб. Севги . . . . .	296
88-боб. Умид . . . . .	298
89-боб. Ибодат . . . . .	301
90-боб. Антиномизм . . . . .	303
91-боб. Легализм . . . . .	306
92-боб. Қонуннинг уч томонлама мақсади . . . . .	308
93-боб. Перфекционизм . . . . .	311
94-боб. Давлат ҳокимияти . . . . .	313
95-боб. Никоҳ . . . . .	316
96-боб. Ажралиш . . . . .	318
97-боб. Дажжол . . . . .	325
98-боб. Масихнинг қайтиши . . . . .	327
99-боб. Худо салтанати . . . . .	329
100-боб. Самовий ватан . . . . .	332
101-боб. Жаннат хузур-ҳаловатини кўра билиш . . . . .	334
102-боб. Дўзах . . . . .	337
ИЗОҲЛАР . . . . .	341
ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР . . . . .	343